

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР
ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

ЖУМА ХОЛМУМИНОВ

ЭКОЛОГИЯ ВА ҚОНУН

Тошкент
«Адолат»
2000

X—72

Холмўминов Ж.

Экология ва қонун. — Т.: «Адолат», 2000.— 352 б.

Сарл. олдиди: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги академияси.

ББК 28.081

*Тошкент Давлат юридик институти
ўқув-услубий кенгаши тамонидан нашрга
тавсия этилган*

Узоқ йил умр кўришнинг асосий омили соф ҳаводир. Шунинг учун бутун дунёда экологияга алоҳида эътибор берилмоқда. Хўш, бу муаммо бизнинг мустақил юртимизда қандай ҳал қилинмоқда?

Мазкур китоб айнан шу мавзуга бағишланган. Унда кўпчиликни қизиқтирган экология муаммосини кенгроқ тушунтириш билан боғлиқ масалалар савол-жавоб шаклида берилган бўлиб, у ҳуқуқни ва табиатни муҳофаза қилувчи органлар, экосан, корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарлари, талабалар ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тақризчилар: юридик фанлар доктори, профессор
И. ЖАЛИЛОВ,
юридик фанлар доктори **М. УСМОНОВ**

X $\frac{2001050000-004}{(04) - 2000}$ эълонсиз, 2000.

© Ж. Холмўминов, 2000

СЎЗ БОШИ

Инсон дунёга келибдики, кўз очиб табиатни кўради, унинг сўлим бағрида ўсади, улгаяди ва ҳаёт кечиради. Шунинг учун ҳам табиатни инсоннинг онаси деймиз.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясининг 55-моддасида «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир», — деб кўрсатилган.

Демак, табиатни муҳофаза қилиш, экологик талабларга ҳар доим риоя этиш ва экологик ҳалокатларнинг олдини олиш мустақил давлатимизнинг социал-иқтисодий, ҳуқуқий масаласи бўлибгина қолмай, балки экологик сиёсатнинг асосига айланиши лозим. Чунки ушбу муаммонинг ортида бутун мустақил давлатимиз, миллатнинг тақдири ётибди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов «Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир. Уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги кунини ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир», — деб таъкидлаганлари ҳаммамизга катта масъулият юклайди. (Каримов И. А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». — Тошкент, Ўзбекистон, 115-бет).

Шунинг учун ҳам республикамызда мустақиллигимиздан кейин Олий Мажлис сессиясида қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш», «Сув ва сувдан фойдаланиш», «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар», «Ер ости бойликлари», «Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш», «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш», «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш», «Ер кодекси», «Ер кадастри», «Ўрмон тўғрисида»ги кодекс ва қонунлар ушбу муаммони ҳал этишга қаратилгандир.

Айниқса, Марказий Осиё давлатларида табиатни муҳофаза қилишга оид қонунчилик ривожланмоқда ва такомиллашмоқда, генофондни барқарор ривожлантиришни сақлаб қолишни, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган ҳамда фуқароларнинг мақбул атроф муҳитга бўлган ҳуқуқини кафолатлайдиган халқаро конвенциялар, шартнома ва битимларга қўшилиш жараёни давом этмоқда.

Аммо, ҳозирги вақтда минтақада атроф муҳитга ва аҳоли саломатлигига салбий таъсир этаётган бир қанча экологик хавф ўчоқлари мавжуд. Бу ҳол Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятидаги шимолий туманларида экологик вазиятнинг кескин ёмонлашувига олиб келди.

Тожикистон алюмин заводи салбий таъсир қиладиган зонадаги ижтимоий-экологик вазиятни барқарорлаштиришга бағишланган халқаро учрашув иштирокчиларининг 1999 йил апрел ойидаги Тожикистон Рес-

публикаси Мажлиси Олийи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаати ҳам айнан, ана шундай экологик хавфсизликнинг олдини олишга қаратилгандир (Мулқдор. 1999 йил, 30 апрел).

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов 1999 йил 8—9 апрел кунлари Туркменистон пойтахти Ашгабодда Оролни қўқариш Халқаро Жамгармасининг навбатдаги йиғилишида сўзлаган нутқларида ҳам барча экологик муаммоларни, жумладан Оролбўйидаги экологик бўҳрон Ўрта Осиё мамлакатларининг бир ёқадан бош чиқариб ишлашга, яшашга ундаётганлигини алоҳида таъкидладилар. (Халқ сўзи, 1999 йил, 10 апрел).

Зеро, шунга қарамасдан республикамизнинг табиатни муҳофаза қилиш ва экологик мувозанатни сақлаш соҳасида жумладан, ер, сув, ер ости бойликлари, ўрмон, ҳаво, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ҳамда наботот шифобахш ўсимликларидан фойдаланишда ва муҳофаза қилишда жиддий камчиликлар мавжуд. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, табиат-биосферани сақлаб қолиш ва уни ўзгартириш кўп жиҳатдан инсон фаолияти. айниқса экологик-ҳуқуқий саводхонлик, экологик-ҳуқуқий таълим ва тарбия билан ҳам боғлиқ.

АҚШ, Англия, Германия, Франция, Япония, Швейцария каби хорижий ривожланган мамлакатларнинг тажрибаларига эътибор берадиган бўлсак, уларда биринчи галдаги вазифа сифатида экологик ҳуқуқий таълим ва тарбияга эътибор берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 29 май 235-сонли «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам бозор иқтисодиёти шароитида экологик ҳуқуқий таълим ва тарбияга алоҳида эътибор беришни, аҳолини, айниқса ёшларимизнинг экологик ҳуқуқий маънавияти ва маданияти савиясини замон талаби, дунё стандарти даражасига етказишни тақозо қилади.

Ушбу китоб экологик муаммоларни ҳал қилишнинг ҳуқуқий муаммолари масаласига бағишланган ва мустақил давлатимизнинг янги қабул қилинган экологик қонунлари асосида савол-жавоб тарзида барча қонунларнинг моҳияти китобхонларимизга тушунтириб берилган.

У биринчи марта чоп этилаётган бўлиб, айрим камчиликлардан холи эмас.

Ўйлаймизки, мазкур китоб экология ва табиатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий муаммоларини билиб олишда ва уни кенгроқ тушунишда сизга ижобий ёрдам беради.

I.

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭКОЛОГИК АҲВОЛ

Мазкур бобда, Ўзбекистон Республикасининг географик ўрни ва унинг барча хусусиятлари инобатга олиниб, республикамизнинг экологик ҳолати қандай аҳволда эканлиги кўрсатиб берилган.

Уни ёритишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари ва бошқа чиқишлари асосий дастуриламал қилиб олинди.

Бу бобда экология сўзининг мазмуни, унинг ҳуқуқий моҳияти, Ўрта Осиё ва ундаги экологик муаммолар, Орол бўйидаги экологик хавф-хатар ҳамда уни бартараф қилиш учун олиб борилаётган ижобий ишлар ҳақида ҳам маълумот берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг асосий экологик муаммоларни ҳал қилишдаги вазифалари аниқ кўрсатилиб, унинг давлат назоратини олиб бориш функциялари аниқ баён этилган.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасида экологик экспертизадан ўтказиш учун қайси ташкилотларга мурожаат этиш мумкинлиги ҳамда ушбу ташкилотларнинг аниқ манзилгоҳлари ҳурматли китобхонга ёрдам тариқасида илова қилинган.

1. Марказий Осиёнинг демографик ҳолати билан боғлиқ бўлган аҳоли зичлиги ва экологик ҳолати Ўзбекистонда қандай аҳволда?

Ўзбекистон Республикасининг аҳолиси 22562,4 минг кишини ташкил этади, шу жумладан шаҳар аҳолиси 8732,6 киши, қишлоқ аҳолиси 13829,8 киши. Аҳоли зичлиги 1 км га 50,4 киши. (1965) Ўзбекистон Республикасининг аҳолиси сони бўйича МДХга кирган мамлакатлар орасида Россия ва Украинадан кейин 3-ўринда туради. Бу ерда Марказий Осиёдаги жами аҳолининг 1/3 қисмидан кўпроги яшайди.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мамлакатлари орасида Ўзбекистонда аҳоли зичлиги айниқса юқори бўлиб, 1 квадрат километрга 51,4 киши тўғри келади. ҳолбуки, бу рақам Қозоғистонда — 6,1, Қирғизистонда — 22,7, Туркманистонда — 9,4 кишини ташкил этади. Республикамизда ҳар бир одамга 0,17 гектар экин майдони тўғри келса, Қозо-

гистонда — 1,54, Қирғизистонда — 0,26, Украинада — 0,59, Россияда 0,67 гектар экин майдони тўғри келади. Жами аҳолининг ярмидан кўпроғи қишлоқ жойларда яшаётганлигини ҳисобга олсак, дадил айтиш мумкинки, бизнинг қишлоқларимизда инсоний захираларнинг нисбий ортиқлиги эмас, балки мутлақ ортиқлиги яққол кўзга ташланади.

Аҳолининг ўсиши эса нисбатан юқори бўлиб, урбанизация ва ҳосилдор ерларни шаҳарларни ривожлантиришга, уй-жой қурилишига, янги корхоналар, муҳандислик ҳамда транспорт коммуникациялари тармоғини барпо этишга ажратиб бериш жараёнлари жадал бормоқда.

2. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг географик ўрни ҳақида нима биласиз?

Ўзбекистон Марказий Осиёнинг ўрта ва шимол қисмида жойлашган. Шимолий шарқда Қирғизистон, шимолий ва шимолий ғарбда Туркменистон, жанубий шарқда Тожикистон Республикаси, жанубда қисман Афғонистон билан чегарадош. Ўзбекистоннинг энг шимолий чекка нуқтаси шимолий шарқда — Устюрт платосида Орол денгизининг ғарбий соҳилида ($45^{\circ} 36'$ шимолий кенглик), энг жанубий нуқтаси — Сурхондарё вилоятида Термиз шаҳри ёнида ($37^{\circ} 11'$ шимолий кенглик), ғарбий нуқтаси— Устюрт платосида ($56^{\circ} 10'$ шарқий узунлик). Шимолий ва жанубий чекка нуқталар орасидаги масофа 925 километр, ғарбий ва шарқий нуқталар ораси — 1400 километр.

Республика ҳудуди жанубий шарқдан шимолий ғарбга чўзилган ва ер юзаси ҳам шу йўналишда йирик дарёлар оқимиغا мос пасайиб боради. Мамлакатнинг шимолий ғарбий чеккасида Устюрт билан Қизилқум оралиғида Орол денгизи жойлашган. Республика майдонининг қарийб 4/5 қисми текислик, оз қисми тоғ, адир ва тоғ олдидан иборат. Ўзбекистон ҳудудидан Марказий Осиёнинг энг катта дарёлари — Амударё ва Сирдарё оқиб ўтиб, Орол денгизига қуйилади. Бу икки азим дарё орасидаги ҳудуд «Турон пасттекислиги», деб аталади. Бу текисликнинг кўп қисми Қизилқумдан иборат, баъзи жойларда қирлар учрайди. Республиканинг шарқи ва жанубий-шарқий қисмида Тянь-шань, Олой, Туркистон, Зарафшон ва Ҳисор тоғлари бор. Бу тоғлар орасида Фарғона, Зарафшон, Ки-

тоб — Шаҳрисабз, Сурхон — Шеробод, Чирчиқ — Оҳангарон каби катта чўкмалар — водийлар жойлашган. Водийлар суғориладиган ерлар бўлиб, аҳолининг асосий қисми шу ерларда яшайди. Тоғларнинг чўққилари музликлар, доимий қор қатламлари билан қопланган. Республиканинг гарбий ва шимолий-гарбий қисмига борган сари улкан тоғлар пасайиб, тоғ ён бағри текисликлари гўзал хушманзара водийларга айланади.

3. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлиниши аҳолиси ва унинг ҳуқуқий асоси ҳақида маълумот беринг?

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясининг 68-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасидан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлиниши (1995)

	Майдони (минг км ²)	Аҳолиси (минг киши)	Қишлоқ туман- лари сони	Ша- ҳар- лар сони	Ша- ҳар- чалар сони	Маъмурий маркази	Қишлоқ (овул- лар сони
Қорақалпоғистон Республикаси	164,9	1396,7	15	12	165	Нукус	112
Андижон вилояти	4,2	1993,1	14	11	5	Андижон	95
Бухоро вилояти	39,4	1315,2	11	10	3	Бухоро	107
Жиззах вилояти	20,5	871,4	11	7	8	Жиззах	95
Навоий вилояти	110,8	734,5	8	6	8	Навоий	53
Наманган вилояти	7,9	1741,2	11	8	12	Наманган	99
Самарқанд вилояти	16,4	2431,3	16	11	12	Самарқанд	125
Сирдарё вилояти	5,1	626,1	9	5	5	Гулистон	75
Сурхондарё вилояти	20,8	1535,8	14	8	7	Термиз	114
Тошкент вилояти	15,6	2239,8*	15	16	18	Тошкент	146
Фарғона вилояти	7,1	2444,5	15	9	10	Фарғона	164
Хоразм вилояти	6,3	1198,4	10	3	7	Урганч	100
Қашқадарё вилояти	28,4	1917,9	14	12	4	Қарши	142
Ўзбекистон Республикаси	447,4	22562,4	181	120	116	Тошкент (пойтахт)	1427

* Тошкент шаҳри бунга кирмайди

4. Экологик хавфсизлик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммосига қандай эътибор берилмоқда ҳамда бундай вазият нималардан иборат?

Ушбу масала, яъни экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқлари, чиқишлари ва асарларида ушбу муаммонинг асосий моҳияти очиб берилган. Жумладан, юртбошимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» (Тошкент, «Ўзбекистон», 1997) асарининг 1-боби, «Хавфсизликка таҳдид», деб номланиб, унда алоҳида «Экологик муаммолар» масаласига кенг эътибор қаратилган (110—133 бетлар).

Келажакни ҳар томонлама баҳолай оладиган, улкан салоҳиятли ушбу асарда экологик вазиятнинг қуйидаги сабаблари кўрсатиб берилди:

биринчидан, ернинг чекланганлиги ва унинг сифат таркиби пастлиги билан боғлиқ хавфнинг тўхтовсиз ортиб бериши;

иккинчидан, Ўзбекистоннинг экологик хавфсизлиги нуқтаи назаридан қараганда, сув захираларининг, шу жумладан ер усти ва ер ости сувларининг кескин тақчиллиги ҳамда ифлосланганлиги катта ташвиш туғдирмоқда. Республиканинг дарёлари, каналлари, сув омборлари ва ҳатто ер ости сувлари ҳам ҳар тарафлама инсон фаолияти таъсирига учраши;

учинчидан, Орол денгизининг қуриб бориш хавфи гоят кескин муаммо, айтиш мумкинки миллий кулфат бўлиб қолди. Бу муаммо сўнгги ўн йилликлар мобайнида хавфли даражада ортди. Марказий Осиёнинг бутун ҳудуди бўйлаб суғориш тизимларини жадал суръатда қуриш кўплаб аҳоли пунктларига ва саноат корхоналарига сув бериш баробаридан кенг кўламдаги фожеа — Орол ҳалок бўлишининг сабабига айланиши;

тўртинчидан, ҳаво бўшлигининг ифлосланиши ҳам республикада экологик хавфсизликка солинаётган таҳдид бўлиши.

5. Президент И. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида экологик хавфсизликни кучайтиришнинг қандай асосий йўналишлари белгилаб берилди?

1. Тегишли технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш. Қишлоқ, ўрмон ва бошқа хўжалик тармоқларидаги табиий жараёнларнинг кескин бузилишига олиб келадиган барча заҳарли кимёвий моддаларни қўллаш устидан қаттиқ назорат ўрнатиш. Ҳаво ва сув муҳитини инсоннинг ҳаётий фаолияти учун зарарли ёки салбий таъсир этадиган моддалар билан ифлослантиришни тўхтатиш.

Қишлоқ хўжалик экинларини, энг аввало, ғўзани суғоришда сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Коллектор-зовур сувларини дарёлар, ҳамда сув омборларига ташишни тартибга солиш ва оқава сувларни чиқариб юборишни батамом тўхтатиш зарур.

Саноат корхоналарида атмосферага, сув ҳавзаларига ва тупроққа ифлослантирувчи ёки зарарли моддаларни ташлаганлик учун солинадиган махсус солиқдан кенг фойдаланган ҳолда масъулиятни ошириш даркор. Уларда замонавий, самарали тозалаш қурилмалари тизимини жорий этиш керак. Бошланғич хом-ашёдан тайёр, пировард маҳсулот олгунга қадар комплекс фойдаланишга имкон берадиган янги, замонавий, экологик жиҳатдан самарали ускуналарни ўрнатиш лозим.

2. Қайта тикланадиган захираларни қайта ишлаб чиқаришнинг табиий равишда кенгайтириши таъминлаган ҳамда қайта тикланмайдиган захираларни қатъий мезон асосида истеъмол қилган ҳолда табиий захираларнинг ҳамма турларидан оқилона фойдаланиш даркор.

Республиканинг фойдали қазилмаларидан оқилона фойдаланиш — долзарб масала. У атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг бош омилларидан биридир. Фойдали қазилмаларни олиш ва қайта ишлаш чоғида катта исрофгарчиликларга йўл қўйилмоқда. Бошланғич хом-ашёдан тўлиқ фойдаланмаслик ҳоллари мавжуд. Эскирган ускуналарни алмаштириш, янги технологияларни жорий этиш, айрим цехлар, участкалар ва бутун бошли заводларни реконструкциялаш асосида фойдали қазилмаларни саноат усулида янада тўлиқ ва оқилона қазиб олиш муҳим вазифа бўлиб турибди. Атроф-муҳитни муҳофаза

қилиш нуқтаи назаридан қараганда, тоғ-кон саноатининг чиқиндиларини ўзлаштиришни янада кенгайтириш ҳамда бузилган ерларни қайта яроқли ҳолга келтириш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

3. Катта-катта ҳудудларда табиий шароитларни табиий захиралардан самарали ва комплекс фойдаланишни таъминлайдиган даражада аниқ мақсадга қаратилган, илмий асосланган тарзда ўзгартириш (дарёлар оқимини тартибга солиш ҳамда сувларни бир ҳавзадан иккинчисига кўчириш, ернинг намини қочириш, сув чиқариш тадбирларини ва бошқаларни амалга ошириш) лозим.

4. Жонли табиатнинг бутун табиий генофондини маданий экинлар ва ҳайвонларнинг янги турларини кўпайтириш ҳисобига бошлангич база сифатида сақлаб қолиш керак.

5. Шаҳарсозлик ва туманларни режалаштиришнинг илмий асосланган, ҳозирги замон урбанизациясининг барча салбий оқибатларини бартараф этадиган тизимини жорий этиш йўли билан шаҳарларда ва бошқа аҳоли пунктларида аҳолининг яшаши учун қулай шароит яратиш зарур.

6. Экологик кулфатлар чегара билмаслигини назарда тутган ҳолда жаҳон жамоатчилиги эътиборини минтақанинг экологик муаммоларига қаратиш лозим. Орол муаммоси бугунги кунда чинакам кенг кўламли, бутун сайёрамизга дахлдор муаммо бўлиб қолганлигини, унинг таъсири ҳозирнинг ўзидаёқ биологик мувозанатни бузаётганлигини, бепоён ҳудудларда аҳолининг генофондига ҳалокатли таъсир кўрсатаётганлигини назарда тутиш лозим.

Халқаро тузилмаларнинг захиралари, имкониятлари ва инвестицияларини ана шу муаммоларни ҳал қилишга жалб этиш — биринчи даражали вазифадир.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги юқорида тилга олинган таъсирчан чора-тадбирларни рўёбга чиқариш яқин вақт ичидаёқ олдинги тизимдан ёш республикага мерос бўлиб қолган экология соҳасидаги кўпгина иллатлар, камчиликлар ва ҳолатларни бартараф этиш имкониятини юзага келтиради. Шунингдек, кенг кўламдаги экологик танглик таҳдидини барҳам топтириш, республика аҳолиси учун, жисмонан соғлом ёш авлоднинг дунёга келиши ва ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар ҳамда экология жиҳатидан мусаффо ҳаётий муҳит яратиш имконини беради.

6. Экология сўзининг маъноси нима?

Бу атама немис биологи Эрнест Геккель (1834—1919) томонидан 1866—1869 йилларда фанга олиб кирилган. Экология XX асрнинг бошларига келиб фаннинг мустақил соҳаси сифатида шаклланди. «Экология» сўзи грекча «ой-кос» — «уй», «турар жой» деган маъноларни англатади. Миллий амалиётга «Экология» тушунчаси жуда секинлик билан кириб келди. XIX аср охири — XX аср бошларида инглиз физиологи И. Бердонсандерсон, америкалик олимлар С. Форбе ва К. Шретер экология тўғрисида ёздилар.

Экология хусусида АҚШда 1913 йилда Ч. Эдамснинг «Ҳайвонлар экологиясини ўрганишга оид қўлланма», инглиз зоологи Ч. Элтоннинг «Ҳайвонлар экологияси», собиқ совет экология мактабининг асосчиларидан зоолог олим Д. Н. Кашкаревнинг «Ҳайвонот экологияси асослари» китоблари ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ.

Олий ўқув юртларида 1980 йилдан бошлаб «Экология ҳуқуқи» фани ўтила бошлади. Бу фаннинг асосий мақсади бошқа фанлардан фарқ қилиб, у ер, сув, ҳаво, ер ости, ўрмонлар ҳамда ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини ҳуқуқий муҳофаза қилиш, содир этилаётган экологик ҳуқуқ-бузарлик, ножўя ҳаракатлар, жиноятлар учун жавобгарлик ва бошқа масалаларни ўрганишдан иборат.

7. Орол бўйидаги экологик хавф-хатар қайси йили пайдо бўлган эди?

1950 йили Орол ҳавзасида (бу Ўрта Осиёнинг анчагина қисмини эгаллайди) 2,9 миллион гектар ер суғориларди. Ҳозирги пайтга келиб суғориладиган майдонлар икки баравардан ошиб, 7 миллион гектарга етди. Бу ерлар мамлакатда етиштирилаётган жами пахтанинг 95 фоизини, шолининг 40 фоизига яқинини, мева, узумнинг учдан бир қисмини, сабзавот ва полиз маҳсулотларининг чорак қисмини етказиб бермоқда.

Бир гектар ердаги ғўзани суғориш учун 10—11 минг куб метр сув кетар экан. Дарҳақиқат, 60-йилларгача Амударё ва Сирдарё Орол денгизига ҳар йили тахминан 50 куб километра яқин сув оқизиб келган бўлса, 1961—1980 йилларда бу ҳажм ўртача 20 куб километргача камайди. 80-йилларнинг бошларида эса Сирдарёдан сув оқиб келиши умуман тўхтаб қолди, Амударёдан сув ниҳоятда кам оқадиган бўлди.

Натижада ҳозирги пайтга келиб, денгизнинг юзаси 12,5 метрдан кўпроқ пасайди, унинг майдони 25.000 квадрат километрга қисқарди, сувнинг жами минераллашуви 11 промиллдан 23 промиллгача ошди.

8. Орол бўйидаги экологик хавф-хатар ҳақида матбуотда дастлаб қачон чиқиш қилинган?

Дастлабки ҳисобларга қараганда, Оролнинг саҳрога айланган тубидан ҳар йили атмосферага 70 миллион тоннага қадар туз чанги кўтарилмоқда. Бу қум-тўзонлар Бухоро ва Қашқадарё вилоятларининг далаларигача етиб бориб, ерларнинг шўрланишига, сувларнинг ифлосланишига сабаб бўлмоқда. Орол муаммоси ҳақида журналист Н. Дадажонов 1958 йилиёқ «Комсомольская правда» газетасида «Орол ўлаяпти» деган мақоласини ёзган эди. Афсуски, узоқ йиллар бу муаммога панжа орасидан қараб келинди.

Айтиш мумкинки, Оролнинг асосий душмани бюрократизм, хўжасизлик, монокультура, алмашлаб экиш қондаларига риоя қилмаслик, сув ресурсларидан оқилона фойдаланмаганликдир.

9. Оролни асраш қўмитасининг фаолияти нималардан иборат ва бугунги кунда Орол фондининг аҳволи қандай?

Машҳур файласуф Сенека: «Келажак авлодни ўйламаган халқ дунёдаги энг бахтсиз халқдир», деган эди. Орол муаммоси бир кишининг эмас, балки кўпларнинг ёрдамига муҳтож масала. Оролни асраш қўмитаси жамоаси катта ишларни амалга оширмоқда. Матбуотда, радиотелевидениеда чиқишлар қилмоқда. Экологик муаммоларни ёритувчи энг яхши публицистик асарлар «Орол мукофоти»га тавсия этилади.

Мукофот фақат Орол муаммоси ҳақида ёзилган мақолаларга эмас, балки Ўрта Осиё экологиясида вужудга келган муаммоларни таҳлил этувчи мақолаларга ҳам берилади. «Экология — 89» шиори остида бошланган кенг кўламли тадбирнинг фаол иштирокчиларидан бири, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги Орол ва Орол атрофини қутқариш жамоатчилиги қўмитаси ҳисобланади.

10. Орол денгизи муаммоси сув ресурсларидан қай даражада фойдаланишга боғлиқ? Унинг атроф-муҳитга экологик таъсири ҳақида нима дейиш мумкин?

Ер юзининг 70 фоиздан ортиқ майдони сув билан қопланган. Куруқликнинг ҳам 3 фоиз майдони дарё ва кўллардан иборат.

Республикамиз учун сувнинг аҳамияти катта. Ўзбекистоннинг ерларини суғоришда фойдаланиладиган дарёлар Қирғизистон ва Тожикистоннинг баланд қорли тоғларидан бошланади. Сирдарёнинг йиллик сув сарфи 17 км³, Амударёники 78 км³. Лекин бу дарёлардан кўплаб каналлар чиқарилиб, уларнинг суви ерларни суғоришга сарф бўлмоқда. Натижада Орол денгизига дарё суви деярлик қуйилмайдиган бўлиб қолди.

1. Демак Орол денгизини тиклаш ишларини амалга ошириш мақсадида пахта экиладиган ерлар майдонини қисқартириш, фойдаланилаётган ерларда алмашлаб экиш қоидаларига риоя қилиш ва унда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш.

2. Жамики сизот ва оқава сувларни йиғиб Орол денгизига оқизиш лозим. Бунинг учун Оролга олиб борадиган жуда катта дренаж системасини бунёд этиш керак.

3. Орол ҳавзасидаги мавжуд сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиб, ортиқча сувни денгизга оқизиш.

4. Оролга сувни кўпроқ етказиш учун табиат ресурслари: ўрмонлар, ер, ер ости ва сув ресурсларидан фойдаланиш қонунларига риоя этиш.

5. Табиатни муҳофаза қилиш ва ер, сув, ер ости бойликлари, ўрмонлардан хўжасизларча фойдаланувчиларга қарши қаттиқ жазо чораларини белгилаш.

6. Барча аҳоли тадбирлари ўртасида ҳуқуқий экологик таълим ва тарбияни кучайтириш лозим.

Маълумки, дарёларга оқава ва зовур сувларининг тушиши натижасида Амударё ва Сирдарё этагида сувнинг шўрлиги 2—3 фоизгача етиб ичишга ярамай қолапти. Бунинг устига сувни кўплаб истеъмол қиладиган корхоналарнинг чиқинди сувлари ҳам айрим ҳолларда дарёларга тушиб сувни ифлослантирмоқда. Экин майдонларига солинадиган минерал ўғитлар, заҳарли химикатларнинг бир қисми оқава сувлар билан дарёларга тушади.

Республикамизда ҳар гектар пахта майдонига, пестицид ва минерал ўғитлардан 38,2 килограмм, йигим-терим

олдидан ғўза баргини тўкадиган дефолиантлардан 16,2 килограмм, жами 54,4 килограмм солинади. Оқибатда заҳарли химикатлар сув ҳавзаларида тўпланиб барча тирик жонзотни, сувда яшайдиган нодир ҳайвонларни қиради, буг кўкка кўтарилиб олис манзилларга учиб боради ва бутун жонли мавжудотни заҳарлайди.

11. Орол фожиаси нима? Бу ҳақда фикрингиз?

Орол танглиги инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фожиалардан биридир. Денгиз ҳавзасида яшайдиган қарийб 35 миллион киши унинг таъсирида қолди.

Биз 20—25 йил мобайнида жаҳондаги энг йирик ёпиқ сув ҳавзаларидан бирининг йўқолиб боришига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бироқ бир авлоднинг кўз ўнгида бутун бир денгизнинг инқироzi содир бўлган эмас эди.

1911—1962 йилларда Орол денгизининг сатҳи энг юқори нуқтада бўлиб, 53,4 метрни, сувнинг ҳажми 1064 куб километрни, сувнинг юзаси 66 минг квадрат километрни ва минераллашув даражаси бир литр сувда 10—11 граммни ташкил этган эди. Денгиз транспорт, балиқ хўжалиги, иқлим шароити жиҳатидан катта аҳамиятга эга бўлган. Унга Сирдарё ва Амударёдан ҳар йили деярли 56 куб километр сув келиб қуйиларди.

1994 йилга келиб Орол денгизидаги сувнинг сатҳи — 32,5 метрга, сув ҳажми — 400 куб километрдан камроққа, сув юзасининг майдони эса 32,5 минг квадрат километрга тушиб қолди, сувнинг минераллашуви икки баравар ортди.

Оролнинг сатҳи 20 метр пасайиши натижасида у энди яхлит денгиз эмас, балки иккита қолдиқ кўлга айланиб қолди. Унинг соҳиллари 60—80 километрга чекинди. Амударё билан Сирдарёнинг дельталари тез бузилиб бормоқда. Денгизнинг сув қочган туби 4 миллион гектардан ортиқроқ майдонда кўриниб қолди. Натижада яна битта «кўлбола» қумлишўрхоқ саҳрога эга бўлди. Шамол Орол денгизининг қуриб қолган тубидан туз ва чанг-тўзонни юзлаб километрга учуриб кетмоқда.

Оролнинг қуриб қолган тубидаги чанг бўронлари 1975 йилдаёқ космик тадқиқотлар натижасида аниқланган эди. 80-йилларнинг бошларидан буён бундай тўфонлар бир йилда 90 кун давомида кузатилмоқда. Чанг-тўзон узунлиги 400 километр ва эни 40 километр майдонга етиб

бормоқда. Чанг тўфонларининг таъсир доираси эса 300 километргача етмоқда. Мутахассислар берган маълумотларга қараганда, бу ерда ҳар йили атмосферага 15—75 миллион тонна чанг кўтарилади.

(Ушбу муаммо И. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида таъкидлаб ўтилган).

12. Яқин йиллар ичида Орол фожиасининг олдини олиш учун қандай чора-тадбирлар кўрилди ва келгусида бу муаммони бартараф қилиш юзасидан қанақа долзарб вазифалар олдинга қўйилган?

Орол фожиасини 70-йилларнинг бошларида, жуда кечи билан 80-йилларнинг бошларида, денгизнинг сатҳи унчалик пасаймаган бир пайтда ҳал қилиш лозим эди. Ҳозирги пайтда бу масалани ечиш анча мушкул бўлиб қолди.

Сув захиралари билан боглиқ бўлган муаммолар мажмуаси кенг кўламли ҳамда мураккаб кўп тармоқли ёндашувни, минтақадаги давлатлар билан халқаро ҳамжамият ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришни талаб қилади.

Ўрта Осиё ва Қозогистон давлатлари бошлиқларининг 1993 йил март ойида Қизилўрда шаҳрида бўлиб ўтган учрашуви шу муаммоларни ҳал қилиш йўлидаги яна бир туртки бўлди. Бу учрашувда Орол денгизи танглигини ҳал этиш юзасидан баҳамжиҳат ҳаракат қилиш тўғрисида Битим имзоланди. Орол денгизи муаммолари бўйича Давлатлараро Кенгаш ва унинг ишчи органи — Ижроия Қўмитаси, шунингдек, Оролни қутқариш Халқаро фонди ташкил этилди. Ўрта Осиё ва Қозогистон республикалари давлат бошлиқларининг 1994 йил январидида Нукус шаҳрида бўлиб ўтган иккинчи учрашувида Орол денгизи ҳавзасидаги экологик вазиятни яхшилаш юзасидан яқин уч — беш йилга мўлжалланган, минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг аниқ ҳаракатлар дастури тасдиқланди. 1994 йил март ойида Тошҳовузда бўлган учинчи учрашувда Давлатлараро Кенгашнинг ушбу дастурнинг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботи тингланди.

1997 йил февралда Ўрта Осиё ва Қозогистон давлат бошлиқларининг БМТ, Жаҳон банки ва бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида Алматида бўлиб ўтган учрашувида Орол муаммосини ҳал этиш бўйича ташкилий тузилмаларни такомиллаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди — Оролни қутқариш Халқаро фондининг

анча ишчан таркиби ва унинг негизида ҳаракатчан Иж-роия кўмитаси тузилди.

Орол муаммосининг бутун кескинлигини, уни сақлаб қолиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўриш зарурлигини тушунган ҳолда, Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикаларининг ҳукуматлари, мутахассислари ҳамда минтақанинг илмий жамоатчилиги, халқаро ташкилотлари 1995 йил 20 сентябрда Нукус шаҳрида Ўрта Осиё ва Қозоғистон давлатлари ва халқаро ташкилотларнинг Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш муаммолари бўйича Декларациясини қабул қилдилар. Декларация барқарор ривожланиш қондаларига қатъий амал қилишни назарда тутати ва эътиборни қуйидаги ғоят муҳим муаммоларни ҳал қилишга қаратади:

- қишлоқ ҳамда ўрмон хўжалигининг янада мувозанатли ва илмий асосланган тизимига ўтиш;

- сув захираларидан фойдаланишнинг тежамли усуларини ишлаб чиқиш, сугоришда ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишда такомиллашган технологияларни қўллаш воситасида ирригациянинг самарадорлигини ошириш;

- минтақанинг табиий захираларини комплекс бошқариш тизимини такомиллаштириш.

Пировард натижада Орол танглигининг барқарор ривожланиши бу минтақада яшаётган одамларнинг турмуш даражаси пасайиб кетишига йўл қўймаслик, келажакда ёш авлод учун муносиб турмушни таъминлаш тамойиллари асосида ҳал қилиш бўйича узоқ муддатли стратегия ва дастурини ишлаб чиқиш ҳамда рўёбга чиқариш зарур.

Ҳозирги кунда республикамизда барча кўмиталар, вазирликлар, маҳаллалар ва кенг жамоатчилик табиатни муҳофаза қилиш, экология муаммоси билан имкон даражасида шуғулланмоқда.

Республикамизда Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг фаолиятини алоҳида таъкидлаш ўринли.

13. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси қандай орган?

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 26 апрелдаги қарори билан тасдиқланган Низомига мувофиқ иш олиб боради. Унинг фаолияти мазкур Низом билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасида давлат назоратини ҳамда тармоқлараро бошқарувни амалга оширувчи, идоралардан устун турувчи ва мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органдир.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бўйсунди ва унга ҳисобдордир.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига ва шунингдек, ушбу Низомга амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари (инспекциялари), шунингдек, уларга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ягона тизимни ташкил этади.

14. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг асосий вазифалари нималардан иборат?

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

— атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

— табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини тармоқлараро комплекс бошқариш;

— табиатни муҳофаза қилиш ва ресурсларни тежаш борасида ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш;

— атроф-муҳитнинг экологик ҳолати қулай бўлишини таъминлаш, экологик вазиятни соғломлаштириш.

15. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ўз зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ қандай ишларни ҳал этиши керак?

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ўз зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ:

— атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг кўпроқ иқтисодий усуллари кенг қўлаш, ресурсларни тежайдиган, чиқитсиз технологиялар барча жойлардан қўлланилишини рағбатлантириш, ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини хўжалик оборотига жалб этиш, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасидаги фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш асосида табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини комплекс бошқаради;

— табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш юзасидан республика экология нормативлари, қоида ва стандартлари ишлаб чиқилишини ташкил этади ва уларни тасдиқлайди, тармоқларнинг ана шундай нормативлари, қоида ва стандартларини шакллантиради ва юритади;

— табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини метрология жиҳатидан таъминлаш юзасидан иш олиб боради, табиий-муҳит объектларининг ифлосланишини назорат қилиш бўйича услубий раҳбарликни амалга оширади;

— барча турдаги табиий ресурсларни хўжалик оборотига жалб этиш қўламларини тартибга солиб туриш мақсадида атроф-табиий муҳит ҳолатига антропоген фаолиятнинг таъсирини таҳлил қилади;

— Олий Мажлисга, Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига атроф-муҳит ҳолатига доир узоқ муддатли ва бир йиллик тахминлар лойиҳаларига киритиш учун табиатдан фойдаланувчилар табиатни муҳофаза қилишнинг зарур чора-тадбирларини бажаришларига қаратилган таклифларни, шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш мажмуида иқтисодий ислоҳотлар қандай бораётганлигининг таҳлили учун белгиланган ҳисоботларни тақдим этади;

— вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва табиатдан фойдаланувчи бошқа ташкилотларнинг табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари ва табиатни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан фойдаланиш юзасидан олиб

бориладиган илмий-тадқиқот ишлари дастурларини, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга доир нишомларини мувофиқлаштиради;

— атроф-муҳитга ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаш (оқизиш) нормативларини белгилайди ҳамда табиатдан фойдаланувчилар эътиборига етказди. Табиий муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик учун ҳақ ундиради ҳамда ундан белгиланган тартибда фойдаланади;

— атроф-табиий муҳит сифатининг нормаларини белгилаш ишини ташкил этади, Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси, бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар, ташкилотлар билан биргаликда ифлослантирувчи манбалар ва улар атроф-муҳитга кўрсатадиган зарарли таъсирнинг (жисмоний таъсирдан ташқари) ҳисобини юритади;

— республика ишлаб чиқарувчи кучларини жойлаштириш ҳамда уларни ривожлантириш дастурлари, концепциялари, асосий йўналишлари ва схемалари лойиҳаларини, лойиҳалашга тайёргарлик ва лойиҳа ҳужжатларини, йўриқнома-услубий ҳамда норматив-техникавий ҳужжатларни, айрим минтақалар, жойлар ва ишлаб турган объектлардаги экологик вазиятни, шунингдек, атроф-муҳит ҳолатига таъсир кўрсатувчи янги техника, технологиялар, материаллар ва моддаларни давлат экологик экспертизасидан ўтказди;

— атроф-табиий муҳит мониторингининг тузилиши, мазмуни ва уни амалга ошириш тартибини ишлаб чиқади, вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа манфаатдор органлар билан биргаликда атроф-муҳит ифлосланишининг аҳволи ва унинг зарарли таъсирлари, табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларнинг республика ягона экологик ахборот банкни ташкил этади ва юритади;

— республикада қўриқхоналарга доир ишга раҳбарлик қилади, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан биргаликда алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг давлат кадастрини юритади, алоҳида муҳофаза этиладиган янги табиий ҳудудлар ташкил этиш хусусида таклифлар киритади;

— янги (қайта қурилган) объектларни, шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш объектлари ва иншоотларини қабул қилиб олиш ва ишга тушириш бўйича давлат ко-

миссиялари ишида қатнашади, барча турдаги хўжалик фаолияти учун жой танлаш ва ер ажратишга доир материалларни мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикасининг «Қизил китоби» тўғрисидаги низомни, уни юритиш бўйича идоралараро комиссиянинг шахсий таркибини, бу комиссия тўғрисидаги низомни (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси билан биргаликда), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ваколат доирасига кирадиган масалалар бўйича бошқа идоралараро комиссияларнинг таркиби ва улар тўғрисидаги низомни тасдиқлайди;

— вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари, туманлараро, туман ва шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари (инспекциялари) низомларини тасдиқлайди;

— белгиланган тартибда ўз корхоналарини, муассасалари, ташкилотлари ва бошқа таркибий бўлинмаларини тузади, қайта ташкил этади ва тугатади, уларнинг уставларини тасдиқлайди;

— фуқароларни табиатни, табиий ресурсларни асраб-авайлаш руҳида тарбиялаш ишини, табиат тўғрисидаги билимларни тарғиб қилишни ва оммалаштиришни ташкил этади, экологик таълим савиясини оширишга кўмаклашади, бу соҳада танловлар, кўرғазмалар, бошқа тадбирлар ўтказиши;

— ўз тизими ходимларининг малакасини оширишни ташкил этади, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш борасидаги ишига услубий раҳбарлик қилади;

— ифлослантирувчи моддаларни атроф-муҳитга чиқариб ташлаш ва оқизиш, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун атмосфера ҳавосидан фойдаланиш, саноат, маиший ва бошқа хил чиқиндиларни жойлаштириш, сувдан махсус фойдаланиш, сув чиқариш учун қудуқ қазиш, экологик нормаларни жорий этиш ишларини бажаришга белгиланган тартибдан рухсатномалар, зарарли моддалар, радиоактив чиқиндилар ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини кўмиш учун ер остидан фойдаланиш ҳуқуқини, овчилик ва балиқчилик хўжалиги юритиш, шунингдек, «Қизил

китоб»га киритилган турларидан ташқари ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш, ёввойи дори-дармон гиёҳлари, озуқа ўсимликлари ва манзарали ўсимликларни, техникавий хом-ашё ва бошқа табиий ҳосилаларни (шу жумладан мўмиёни) йиғиш (тайёрлаш), уларни республика ҳудудидан олиб чиқиш ва республикага олиб кириш ҳуқуқини беради;

— овчилик ва балиқчилик хўжалиги ташкил этиш ва юритиш, ҳайвонот дунёсини (шу жумладан балиқларни) ва ўсимлик дунёсини (шу жумладан ўрмонларни) муҳофаза қилиш, қайта тиклаш ва улардан оқилона фойдаланиш соҳасида давлат бошқарувини амалга оширади, ҳайвонот дунёсини (шу жумладан балиқларни) ва ўсимлик дунёсини (шу жумладан ўрмонларни) муҳофаза қилиш, тартибга солиш ва улардан фойдаланишга доир норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади;

— зарур ҳолларда, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш масалалари юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ҳисоботларини қараб чиқиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

— ҳайъат мажлисларида табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш масалалари юзасидан вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар раҳбарларининг, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисоботларини эшитади, йўл қўйилган қоидабузарликлар учун раҳбарларни жазолаш тўғрисида тегишли органлар олдига масала қўяди;

— табиатни ифлослантирганлик ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаганлик натижасида унга етказилган зиённи қоплаш тўғрисида юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан даъво қўзғатади; ундириб олинган суммаларни табиатни муҳофаза қилиш фондлари ва махсус, бюджетдан ташқари ҳисоб варақларга ўтказди;

— банк муассасаларига «Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун ҳужжатларини бузган ҳолда иш олиб борилаётган саноат объектларини ва бошқа мақсадларга мўлжалланган объектларни лойиҳалаш, қуриш, қайта қуриш ёки кенгайтириш ишларини маблағ билан таъминлашни тўхтатиш тўғрисида, шунингдек, тегишли органларга қонун ҳужжатлари, экологик нормативлар, қоида ва стандартлар бузилганлиги учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларини

жавобгарликка тортиш, шу жумладан хўжалик фаолияти яқунлари бўйича бериладиган мукофотлардан маҳрум этиш тўғрисида тақдимномалар киритади;

— қонун ҳужжатларини бузган ҳолда иш олиб борилаётган саноат объектлари ёки бошқа мақсадларга мўлжалланган объектларни лойиҳалаш ва қуриш, қайта қуриш ёки кенгайтиришни тақиқлайди, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш нормалари ва қоидаларини бузаётган саноат корхоналари ва бошқа корхоналарнинг, муассасалар ва ташкилотларнинг ишини тўхтатиб қўяди, фойдаланиш натижасида табиат объектлари ифлосланадиган ёки бузиладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни тақиқлайди;

— табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир материалларни ўз ваколатлари доирасида қараб чиқади ва айбдор шахсларга жарима солади ҳамда бошқа маъмурий чоралар кўради, зарурат бўлганда қараб чиқиш учун материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга оширади;

— юридик ва жисмоний шахслардан табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишга тааллуқли зарур ахборот ва тушунтиришларни талаб қилади ҳамда уларни белгиланган шаклда бепул олади;

— табиий муҳитнинг ҳолатини аниқлаш ва уни яхшилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун идоралараро илмий-техникавий, эксперт кенгашлари ва бошқа кенгашлар, гуруҳлар ва комиссиялар тузади. табиатни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этиш Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузурида идоравий хўжалик ҳисобидаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, институтлар, марказлар ва бошқа бўлинмалар тузади;

— табиатни муҳофаза қилишнинг узоқ муддатли дастурларини, ҳудудий комплекс схемаларини, қонун ҳужжатларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш, давлат экологик экспертизаси ўтказиш ҳамда табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этиш учун илмий-тадқиқот, лойиҳа, конструкторлик ташкилотларини, олий ўқув юрталарини, илмий-техника ижодиёти ва ахборот марказларини, бошқа ташкилотларни, шунингдек, айрим олимлар ва мутахассисларни белгиланган тартибда жалб этади;

— вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг раҳбарларидан, бошқа юридик шахслардан ўзларига қарашли объектлардан атроф-табiiй муҳитни ифлослантирувчи моддалар чиқариб ташланишини (оқизилишини) узлуксиз назорат қилиб боровчи воситалар билан таъминланган пунктлар (постлар) ташкил этишни, мазкур пунктлар (постлар) Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги органларига мунтазам ахборот бериб туришларини талаб қилади;

— белгиланган тартибда маҳаллий ва республика табиатни муҳофаза қилиш фондларини ташкил этади ва улардан фойдаланади;

— ўз бўлинмаларининг ва Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг махсус ҳисоб варақларини очади, уларни таркиб топтириш ва улардан фойдаланиш қўмитанинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган қарорига биноан амалга оширилади;

— табиатни муҳофаза қилиш бўйича штатсиз инспекторлар ва экспертлар тармогини ташкил этади, уларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳайъати тасдиқлайдиган низомига мувофиқ тартибга солиб борилади;

— табиатни муҳофаза қилишга доир журналлар, газеталар, илмий ишлар тўпламлари, ахборот бюллетенлари нашр этади.

16. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси нималар устидан давлат назоратини олиб боради?

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қуйидагилар устидан давлат назоратини олиб боради:

а) экология тизимлари, табиий генофонд, биологик мувозанатнинг атмосфера ҳавосини, ер усти ва ер ости сувларини, тупроқни ифлослантирувчи манбаларнинг, ўсимлик дунёси (шу жумладан Ўрмон) ва биологик сув объектларининг, ёввойи ҳайвонлар яшаш муҳитининг ҳолати;

— юридик ва жисмоний шахслар томонидан қонун ҳужжатларининг;

— ифлослантирувчи моддаларни атроф-табiiй муҳитга чиқариб ташлашнинг (оқизишнинг) белгиланган лимитлари ва йўл қўйилиши мумкин бўлган энг юқори нормативларга ҳамда бундай ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлашни (оқизишни) белгиланган нормативларга қадар камайтиришга доир келишилган чора-тадбирларга;

— янги ва қайта қурилган корхоналар ҳамда бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш ва ишга туширишда экологик нормативлар, стандартлар ва талабларга;

— фойдали қазилмаларни қазиб олиш, портлатиш ишларини ўтказиш, қазилма чиқиндихоналарини, терриконлар, қолдиқ жинслар уюмини ва ахлатхоналарни жойлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш чоғида атроф-муҳитни ифлосланишдан, булғанишдан ва қашшоқлашишдан муҳофаза этиш ҳамда табiiй ресурслардан комплекс фойдаланиш талабларига;

— ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини, уларнинг ўсишини тезлаштирувчи моддаларни, минерал ўғитларни, бошқа кимёвий моддалар ва дориларни ташиш, сақлаш ва қўллаш чоғида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларига;

— кенг тарқалган фойдали қазилмаларни қазиб олиш нормалари ва қоидаларига;

— балиқчилик, балиқ захираларини муҳофаза этиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни урчитиш, балиқчиликни рағбатлантириш қоидаларига;

б) сувни муҳофаза қилиш объектларини, сув хўжалиги тизимлари, сув омборлари, сув омборлари ва бошқа гидротехника иншоотларини ишлатиш қоидаларига доир қисмига риоя этиши ва уни бажариши;

в) атроф-муҳитни муҳофаза этиш, табiiй ресурслардан комплекс фойдаланиш, уларни сақлаш ва қайта тиклаш дастурлари ва топшириқларини бажариш;

г) ер, сув, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси кадастрларини урчитиш;

д) табиатдан фойдаланувчилар табiiй ресурслардан фойдаланишнинг, табiiй муҳитга ифлослантирувчи моддалар, саноат чиқиндилари ва маиший чиқиндиларни чиқариб ташлаш ва оқизишнинг ҳамда бошқа зарарли таъ-

сирларнинг (жисмоний таъсирдан ташқари) дастлабки ҳисобини юритиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси макроиқтисод ва статистика вазирлиги билан биргаликда табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишга доир давлат статистика ҳисоботлари тўғри бўлишига риоя этилиши;

е) сув ресурсларидан фойдаланилиши, сувдан фойдаланишнинг белгиланган нормалари, қоидалари ва тартиботига риоя этилиши, ер усти ва ер ости сувларининг ифлосланиш, булғаниш ва қуриб қолишдан муҳофаза қилиниши, шунингдек, сув объектларининг қирғоқ бўйларида (зоналарида) сувни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг бажарилиши;

ж) ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ер участкалари қайси мақсадлар учун берилган бўлса, шу мақсадларга мувофиқ фойдаланишлари ва тупроқни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини кўришлари;

з) вақтинча фойдаланишга берилиб, қурилиш, фойдали қазилмалар қазиб олиш ва бошқа таъсирлар натижасида бузилган ерларни фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш;

и) ўрмон ресурсларининг, қимматли табиий ландшафтларининг, шунингдек, ўрмон ўсимликларининг сувни муҳофаза қилиш сувни бошқариб туриш, экин майдонларини ҳимоя қилиш ва бошқа ҳимоя вазибалари сақланишини таъминлаш;

к) қўриқхона ишларини юритиш, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тартиботини таъминлаш;

л) давлат овчилик фондини муҳофаза этиш, ов ва овчилик хўжалиги юритиш қоидаларига риоя этилиши;

м) қонун ҳужжатларида назарда тутилган табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасига доир бошқа масалаларнинг ҳал этилиши.

17. Ўзбекистон Республикасида экологик экспертизадан ўтказиш учун қайси ташкилотларга мурожаат этиш мумкин?

Мамлакатимизда экологик экспертизадан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Бош давлат экологик экспертизаси ва унинг вилоят бўлимларига мурожаат этиш лозим. Улар қуйидаги манзилда жойлашган.

№	Ўзбекистон Республикаси Бош Давлат экологик экспертизаси ва унинг вилоят бўлимлари	Улар жойлашган манзилгоҳ	Телефонлар
1	Ўзбекистон Республикаси Бош Давлат экологик экспертиза ўтказиш бош бошқармаси	Инд. 700000 Тошкент шаҳри А. Қодирий шоҳ кўчаси, 5 а-уй	41-23-42 41-41-40 41-34-41
2	Тошкент вилояти Табиатни муҳофаза қилиш экологик экспертиза бўлими.	Инд. 700143 Тошкент шаҳри, Буюк ипак йўли шоҳ кўчаси, 235-уй	69-99-38 65-48-59
3	Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш экологик экспертиза бўлими	инд. 700000 Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, 7-уй	45-18-01 45-19-72
4	Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси экологик экспертиза бўлими	Инд. 720000 Нукус шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси 25-уй	7-54-96 2-21-82
5	Андижон вилояти Табиатни муҳофаза қилиш экологик экспертиза бўлими	инд. 710005 Андижон шаҳри, Кўнчилик кўчаси, 76-уй	5-05-15 7-04-32
6	Наманган вилояти Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси экологик экспертиза бўлими	инд. 716002 Наманган шаҳри, Хива кўчаси, 1-уй	6-26-24 6-50-20
7	Фарғона вилояти Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси экологик экспертиза бўлими	инд. 712006 Фарғона шаҳри, Ю. Саккокий кўчаси, 39/41-уй.	24-14-03 24-86-29
8	Қашқадарё вилояти Табиатни муҳофаза қилиш экологик экспертиза бўлими	инд. 730013 Қарши шаҳри, Левобережная кўчаси, 9-уй.	5-44-92 5-30-85
9	Сурхондарё вилояти Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси экологик экспертиза бўлими	инд. 732004 Термиз шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 16-уй	3-54-88 3-57-03
10	Хоразм вилояти Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси экологик экспертиза бўлими	инд. 740009 Урганч шаҳри, «Ёшлик» кўчаси, 1-уй	5-40-73 5-46-20

11	Бухоро вилояти Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси экологик экспертиза бўлими	инд. 705009 Бухоро шаҳри, Низомий кўчаси, 33-уй	5-31-04 5-13-56
12	Навоий вилояти Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси экологик экспертиза бўлими	инд. 706800 Навоий шаҳри, Кольцевая кўчаси, 2а-уй.	3-45-28 3-54-99
13	Самарқанд вилояти Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси экологик экспертиза бўлими	инд. 703017 Самарқанд шаҳри, Набиева кўчаси, 10-уй.	24-44-60
14	Жиззах вилояти Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси экологик экспертиза бўлими	Инд. 708000 Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 3-уй.	3-30-20 3-32-79
15	Сирдарё вилояти Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси экологик экспертиза бўлими	Инд. 707000 Гулистон шаҳри, Н. Маҳмудова кўчаси, 10-уй	2-36-43 2-30-49

II

ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ — БАРЧАНИНГ ИШИ

Мазкур бобда мамлакатимиз тарихида табиатни муҳофаза қилишга доир дастлабки тадбирлар, уларнинг сабаб ҳамда оқибатлари ва уларнинг тарихий аҳамияти, хусусиятлари ҳамда дастлабки органларнинг фаолияти ҳақида маълумот берилган.

Асосан, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун ва унинг аҳамиятига кўпроқ эътибор берилган.

Шунингдек, муҳофаза қилиш объектлари, уларни муҳофаза қилишдан мақсад нима эканлиги, табиий ресурсларда мулкчилик масаласи қандай ҳал этилганлиги ёритилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг табиатни муҳофаза қилишга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси давлат ҳокимияти ва бошқарув маҳаллий идораларининг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ушбу соҳадаги ваколатлари кенг кўрсатиб берилган.

Мазкур қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, айниқса ер, сув, ер ости бойликлари, ҳаво, ўрмон, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси ва улардан фойдаланиш, муҳофаза қилиш муаммоларининг моҳияти аниқ баён этилган.

Экологик таҳлил, унинг мақсади ҳамда вазифалари, объектлари ва уни ўтказишнинг аҳамияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтилган. Экологик назорат, давлат назорат тизими ва унинг олиб борилиши, табиатдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш, табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари, экологик суғурта, табиатни муҳофаза қилишни рағбатлантириш, экологик гувоҳномалар ва уларнинг аҳамияти ҳамда бошқа бир қатор муаммолар ўртага ташланган.

Шунинг билан бирга, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ва талабларни бузганлик учун жавобгарлик масалаларини ҳам янги қонунлар асосида китобхонга тушунтириб беришга ҳаракат қилинган.

18. Мамлакатимиз тарихида табиатни муҳофаза қилишга доир дастлабки тадбирлар ва уларнинг сабаб ҳамда оқибатлари нималардан иборат?

XX аср бошида Туркистон табиатидан мустамлака мақсадларида фойдаланишнинг кучайиши ва бу ерга Россиядан кўплаб аҳоли кўчириб келтирилиши натижасида инсоннинг табиатга салбий таъсири кучайиб, уни муҳофаза қилиш ҳаётий заруратга айланди. Шўролар даврида индустриялаштириш ва коллективлаштиришнинг амалга оширилиши ҳам табиатнинг инсон таъсиридаги салбий жараёнларни кучайтирди.

1920 йилда музейлар ва санъат ёдгорликлари, табиатни муҳофаза қилиш Туркистон қўмитаси (Турккомстари) ташкил этилиб, унинг таркибида табиатни муҳофаза қилиш шуъбаси вужудга келди.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари ва ундан кейин Ўзбекистон ҳудудида катта-катта ер майдонлари қишлоқ хўжалиги учун ўзлаштирилиб, Қизилқум, Мирзачўл, Ёзёвон чўли, Далварзин дашти, Шеробод ва Қарши даштларида воҳалар майдонининг тобора орта борганлиги, кўплаб завод ва фабрикалар қурилиб, каналлар ўтказилганлиги, сераҳоли янги шаҳар ҳамда шаҳарчалар бунёд этилганлиги, транспорт ва қишлоқ хўжалигининг техника билан таъминланиши, қишлоқ хўжалигини химиялаштиришнинг жадал ўсиши табиат ва атроф муҳитнинг бузилишига олиб келди. Атроф муҳитнинг экологик ҳола-

тидаги бундай нохушликлар энди уларга бефарқ қараш мумкин эмаслигини кўрсатди.

Собиқ Советлар мамлакатининг бошқа ҳудудлари каби Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда табиатга ғайри экологик ёндашув, яъни табиатдан фойдаланишда унинг бир бутунлиги, доимий мувозанати, динамик ўзгарувчанлиги каби қонуниятларга амал қилмай, чўл ва тоғларни ўзлаштиришда табиатга зуғум, зўрлик қилиш, она табиатни гўё «енгишга» уриниш каби ҳолатлар жиддий салбий оқибатларга олиб келади. Булар натижасида республика табиатининг барча компонентлари — тоғ жинслари ва рельеф шакллари, иқлим ва сувлари, тупроқ, ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёсидан фойдаланишдагина эмас, балки бир бутун ландшафтлари — чўллари, воҳалари, тоғ ва адирларидан фойдаланишда ҳам жиддий экологик хатоларга йўл қўйилди. Табиатни тубдан ўзлаштиришга зўр бериб уриниш, чунончи чўллашув, яъни чўлга айланиш жараёнларининг кучайишида айниқса, яққол намоён бўлади. Кўпгина ҳудудларда юз бера бошлаган экологик инқироз (таназул)лар илмий жамоатчиликни ташвишга сола бошлади ва ҳукуматнинг ҳам бу муаммоларга эътибор қилиши тақозо этилди.

19. Ўзбекистон Республикасида табиатни муҳофаза қилишнинг тарихий аҳамияти ва унинг хусусиятлари нималардан иборат?

Ўзбек халқи табиатга тарихан узоқ даврдан бери меҳр билан қарашга, уни асраб-авайлашга ўрганиб келган. Бу миллий байрам, қадимий анъана, урф-одатларда яққол кўринади. Хусусан Ўрта Осиё халқларининг ҳар йили нишонланадиган Наврўз байрами асрлар давомида она Ерга ва табиатга меҳр-муҳаббат, унга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, уни ардоқлаш туйғуларини тарбиялаган; меҳнат тарбияси ва маънавий тарбияда муҳим роль ўйнаган. Табиат билан инсоннинг ўзаро чамбарчас алоқасини, уларнинг бир бутунлигини ифодаловчи бу байрам деҳқончилик байрамигина эмас, балки том маънода экологик байрам ҳамдир. Одамларнинг табиатга, айниқса, унинг ёрқин ташқи ифодаси бўлмиш ўсимлик оламига бўлган муносабати ва меҳрини белгиловчи табиат байрамларидан яна «Гул байрами» ва «Лола байрами»ни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Халқнинг соф экологик мазмунга эга тарихий удумларидан яна бири «таганак»дир. Бу удумга кўра, тоғ ва тоғ этагида яшовчи кишилар эрта баҳорда йигилишиб шодхуррамлик билан узоқ йўлга отланадилар ва тоғу-тошдаги булоқлар кўзини очиб, жилгалар йўлини шох-шаббалардан, лойқадан тозалайдилар, дарахтларнинг қуриган шохларини кесадилар.

Инсонларни табиатни муҳофаза қилишга даъват қилувчи соф экологик мазмун касб этувчи яна бир манба ўзбек халқининг мустақкам диний эътиқоди ва тарихан шаклланган миллий тарбия асосларидир.

Бунга мазмуни жуда кенг «увол» тушунчаси яққол мисол. Ҳар қандай моддий неъматдан исрофгарчилик билан фойдаланиш, табиат ресурслари — ер ости бойликлари, сув, ер, ўсимлик ва ҳайвонларни нест-нобуд қилиш увол ва гуноҳ ҳисобланиб келинган. Бинобарин, «увол» тушунчаси тор маънода нон, сув, туз, ўтдан тежаб-тергаб фойдаланишни ифода этса, кенг маънода бутун табиат бойликларидан, ноз-неъматларидан оқилона фойдаланишни акс эттиради. Чунончи, сувни исроф қилиш, мевали дарахтларни кесиш, ёввойи ҳайвонларни эҳтиётсиз нобуд қилиш кабилар ҳам уволдир.

20. Табиатни, жумладан унинг бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш мақсадида дастлаб қандай органлар фаолият кўрсатган?

1959 йилда ўрмон хўжалиги ва дала ихота ўрмонлаштириш инспекцияси ҳамда Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Ов ишлари бошқармаси негизида Ўрмон хўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш бошқармаси тuzилди. Мазкур бошқарманинг асосий вазифаларига ихота ўрмонлари бунёд этиш ва улардан оқилона фойдаланишдан ташқари тупроқлар, ўсимликлар, ҳайвонлар ва атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш кирар эди. Табиатнинг турли бойликлари муҳофазаси устидан алоҳида давлат идора хизматлари иш олиб борди. Жумладан, сув ресурслари муҳофазаси билан — Сув хўжалиги вазирлиги; ер ресурслари муҳофазаси билан — Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Ердан фойдаланиш ва ер тузиш бошқармаси; атмосфера ҳавоси муҳофазаси билан — Гидрометеорология хизматининг Ташқи муҳитни муҳофаза қилиш бўлими; балиқ ресурсларини муҳофаза қилиш билан

эса — Ўзбекистон Балиқ етиштириш бошқармаси шуғулланади.

60-йиллар бошида Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилишга эҳтиёж янада кучайиб, табиат муҳофазаси муаммолари илмий текшириш ишлари доирасидан чиқиб, кенг жамоатчилик эътиборини ўзига торта бошлади. Бунинг натижасида 1961 йилда Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш жамияти ташкил этилди; 1963 йилда эса Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҳузурида Табиат ва ер бағрини муҳофаза қилиш бўйича депутатлар доимий комиссияси тузилди. Комиссиянинг вазифаси республиканинг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг вазирлик ва идоралар томонидан бажарилишини назорат қилишдан иборат эди. Вазирлар Кенгаши ва Давлат режа қўмитасида табиатни муҳофаза қилиш бўлимлари тузилди.

70-йиллар саноат шаҳарлари ва тоғ-кон районларида муҳит ифлосланишининг кучайиши ҳамда омилкор деҳқончилик шароитида сув ресурсларининг танқислиги орта бориши кўплаб долзарб экологик муаммоларни юзага келтирди. 1978 йилда бу муаммолар бўйича тадқиқотлар олиб бориш ва атроф муҳитнинг ифлосланиши устидан назорат қилиш Ўзбекистон Гидрометеорология бошқармасига юклатилди. Ўзбекистон ФАда эса «Биосферадан рационал фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилишнинг минтақавий муаммолари» илмий кенгаши, ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганиш кенгаши (СОПС) қошида эса шу муаммолар билан шуғулланувчи сектор ташкил этилди. Табиатни муҳофаза қилиш муаммолари билан Ўзбекистон ФАнинг ботаника, зоология, тупроқшунослик ва агрохимия, иқтисод, геология институтлари, Республика санитария-гигиена ва касб касалликлари институти, университет ва баъзи бошқа институтлар шуғуллана бошлади, атроф муҳит ҳолатини ўрганувчи махсус илмий лабораториялар вужудга келди.

80-йилларда атроф муҳитнинг экологик ҳолати янада ёмонлашди, табиий ресурслардан нооқилона фойдаланиш оқибатлари яққол сезила бошлади. Натижада экологик муаммолар ижтимоий тус олди. Ўтқир экологик минтақавий муаммоларни дадил кўтариб чиқиб, ҳукумат, маҳаллий маъмурият ва кенг халқ оммаси эътиборини уларга қаратишда олимлар билан бирга шоир ва ёзувчилар, айниқса, публицистлар катта фаоллик кўрсатдилар. Улар ташаббуси билан Орол фонди ташкил этилди, Орол

денгизини қутқариш ижтимоий қўмитаси тузилди. 1988 йилда Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ташкил топди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши табиат муҳофазаси муаммоларини жадал ва катта масъулият билан ҳал қилишда янги босқич очди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида: «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир» (55-модда), деб мустаҳкамлаб қўйилди. Бундан ташқари 1992 йил 9 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунини қабул қилди. Эндиликда экологик муаммолар ҳукуматнинг доимий назорати остида: бу борада илк муваффақиятлар қўлга киритилмоқда, қишлоқ хўжалик ерларидан тобора оқилона фойдаланилмоқда, атроф-муҳит ҳолати кўп шаҳар ва минтақаларда яхшиланмоқда, қазилма бойликларни нест-нобуд қилишга чек қўйилмоқда.

1991 йилда «Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармаси ташкил этилди. Бу жамғарма Ўзбекистон ва умуман бутун Ўрта Осиё минтақаси экологик ҳолатини яхшилашга, атроф муҳитни муҳофаза қилишга, аҳолининг саломатлигини ҳимоя қилиш ва соғлом зурриётни сақлаб қолишга қаратилган дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Атроф муҳит экологик ҳолатини яхшилаш фақат Ўзбекистонда эмас, жаҳон миқёсида долзарб масала бўлиб қолди. «Атроф-муҳит гигиенаси» тушунчаси 1984 йилда ўзининг халқаро мақомига эга бўлди. Ўшанда Европа минтақасидаги Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти аъзолари бўлган давлатлар ҳаммининг соғлом бўлишига эришиш, деб аталган стратегияни қабул қилдилар. Атроф муҳит ва саломатлик юзасидан 1992 йилда Рио-де Жанейро биринчи, 1994 йилда Хельсинкида 2-конференция ўтказилди. Конференцияда экологик ва гигиеник муаммоларнинг оқибатлари билан шуғулланиш эмас, балки уларнинг манбаларини йўқотиш йўли билангина бу соҳада ижобий натижаларга эришиш мумкинлиги алоҳида таъкидланди. Бунинг учун жойларда экология бўйича миллий режалар ишлаб чиқиш зарурияти кўрсатилди. Ўзбекистон Республикаси таклифига биноан Ўзбекистон атроф муҳит гигиенаси соҳасида миллий ҳаракат режасини

ишлаб чиқиш бўйича синов мамлакати қилиб белгиланди. Бунда Ўзбекистон Республикаси томонидан синаб кўрилган Миллий режани Ўрта Осиё ва Озарбайжонга тавсия этиш учун асос қилиб олиш назарда тутилган. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда мазкур миллий режа устида жиддий ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ушбу режанинг мувофиқлаштирувчилари қилиб белгиланди.

21. Ўзбекистонда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг аҳамияти ва уни тартибга соладиган муносабатлар нималардан иборат?

1992 йил 9 декабрда Ўзбекистон Республикасида янги «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Мазкур қонун ўн бир бўлим, 53 моддадан иборат. У табиий муҳит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради. Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим объектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар ушбу Қонун билан, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ер, сув, ўрмон, ер ости бойликлари тўғрисидаги, атмосфера ҳавосини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонунлари ёхуд бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Қорақалпоғистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари билан ҳам тартибга солинади.

22. Табиатни муҳофаза қилиш объектлари, алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар ва объектларга нималар киради?

Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси ифлосланишидан, бузилиши-

дан, зарарланишидан, ориқлаб кетишидан, вайрон бўлишидан, йўқ бўлиб кетишидан, оқилона фойдаланмасликдан муҳофаза этилиши лозим.

Давлат қўриқхоналари, миллий, тарихий-табiiй ва ёдгорлик боғлари, заказниклар, табиат ёдгорликлари, ботаника ва зоология боғлари, дендрология боғлари, шунингдек, халқаро «Қизил китоб»га ва Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган ҳайвонлар ҳамда ўсимликлар, алоҳида қўриқланадиган табиат ҳудудлари ва объектлари жумласига киради.

Курорт ва рекрецион жойлар, ер усти ва ер ости сувлари тўпланадиган жойлар (дарё водийлари, адирлар, тоғ ён багирлари) нодир ва қимматбаҳо металл конлари, сув объектларининг соҳилбуйи минтақалари ва сувни муҳофаза этиш жойлари (минтақалари), алоҳида муҳофаза қилинадиган табиат ҳудудларининг қўриқланадиган (буфер) жойлари, балиқчилик хўжаликлари жойлашган ерлар, ўрмонларнинг тақиқланган минтақалари ҳамда бошқа жойлар Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан, халқаро шартномалар билан белгилаб қўйиладиган тартибда алоҳида муҳофаза этилмоғи керак.

Маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорлари билан алоҳида муҳофаза қилинадиган табиат ҳудудлари ва объектларининг ўзга турлари ҳам назарда тутилиши мумкин (2-модда).

23. Табиатни муҳофаза қилишдан мақсад нима?

Ушбу масала «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида ўз аксини топган.

Унда шундай дейилган:

Табиатни муҳофаза қилишдан мақсад:

— инсон саломатлиги учун, экологик мувозанатни сақлаш учун, республикани самарали ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манфаатлари йўлида табиатдан оқилона ва уни ишдан чиқармайдиган қилиб фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

— жонли табиатнинг турлари ва генетик фонди бойлигини сақлаб қолиш;

— экология тизимлари, ландшафтлар ва ноёб табиат объектлари хилма-хиллигини сақлаб қолиш;

— экология хавфсизлигини таъминлаш;

— табиат объектлари билан боғлиқ маданий меросни асраб қолишдир.

24. Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига эришиш учун табиатдан фойдаланувчилар қандай тадбирларни амалга оширишлари керак?

Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига эришиш учун давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари, вазирликлар ва идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермерлик ва кооператив хўжаликлар, шунингдек, айрим шахслар хўжалик, бошқарув ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш жараёнида қуйидаги қоидаларга амал қилишлари керак:

— инсоннинг яшаш муҳити бўлмиш биосфера ва экология тизимлари барқарорлигини сақлаб қолиш, одамларнинг экологик жиҳатдан хавфсизлиги, инсон ва унинг келгуси авлодлари генетик фонди ҳақида гамхўрлик қилиш;

— фуқароларнинг ҳаёт учун қулай табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, барча турдаги таълим муассасаларида экология ўқувининг мажбурийлиги;

— жамиятнинг экологик, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини илмий асосланган ҳолда уйғунлаштириш;

— табиатдан махсус фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш ва умумий асосларда фойдаланганлик учун ҳақ тўламаслик;

— экология экспертизаси ўтказишнинг мажбурийлиги;

— табиатдан оқилона фойдаланишни ва табиатни муҳофаза қилишни рағбатлантириш;

— табиий ресурсларни тиклаш зарурлиги, атроф табиий муҳит ва инсон сиҳат-саломатлиги учун зарарли, тиклаб бўлмас оқибатларга йўл қўймаслик;

— табиатни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этишда ошкоралик;

— табиатни муҳофаза қилиш соҳасида миллий, регионал ва халқаро манфаатларни уйғунлаштириш;

— табиатни муҳофаза қилиш қонунлари талабларини бузганлик учун жавобгар бўлиш (4-модда).

25. Ўзбекистон Республикасида табиий ресурсларга нисбатан мулкчилик қандай ҳал этилган?

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бой-

ликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

Табий ресурсларни бериш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишнинг шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан белгиланган (5-модда).

26. Ўзбекистон Республикасининг «Табиятни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунда табиатдан умумий тарзда ва махсус йўсинда фойдаланиш тушунчаси ҳамда мазмуни қандай ифода этилган?

Мазкур масала қонуннинг 6-моддасида акс эттирилган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасида табиатдан умумий тарзда ва махсус йўсинда фойдаланилади. Табиатдан умумий тарзда фойдаланиш фуқаролар томонидан ҳаётий зарур эҳтиёжларни қондириш учун текинга табиий ресурсларни айрим фойдаланувчиларга бириктирмай ва ҳеч қандай рухсатномалар бермай туриб амалга оширилади.

Табиатдан махсус йўсинда фойдаланиш тариқасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларга ишлаб чиқариш ва ўзга хил фаолиятни амалга ошириш учун табиий ресурслар ҳақ олиб махсус рухсатномалар асосида эгаллик қилишга, фойдаланиш ёки ижарага берилади.

27. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг табиатни муҳофаза қилишга тааллуқли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатларига нималар кирadi?

Бу юқорида келтирилган қонуннинг «Давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг табиатни муҳофаза этишга тааллуқли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари» II бўлимда батафсил баён этилади. Унинг 7-моддасида, жумладан, шундай уқтирилади.

Қуйидагилар:

- табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш;
- давлат экология дастурларини тасдиқлаш;
- табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги республика қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

худудларни фавқулодда экология ҳолати, экология офати ва экология фалокати минтақалари деб эълон қилиш, бундай минтақаларнинг ҳуқуқий режимини ва жафо кўрганларнинг мақомини белгилаш;

— табиатни муҳофаза қилишга тааллуқли қонунлар ижросини мувофиқлаштириб бориш;

— табиий ресурслардан фойдаланганлик учун ҳақ олишнинг энг кўп-кам ҳажмини, шунингдек, тўловларини ундириб олишдаги имтиёзларни белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ихтиёрига берилган бошқа масалаларни ҳал этиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мутлақ ваколат доирасига киради.

28. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг давлат бошқаруви қандай тартибда амалга оширилади?

Бу «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасида ўз аксини топган. Унга кўра атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан фойдаланишнинг давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, давлат бошқаруви маҳаллий идоралари амалга оширадилар.

29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг табиатни муҳофаза қилиш бўйича қандай ваколатлари мавжуд?

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида:

— табиатни муҳофаза қилишга доир ягона сиёсат юритиш;

— табиат ресурсларидан фойдаланишни тартибга солиш;

— табиий ресурсларга нисбатан табиат кадастри юритилиши табиатни белгилаш ва бундай юритилишини таъминлаш, республика аҳамиятига молик табиий ресурсларнинг захираларини тасдиқлаш;

— экология жиҳатдан танг вазиятлар, табиий офатлар ва фалокатларнинг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

— табиий офатлар ва йирик аварияларнинг оқибатларини тугатиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

— табиий ресурслардан фойдаланганлик, атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик, чиқиндилар, зарарли таъсир этувчи бошқа нарсалар жойлаштириб ташлаганлик учун ҳақ тўлаш тартибини, шунингдек, табиий ресурслардан фойдаланиш, чиқиндилар жойлаштириш лимитларини белгилаш;

— экология маорифи ва тарбияси тизимини яратиш ҳамда унинг амал қилишини таъминлаш;

— табиатдан алоҳида тартибда фойдаланиладиган ҳудудларнинг чегараларини, табиатни муҳофаза қилиш ва ҳўжалик фаолияти режимларини тасдиқлаш;

— табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида давлатлараро муносабатларни ривожлантириш;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тадбирларни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколат доирасига киради.

30. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари қонунда қандай тартибда белгиланган?

Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг 10-моддасига асосан табиатни муҳофаза қилиш соҳасида;

— ўз ҳудудида табиатни муҳофаза қилишнинг асосий йўналишларини белгилаш, минтақанинг (ҳудуднинг) экология дастурини тасдиқлаш;

— табиий ресурсларни ҳисобга олиш ва уларнинг аҳволига баҳо бериш, экология жиҳатидан зарарли бўлган объектларни рўйхатга олиш;

— табиатни муҳофаза қилишга доир тадбирларни моддий-техника жиҳатдан таъминлаш;

— табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи саноат чиқиндиларини ёки рўзгор чиқиндиларини тўплаш ёки қўмиб ташлашга рухсатномаларни белгиланган тартибда бериш ёки уларни бекор қилиш;

— табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар ундириш;

— табиатнинг муҳофаза қилиниши устидан назорат ўрнатиш, атроф муҳитга зарар етказган маҳаллий аҳамиятга

молик объектлар фаолиятини вақтинча ёки бутунлай тўхтатиш ва қайта ихтисослаштириш тўғрисидаги қарорлар қабул қилиш.

Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган бошқа масалаларни тартибга солиш давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг ваколатига киради.

31. «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ваколатлари ҳам кўрсатилганми?

Бу масала қонуннинг 11-моддасида ўз ифодасини топган. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бўйсунди ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек, айрим шахслар томонидан, ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмон, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан, атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишга доир қонунларга риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тасдиқлайдиган Низом билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлар давлат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

32. Қонунда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам баён этилганми?

Ушбу масала қонуннинг 12-моддасида ўз ифодасини топган. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ўз саломатлиги ва келажак авлоднинг саломатлиги учун қулай табиий муҳитда яшаш, ўз саломатлигини атроф-муҳитнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш ҳуқуқига эга.

Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси табиатни муҳофаза қилиш бўйича жамоат ташкилотларига бирлашиш, атроф табиий муҳитнинг аҳволи ҳамда уни муҳофаза қилиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларга доир ахборотларни талаб қилиш ва олиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиши, табиат бойликларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиши, экология талабларига риоя этиши шарт.

33. Қонуннинг 14-моддасида «Атроф табиий муҳит сифатининг нормативлари ва стандартлари» кўрсатилган буни қандай тушунса бўлади?

Буни нафақат 14-модда, 15-модда ҳам ўз ичига олган. Уларга қараганда хўжалик фаолиятининг атроф-табиий муҳитга зарарли таъсири атроф табиий муҳит сифати аҳолининг экология жиҳатдан хавфсизлигини, табиий ресурсларни тиклаш ва муҳофаза қилишни кафолатловчи нормативлари ва стандартлари билан чеклаб қўйилади.

Худудий-ишлаб чиқариш мажмуаларини таркиб топтиришда, саноат, қишлоқ хўжалиги қурилишини ривожлантиришда ҳамда шаҳарлар, бошқа аҳоли пунктларини қайта қуриш ва таъмирлашда атроф табиий муҳитга бўладиган таъсирнинг йўл қўйиши мумкин бўлган меъёрлари белгиланади.

Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар атроф муҳитга таъсирнинг йўл қўйиши мумкин бўлган энг юқори даражаларини тартибга солувчи экологик ва бошқа йўсиндаги мезонларни ишлаб чиқишлари шарт.

Экологик нормативларни ўзларига берилган ваколатларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Саноатда ишларни бехатар олиб боришни назорат қилиш ва кон назорати давлат қўмитаси тасдиқлайдилар.

Кимёвий дори-дармонларни қишлоқ хўжалигида ишлатишга Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ рухсат этилади.

34. Табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва унинг шартлари нималардан иборат?

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг V-бўлими 16,23-моддалари айнан шу масалага бағишланган. Жумладан, 16-моддага мувофиқ табиатдан фойдаланишга атроф табиий муҳитни яшаш учун яроқли ҳолда сақлаш, табиий ресурслардан белгиланган тегишли нор-

мативлар доирасида фойдаланиш ва қайта тикланадиган ва қайта тикланаётган табиий ресурслар қайта тикланишини таъминлаш шарти билан йўл қўйилади.

35. Тупроқдан фойдаланиш шартлари қандай?

Тупроқ дейилганида, ер қобиғининг тириклик учун фойдаланиладиган ва ўсимликлар билан бирга амал қиладиган юзадаги унумдор қатлами тушунилади.

Тупроқдан унинг унумдорлигини пасайтирмаган ҳолда табиий ва маданий ўсимликлардан ҳосил олиш учун фойдаланилади.

Тупроқнинг иншоот остида қоладиган гумусли қатлами бошқа жойларда ҳосилдорликни ошириш учун олиб кетилиши керак (17-модда).

36. Ер ости бойликлари ва фойдали қазилмалардан фойдаланиш шартлари қандай?

Бу хусусда «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддасида таъкидланишича, ер ости бойликлари ер қобиғининг юқори қисмини қамраб олувчи, тадқиқотлар ўтказиш ва фойдали қазилмалар кавлаб олиш мумкин бўлган сатҳ, фойдали қазилмалар дейилганида эса иқтисодий ва соғломлаштириш аҳамиятига молик геологик ҳосилалар тушунилади.

Ер ости бойликлари ва фойдали қазилмалардан қуйидаги шартлар билан фойдаланилади:

— қазиб олишда ана шу бойлик ва қазилмалар ҳамда уларга қўшилиб чиқадиган бошқа табиий ресурслардан комплекс ва оқилона фойдаланиш таъминланса, шунингдек, атроф табиий муҳит ва ер ости бойликлари ифлосланишининг олди олинса;

— фойдали қазилмаларни кавлаб олиш чогида ҳолати ўзгарган ерлар рекультивация қилинса;

— қайта тикланадиган фойдали қазилмалардан табиий қайта тикланишига эришиладиган даражадагина фойдаланилса.

37. Сувлар ва сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартлари қандай?

Ушбу масала 1993 йил 6 майдаги «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунда ўз ифодасини топган (19-модда). Унга асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида-

ги ер усти, ер ости ва денгиз сувларидан зарур миқдордаги сувнинг табиий айланишини сақлаш, унинг норматив кўрсатилган даражада тозалигини таъминлаш, сув ўсимликлари ва ҳайвонларни асраш, сув ҳавзаларининг ифлосланишига йўл қўймаслик, уларда экология мувозанатини сақлаш ва сув ҳавзасига ландшафт элементи сифатида зиён етказмаслик шарт билан йўл қўйилади.

Маҳаллий ҳокимият идоралари, ўрмон ва сув хўжалиги идоралари дарё ирмоқлари ҳосил бўладиган жойлар, сув ҳавзалари соҳили минтақаларида дарахтзорларни тиклашлари ва дов-дарахтни кўпайтиришлари ҳамда уларнинг сақланишини таъминлашлари шарт.

Бу хусусда кейинги бобда яна тўлароқ тўхталамиз.

38. Атмосфера ҳавзасида фойдаланиш шартлари табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунда қандай акс этган?

Унинг 20-моддасида шундай дейилади:

Атмосфера ҳавоси дейилганида Ўзбекистон Республикаси ҳудуди устидаги ҳаво бўшлиғи тушунилади. Ҳаводан фойдаланишга муайян ҳудуд ҳавосининг сифатини ўзгартирмаслик, уни белгиланган нормативлардан ортиқ даражада ифлослантирмаслик ёки сийраклаштирмаслик шарт билан йўл қўйилади.

Халқаро битимга мувофиқ вазирликлар ва идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, хусусий корхоналар, шахслар озон қатламига зарарли таъсир этувчи кимёвий моддалар ишлаб чиқариш ҳамда бундай моддалардан фойдаланишни қисқартиришлари ва келгусида батамом тўхтатишлари шарт.

39. Жонли табиат объектларидан фойдаланишнинг қандай шартлари мавжуд?

Жонли табиат дейилганида табиий ўсимликлар, шу жумладан ўрмон, табиатда эркин яшайдиган ҳайвонлар ва бошқа жонли организмлар тушунилади.

Жонли табиат объектларидан:

- уларнинг қайта тикланиш қобилиятини сақлаш;
- уларнинг хилма-хил турини ва тўдаларининг барқарорлигини сақлаш;
- атроф табиий муҳитнинг биологик жиҳатдан ифлосланишига йўл қўймаслик шарт билан фойдаланилади (21-модда).

40. «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунда ишлаб чиқариш ва рўзғор чиқиндиларини чиқариб ташлаш шартлари ҳам кўрсатилганми?

Мазкур масалага 22,23-моддаларда эътибор берилган. Уларда қуйидагилар қайд этилади:

Чиқиндилар, шу жумладан қўшилиб кетган моддалар ишлаб чиқиш ва коммунал-маиший соҳалардан тақрор фойдаланиш, тўплаш, тарқатиб юбориш, кўмиб ташлаш орқали йўқотилади.

Ишлаб чиқариш чиқиндиларини атроф табиий муҳитга зарар етказмаган ҳолда чиқариб ташлаш учун масъулият ана шу чиқиндиларни ҳосил қилган ташкилот ёки шахс зиммасида бўлади. Рўзғор чиқиндиларини йўқотиш маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари томонидан ташкил этилади.

Чиқиндилар кейинчалик улардан хўжалик мақсадларида фойдаланиш, атроф табиий муҳитга зарар етказмаслик имкониятини таъминлайдиган усулда чиқариб ташланади.

Ишлаб чиқарган маҳсулотлари ёки уларни жойлаш идишлари ва ўраш материалларининг бир қисми чиқиндига чиқадиган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ана шу чиқиндиларнинг қайта ишланишини таъминлашлари шарт.

Табиий ресурслардан фойдаланиш талабларини муттасил бузадиган фойдаланувчи табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин.

41. Мазкур қонунда «Экологик экспертиза» ва унинг мақсад ҳамда вазифалари кўрсатилганми?

У қонуннинг VI-бўлим, 24,27-моддалари ана шу масалага кенгроқ эътибор берилган. Жумладан, 24-моддада шундай дейилади:

давлат экология экспертизаси хўжалик қарори қабул қилинишидан олдин ўтказилиши шарт бўлган атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш тадбиридир.

давлат экология экспертизаси Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ўтказилади.

давлат экология экспертизасининг мақсади мўлжалланаётган ёки амалга оширилаяётган хўжалик фаолияти ёки ўзга фаолиятнинг экология жиҳатдан қай даражада хавфли эканлигини аниқлаш, бу хилдаги фаолият таби-

атни муҳофаза қилиш қонунларининг талабларига қанчалик мувофиқлигини баҳолаш, лойиҳаларда назарда тутилаётган табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг қай даражада етарли ва асосли эканлигини аниқлашдан иборатдир.

42. Давлат экологик экспертизасининг объектларига қайси объектлар киради?

Куйидагилар давлат экология экспертизасидан ўтказилиши керак:

— давлат дастурлари, концепцияларининг, ишлаб чиқарувчи кучли ва халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш ҳамда жойлаштириш асосий йўналишлари ҳамда схемаларининг лойиҳалари;

— ҳар қандай турдаги қурилиш учун жой танлашга оид материаллар, режа тузиш олдидан, лойиҳалаш олдидан тайёрланадиган ҳужжатлар ва лойиҳа ҳужжатлари;

— экология ҳолатига баҳо бериш, табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ тадқиқот ишларининг дастурлари;

— хўжалик фаолиятини ва табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солувчи йўл-йўриқ ва усул йўсинидаги ҳамда норматив-техникавий ҳужжатларнинг лойиҳалари;

— янги техника, технология, материаллар ва моддалар яратишга, шу жумладан чет эллардан сотиб олишга доир ҳужжатлар, бошқа ҳужжатлар ва техника, маҳсулот стандартлари;

— Ўзбекистон Республикасига олиб келинадиган ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиб кетиладиган маҳсулотлар;

— кимёвий моддалар;

— айрим минтақалар, жойлар ва объектлардаги экология вазияти;

— атроф табиий муҳитнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатувчи ишлаб турган корхоналар ва бошқа объектлар.

Давлат экология экспертизасининг ижобий ҳулосасиз лойиҳаларни рўёбга чиқариш ман этилади (25-модда).

43. Санитария-экологик экспертизаси нима учун ўтказилади?

Давлат санитария-экология экспертизаси атроф табиий муҳит ифлосланишининг инсон саломатлигига қан-

чалик зарарли таъсир кўрсатишини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Давлат санитария-экология экспертизаси соғлиқни сақлаш идораларининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ташаббусига кўра Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тайинланади.

Давлат санитария-экология экспертизасини ўтказиш тартиби ва усулларини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза этиш давлат қўмитаси билан келишиб туриб тасдиқлайди (26-модда).

44. Жамоатчилик асосидаги экология экспертизасининг аҳамияти нимада?

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 27-моддасида бу масала ўз аксини топган.

Унда кўрсатилишича жамоатчилик асосидаги экология экспертизаси жамоат бирлашмаларининг ташаббусига кўра уларнинг маблаглари ҳисобидан ёки жамоатчилик асосида мутахассисларнинг мустақил гуруҳлари томонидан амалга оширилади.

Жамоатчилик асосидаги экология экспертизасининг хулосалари тавсия тамойилига эга бўлади.

45. Атроф табиий муҳит мониторингининг аҳамияти нимада?

Мазкур масала бўйича «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 28-моддасида шундай уқтирилади:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳитнинг ҳолати ва унинг ресурсларини кузатиш, ҳисобга олиш, уларга баҳо бериш ва уларнинг истиқболини белгилашни таъминлаш мақсадида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тизими ташкил этилади.

Атроф табиий муҳитнинг ҳолати, табиий ресурслардан фойдаланиш устидан кузатув махсус ваколат берилган идоралар, шунингдек, фаолият атроф табиий муҳитнинг ҳолатини ёмонлаштирадиган ёки ёмонлаштирилиши мумкин бўлган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан амалга оширилади.

Махсус ваколат берилган идоралар, шунингдек, айтиб ўтилган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўз қузатувларига доир материалларни тегишли давлат идораларига бепул беришлари шарт.

Мониторинг тузилиши, мазмуни ва уни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

46. Экологик назоратнинг қандай вазифалари мавжуд?

Экологик назорат олдига:

— атроф табиий муҳит ҳолатини ҳамда хўжалик юриштиш ва бошқа фаолият таъсири остида унда бўладиган ўзгаришларни кузатиб бориш;

— атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф табиий муҳитни соғломлаштириш, табиатни муҳофаза қилишга доир қонунлар талаблари ва атроф табиий муҳит сифатининг нормативларга риоя этиш борасидаги дастурлар ҳамда айрим тадбирлар бажарилишини текшириш вазифаси қўйилган.

Экологик назорат тизими давлат атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиб бориш хизмати, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат, идоровий, ишлаб чиқариш ва жамоат назоратидан иборат (29-модда).

47. Давлат атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиб бориш хизматининг мақсади ва унинг вазифалари нималардан иборат?

Давлат атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиб бориш хизмати табиий муҳитда содир бўлаётган физик, кимёвий, биологик жараёнларни, атмосфера ҳавоси, тупроқ, ер усти ва ер ости сувларининг ифлосланиш даражасини, ифлосланишнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсири оқибатларини кузатиб бориш, манфаатдор ташкилотлар ва аҳолини атроф табиий муҳитда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида жорий ва шошилинч ахборотлар ҳамда бу муҳит ҳолатига доир тахминлар билан таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

Атроф табиий муҳит ҳолати тўғрисидаги ахборот очиқ-ошкора йўсинда бўлиб, унинг асосий кўрсаткичлари дав-

лат табиатни муҳофаза этиш идоралари томонидан эълон қилиш учун мунтазам бериб борилади.

Давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари фалокатлар ва бошқа ҳодисалар натижасида атроф табиий муҳит норматив белгиланганидан ҳам ортиқроқ даражада ифлосланган тақдирда бундай фалокат ва ҳодисалар тўғрисида жамоатчиликни дарҳол хабардор этишлари шарт.

Табиий ресурсларнинг миқдори, сифат ва бошқа хил кўрсаткичларини, улардан фойдаланишнинг ҳажми, тартиб тамойилини ҳисобга олиб бориш учун давлат табиий ресурслар кадастрлари юритилади.

Атроф табиий муҳит ҳолатига зарарли таъсир қиладиган ёки номақбул тарзда таъсир этиши мумкин бўлган объектлар, атроф табиий муҳитга тушадиган зарарли моддаларнинг турлари ва миқдори, ишлаб чиқариш ва рўзгор чиқиндиларининг ҳажмлари ва таркиби ҳам назорат этиб борилади ва давлат ҳисобига олинади.

Давлат атроф табиий муҳит ҳолатини назорат этиш хизматининг таркиби уни ташкил этиш ва фаолият кўрсатиши тартиби, давлат табиий ресурслар кадастрларини, атроф муҳитга зарарли таъсир этувчи объектларнинг давлат ҳисобини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб берилади (30-модда).

48. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назорати тизими нималардан иборат?

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назорати давлат ҳокимияти ва бошқарувчи идоралари, махсус ваколатли давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари томонидан амалга оширилади.

Қуйидагилар:

— Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;

— Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

— Ўзбекистон Республикаси Саноатда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш ва кончилик назорати давлат қўмитаси; — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги махсус ваколатли давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари ҳисобланади.

Махсус ваколатли давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат

назоратини амалга оширишда қатнашишга идоравий экология хизмат бўлинмаларини белгиланган тартибда жалб этишлари мумкин (31-модда).

49. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоат назоратини олиб боришдан мақсад нима?

Ушбу тартиб «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 32-моддасида ўз ифодасини топган. Унда кўрсатилишича, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг экология хизмати шу вазирлик, давлат қўмитаси ёки идора тасарруфидаги корхоналар ва ташкилотлар фаолияти устидан табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги идоравий назоратни амалга оширади.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишлаб чиқариш назоратини корхоналар, бирлашмалар, ташкилотларнинг экология хизмати амалга оширади ва табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилona фойдаланиш ва уларни тиклаш, атроф табиий муҳитни соғломлаштириш, табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларнинг талаблари бажарилиши юзасида дастурлар ҳамда айрим тadbирлар ижросини текшириш мақсадини кўзлайди.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги жамоат назоратини жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари, фуқаролар амалга оширадilar.

Идоравий, ишлаб чиқариш назоратини амалга оширувчи экология соҳасидаги жамоат назоратини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши тартиби ушбу Қонун ва мазкур хизматлар ҳамда жамоат назорати тўғрисидаги низомлар билан тартибга солиб бoрилади.

50. Табиатни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий тартиботи қандай ҳолларда белгиланади?

Ушбу масала юқорида тилга олинган қонуннинг VIII-бўлими 33-моддасида ўз аксини топган. Унда шундай дейилади:

— табиатни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иқтисодий тартиботи;

— табиий ресурслардан махсус фойдаланганлик учун, атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик (шу жумладан чиқиндиларни жойлаштирганлик) ва атроф табиий муҳитга

бошқача тарзда зарарли таъсир кўрсатганлик учун тўлов ундиришни;

— камчиқитли ва ресурсларни тежайдиган технологиялар жорий этилганида, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурсларни қайта тиклашда самара берувчи фаолият амалга оширилганида корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга, шунингдек, айрим шахсларга солиқ, кредит имтиёзлари ва ўзга имтиёзлар беришни;

— экология нуқтаи назаридан хавфли технологияларни қўлланганлик ва ўзга фаолиятни амалга оширганлик учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга нисбатан махсус солиқлар жорий этишни;

— атроф табиий муҳитни ифлослантирувчи моддаларни чиқариш, оқизиш ёхуд экология нуқтаи назаридан ўзга зарарли фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар (рухсатномалар) олишни;

— табиий муҳитнинг қулай ҳолатини бузган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар зиммасига уни тиклаш вазифасини юклашни;

— табиат объектларини бузиш ёки йўқ қилиб юбориш оқибатида етказилган зарар учун белгиланган тартибда товон пули ундириш;

— табиатни муҳофаза қилиш борасидаги режалар ва чора-тадбирлар бажарилмаган, табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларнинг норматив-техник ва бошқа талаблари бузилган ҳолларда мансабдор шахслар ёки бошқа ходимларни асосий ишлаб чиқариш фаолиятида эришилган натижалар бўйича бериладиган пул мукофотлари ёки бошқа мукофотлардан тўлиқ ёки қисман маҳрум этишни;

— экологик соф маҳсулот чиқарганлик учун рағбатлантирувчи нархлар ва устама ҳақлар белгилашни;

— табиий ресурслардан оқилona фойдаланмаслик, меъёрда белгиланганидан ортиқча фойдаланганлик учун табиатдан фойдаланувчиларга нисбатан иқтисодий жазо чораларини ҳамда табиий ресурслардан тежаб-тергаб ва оқилona фойдаланганлик учун иқтисодий рағбатлантиришни қўллаш;

— Табиий муҳитни сақлаш соҳасида ва экологик соф маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳаммадан юқори кўрсаткичларга эришган давлат, кооператив, жамоат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари, бошқа корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларнинг жамоаларини ва айрим ходимларини, шунингдек, айрим шахсларни моддий рағбатлантиришни кўзда тутати.

Ўзбекистон Республикасининг қонунларида, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорларида табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни иқтисодий рағбатлантиришнинг бошқа турлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни иқтисодий рағбатлантириш тартиблари Ўзбекистон Республикаси қонунларида, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорларида белгилаб қўйиладиган тартибда қўлланилади.

51. Табиатдан махсус фойдаланганлик учун тўловларнинг қандай турлари мавжуд ва уларнинг моҳияти нимада?

Табиатдан махсус фойдаланганлик учун тўловлар атроф табиий муҳитни ифлосланганлик (ифлослантирувчи моддаларни чиқарганлик, оқизганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик) учун тўланадиган тўловлардан, табиий ресурсларни муҳофаза қилганлик ва қайта тикланганлик учун тўланадиган тўловлардан иборат бўлади.

Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари ва ўзгача тўлов миқдорлари, шу жумладан ижара тўловларининг миқдори, табиий ресурсларнинг қай даражада кенг тарқалганлиги, сифати, уларни қайта тиклаш имкониятлари, улардан фойдаланишнинг қай даражада қулайлиги, комплекслиги, самарадорлиги, уларнинг жойлашган ери, чиқиндиларни қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш имкониятлари ҳамда бошқа жиҳатларни инобатга олган ҳолда, шунингдек, тегишли лимитлар Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда аниқланади ва тасдиқланади.

Атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддалар чиқарганлик ва оқизганлик, чиқиндиларни жойлаштирганлик учун тўлов миқдорлари ҳамда тегишли лимитлар манфаатдор идоралар билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг идоралари томонидан тасдиқланади.

Республика аҳамиятига молик табиий ресурсларни муҳофаза қилганлик ва қайта тиклаганлик учун тўловларнинг миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан, маҳаллий аҳамиятга молик табиий ресурслар бўйича эса маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари томонидан белгиланади.

Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар табиатдан фойдаланувчи корхоналар маҳсулотларининг (бажарган ишларининг, кўрсатган хизматларининг) тан-нархига қўшилади.

Атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни чиқарганлик ва оқизганлик, ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини жойлаштирганлик учун, шунингдек, табиатдан рухсатномада (норматив) белгиланганидан ташқари фойдаланганлик ва ўзгача махсус тарзда нооқилона фойдаланганлик учун тўловлар табиатдан фойдаланувчи корхоналарнинг фойдасидан (даромадидан) ундирилади.

Табиий ресурслардан фойдаланганлик, уларни муҳофаза қилганлик ва қайта тиклаганлик учун тўлов маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг бюджетига тушади ҳамда алоҳида модда билан ҳисобга олинади.

Атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддалар чиқарганлик ва оқизганлик, ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини жойлаштирганлик учун тўлов табиатни муҳофаза қилиш жамгармасига келиб тушади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунларида, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорларида табиатдан фойдаланганлик учун тўловлардан озод қилиш ҳоллари, шунингдек, бошқа солиқ имтиёзлари назарда тутилиши мумкин.

Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун ва зарарли моддаларни чиқарганлик (оқизганлик) учун тўловларни амалга ошириш корхона, бирлашма ва ташкилотни, шунингдек, айрим шахсларни экология тадбирларини бажаришдан ва етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбуриятидан озод этмайди (34-модда).

52. Табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари турлари ва уларнинг мақсади нималардан иборат?

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 35-моддасига биноан табиатни муҳофаза қилиш тартибларини пул билан таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги идоралари ҳузурида табиатни муҳофаза қилиш республика жамгармаси ҳамда маҳаллий жамгармалари ташкил этилади.

Табиатни муҳофаза қилиш жамгармасини таркиб топ-тириш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон

Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари тўғрисидаги низом билан белгилаб қўйилади.

Табиатни муҳофаза қилиш жамоат жамғармалари аҳолининг, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг ихтиёрий бадаллари ва бошқа манбалар ҳисобидан, шунингдек, ажнабий юридик шахслар ва фуқароларнинг ажратмалари ҳисобидан ҳосил бўлади. Жамоат жамғармаларини ташкил этиш ва сарфлаш тартиби тегишли жамоат бирлашмалари томонидан тасдиқланадиган табиатни муҳофаза қилиш жамоат жамғармалари тўғрисидаги низомлар билан белгилаб қўйилади.

53. Экологик суғурта нима?

Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши ва табиий ресурслар сифатининг ёмонлашуви оқибатида зарар етиши ҳолларини назарда тутиб корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мол-мулки ҳамда даромадлари, фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулки ихтиёрий ҳамда мажбурий суғурта қилинади.

Экология суғуртасининг тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгилаб қўйилди (36-модда).

54. «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунда табиатни муҳофаза қилишни рағбатлантириш масаласи кўрсатилганми?

Ҳа, унинг 37-моддаси ана шу масалага бағишланган. Унга кўра табиатдан оқилона фойдаланиш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишни рағбатлантириш:

— корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширганлари тақдирда уларга солиқ солишда имтиёзлар бериш;

— табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва табиат муҳофазасини таъминлаш борасидаги чора-тадбирларни рўёбга чиқариш учун имтиёзли шартлар қисқа муддатли ва узоқ муддатли кредитлар (ссудалар) бериш;

— асосий ишлаб чиқариш фондлари учун юқори амортизация нормалари белгилаш;

— атроф табиий муҳитга ифлослантирувчи моддалар чиқариш ва оқизиш ҳамда чиқиндиларни жойлаштириш

барқарор суръатда пасайтириб борилган тақдирда бундай моддаларни чиқарганлик ва оқизганлик ҳамда чиқиндиларни жойлаштирганлик учун тўловларни камайтириш;
— табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари маблағларининг бир қисмини ифлослантирувчи моддалар чиқариш ва оқизишни камайтириш чора-тадбирларини рўёбга чиқариш мақсадида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим шахсларга фойизли қарзлар шартнома асосида бериш орқали амалга оширилади.

55. Қандай жойлар қандай ҳолатда фавқулодда экология вазияти ва экология офати минтақалари деб эълон қилинади?

Хўжалик фаолияти ва бошқа йўсиндаги фаолият, табиат стихияли кучларининг вайрон этувчи таъсири ёхуд рўй берган фалокат ёки ҳалокат натижасида муайян ҳудудларнинг, шу жумладан сув ва ҳаво бўшлиғининг атроф табиий муҳитда инсон саломатлигига, табиий экология тизимларининг, ўсимлик ва ҳайвонлар генетик фондларининг ҳолатига таҳдид солувчи барқарор салбий ўзгаришлар содир бўлаётган қисми фавқулодда экология вазияти минтақалари деб эълон қилинади.

Муайян ҳудуднинг табиат мувозанати, табиий экология тизимлари бузилиши билан боғлиқ ҳолда табиий муҳитда барқарор ёки тузатиб бўлмас ўзгаришлар рўй берган ёки рўй бераётган қисми экология офати минтақалари деб эълон қилинади.

Фавқулодда экология вазияти ва экология офати минтақалари деб эълон қилиш тўғрисидаги қарор қонунларда белгилаб қўйилган тартибда қабул қилинади.

Фавқулодда экология вазияти ва экология офати минтақаларида шу вазиятни келтириб чиқарган ишлар тўхтатиб қўйилади, атроф табиий муҳитга зарарли таъсир этувчи фаолият (аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ фаолият бундан мустасно) тақиқланади, табиий муҳитни тиклаш ва соғломлаштириш чора-тадбирлари кўрилади (39-модда).

56. Қандай ҳолатлар экология нуқтаи назаридан хавф туғдирадиган вазиятлар ҳисобланади?

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 40-моддасига кўра экология нуқтаи назаридан хавф

туғдирадиган вазиятлар деганда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан биринчи даражали хавфли моддалар жумласига киритилган ўта заҳарли, кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар, радиоактив ва бошқа моддаларни сақлаш, ташиш ва улардан фойдаланиш чоғида атроф табиий муҳитнинг ортиқча даражада ифлосланишини, табиат тизимларининг шикаст топиши, инсон саломатлиги ва ҳаётига зиён етиши таҳдиди билан боғлиқ бўлган вазиятлар тушунилади.

Экология нуқтаи назаридан хавф туғдирадиган вазиятлар юзага келган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг идоралари тегишли ишлаб чиқариш объектлари атрофида, транспорт магистрал йўллари бўйлаб алоҳида ҳуқуқий тартиб ўрнатадилар.

57. Хўжалик фаолияти ва бошқа йўсиндаги фаолиятга доир экологик талаблар нималардан иборат?

Ушбу масала «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг X-бўлим 41-моддасида батафсил кўрсатилган, жумладан 41-моддада шундай дейилади:

Корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, реконструкциялаш, кенгайтириш ва техника билан қайта ускуналаш, улардан фойдаланиш ва уларни тугатиш чоғида экология хавфсизлиги талаблари бажарилмоғи, табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари назарда тутилмоғи лозим.

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, айрим шахслар чиқитсиз ва камчиқит технологияларни жорий этишлари, ишлаб чиқариш ва рўзғор чиқиндилари ҳосил бўлишини камайтиришлари, уларни зарарсизлантиришлари ва қайта ишлашлари, чиқиндиларни навларга ажратиш, тўплаш, кўмиб ташлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этишлари шарт.

Фаолияти атроф табиий муҳитга анча зарарли экологик таъсир этиши мумкин бўлган йирик халқ хўжалик объектларини ривожлантириш ва жойлаштириш тўғрисидаги қарорлар давлат экология экспертизаси хулосасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинади.

Экология талабларига жавоб бермайдиган объектларни фойдаланишга топшириш ман этилади.

58. Радиоактив ва кимёвий моддаларни ишлатиш пайтидаги экологик талаблар нималардан иборат?

Юқорида тилга олинган қонуннинг 42—43-моддаларига кўра корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим фуқаролар радиоактив ва кимёвий моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, қўллаш, зарарсизлантириш ҳамда кўмиб ташлаш чоғида экология талабларига, белгиланган нормативлар ва қоидаларга риоя қилишлари, уларни қўллашнинг зарарли оқибатлари олдини олиш ва бартараф этиш чора-тадбирларини кўришлари, мазкур нормативлардан ошиб кетилгани тақдирда радиация ва кимёвий хавфсизликни таъминлаш идораларини дарҳол хабардор этишлари шарт.

Радиоактив чиқиндиларни ва кимёвий моддаларни кўмиб ташлаш учун рухсатнома давлат санитария ва қон назорати идоралари билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан берилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, айрим шахслар зарарли ишлаб чиқариш шовқинлари, тебраниш, электромагнит майдонларининг ва зарарли физик таъсирлар кўрсатувчи бошқа омилларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўришлари шарт.

59. Экология гувоҳномаларининг аҳамияти нимада?

Экология ёки гигиена гувоҳномасига эга бўлмаган, шунингдек, уларда белгиланган мезонларни бузган ҳолда хом ашё ва материаллардан фойдаланиш, технология жараёнларини жорий этиш ва тайёр маҳсулотлар (шу жумладан озиқ-оқат маҳсулотлари) ишлаб чиқариш ман этилади.

Экология гувоҳномаси бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади (46-модда).

60. Табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларни бузганлик учун қандай тартибда жавобгарликлар қўлланилади?

Тубандаги ҳолларда:

— табиатни муҳофаза қилишнинг стандартлари, нормалари, қоидалари ва бошқа норматив-техник талаблар-

ни бузишда, шу жумладан корхоналар, иншоотлар, транспорт воситалари ва бошқа объектларни режалаштириш, қуриш, реконструкциялаш, улардан фойдаланиш ёки уларни тугатиш чоғида, экология нуқтаи назаридан хавfli маҳсулотларни чет элларга чиқариш ва чет эллардан олиб келишда ҳудуднинг белгилаб қўйилган экология сигимини, экология нормалари, қоидаларини бузишда;

— табиий бойликлардан ўзбошимчалик билан фойдаланишда, давлат экология экспертизаси талабларини бажармаганликда;

— табиий ресурслардан фойдаланганлик учун, атроф табиий муҳитга зарарли моддалар чиқарганлик ва оқизганлик, қаттиқ чиқиндилар жойлаштирганлик, бу муҳитни ифлослантирганлик ва унга зарарли таъсир кўрсатишнинг бошқа турлари учун белгиланган ҳақни тўлашдан бош тортганликда;

— табиатни муҳофаза қилиш объектларини қуриш режаларини, табиатни муҳофаза қилишга доир бошқа тadbирларни бажармасликда;

— атроф табиий муҳитни тиклаш, унга бўладиган зарарли таъсир оқибатларини бартараф этиш ва табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқариш чораларини кўрмаганликда;

табиатни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошираётган идораларнинг кўрсатмаларини бажармаганликда;

— алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар ва объектларнинг ҳуқуқий тартиботини бузганликда;

— атроф табиий муҳитга зарарли таъсирни ҳисобга олиш қоидаларини бузганликда;

— ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини, кимёлаштириш воситаларини, шунингдек, радиоактив ва зарарли кимёвий моддаларни сақлаш, ташиш, улардан фойдаланиш, уларни зарарсизлантириш ва кўмиб юбориш вақтида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганликда;

— атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг объектларга боришига, айрим шахслар ва табиатни муҳофаза қилиш жамоат ташкилотларига эса ўз ҳуқуқ ва вазифаларини рўёбга чиқаришларига тўсқинлик қилганликда;

— атроф-табиий муҳитнинг ҳолати ва унинг ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида ўз вақтида ва тўғри ахборот

беришдан бош тортганликда айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунларига биноан интизомий, маъмурий, жиноий ва бошқа йўсиндаги жавобгарликка тортиладилар (47-модда).

61. «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунда атроф табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатаётган объектлар фаолиятини чеклаш, тўхтатиб қўйиш, тугатиш ва ўзгартириш тартиби кўрсатилганми?

Ҳа, албатта, мазкур қонуннинг 48-моддаси шу масалага қаратилган, унга кўра корхоналар, ташкилотлар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг инсон саломатлигига ёки яшаш шароитига, табиий ресурсларга, алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларга зарарли таъсир этган ёки бундай таъсир этиш хавфи туғилган тақдирда уларнинг фаолияти чекланиши, тўхтатиб қўйилиши, зарарли таъсир этиш сабабларини бартараф этишнинг имкони бўлмаган тақдирда эса тугатилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

Бундай объектларнинг фаолиятини чеклаш, тўхтатиб қўйиш, тугатиш ёки ўзгартириш ҳамда айна вақтда уларни пул билан таъминлашни тўхтатиш хусусидаги қарорларни давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, ўз ҳуқуқ доирасига мувофиқ табиатни муҳофаза қилиш идоралари чиқарадилар.

62. Табиатни муҳофаза қилиш қонунларини бузиш оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбурияти қандай амалга оширилади?

Атроф табиий муҳитга зарар етказган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим шахслар етказган зарарни, шу жумладан бой берган фойда ўрнини қонунларга мувофиқ қоплашлари шарт.

Экология талабаларини бузганликда айбланаётганларнинг маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши уларни атроф-табиий муҳитга етказилган зарарни қоплаш мажбуриятидан озод этмайди (49-модда).

63. Табиатни муҳофаза қилиш қонунларини бузганлик учун иқтисодий жавобгарликнинг моҳияти нимада?

Юқорида тилга олинган қонуннинг 50-моддасига биноан табиатдан махсус равишда фойдаланишни оқилона амалга оширмаганлик, атроф-табиий муҳитга ифлослан-

тирувчи моддалар чиқариш ва оқизишни, ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол чиқиндиларини жойлаштиришнинг норматив ва лимитлари белгиланганидан қўпайтириб юборганлик учун корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим шахсларга Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ оширилган солиқ солиниши керак.

Тегишли ҳолларда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг, табиатни муҳофаза қилиш идораларининг қарорларига мувофиқ айтиб ўтилган қоида — бузарликларнинг сабабларига барҳам берилгунга қадар юридик ва жисмоний шахсларнинг хўжалик фаолиятини пул билан таъминлаш тўхтатиб қўйилиши мумкин.

64. Табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларни бузганлик оқибатида етказилган зарар учун мансабдор шахслар ва бошқа ходимлар ҳам жавобгар бўладиларми?

Албатта, бўлган мазкур қонуннинг 51-моддасига асосан табиатни муҳофаза қилишга доир қонун ва қоида кучига эга бошқа ҳужжатларни бузиш оқибатида зарар етказилишда айбдор бўлган мансабдор шахслар ҳамда бошқа ходимларнинг жавобгарлиги мавжуд.

Корхоналар, ташкилотлар ҳамда муассасаларнинг атроф табиий муҳитга, инсон саломатлиги ва одамларнинг мол-мулкига, халқ хўжалигига етказилган зарарни қоплаш юзасидан чиқимдор бўлишида айбдор бўлган мансабдор шахслар ва бошқа ходимлар Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан моддий жавобгар бўладилар.

65. Экология нуқтаи назаридан зарарли фаолиятни тўхтатиш хусусидаги даъво талаблари қандай тартибда амалга оширилади?

Юридик ва жисмоний шахслар атроф табиий муҳитга, инсон саломатлиги ва одамларнинг мол-мулкига, халқ хўжалигига зиён етказаётган экология жиҳатидан зарарли фаолиятни тўхтатиш тўғрисида судга даъво билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Суднинг экология нуқтаи назаридан зарарли фаолиятни тўхтатиш тўғрисидаги қарори айтиб ўтилган фаолиятни пул билан таъминлашни тўхтатиш учун асос бўлади (52-модда).

66. Табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик ҳақида нима дейиш мумкин?

Ушбу масалага Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси»нинг VIII бобида алоҳида эътибор берилган ва табиат объектларининг ҳар бир тури тўғрисидаги қонун ва талабларни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик кўрсатилган.

Масалан: зарарли моддалар ва қоришмаларга оид операцияларни кема ҳужжатларида қайд этиш мажбуриятларини бажармаслик учун 73-моддада шундай дейилади:

Кема ёки бошқа сузиш воситаси капитани ёки бошқалар таркибига мансуб бошқа шахслар томонидан зарарли моддалар ёки қоришмаларга оид операцияларни кема ҳужжатларида қайд этиш юзасидан амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилмаслиги — энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч барава-ригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

67. Саноат, рўзгор чиқиндилари ва ўзга чиқиндиларни ташиш, жойлаштириш, утиллаштириш, кўмиб ташлаш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун қандай маъмурий жавобгарлик мавжуд?

«Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 91-моддасига биноан саноат, рўзгор чиқиндиларини ва ўзга чиқиндиларни ташиш, жойлаштириш, утиллаштириш, кўмиб ташлаш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, ёхуд табиий муҳитга зарар етказилса, — фуқароларнинг энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч барава-ридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

68. Тарих ёки маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун қандай маъмурий жавобгарлик белгиланади?

«Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 64-моддасига асосан:

Тарих ёки маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини қасддан бузиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

69. Лойиҳаларни давлат экологик (санитария-экологик) экспертизасининг ижобий хулосасисиз рўёбга чиқариш учун ҳам маълум маъмурий жазо қўлланиши ушбу Кодекса кўрсатилганми?

Ҳа, унинг 96-моддаси ана шунга бағишланган, унда уқтирилишича, лойиҳаларни давлат экологик (санитария-экологик) экспертизасининг ижобий хулосасисиз ёхуд унгария қилмаган ҳолда рўёбга чиқариш, шунингдек, бундай хулоса бўлмай туриб объектларни маблағ билан таъминлашни бошлаш ёки маблағ билан таъминлаш мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

70. «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун ва талабларни бузганлик учун жиноий жавобгарлик масаласи амалдаги жиноят қонунчилигида қандай қўлланилган?

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексига биринчи марта барча экологик хусусиятлар, талаблар ва ҳолатлар инобатга олиниб жиноий жавобгарлик белгиланади.

Жумладан, мазкур кодекснинг IV-бўлими «Экология соҳасидаги жиноятлар», XIV-боби эса «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар» — деб номланади ва бир қатор содир этилган

экологик ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

71. Экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузганлик учун қандай жиноий жавобгарлик мавжуд?

Бундай хатти-ҳаракатни содир этганлик учун Жиноят кодексининг 193-моддасида аниқ жиноий жазо белгиланган. Унга кўра саноат, энергетика, транспорт, коммунал хизмат, агросаноат, илм-фан объектлари ёки бошқа объектларни лойиҳалаш, жойлаштириш, қуриш ва ишга тушириб фойдаланиш нормалари ва қоидаларининг мансабдор шахс томонидан бузилиши, ёхуд давлат комиссиясининг аъзолари томонидан бу объектларни норматив ҳужжатларда белгиланган қоидаларни бузиб қабул қилиниши инсоннинг ўлими, одамларнинг оммавий равишда касалланиши, экологияга салбий таъсир қиладиган даражада атроф муҳитнинг ўзгариб кетишига ёки бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, — энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

72. Атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини баргараф этиш чораларини кўрмаслик учун жиноий жазо белгиланадими?

Мансабдор шахснинг экологияси ифлосланган жойларни дезактивация қилиш ёки бошқача тарзда тиклаш чораларини кўришдан бўйин товлаши ёки бундай ишларни етарли даражада бажармаслиги одамларнинг оммавий равишда касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатга сабаб бўлса, — энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмишлар одам ўлишига сабаб бўлса, — уч ойдан олти ойгача қамоқ ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (ЖКнинг 195-моддаси).

73. Ветеринария ва зоотехника қоидаларини бузганлик учун қандай жиноий жавобгарлик қўлланилади?

ЖКнинг 200-моддаси талабларига кўра, ветеринария ва зоотехника қоидаларини бузиш ҳайвон ёки паррандалар эпидемияси (эпизоотия) тарқалишига, уларнинг ялпи қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатлар келтириб чиқишига сабаб бўлса, — энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

74. Зарарли кимёвий моддалар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузганлик учун ҳам жиноий жазо мавжудми?

Ҳа, ЖКнинг 201-моддасига биноан хўжалик фаолиятида ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари, минерал ўғит, ўсиш биостимулятори ёки бошқа кимёвий дориларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш одамларнинг оммавий касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёхуд бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, — энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар одам ўлишига сабаб бўлса, — уч ойдан олти ойгача қамоқ ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

75. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро шартномалар қандай ҳал этилади?

Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг 53-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси тузган халқаро шартномада ушбу Қонундагидан ёки Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилишга доир бошқа қонун ҳужжатидагидан ўзга қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади, Ўзбекистон Республикасининг қонунларида бирмунча қаттиқроқ талаблар белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

III.

СУВ ВА СУВДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБИ

Ушбу бобда республикамызда сувдан фойдаланиш ва унинг ҳолати, дарёларнинг гидрологик тавсифи, каналлар, кўл ва сув омборлари, уларнинг ҳозирги аҳволи, сув ресурсларини муҳофаза қилиш муаммоларига алоҳида эътибор берилган.

Мазкур бобдаги барча муаммолар Ўзбекистон Республикасида 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун асосида тўла ёритиб беришга ҳаракат қилинган.

Айниқса, давлат сув фонди ва унга эгаллик қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг сувга доир муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари, сувдан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви ва давлат назоратини олиб бориш, сувдан фойдаланувчи субъектлар, сувдан фойдаланишнинг турлари, бирламчи ва иккиламчи фойдаланиш тушунчаси ва унинг моҳияти масалалари эътиборли тарзда ёритилган.

Сувдан махсус фойдаланиш тартиби, сувдан илмий асосда фойдаланиш, сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам юқоридаги қонун асосида тўла кўрсатиб берилган.

Зеро, сувдан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш асослари ва тартиби, етказилган зарарни қоплаш, турли мақсадларда сув объектларидан фойдаланиш масалалари, айниқса, қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланишнинг ўзига хослиги ва асосий вазифалари, сув объектларидан саноат, энергетика, балиқчилик, овчилик мақсадларида фойдаланиш ва бошқа муаммоларга ҳам эътибор берилган.

Шунингдек, сувдан фойдаланишга доир низоларни ҳал қилувчи органлар, уларнинг ваколатлари, низоларни ҳал қилиш ва кўриб чиқиш тартиби, сувни муҳофаза қилиш, ер ости сувлари, кичик дарёлар сувларини муҳофаза қилишга ҳам эътибор қаратилган.

Ниҳоят, сувдан фойдаланишни режалаштириш, сув мониторинги ҳамда сувдан фойдаланиш қонун ва талабларини бузганлик учун юридик жавобгарлик масалалари ҳам қонун асосида ёритиб берилган.

76. Республикамизда сувдан фойдаланиш ва унинг ҳолати қандай?

Республикада истеъмол қилинаётган сув миқдорининг 95 фоизи дарё ва сойлардан олинади. Сувни истеъмолчиларга ўз вақтида ва керакли миқдорда етказиб бериш мақсадида қўплаб канал, зовур, гидроузел, гидротехника иншоотлари, сув омборлари, доимий насос станциялари қурилган. Республикамиз қишлоқ хўжалиги суғорма деҳқончиликка асосланган. Сув хўжалигида умумий сув сарфи секундига 2500 куб метрдан ортиқ бўлган 75 йирик канал, умумий ҳажми 18,6 миллиард кубметр бўлган 53 сув ва 25 сел омборлари, 32,4 минг километр хўжаликлараро каналлар (унинг 9,4 минг километрига бетон қопланган), 4889 насос агрегатлари ўрнатилган 1479 доимий насос станциялари, 10180 тик дренаж ва сув чиқиш қудуқлари, 30,4 минг километр хўжаликлараро коллекторлар бор (1995). Сув иншоотларини ишлатиш (эксплуатация қилиш) ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш билан боғлиқ бўлган барча ишларни Ўзбекистон Республикаси сув ва қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг жойлардаги ташкилотлари бажаради.

77. Дарелар ва уларнинг сув билан таъминланиши ҳамда фойдаланиш ҳолати ҳақида маълумот берсангиз?

Ўзбекистон ҳудудини кесиб ўтувчи энг катта сув артериялари бўлмиш Сирдарё ва Амударё ҳамда уларнинг ирмоқлари Ўзбекистондан ташқарида бошланади. Норин, Қораларё, Сух, Чирчиқ, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё, Шерободдарё Ўзбекистоннинг йирик дарёлари ҳисобланади. Уларнинг кўпчилиги фақат ўрта ва қуйи оқимда Ўзбекистон ҳудудидан ўтади. Сирдарё ҳавзасининг сув йиғиш майдонида 38 куб километр сув тўпланadi, унинг фақат 10 фоизи Ўзбекистон ҳудудига тўғри келади. Амударёнинг сув йиғиш майдонидан тўпланган 79 куб километр сувнинг эса фақат 8 фоизи Ўзбекистонга тегишли.

Ўрта Осиёдаги музликларнинг асосий қисми Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида жойлашган. Ўзбекистондаги дарёларга сув берувчи музликларда сифатли табиий сувнинг катта захираси бор. Дарёларнинг тўлинсув даври сув манбаининг тури ва сув йиғиш ҳавзасининг баландлигига қараб баҳор ёки ёзда, кичикроқ дарёларда 1—2

ой, йирик дарёларда 3—4 ой давом этади. Бу даврда дарёларда йиллик сув ҳажмининг 70—95 фоизи оқиб ўтади. Баъзи йиллари дарёлар ёмғир суви ҳисобига тўлиб оқади. Ёгин бугланишига нисбатан кўп бўлган тоғ чўққиларида музликлар вужудга келган. Писком дарёси ҳавзасидан музликнинг қуйи чегараси хийла пастда (ўртача 3420 метр баландликда). Бундай музликларнинг дарёларга сув йиғилишида иштироки катта. Музликларнинг айримлари нисбатан анча катта ўлчамли (Арчабоши музлиги 25,4 квадрат километр). Дарёлар тоғлардан текисликка чиққач, суви суғоришга олиниши, экинзорлардан қайта дарёга келиб қуйилиши ва сув омборлари воситасида тартибга солиб турилиши натижасида уларнинг табиий йўналиши ўзгаради.

Аксари дарёлар сувининг лойқалиги ўртача 200—500 г/кубметр.

Баланд тоғ тепаликларидаги кичик дарёларнинг сувида аралашмалар ниҳоятда кам. Чирчиқнинг Чиралма ирмоғида лойқа миқдори 3000 г/кубметргача этади. Фарғона водийсига Олой ва Туркистон тоғ тизмаларидан оқиб тушувчи дарёлар суви лойқалиги тоғ тепаларида 50—300 г/кубметр, қуйи зоналарида 1000—1500 г/кубметр. Сел оқимлари эса лойқа 200 кг/кубметрга этади.

78. Ўзбекистон ва Ўзбекистон ҳудудини кесиб ўтувчи дарёларнинг гидрологик тавсифи қандай?

Ўзбекистон ва Ўзбекистон ҳудудини кесиб ўтувчи дарёларнинг гидрологик тавсифи жадвали.

Дарё ва сойлар	Умумий узунлиги (км)	Ҳавзасининг майдони (км ²)		Кузатув жойи	Ўртача кўп йиллик сув сарфи (м ³ /сек)
		Умумий	Кузатув жойигача		
Амударё	1415		30.900	Карки ш.	1990,0
Дашнободдарё	58	330	327	Дашнобод қ.	5,8
Жарсой (Қашқадарё ирмоғи)	64	348	348	Чироқчи қ.	1,1
Жиннидарё	52	344	328	Паландара қ.	1,3

1	2	3	4	5	6
Зарафшон	877	12300	4650 10.200	Фондарёнинг қурилиш жойи Дупули кўприга Зиёвуддин қ.	80,5 154,0 97,3
Зоминсув	58	704	546	Дубоба қ. Тошқўрғон	1,8 15,2
Исфайрамсой	122	2220	697	Ланган маскани Учқўрғон қ.	8,7 22,9
Исфара	107	3240	1560	Исфара ш.	14,3
Катта Ўрадарё	100	1370	1320	Кўшилиш қ.	4,4
Кичик Ўрадарё	114	1670	1670	Кулқишлоқ қ.	1,3
Кофирниҳон	387	11600	9780	Тортки к.	164,0
Кугартсой	105	1370	1010	Михайловка қ.	18,0
Кўксув (Чот-қол ирмоғи)	60	398	372	Бурчмулла қ.	11,7
Майдонтол	50	471	475	Қуйилиш жойи	15,0
Норин	578	59900	58400	Учқўрғон ш.	432,0
Ойғанг	72	1100	1100	Қуйилиш жойи	27,7
Оқбура	136	2540	2430	Тулекен қ.	21,8
Оқдарё (Зарафшон ирмоғи)	154			Иштихон қ.	39,8
Оқжарсой (Анжиримсой)	51	157	33	Камбарболо қ.	0,6
Оқсув (Қашқадарё ирмоғи)	104	1280	845	Хазорнав	12,3
Оқтепасой	77	722	-	Оқтепа қ.	1,2
Оҳангарон	233	5260	1290	Турк қ.	23,5
Писиком	73	2840	2830	Қуйилиш жойи (Чорбоғ қ.)	80,4
Поччаотасой (Наманган сой)	130	443	366	Тусту дарёси қуйилишида	6,1
Сангардақдарё	106	932	901	Кенгўзар қ.	14,7

1	2	3	4	5	6
Санғзор	198	3220	540	Қирқ қ. (Бахмал)	2,1
Сирдарё	2212	21900		Фаргона водийси- дан чиқиш жойи	566
Сумсарсой	86	229	90	Сумсарсой қ.	1,0
Сурхондарё	175	13500	9500	Шўрчи ш.	76,1
Сух	124	3510	2840	Сариканда қ.	41,8
Танхоздарё	93	1910	1910	Нушкент қ.	5,9
Тентаксой	126	4130	130 3040	Чорвоқ қ. Дашнообод д. Қуйилиш жойи	31,4 39,6
Тўполондарё	112	3080	1100	Эгарчи қ.	1,3
Тўсинсой	76	1100	869	Хўжакент қ.	21,0
Угом	68	870	577	Бозоржой қ.	6,8
Хўжайпок (Халқа-Жарсой)	91	765	350	Жўлайсой д. қуйилишида	3,8
Чирчиқ	161	14900	10900	Хўжакент қ.	221
Чодаксой	76	566	493	Пишқаран қ.	1,8
Чортоқсой	67	715	1300	Поулғон қ.	11,6
Шерободдарё	177	2950	949	Дарбанд қ.	5,4
Ширинсой	108	780	504	Татар қ.	6,6
Шоҳимардон	112	1300	444	Угук қ.	2,7
Яккабоғдарё	99	1180	1080	Эскиқўргон қ.	3,7
Қашқадарё	378	12000	511	Варғанза қ.	5,3
Қорадарё	180	30100	12400	Кампирработ қ.	121,0
Қоратоғдарё	99	2430	684	Қоратоғ қ.	22,5
Кумдарё (Калкамасой)	103	866	354	Чамбил қ.	2,3
Говасой	96	724	657	Гова қ.	6,3
Фузордарё	86	3400	3170	Ёртепа қ.	5,9

(Ўзбекистон Республикаси энциклопедияси Т-1997 й. 20—21 бетлар).

79. Республикамизда каналлар ва уларни сув билан таъминлаш даражаси ҳамда суғориладиган майдонлар қай аҳволда

Каналлардан Ўзбекистонда асосан суғориш мақсадларида фойдаланилади. Мавжуд каналларнинг умумий узунлиги қарийб 160 минг километр шундан 22 минг километри хўжаликлараро каналлар, қолган қисми хўжалик ички тармоқларидир.

Ўзбекистонда гидроэлектр станциялари учун (деривация каналлари) хизмат қиладиган каналлар ҳам мавжуд.

Ўзбекистон ҳудудидаги асосий каналлар

Номлари	Фойдаланишга топширилган ёки реконструкция қилинган йили	Узунлиги (км)	Суғориладиган майдон (минг.га.)
Занг	1912	64	23,2
Далварзин	1929—30	46,4	27
Нарпай	1929—34	54	57
Пахтаарна	1931	27	35
Қиличннйёзбой	1939—42	72	65,9
Жан. Фарғона	1940	61,3	59
Шим. Фарғона	1940	168,8	66,1
Катта Фарғона	1940	203	275,1
Тошсоқа	1940	145	180,1
Эски Ангор	1955	50	3
Жан. Мирзачўл	1960	227,3	335,2
Аму-Қорақўл	1963	52	45,2
Аму-Бухоро	1963	360	350
Катта Андижон	1969	90,5	77,5
Катта Наманган	1970	123,8	28,3
Шимолй Мирзачўл	1891—96	70	97,2

(Ўзбекистон Республикаси Энциклопедияси Т.—1997. 22-бет)

80. Республикамизда кўл ва сув омборлари қандай аҳволда?

Ўзбекистонда жами 250 га яқин катта-кичик кўл бор. Амударё дельтасидаги энг катта кўл Судочье кўлидир. Ўзбекистон кўлларининг аксари қисми тоғларда, 2000—3000 метр баландликда жойлашган. Тоғ кўлларининг сатҳи, одатда, 1 квадрат километрдан ошмайди. Текисликлардаги кичик кўллар Сирдарё ва Амударё қайирларида, Амударё дельтасида, суғориладиган воҳалар чеккаларида жойлашган. Уларнинг кўпи саёз. Пастлик жойларда ирригация шохобчаларидан чиққан ташлама — зовур сувларидан ҳам кўллар вужудга келган. Масалан, Арнасой ботиғида шундай сувлардан умумий майдони 1760 квадрат метр катта кўл ҳосил бўлган. Хоразм вилоятидаги бир қанча кўллар ўзаро бирлаштирилиб, шўрхок ва ботқоқликларнинг олдини олиш учун сизот сувларини оқизиб чиқариш мақсадида коллекторга айлантирилган.

Ўзбекистондаги сув омборлари

Сув омборлари	Дарёлар	Майло-ни, км ²	Ҳажми млн. м ³	Чуқурлиги, м	
				ўртача	максимал
Андижон	Қорадарё	-	1900	-	-
Чордара	Сирдарё	900	5700	7,9	22
Қайроққум	Сирдарё	513	3400	8,2	23
Чорвоқ	Чирчиқ	40	2010	50,0	162
Каттақўрғон	Зарафшон	83,5	845	10,1	28
Жанубий Сурхон	Сурхондарё	65	800	12,3	27
Чимқўрғон	Қашқадарё	49,2	450	10,2	30
Қуйимозор	Зарафшон	16,2	320	17,3	40,3
Пачкамар	Фузордарё	13,8	260	-	62,0
Каркидон	Исфайрамсой	9,5	218	-	23
Учқизил	Сурхондарё	10	160	16,0	40,3
Косонсой	Косонсой	5,6	165	17,7	57,0
Жиззах	Сангзор	12,7	87	7,0	20,4
Туямўйин	Амударё	-	7800,0	-	-
Туябўғиз	Оҳангарон	185	250	11,2	31,5
Ҳисорак	Оқсув	84,5	170	74,0	132,0

(Ўзбекистон Республикаси Энциклопедияси. Т.—1997. 22-бет).

Ўзбекистонда сўнгги йилларда бир қанча сув омборлари қурилди. Улар асосан ирригация мақсадлари учун мўлжалланган. Сув омборларининг ҳажми уларга сув берувчи дарёлар режими ва сув-ҳўжалик мақсадлари билан боғлиқ. Сув омборларидаги сув миқдори Ўзбекистоннинг табиий сув ҳавзаларидаги сув ҳажмидан кўп марта ортиқ.

81. Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини муҳофаза қилиш қандай ҳолатда?

Ўзбекистоннинг қурғоқчил континентал иқлимли, чўл, чалачўл ва тоғ даштлари устун турувчи шароитида сув муаммоси ҳамиша энг жиддий муаммо бўлиб келган. Сўнгги ўн йилликларда янги-янги чўл массивларининг деҳқончилик учун ўзлаштирилиши, мавжуд экин майдонларининг муттасил кенгайиши, янги-янги сув омборлари ва каналлар қурилиши, шаҳарлар бунёд этилиши муносабати билан оқар сувлар тобора тақчиллигининг вужудга келиши ҳамда ифлосланиши кўплаб жиддий иқтисодий-ижтимоий ва экологик муаммоларни келтириб чиқаради. Хусусан, Ер ости сувларини муҳофаза қилишда жиддий муаммолар мавжуд. Масалан, Фаргона водийсининг айрим ҳудудларида сизот сувлари юзаси 3 миллиметрли нефть пардаси билан қопланган. Бу ҳол тоза ичимлик ва технологик сув таъминоти учун жиддий хавфдир.

Коллектор-зовур шохобчаларидаги ифлосланган сувларнинг шўрлик ва минераллашганлик даражаси Орол бўйи, Бухоро воҳаси, Мирзачўл ва Фаргона воҳасида табиий-экологик жиҳатдан йўл кўйиш мумкин бўлган даражадан 3—5 барабар ортиқлиги аниқланди. Оғир металлар концентрацияси қолган Чирчиқ (Чирчиқнинг Салорга қуйилиш жойи этагида) суви таркибида меъеридан 10—15 барабар ортиқ бўлиб, айрим вақтларда бу кўрсаткич 40—50 га етади.

82. Ўрта Осиёда сувдан нотўғри ва нооқилона фойдаланиш оқибатида Орол муаммоси қандай ва қачон вужудга келди?

1960 йиллардан бошлаб Ўрта Осиёнинг энг катта сув ҳавзаси — Орол денгизи катта тезлик билан қурий бошлади. Унинг сув сатҳи 1994 йилга келиб 36,94 м ли белгига тушиб қолди. Сув ҳажми эса 784 кубкилометрга қисқарди. Денгиз остидан чиқиб қолган 33000 квадрат-

километрдан ортиқ ер қумли ҳамда шўрхок чўлга айланди. Шу тарзда Орол денгизи бўйида яна бир қуруқ чўл вужудга келиб, денгиз суви юзасининг қисқариши ҳисобига тобора кенгайиб бормоқда. Орол денгизининг сув ҳажми 1960 йилги 1062 кубкилометрдан 1994 йилга келиб 278 кубкилометрга қисқарди. Сувнинг шўрлиги 1961 йилги 10,5% дан 1991 йилда 33% га етди, яъни 3 барабар ортди, минерализацияси эса 34—37 г/л етди. 1981 йилга келиб, денгизда кема бутунлай тўхтади. 1984 йилдан бошлаб балиқ тутиш барҳам топди.

Оролга келиб қўйиладиган сувнинг кескин камайишига эса ўлкада ирригация ишларининг ниҳоятда авж олганлиги, кейинги 30 йил мобайнида Орол ҳавзасида деярли 30 млн. га яқин гектар янги ер ўзлаштирилиб, уларга сув чиқарилиши, пахта яккаҳоқимлиги, дарёлар, сув омборлари ва каналлар сувидан нооқилона фойдаланиш, экинларнинг суғориш нормасига амал қилмаслик, сувни энг кўп ишлатадиган деҳқончилик тармоги — шоликорликнинг кенгайиши каби омилларнинг бир бутун мажмуи сабабдир.

1960 йилларда Орол денгизига йилига 58,9 кубкилометрдан ортиқ Амударё ва Сирдарё суви қўйилар эди. 70-йилларнинг ўрталаридан эътиборан Сирдарё суви Оролга умуман етиб бормади. Амударё эса эндиликда йилига ўрта ҳисобда 3—10 кубкилометр атрофида сув келтириб қўя бошлади. 1982, 1986 йилларда эса ҳатто Амударё суви ҳам денгизга умуман етиб бора олмаган эди. Бинобарин, денгиз суви мутаносиблигида кескин ўзгариш рўй берди: сув кирими сув сарфидан деярли 10 барабар камайиб кетди.

Қўрилган чора-тадбирлар ва 1993 йилнинг серсув келиши натижасида 1994 йилда Орол денгизига 30,6 кубкилометр, чунончи, Амударёдан 21,6 кубкилометр ва Сирдарёдан 8,9 кубкилометр сув тушди.

Ҳозир Орол денгизи муаммоси нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё олдида турган энг долзарб экологик муаммодир. Шунинг учун бу масалани ҳал қилишда Марказий Осиё давлатлари, бошқа хорижий давлатлар, кенг жамоатчилик, турли ташкилотлар биргаликда фаолият кўрсатмоқдалар. Шу масала юзасидан 1993 йилда Тошкент ва Қизилўрда, 1994 йилда Нукус шаҳридаги Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг юқори даражадаги учрашувида Орол денгизини қутқариш Халқаро фондини ҳамда Орол денгизи ва Орол бўйи минтақаси муаммолари бўйича Давлатлараро Кенгаш тузиш ҳақида қарор қабул қилинди.

83. Республикамизда экинларни суғориш ва унга сарф қилиниши лозим бўлган сув ҳажми ҳақида нималар дейиш мумкин?

Мутахассислар Ўрта Осиё шароитида экинларни суғоришга гектарига ўрта ҳисобда салкам 10 минг кубметр сув сарфланиши мақсадга мувофиқ эканлигини асослаб берганлар. Амалда эса Ўзбекистон хўжаликларида 1960—1990 йиллар мобайнида суғориладиган ҳар гектар экин майдонига 17,2 минг кубметр сув сарфланган, яъни гектарига 7,3 минг кубметр сув ортиқча сарфланиб исроф қилинган. Орол ҳавзасига кирувчи бошқа минтақалардан ҳам экинларга бериладиган сув сарфи бундан кам эмас. Катта миқёсдаги сув тежаш ва сув муҳофазаси чора-тадбирларини қўллаганда Орол денгизи ҳавзасидаги сув ресурслари жами 4,8 миллион гектар майдонда суғориладиган деҳқончиликни олиб бориш имконини беради.

Қишлоқ хўжалигида суғориладиган ҳар гектар майдонига 1993 йилда 13,2 минг кубметр, 1994 йилда 12,6 минг кубметр ва 1995 йилда 11,2 минг кубметр сув сарфланган. Бу ҳар йили қўшимча 2,5 куб метр сувни тежаб, Оролга қуйишга имкон берди.

84. Ўзбекистон Республикасида сув ва сувдан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш қандай қонун билан тартибга солинади ва унинг вазифалари нималардан иборат?

✓ Ўзбекистон Республикасида 1993 йил 6 майда «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинган.

Сувга доир муносабатларни тартибга солиш, аҳоли ва халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сувдан оқилона фойдаланишдан, сувни бугланиш, ифлосланиш ва камайиб кетишдан сақлаш, сувнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ва уни бартараф қилиш, сув объектларининг ҳолатини яхшилаш, шунингдек, сувга доир муносабатлар соҳасида корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, деҳқон хўжаликлари ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ана шу қонуннинг вазифасидир.

85. Ўзбекистонда давлат сув фонди ва унга эгалик масаласи қонунчиликда қандай ҳал этилган?

Бу масала Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунида батафсил баён

этилган. Қонуннинг 4-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасининг ягона давлат сув фонди:

дарёлар, кўллар, сув омборлари, бошқа ер усти сув ҳавзалари ва сув манбалари, канал ва ҳовузларнинг сувларидан;

ер ости сувлари ва музликлардан иборатдир.

Давлатлараро дарёлар — Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёси, Орол денгизи ва бошқа сувлардан фойдаланиш ҳуқуқи давлатлараро битимларда белгилаб берилади.

✓Сув — Ўзбекистон Республикасининг давлат мулки — умуммиллий бойлик ҳисобланади, сувдан оқилона фойдаланиш лозим бўлиб, у давлат томонидан кўриқланади.

86. Амалдаги сув қонунчилигида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг сувга доир муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари қай тартибда кўрсатилган?

Юқорида тилга олинган қонуннинг 5—6-моддаларида ушбу масала ҳал этилган. Уларга кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сувга доир муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги тасарруфига қуйидагилар киради, чунончи:

— сувга доир қонунлар қабул қилиш, уларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш;

— сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда сув ҳўжалигига оид стратегик давлат дастурларини қабул қилиш;

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тасарруфига кирадиган бошқа масалаларни ҳал этиш;

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг сувга доир муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги тасарруфига қуйидагилар киради, чунончи;

— сув ресурсларидан оқилона, комплекс фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида ягона сиёсат ўтказиш;

— сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш ва уларни муҳофаза этишда вазирликлар, идоралар ва юридик шахсларнинг фаолиятини уйғунлаштириш;

— сув фонди ҳосил қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини белгилаш, сувдан фойдаланишнинг меъёрлари ва лимитларини тасдиқлаш;

— сувларнинг давлат томонидан ҳисобга олиб борилишини ҳамда сувдан фойдаланишни назорат қилиш ва уларни муҳофаза этишни таъминлаш, давлат сув кадастри ва сув мониторингини юритиш;

— йирик авариялар, фалокатлар, экология танглиги ва сувларнинг зарарли таъсири олдини олиш ҳамда уларга барҳам бериш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

— сув ресурсларидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш, сув объектларини булгатганлик ва қуришиб қўйганлик учун ҳақ ундириш тартибини белгилаш;

— давлатларaro муносабатларни ривожлантириш;

— қонунларда назарда тутилган бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш.

87. Сувга доир маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ваколатлари қандай ифода этилган?

Ушбу масала мазкур қонуннинг 7-моддасида кўрсатилган.

Мазкур моддага биноан маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги тасарруфига қўйидагилар киреди, чунончи:

— ўз ҳудудидаги сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг асосий йўналишларини белгилаш;

— сув ресурсларидан фойдаланишни тартибга солиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида қонунийлик ҳамда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш;

— сув объектларининг ҳолатини ҳисобга олиб бориш ва уларга баҳо бериш, сувлардан фойдаланиш ва уларнинг муҳофаза қилиниши, сув истеъмолининг белгиланган лимитларига риоя этилиши, сувдан фойдаланувчиларнинг сувдан фойдаланиш ҳисобини юритишлари ус-тидан назорат қилиб бориш;

— сув объектларини сақлаш ва уларнинг ҳолатини яхшилаш, сувларнинг зарарли таъсир кўрсатишини, шунингдек, буғланишининг олдини олиш ва уни бартараф этиш ҳамда авариялар, тошқин, сел ва табиий офатлар натижасида вайрон бўлган объектларни тиклаш юзасидан тадбирлар ўтказиш;

— қонунларда назарда тутилган бошқа масалаларни тартибга солиш.

88. Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви қай тартибда амалга оширилади?

Сувдан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, шунингдек, бу соҳада махсус ваколатли бўлган ҳамда сувдан фойдаланишни бевосита ёки ҳавза (ҳудудий) бошқармалари орқали тартибга солиб турувчи давлат органлари ҳамда бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув ҳўжалиги вазирлиги (ер усти сувлари), Ўзбекистон Республикаси давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (ер ости сувлари) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат қўмитаси (ер ости иссиқ сувлари ва минерал сувлар) ўз ваколатлари доирасида сувдан фойдаланишни тартибга солиш соҳасида махсус ваколатли бўлган давлат органлари ҳисобланади (Қонуннинг 8-моддаси).

89. Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасида давлат назоратининг олиб борилиши ҳақида қонунчиликда қандай эътибор берилган?

Ушбу масала «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддасида кўрсатилган.

Унга кўра сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратининг вазифаси сувдан фойдаланиш борасида белгилаб қўйилган тартибда барча вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, деҳқон ҳўжаликлари ва фуқаролар риюя қилишлари, сувни муҳофаза қилиш, сувнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ва бартараф қилиш вазифаларини, сувни ҳисобга олиш қоидаларини, шунингдек, сув тўғрисидаги қонунларда белгилаб берилган бошқа қоидаларни бажаришларини таъминлашдир.

Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Респуб-

ликаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги амалга оширадилар. Сувдан фойдаланиш устидан идоравий назоратни Ўзбекистон Республикаси давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси органлари амалга оширадилар.

90. Сувнинг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш ва ишга туширишнинг қандай шартлари мавжуд?

Сувнинг ҳолатига таъсир ўтказадиган янги ва таъмирланган корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш ҳамда ишга тушириш, шунингдек, янги технология жараёнларини жорий этиш чоғида аҳолининг сиҳат-саломатлигини сақлаш ва ичимлик сувига бўлган талабларини ҳамда маиший эҳтиёжларини биринчи навбатда қондириш шарти билан сувдан оқилона фойдаланишни таъминлаш лозим. Бунда сув объектларидан олинадиган ва шу объектларга қайтариладиган сувни ҳисобга олишни сувни буғланиш, ифлосланиш ва камайиб кетишдан сақлашни, сувнинг зарарли таъсирининг олдини олишни, ерларнинг сув босиш хавфини имкон қадар камайтиришни, шўрланишдан, зах босишдан ёки қақраб қолишдан муҳофаза қилишни, шунингдек, қулай табиий шароитлар ва ландшафтларни сақлаб қолишни таъминловчи тадбирларни ўтказиш кўзда тутилади.

Сувнинг ҳолатига таъсир қилувчи корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни қуриш лойиҳалари сув объектларидан дам олиш ва спорт учун фойдаланиш имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда тузилиши лозим (11-модда).

91. Сувнинг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни ишга туширишни таъқиқлаш ҳоллари нималардан иборат?

Сувнинг буғланиши ва ифлосланиши ёки зарарли таъсир кўрсатишининг олдини олувчи қурилмалар билан таъминланмаган янги ва таъмирланган корхоналар, цехлар, агрегатларни, коммунал ва бошқа объектларни ишга тушириш:

— лойиҳаларда назарда тутилган ерларнинг сув босиши, захарланиши, ботқоқланиши, шўрланишининг ҳамда

тупроқ эрозиясининг олдини олиш тадбирлари амалга оширилмагунча сугориш ва сув билан таъминлаш тизимларини, сув омборлари ва каналларни ишга тушириш;

— тасдиқланган лойиҳаларга мувофиқ, сув тўпланадиган ва бошқа иншоотларни қуриб битказмай туриб, зах қочириш тармоқларини ишга тушириш;

— тасдиқланган лойиҳаларга мувофиқ, балиқларни сақлаб қолиш қурилмалари бўлмаган сув олиш иншоотларини ишга тушириш;

— тасдиқланган лойиҳаларга мувофиқ, тошқин сувларни ва балиқларни ўтказиб юборадиган қурилмалари тайёр бўлмаган гидротехника иншоотларини ишга тушириш;

— ер ости сув захиралари тасдиқланмаган гуруҳли сув олиш иншоотларини ишга тушириш;

— сувни тартибга солувчи қурилмалар билан таъминланмай туриб ва тегишли ҳолларда санитария муҳофазаси теграларини белгиламай туриб, сув чиқариш учун бурғуланган қудуқларни ишга тушириш таъқиқланади.

Сув омборларини, уларнинг ўзанини лойиҳада кўрсатилганидек тайёр қилиб қўйиш тадбирлари амалга оширилмагунча сув билан тўлдириш таъқиқланади (15-модда).

92. Сув объектларида, сувни муҳофаза қилиш тегралари ва соҳил бўйларида қилинадиган ишларни бажариш тартиби қонунчиликда қандай ҳал этилган?

Ушбу масалага юқорида тилга олинган қонуннинг 17-моддасида алоҳида эътибор берилган.

Унга кўра сув объектларининг соҳил бўйларида сув объектлари буғланиши, ифлосланиши ва камайиб кетишининг олдини олиш, уларнинг мақбул сув режими ва тегишли ҳолатини сақлаб туришга мўлжалланган сувни муҳофаза қилиш тегралари ва қирғоқ бўйи минтақалари ажратилади.

Сув объектлари, сувни муҳофаза қилиш тегралари ва сув ҳавзаларининг соҳил бўйларида, ер ости сув манбалари ҳосил бўладиган махсус кўриқланадиган минтақаларда сувнинг ҳолатига таъсир қиладиган қурилиш, ўзан тубини чуқурлаштириш ва портлатиш ишлари, фойдали қазилмалар ва сув ўсимликларини олиш, кабеллар, қувурлар ва бошқа коммуникация ўтказиш, дарахтларни кесиш, пармалаш, қишлоқ хўжалиги ишлари ва бошқа хил ишлар қонунларга мувофиқ маҳаллий ҳокимият ва бошқарув

органлари табиатни муҳофаза қилиш, сув хўжалиги органлари ва бошқа органлар билан келишиб бажарилади.

Сувнинг ҳолатига таъсир қилувчи барча ишлар ушбу Қонун талабларига мувофиқ равишда, илмий асосланган меъёр ва қондалар асосида қишлоқ хўжалиги, балиқчилик хўжалиги, ўрмон хўжалиги, коммунал хўжалиги манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ўтказилади.

93. Қонунчилик сувдан фойдаланувчилар сифатида кимлар томонидан олинади ҳамда сувдан, объектлардан фойдаланиш тартиби қандай кўрсатилган?

Мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, деҳқон хўжаликлари ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар сувдан фойдаланувчилар бўлишлари мумкин. Қонунларда назарда тутилган ҳолларда бошқа ташкилотлар ва шахслар ҳам сувдан фойдаланувчи бўлишлари мумкин (18-модда).

Алоҳида давлат аҳамиятига эҳуд алоҳида илмий ёки маданий қимматга эга бўлган сув объектларидан фойдаланиш қонунларда белгиланган тартибда қисман ёки батамом таъқиқланиши мумкин (20-модда).

94. Амалдаги «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунда сувдан фойдаланишнинг қандай турлари кўрсатилган?

Қонуннинг 21—23-моддаларига биноан сув объектлари аҳолининг ичимлик сувга бўлган эҳтиёжларини, маиший, даволаш, курорт, соғломлаштириш, ҳордиқ чиқариш ва бошқа эҳтиёжларини, қишлоқ хўжалиги, саноат, энергетика, транспорт, балиқчилик хўжалиги ҳамда бошқа давлат ёки жамоат эҳтиёжларини қондириш учун қонунларда кўзда тутилган талаблар ва шартларга риоя қилинган ҳолда фойдаланишга берилади.

Оқинди сувларни оқизиш учун сув объектларидан фойдаланишга қонунларда кўзда тутилган ҳолларда ҳамда маҳсус талаблар ва шартларга риоя қилинган тақдирдагина йўл қўйилиши мумкин.

Сув объектлари айна бир вақтда битта ёки бир неча мақсадларда фойдаланишга берилиши мумкин.

✓ Сувдан фойдаланиш тури икки хилдир: сувдан умумий фойдаланиш — сувнинг ҳолатига таъсир қиладиган

иншоотлар ёки техникавий қурилмаларни қўлламай фойдаланиш; сувдан махсус фойдаланиш — иншоотларни ёки қурилмалардан қўлланиш йўли билан фойдаланиш. Иншоотлар ёки техникавий қурилмаларни қўлламай туриб, аммо сувнинг ҳолатига таъсир қиладиган тарзда сув объектларидан фойдаланиш ҳам айрим ҳолларда сувдан махсус фойдаланиш турига киритилиши мумкин.

Сувдан умумий ва махсус фойдаланиш турларининг рўйхати сув хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш, санитария назорати, геология ва минерал ресурслар органлари томонидан белгилаб қўйилади.

Сув объектларидан биргаликда ёки танҳо фойдаланиш мумкин.

Биргаликда фойдаланиладиган сув объектлари жумласига танҳо фойдаланиш учун берилмаган сув объектлари киритилиши мумкин.

Танҳо фойдаланиладиган сув объектларига маҳаллий ҳокимият органлари қарори асосида бирон корхона, ташкилот ва муассасага бутунлай ёки қисман бериб қўйилган сув объектлари киради.

95. Қонунчиликда сувдан бирламчи ва иккиламчи фойдаланиш тушунчаси ва унинг моҳияти қандай ифодаланган?

Юқорида тилга олинган қонуннинг 24-моддасига кўра танҳо фойдаланмоқ учун сув объектлари бериб қўйилган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар — сувдан бирламчи фойдаланувчилар ҳисобланиб, улар сув хўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш органлари билан келишиб, бошқа корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларга сувдан иккиламчи фойдаланиш учун рухсат беришга ҳақлидирлар.

Сувдан иккиламчи фойдаланиш учун берилган рухсатномада сув объектини бериш мақсади ва ундан фойдаланишнинг асосий шартлари кўрсатилади.

Зарур ҳолларда сувдан иккиламчи фойдаланиш шартлари, тарафларнинг ўзаро ҳуқуқ ва бурчлари сувдан бирламчи ҳамда иккиламчи фойдаланувчилар ўртасидаги шартнома билан расмийлаштирилади.

Сувдан бирламчи фойдаланувчи сувдан иккиламчи фойдаланувчининг бутун сув хўжалиги фаолияти учун жавобгар бўлади.

Сувдан иккиламчи фойдаланувчи, башарти сувнинг тегишли улушини бирламчи фойдаланувчи ўзлаштириб олган ёки фойдаланган тақдирда, унга нисбатан даъво қўзғатиш ва етказилган зарар қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

96. Сув объектларини фойдаланишга бериш тартиби ва шартлари қандай?

«Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 25, 26, 28, 29-моддаларидан бу саволга жавоб топиш мумкин.

Уларда айтилишича, сув объектлари, аввало, аҳолининг ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини ва маиший эҳтиёжини қондириш учун фойдаланишга берилади.

Сув объектлари танҳо фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёхуд тегишли ваколатга эга давлат органи томонидан қонунларда белгиланган тартибда батамом ёки қисман берилади.

Сув объектлари танҳо фойдаланиш учун сувдан махсус фойдаланиш рухсатномаси албатта расмийлаштирилган ҳолда берилади.

Сувдан умумий фойдаланиш ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рухсатсиз ва чеклашларсиз амалга оширилади.

Танҳо фойдаланиш учун бериб қўйилган сув объектларидан умумий фойдаланишга сувдан бирламчи фойдаланувчи сув хўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш органлари билан келишиб белгиланган шартларга мувофиқ йўл қўйилади, зарурат бўлиб қолган тақдирда эса, сувдан бундай фойдаланиш тақиқлаб қўйилиши мумкин.

97. Сувдан махсус фойдаланиш тартиби қандай амалга оширилади?

Сувдан махсус фойдаланиш; ер усти сув манбалари бўйича Ўзбекистон Республикаси ва қишлоқ Сув хўжалиги вазирлигининг, ер ости сув манбалари бўйича эса Ўзбекистон Республикаси Саноатда ва қончиликда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг тақлифларига биноан Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳо-

фаза қилиш қўмитасининг органлари берадиган рухсатномалар асосида амалга оширилади.

Сувдан махсус фойдаланиш учун рухсатномани мувофиқлаштириш ва бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади (27-модда).

98. Сувдан лимит бўйича фойдаланиш, деганда нималарни тушуниш мумкин?

Барча сув истеъмолчиларига нисбатан сувдан лимит бўйича фойдаланиш тартиби белгиланади.

Сувдан лимит бўйича фойдаланиш тартиби маъмурий-худудий тақсимлаш қондаси, сув ҳавзалари ва ҳар бир сувдан фойдаланувчи бўйича белгиланади, ер ости сувлари борасида эса геология ва минерал ресурслар ҳамда кончиликни назорат қилиш давлат органлари билан келишиб белгиланади.

Сувдан лимит бўйича фойдаланиш тартиби сув хўжалиги органлари томонидан белгиланиб, унга риоя этиш идоравий бўйсунувидан қатъий назар барча сувдан фойдаланувчилар учун мажбурийдир.

Сув тармоқлари объектларини асраш ва тиклаш, бу соҳада хизмат қилувчи ходимларни моддий таъминлаш мақсадларини кўзлаб, сувдан лимит бўйича фойдаланиш билан бир қаторда тўлиқ ёки қисман ҳақ тўлаб фойдаланиш жорий этилади.

Сув учун тўлиқ ёки қисман ҳақ тўлашни жорий этиш, сувдан лимит бўйича фойдаланиш, шунингдек, бунга риоя этилишини назорат қилиш шартлари ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди (30-модда).

99. Сув объектларидан фойдаланиш муддатлари қандай?

Сув объектлари доимий ёки вақтинча фойдаланиш учун бериллади.

Муддати аввалдан белгиланмаган ҳолда фойдаланиш — доимий фойдаланиш деб эътироф этилади.

Сувдан вақтинча фойдаланиш муддати: қисқа — уч йилгача ва узоқ — йигирма йилгача бўлиши мумкин.

Сув объектларидан вақтинча фойдаланиш муддатлари сувдан фойдаланувчи манфаатдор томонлар илтимосномасига биноан, шу сув объектларини танҳо фойдаланиш

учун бериш тўғрисида қарор чиқарган ёки ундан махсус фойдаланиш учун рухсатнома берган давлат органлари томонидан узайтирилиши мумкин (31-модда).

100. Қонунчиликда сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари қай тарзда ҳал этилган?

Бу масала «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг IX-бобида баён этилган.

Жумладан қонуннинг 32, 34-моддаларига кўра фойдаланувчиларнинг қуйидаги ҳуқуқлари кўрсатилган. Сувдан фойдаланувчилар:

— сув объектлари қандай мақсадлар учун фойдаланишга берилган бўлса фақат шу мақсадларда фойдаланиш;

— сувдан фойдаланишни амалга ошириш учун иншоотлар, қурилмалар ва бошқа объектларни қуриш;

— бериладиган сувнинг миқдори ва сифатини текшириш;

— қонунларда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, шартнома бўйича олинмай қолган сув учун тоvon тўланишини талаб қилиш;

— сув объектларидан фойдаланиш бўйича қонунда тақиқланмаган бошқа ишларни амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.

Сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари қонун билан кўриқланади.

Сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари бузилган тақдирда бу ҳуқуқлар қонунларда кўзда тутилган тартибда тикланиши лозим.

Қонунларда кўзда тутилган ҳолларда аҳоли сиҳат-саломатлигини сақлаш мақсадларини, давлатнинг бошқа манфаатларини кўзлаб, сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари чеклаб қўйилиши мумкин. Лекин бу ҳолда аҳолининг ичимлик ва маиший эҳтиёжлари учун сув объектларидан фойдаланиш шарт-шароитлари ёмонлашиб қолмаслиги лозим.

35-моддага асосан сув объектларидан фойдаланувчилар:

— сув объектларидан оқилона равишда фойдаланишлари, сувни тежаб-тергаб сарфлаш, сувнинг сифатини қайта тиклаш ва яхшилаш тўғрисида қайғуришлари, сув олишнинг белгиланган меъёрларига риоя этишлари;

— ифлос моддалар аралашиб қолган оқинди сувларни сув объектларига оқизишни тамомила тўхтатиш чораларини кўришлари;

— бошқа сувдан фойдаланувчиларга берилган ҳуқуқларининг бузилишига, шунингдек, хўжалик ва табиат объектларига (ер, ўрмон, ҳайвонот дунёси, фойдали қазилмалар ва ҳоказоларга) зарар етказилишига йўл қўймасликлари;

— сувни муҳофазалайдиган ва бошқа сув хўжалик иншоотларини ҳамда техникавий қурилмаларни соз ҳолда тутишлари, уларни ишлатиш сифатларини яхшилашлари, олинаётган сувни ҳисоб-китоб қилиб боришлари;

— сув ресурсларидан фойдаланганлик ҳақини ўз вақтида тўлашлари шарт.

101. Сувдан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш асослари ва тартиби қандай?

Юқорида тилга олинган қонуннинг 36,37-моддаларига кўра корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, деҳқон хўжаликлари ва фуқароларнинг сувдан фойдаланиш ҳуқуқи:

— сувдан фойдаланишга эҳтиёж қолмаганда ёки ундан воз кечилганда;

— сувдан фойдаланиш муддати тугаганда;

— корхона, муассаса, ташкилот ёки деҳқон хўжалиги тугатилганда;

— сув хўжалиги иншоотлари бошқа сувдан фойдаланувчиларга берилганда;

— танҳо фойдаланилаётган сув объектларини қайтариб олишга зарурат туғилганда бекор қилинади.

Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш қоидалари бузилган ёки сув объектларидан белгилаб қўйилганидан бошқа мақсадда фойдаланилган, сув ҳақи тўланмаган ҳолларда ҳам корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, деҳқон хўжаликлари ва фуқароларнинг сувдан фойдаланиш ҳуқуқи бекор қилиниши мумкин (ичимлик сувга бўлган эҳтиёж ва маиший эҳтиёжларни қондириш учун сувдан фойдаланиш ҳуқуқи бундан мустаснодир).

Қонунларда корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, деҳқон хўжаликлари ва фуқароларнинг сувдан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилишнинг бошқача асослари ҳам кўзда тутилиши мумкин.

Сувдан фойдаланиш ҳуқуқи:

— сувдан махсус, шунингдек, иккиламчи фойдаланиш учун берилган рухсатномани бекор қилиш;

— танҳо фойдаланиш учун берилган сув объектларини қайтариб олиш йўли билан бекор қилинади.

Сувдан махсус фойдаланиш рухсатнома берган органининг қарори билан бекор қилинади.

Сувдан иккиламчи фойдаланиш сувдан бирламчи фойдаланишнинг сув хўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш органлари билан келишиб чиқарган қарорига биноан бекор қилиниши мумкин.

102. Сув хўжалиги тадбирларини ўтказиш, сувдан фойдаланиш шартларини бекор қилиш ёки ўзгартириш натижасида етказилган зарарнинг ўрни қопланадими? Агар қопланса қандай тартибда амалга оширилади?

Корхона, ташкилотлар, муассасалар, деҳқон хўжаликлари ва фуқароларга сув хўжалиги тадбирларини (гидротехника ишларини ва шу кабиларни) ўтказиш, ер ости сувларидан нооқилона фойдаланиш ва камайтириб юбориш, шунингдек, сувдан фойдаланиш шароитларини бекор қилиш ёки ўзгартириш натижасида етказилган зарар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган ҳолларда ва тартибда қопланади.

103. Аҳолининг истеъмоли, маиший ва бошқа эҳтиёжлари учун сув объектларидан фойдаланишнинг тартиби қандай?

Аҳолининг истеъмоли, маиший ва бошқа эҳтиёжлари учун сув объектларидан фойдаланиш «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунда алоҳида эътибор берилган. Ҳатто унга алоҳида боб ҳам ажратилган. Ана шу қонуннинг 40—42-моддаларига асосан аҳолининг ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини, маиший эҳтиёжини ва бошқа эҳтиёжларини қондириш учун сувнинг сифати белгиланган санитария талаблари ва давлат стандартларига мувофиқ бўлган сув объектлари ажратилади.

Аҳолининг истеъмоли, маиший ва бошқа эҳтиёжларини марказлашган тартибда сув билан таъминлаш учун сув объектларидан фойдаланилганда, ўзининг қундалик бошқарувида, эгаллигида ёки фойдаланишда хўжалик-ичимлик водопроводлари бўлган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар сув олиш иншоотларининг белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳаларига ва ичимлик суви олиш

ҳамда уни истеъмолчиларга етказиб бериш учун сувдан махсус фойдаланиш рухсатномаларига мувофиқ сув таъминоти манбаларидан сув олишга ҳақлидирлар.

Ушбу моддада кўрсатилган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар олган сувларини ҳисобга олиб боришни ташкил этадилар, сув билан таъминлаш манбаларидаги сувнинг сифатини мунтазам текшириб турадилар ва манбаларда сув сифати ўзгарганлиги ҳақида табиатни муҳофаза қилиш, геология ва минерал ресурслар, кончиликни назорат қилиш давлат идоралари, санитария назорати органларига ҳамда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларига маълумотлар бериб турадилар.

Аҳолининг истеъмоли маиший ва бошқа эҳтиёжларини марказлаштирилмаган тартибда сув билан таъминлаш учун сув объектларидан фойдаланилганда корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, деҳқон хўжаликлари ва фуқаролар сувдан умумий ёки махсус равишда фойдаланиш тартибида бевосита ер усти ёки ер ости сув манбаларидан сув олиб қўйишга ҳақлидирлар, зарур бўлса ана шундай ҳоллар каналлар, сув омборларини лойиҳалаш ва қуриш чоғида тутилиши ва меъёрлаб қўйилиши лозим.

Шу мақсадлар учун мўлжалланган сув олиш иншоотларидан фойдаланиш маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан белгиланган қоидаларга мувофиқ равишда амалга оширилади.

Сувдан фойдаланувчилар юқорида кўрсатилган сув олиш иншоотларининг тегишли санитарий-техник ҳолатда бўлишини таъминлашлари шарт.

104. Табиийки, даволаш, курорт ва соғломлаштириш мақсадларида сув объектларидан фойдаланилади. Унинг тартиби қандай?

«Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 44—46-моддаларида мазкур масалага алоҳида аҳамият берилган. Уларга кўра белгиланган тартибда шифобахш сувлар қаторига киритилган сув объектларидан, аввало, даволаш ва курорт мақсадларида фойдаланилади.

Сув хўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш органлари шифобахш сувлар қаторига киритилган сув объектларидан, айрим ҳоллардагина тегишли кончиликни назорат қилиш давлат идоралари, соғлиқни сақлаш органлари ва курорт бошқармалари билан келишиб туриб, бошқа мақсадлар учун фойдаланишга рухсат беришлари мумкин.

Шифобахш сувлар қаторига киритилган сув объектларига оқинди сувларни ташлаш тақиқланади.

Дам олиш ва спорт учун сув объектларидан фойдаланиш тартиби қонунлар билан белгиланади.

105. Сув объектларидан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш хусусида нималарга эътибор бериш керак?

«Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг XIII боби бевосита ана шу масалага бағишланган. Жумладан, унинг 47-моддасида шундай дейилади:

Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш ишлари жамоа, давлат хўжаликлари, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, ташкилотлари, муассасалари ҳамда деҳқон хўжалиklarининг суғориладиган ерларида қулай сув режими вужудга келтириш мақсадида амалга оширилади.

Сув объектларидан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш сувдан меъёрлар бўйича фойдаланишнинг белгиланган йўсинига риоя этган ҳолда сувдан умумий фойдаланиш тартиби ҳам, махсус фойдаланиш тартиби ҳам амалга оширилади.

Сувдан махсус фойдаланиш рухсатномасини суғориш, сув чиқариш, зах қочириш тармоқларидан фойдаланувчи органлар белгиланган тартибда расмийлаштирадилар.

106. Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланишни режалаштириш қандай амалга оширилади?

Юқорида таъкидланган қонуннинг 48-моддасида ушбу масала аниқ кўрсатилган.

Унга кўра суғориш, сув чиқариш ва суғориш — сув чиқариш тармоқларидаги, магистрал каналлардаги, сув омборларидаги ва бошқа сув хўжалиги объектларидаги сувлардан фойдаланиш ишлари сувдан фойдаланишнинг ички хўжалик ва умумий тизими режаларга асосан йиллик амалдаги сув билан таъминланганлик ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

Икки томонлама ишловчи зах қочириш тармоқларида сувдан фойдаланиш мелиорация қилинган ерлардаги сув режимини тартибга солиш ички хўжалик ва умумий тизими режалари асосида амалга оширилади.

Сувдан фойдаланувчи жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари ва бошқа корхоналар, ташкилотлар ҳамда

муассасалар томонидан тузилган хўжалик ички сувдан фойдаланиш режалари Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги сув объектларидан фойдаланиш бошқармалари билан мувофиқлаштирилиб, туманларнинг ҳокимият органлари томонидан тасдиқланиши лозим.

Сувдан фойдаланиш умумий тизими режаларини:

— туман аҳамиятидаги тизимлар бўйича — туманларнинг ҳокимият органлари;

— вилоят, республика аҳамиятига эга тизимлар бўйича — қишлоқ хўжалиги органлари билан келишилган ҳолда тегишли бўлишига қараб, вилоят, республика мелиорация ва сув хўжалиги органлари тасдиқлайдилар.

107. Сугориладиган ерларда сувдан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари ва аҳамияти нималардан иборат?

Сугориладиган ерларда каналлар, мураккаб муҳандислик иншоотлари, мелиорация шохобчалари барпо этилганлиги ана шундай ерларнинг ўзига хос хусусиятидир.

Ердан фойдаланиш мулкчиликнинг қайси шаклига асосланганлигидан қатъи назар, сув фонди ерлардан, сугориладиган ерлар доирасидаги хўжаликлараро каналлар ва иншоотлардан, ер ости сув чиқаргичлари ягона сув хўжалиги тизими сифатида фойдаланилади ва улар давлат мулки ҳисобланиб, уларни хусусийлаштириш мумкин эмас.

Дарёлар, магистрал каналлар, коллекторлар, сув омборлари ва бошқа сув ҳавзаларининг соҳил бўйи минтақалари, ер ости суви чиқаргичлари, санитария муҳофаза теғраларининг I ва II пояслари табиатни муҳофаза қилиш эҳтиёжлари учун ер эгалари ва ердан фойдаланувчилардан олиб қўйилиши мумкин.

Сугориладиган деҳқончилик эҳтиёжлари учун сув объектларидан фойдаланиш, сувлардан лимит бўйича фойдаланишнинг белгиланган тартибига риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Сув олиш ва унинг ҳисоб-китобини қилиш рўйхатдан ўтказилган сув манбаларидан (хўжалик каналларининг бош иншоотларидан, қудуқларидан, насос станциялари ва бошқа сув олиш иншоотларидан) сув ажратиш жойларида туман сув хўжалиги органи билан тузилган шартномага биноан амалга оширилади.

Сув манбалари, каналлар, коллекторлар ва бошқа сув объектларидан фойдаланувчи сув хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотлари ер солиғидан озод қилинадилар (49-модда).

108. Сув объектларидан қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланувчиларнинг вазифалари нималардан иборат?

Сувдан қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланувчилар:

— сувдан фойдаланишнинг белгиланган лимитлари, режалари, қоидалари, меъёрий ва режимларига риоя этишлари, тик дренажни инобатга олган ҳолда фойдаланишнинг барча турлари учун ишлатилаётган сувни ҳисобга олиб боришлари;

— ички хўжалик суғориш, сув чиқариш ва коллектор дренажлар тармоғи ҳамда ундаги иншоотларни ва сув чиқариш қудуқларини техника жиҳатидан ишга яроқли ҳолда сақлашлари;

— мелиорация қилинган ерларни комплекс реконструкция қилишлари ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳамда ўсимликларни суғориш, шунингдек, яйловларга сув чиқаришнинг мақбул режимини сақлашлари;

— сувни тежайдиган технологиялар ва илғор техникани жорий этиш орқали суғоришнинг услуб ҳамда усуллари такомиллаштириш;

— қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган сув мониторинги асосида салбий жараёнларнинг сабаблари ва оқибатларини бартараф этишлари;

— белгилаб олинган аниқ мақсадларга мувофиқ фойдаланилаётган сувларнинг самарадорлигини оширишлари шарт.

Хўжаликлараро мелиорация тармоқларини ишга яроқли ҳолда сақлаб туриш учун сувдан фойдаланувчилар қонунларда белгиланган тартибда ирригация-мелиорация ишларини бажаришга жалб этиладилар (50-модда).

Қишлоқ хўжалиги ерларини оқинди сувлар билан суғоришга табиатни муҳофаза қилиш органлари давлат санитария ва ветеринария назорати органлари билан келишиб рухсат берадилар.

Саноат, коммунал корхоналари ва бошқа корхоналар ҳамда ташкилотлар тупроқ унумдорлигига ва етиштири-

ладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларига зарарли таъсир қилувчи сувларни қишлоқ хўжалик ерларини суғориш учун беришлари тақиқланади (51-модда).

Ушбу Қонуннинг 47, 50-моддалари ва 51-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган қоидалар, ўрмонлар, дарахтзорлар ва кўчатзорлар билан банд бўлган ерларни суғоришга ҳам татбиқ қилинади (52-модда).

Жамоа боғлари, экинзорлари ва томорқа ерлари учун сувдан фойдаланиш сувдан иккиламчи фойдаланиш ҳисобланади. Ана шу мақсадлар учун сув ажратиш бирламчи сувдан фойдаланувчиларнинг лимитларида назарда тутилади.

Жамоа боғлари, экинзорлари ва томорқа ерларни сув билан таъминлаш хўжаликларнинг сув ажратиш жойларида (хўжалик тақсимлагичининг, каналнинг бош иншоотида) бирламчи сувдан фойдаланувчилар билан шартнома муносабатлари асосида амалга оширилади (53-модда).

109. Сув объектларидан саноат мақсадлари ва энергетика эҳтиёжлари учун фойдаланишнинг ҳолатлари ҳақида нима биласиз?

Бу масала бўйича юқоридаги қонуннинг 56,58-моддаларида батафсил қайд этилган. Мазкур моддаларга асосан сув объектларидан саноат мақсадларида ва иссиқлик энергетикаси эҳтиёжлари учун фойдаланувчилар белгиланган лимитларга, сувдан фойдаланиш технология меъёрлари ва қоидаларига риоя этишлари, шунингдек, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш йўли билан сув сарфини камайтириш ва оқинди сувларнинг оқизиб юборилишини тўхтатиш чораларини кўришлари шарт.

Лойиҳаланаётган ва ишга туширилаётган саноат объектлари учун сув таъминотининг тўхтовсиз тизимидан фойдаланишни назарда тутиш ман этилади, ишлаб чиқаришнинг шарт-шароитлари тақозоси билан айланма сув таъминотига мослаштирилиши мумкин бўлмаган корхоналар ва бошқа объектлар бундан мустасно. Айланма сув таъминотига эга бўлмаган ишлаб турган корхоналар учун табиатни муҳофаза қилиш органлари томонидан сув хўжалиги органлари билан келишилган ҳолда уларни сув таъминотининг тўхтовсиз тизимида ўтказиш муддатлари белгиланади.

Табиий офат, авариялар рўй берган тақдирда ва бошқа фавқулодда ҳолатларда, шунингдек, корхона водопровод

сувини белгилаб қўйилган миқдордан ошиқ сарф қилиб юборган тақдирда, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари аҳолининг ичимлик сувига бўлган эҳтиёжларини ва маиший эҳтиёжларини биринчи навбатда қондириш манфаатларини кўзлаб, коммунал водопроводлардан саноат мақсадлари учун ичимлик сув истеъмолини қисқартиришга ёки таъқиқлаб қўйишга ва идораларга қарашли ичимлик сув берадиган хўжалик водопроводлари сувидан саноат мақсадлари учун фойдаланишни вақтинча чеклаб қўйишга ҳақлидир.

Ичимлик сувлар қаторига киритилган ер ости чучук сувларидан ишлаб чиқариш-техника мақсадлари учун фойдаланиш тақиқланади, зарур ер усти сув манбалари мавжуд бўлмаган ҳудудларда фойдаланадиган ҳоллар бундан мустаснодир.

Ичимлик ёки шифобахш сувлар қаторига киритилмаган ер ости сувларидан (чучук, минерал ва иссиқ сувлардан) фойдаланишга лойиқ тасдиқланган захиралари бўлса, белгилаб қўйилган тартибда техника сув таъминоти учун, мазкур сув таркибидаги кимёвий элементларни ажратиб олиш, иссиқлик энергияси ҳосил қилиш ва бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун сувдан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш талабларига риоя қилинган ҳолда фойдаланиш мумкин.

110. Сув объектларидан гидроэнергетика эҳтиёжлари учун фойдаланиш ҳолати қандай?

Республикамиз салоҳияти ва бир қатор ишларимиз ана шу масала билан боглиқ. Амалда «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 59-моддасида бу хусусда кўйидагилар баён этилган.

Гидроэнергетика эҳтиёжлари учун сув объектларидан халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари манфаатлари ҳисобга олиниб шунингдек, башарти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан, тегишли ҳолларда эса сув хўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш органларининг қарорида бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса, сувдан комплекс фойдаланиш талабларига риоя қилинган ҳолда фойдаланилади.

Гидроэнергетика эҳтиёжлари учун бериб қўйилган сув объектларидан табиий шароитларга, хўжалик эҳтиёжлари ва ўзга эҳтиёжларга қараб бошқа мақсадлар учун ҳам фойдаланилади.

Гидроэнергетика корхоналари:

— сув омборларини тўлдириш ва ишга тушириш, улардан сув чиқариш ҳамда сувнинг қуйи ва юқори сатҳ даражаси ўзгаришининг фойдаланиш қоидаларида белгиланган режимга риоя этишлари;

— санитария ва табиат муҳофазаси мақсадларида сув омборларида сув ўтказиб турилишини таъминлашлари шарт.

111. Сув объектларидан балиқчилик хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш тартиби қандай?

Бу масала «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг XV-бобида батафсил ёритилган. Жумладан, қонуннинг 60, 62-моддаларида шундай дейилган.

Балиқларнинг қимматли турларини ҳамда сув билан боғлиқ овчилик объектларини сақлаб қолиш ва урчитиб кўпайтириш учун алоҳида муҳим аҳамиятга эга бўлган балиқчилик хўжалиги ҳавзаларида ёки шу ҳавзаларнинг айрим участкаларида сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари балиқчилик хўжалиги манфаатларини кўзлаб чеклаб қўйилиши мумкин.

Бундай ҳавзаларнинг ёки шу ҳавзалардаги участкаларнинг рўйхатини ҳамда сувдан фойдаланишни чеклаш турларини табиатни муҳофаза қилиш ва сув хўжалиги органлари белгилаб беради ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайди.

Фойдаланиш учун балиқчилик хўжалиги сув ҳавзалари ёки ов қилиш участкалари бериб қўйилган корхоналар ва ташкилотлар бу жойларда балиқ захираларининг урчиб кўпайиш шароитларини таъминлашлари, зарур мелиорация ишлари олиб боришлари, шунингдек, шу корхоналар ва ташкилотлар жойлашган ерлардаги қирғоқ участкаларни тегишли санитария ҳолатида сақлашлари шарт.

112. Сув объектларидан овчилик хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш ҳолати қандай?

Ушбу масала юқорида тилга олинган қонуннинг 65,66-моддаларида аниқ баён этилган. Уларга кўра табиатни муҳофаза қилиш ва сув хўжалиги органлари ёввойи сув қушлари ва қимматли мўйна берадиган сув ҳайвонлари (қундуз, ондатра, сув каламуши, нутрия ва ҳоказолар) маскани бўлган дарёлар, кўллар ва бошқа сув объектларида сувдан комплекс фойдаланиш талабларини ҳисобга

олган ҳолда овчилик ҳўжалиги корхоналарига ва ташкилотларига сувдан фойдаланиш учун имтиёзли ҳуқуқлар бериб қўйишлари мумкин.

Сув объектларидан овчилик ҳўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш тартиби қонунлар билан белгиланади.

113. Алоҳида қўриқланадиган ҳудудлар теграсида жойлашган сув объектларидан фойдаланиш тартиби қандай?

Қонуннинг XVII-бобида бу масала етарлича баён этилган. Унга биноан алоҳида илмий ёки маданий қимматга эга бўлган сув объектлари тегишли қонун билан дахлсиз, деб эълон қилинади, ҳўжалик мақсадида фойдаланишдан чиқарилади ҳамда бепул ва муддатсиз фойдаланиш учун давлат қўриқхоналари ихтиёрига бериб қўйилади.

Қўриқхоналар сувдан фойдаланиш тартиби қўриқхоналар тўғрисидаги низомларда белгиланади.

Қўриқхоналар сувдан балиқ овлаш, ов қилиш, сув ўсимликлари йиғиш, шунингдек, шу сувларнинг табиий ҳолатига зарар етказувчи бошқа ишлар олиб бориш тақиқланади.

Қўриқхоналар сувига оқинди сувларни оқизишга, шунингдек, мазкур сувларнинг табиий ҳолатини узгартириши мумкин бўлган гидромелиорация ишлари ўтказишга ушбу Қонунда белгиланган талабларга риоя қилинган ва тегишли қўриқхоналарнинг маъмуриятлари билан келишилган ҳолдагина йўл қўйилади.

Қўриқхоналарга фойдаланиш учун бериб қўйилган сув объектларини қайтариб олишга алоҳида зарур бўлиб қолган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан йўл қўйилади.

Ов қилиш объектлари ҳисобланмайдиган ёввойи ҳайвонларни муҳофаза қилиш учун мўлжалланган буюртма қўриқхоналар миллий боғлар теграсига кирувчи ҳавзалардаги балиқ ресурслари ва бошқа сув жониворларидан фойдаланишга рухсат берилади.

114. Ҳаётда сув объектларидан сув транспорти эҳтиёжлари учун фойдаланишнинг тартиби қандай?

Дарёлар, кўллар, сув омборлари, каналлар, башарти, сув йўллари сифатида фойдаланиш тўла ёки қисман тақиқланган ёхуд улар танҳо фойдаланиш учун бериб

қўйилган бўлмаса, умум фойдаланадиган сув йўллари ҳисобланади (70-модда).

Сув йўлларини, кема қатнайдиган сув йўллари қаторига киритиш, шунингдек сув йўлларидан фойдаланиш қоидаларини белгилаб бериш тартиби қонунлари билан белгиланади (71-модда).

Сув объектларидан кичик кемаларда (эшкакли ва моторли қайиқлар, катерлар, елканли яхталар ва шу кабиларда) сузиб юриш учун фойдаланишга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган қоидаларга мувофиқ рухсат берилади (72-модда).

115. Маълумки, оқинди сувларни оқизишда сув объектларидан фойдаланилади. Бунда нималарга эътибор бериш керак?

Ушбу масала қонуннинг 73—75-моддаларида ўз аксини топган. Уларга асосан саноат, коммунал-маиший, зовур сувларини ва бошқа оқинди сувларни оқизиш учун сув объектларидан фойдаланишга қонунларга мувофиқ ҳамда табиатни муҳофаза қилиш, сув хўжалиги органларининг давлат санитария назорати, кончилик назорати давлат органлари геология ва минерал ресурслар органлари билан келишиб берилган рухсатига биноан йўл қўйилиши мумкин.

Рухсат сув объектларидан оқинди сувларни оқизиш учун фойдаланиш зарурати ва имкониятларини асослаб берувчи ҳужжатларга биноан берилади.

Сув объектларига оқинди сувларни оқизишга сув объекти таркибида ифлословчи моддаларнинг белгилаб қўйилган меъёрлардан ошиб кетишига йўл қўймаслик шарти билан ва сувдан фойдаланувчи бундай оқинди сувларни табиатни муҳофаза қилиш ва санитария назорати органлари томонидан белгилаб қўйилган даражага етказиб тозалаб бериш шарти билангина йўл қўйилади.

Агар мазкур талаблар бузилаётган бўлса, табиатни муҳофаза қилиш ва санитария назорати органлари оқинди сувларни оқизишни чеклаб, тўхтатиб ёки тақиқлаб қўйишлари, ҳаттоки айрим саноат қурилмаларини, цехлар, корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг фаолиятини тўхтатиб қўйишлари лозим. Аҳолининг соғлигига хатарли ҳолларда, оқинди сувларни оқизиш тўхтатилиб, ҳаттоки ишлаб чиқариш объектларидан ва бошқа объектлардан фойдаланиш тўхтатиб қўйилиши лозим.

116. Сув омборлари, гидроузеллар ва бошқа иншоотлардан фойдаланиш тартиби қандай?

Бу анчайин долзарб масалалардан бири. У сув қонунчилигининг 78,82-моддаларида ўз ифодасини топган. Уларга асосан, сув омборларидан сув тўсадиган, сув ўтказадиган ёки сув тўплайдиган иншоотларни ишлатувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар сув омборларининг таъсир минтақасидаги сувдан фойдаланувчилар, ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда сув омборларини сув билан тўлдириш ва улардан сув чиқариш борасида белгиланган режимга риоя қилишлари шарт.

Сув омборлари турли сувдан фойдаланувчиларнинг сувга бўлган эҳтиёжини қондиришни тартибга солиш мақсадида бунёд этилади.

Сув омборларини сувга тўлдириш ва улардан сувни чиқариш режими, сув сатҳининг ўзгариш режими, гидроузел орқали сув ўтиши режими, кемаларнинг бемалол ва хавфсиз ўтиши, шунингдек, балиқларнинг уруғ ташлайдиган жойларга ўта олишини таъминлаш сув омборларидан фойдаланиш қоидалари билан белгиланади.

Сув омборларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва бошқа манфаатдор органлар билан келишиб, ҳар бир сув омбори, сув омборлари тизмаси ёки тизими учун тасдиқланган қоидаларда белгиланади.

Сув омборларининг тегишли техника ҳолатини ва обдончилиқни таъминлайдиган тадбирларни уюштириш ва мувофиқлаштириш, шунингдек, улардан фойдаланиш устидан назорат қилиш сув хўжалиги органлари томонидан амалга оширилади.

Ушбу Қонуннинг 78, 79 ва 80-моддаларидаги қоидалар кўллардан ва сув омборлари тариқасида хизмат қилаётган бошқа сув ҳавзаларидан фойдаланишга ҳам жорий қилинади.

Гидроузеллар ҳамда дарёлар, сойлар, магистрал ва хўжаликлараро каналлар, коллекторлардаги бошқа гидротехника иншоотлари давлат сув объектлари ҳисобланиб, ана шу иншоотлардан фойдаланишни, уларни лойиҳалаш вақтида ишлаб чиқилган қоидаларга мувофиқ сув хўжалиги органлари амалга оширадилар.

Ички хўжалиқ гидромуелиорация тармоғидаги гидро-

техника иншоотларидан, шу жумладан суғориш каналлари ва коллектор-дренаж тармоқларидан фойдаланишни уларга эгаллик қилувчи сувдан фойдаланувчилар амалга оширадилар.

Сув хўжалиги органлари сувдан фойдаланувчилар билан тузилган шартномаларга биноан ички хўжалик тармоқлари ва улардаги иншоотларга техника хизмати кўрсатишни ўз зиммаларига олишлари мумкин.

117. «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунда Орол денгизи ҳавзасида давлатлараро сувдан фойдаланишнинг ҳуқуқий ҳолати белгиланганми?

Ҳа, қонуннинг 83—84-моддалари бевосита ушбу масалага бағишланган. Уларда таъкидланишича, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида ҳамда Орол денгизи ҳавзаси теграсидаги бошқа давлатларнинг ҳудудида жойлашган давлатлараро (Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёси, Орол денгизи ва бошқа) сув объектларидан фойдаланишни тартибга солиб туриш давлатлараро шартномалар ва битимларга мувофиқ амалга оширилади.

Чегара сувларидан фойдаланиш, сув хўжалиги ва сувни муҳофаза қилиш талбирларини ўтказиш халқаро шартномалар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси чегара сувларининг халқаро шартномада тартибга солинмаган қисмида сувдан фойдаланиш ишлари Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ амалга оширилади.

118. Қайси органлар сувдан фойдаланишга доир низоларни ҳал қилувчи орган ҳисобланади?

Сувдан фойдаланишга доир низолар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, шунингдек, сув хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш, геология ва минерал ресурслар органлари томонидан ҳамда тегишли ваколатли бўлган бошқа давлат органлари томонидан қонунларда белгиланадиган тартибда ҳал қилинади.

119. Сувдан фойдаланишга доир низоларни ҳал қилувчи органларнинг ваколатлари нималардан иборат?

Бу қонуннинг 86—90-моддаларида кўрсатиб ўтилган яъни посёлка ва қишлоқларни ўзини ўзи идора қилиш

органларининг ихтиёрига қишлоқ, посёлка ҳудудидаги сув объектларидан фойдаланиш юзасидан фуқаролар ўртасида чиққан низоларни ҳал қилиш вазифаси киради, сув хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш органлари, ҳамда шунга ваколат берилган бошқа давлат органлари ҳал қилиши лозим бўлган низолар бундан мустаснодир.

Шаҳарлар ҳокимият органларининг ихтиёрига шаҳар ҳудудидаги сув объектларидан фойдаланиш масаласида шаҳарларга бўйсунадиган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўртасида, мазкур корхона, ташкилот ва муассасалар билан фуқаролар ўртасида, шунингдек, фуқаролар ўртасида сувдан фойдаланиш юзасидан чиққан низоларни ҳал қилиш вазифаси киради; сув хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш органлари ҳамда шунга ваколат берилган бошқа давлат органлари ҳал қилиши лозим бўлган низолар бундан мустаснодир.

Туманлар ҳокимият органларининг ихтиёрига жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, туманга бўйсунадиган бошқа корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўртасида, шунингдек мазкур корхоналар, ташкилотлар, муассасалар билан фуқаролар ўртасида сувдан фойдаланиш юзасидан чиққан низоларни ҳал қилиш вазифаси киради; сув хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш органлари ҳамда шунга ваколат берилган бошқа давлат идоралари ҳал қилиши лозим бўлган низолар бундан мустаснодир.

Вилоятлар давлат ҳокимияти органларининг ихтиёрига томонлардан бир вилоятга бўйсунадиган корхона, ташкилот ва муассаса бўлган тақдирда сувдан фойдаланишга доир низоларни ҳамда вилоятдаги турли туманларда жойлашган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўртасида сувдан фойдаланиш юзасидан чиққан низоларни ҳал қилиш вазифаси киради; сув хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш органлари ҳамда шунга ваколат берилган бошқа давлат идоралари ҳал қилиши лозим бўлган низолар бундан мустаснодир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ихтиёрига томонлардан бири республикага бўйсунадиган корхона, ташкилот, муассаса бўлган тақдирда сувдан фойдаланишга доир низоларни ҳамда турли вилоятлар ёки битта вилоят ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ўртасида сувдан фойдаланишга доир чиққан низоларни ҳал қилиш вазифаси киради; сув хўжалиги, табиатни

муҳофаза қилиш, геология ва минерал ресурслар органлари ҳал қилиши лозим бўлган низолар бундан мустаснодир.

120. Сувдан фойдаланишга доир низоларнинг ҳал қилиниши ва кўриб чиқилиш тартиби қандай?

Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар ўртасида сувдан фойдаланиш юзасидан келиб чиққан низолар давлатлараро шартномаларда белгиланган тартибда ҳал этилади.

Сувдан фойдаланишга доир даъволашувлар томонлардан бирининг аризасига биноан қўзғатилади.

Бу аризага сувдан фойдаланиш ҳуқуқи бузилганлигини исботлаб берувчи ҳужжатлар илова қилиниши лозим.

Сувдан фойдаланишга доир низолар манфаатдор томонлар иштирокида кўриб чиқилади, улар низо ҳал қилинадиган вақт ва жой ҳақида хабардор қилиб қўйилади.

Сувдан фойдаланишга доир низоларни кўриб чиқиш натижаси ҳақида шу низони ҳал қилувчи органлар қарор чиқарадилар.

Зарур ҳолларда бу қарорларда уларни ижро этиш тартиби ва муддатлари, шунингдек, бузилган ҳуқуқни тиклаш тадбирлари кўрсатилган бўлиши мумкин.

Сувдан фойдаланишга доир низо юзасидан чиқарилган қарор устидан шу қарор топширилган кундан бошлаб ўн кун муддат ичида юқори турувчи органга шикоят қилиш мумкин.

Низо юзасидан чиқарилган қарор устидан қилинган шикоят бу қарорнинг ижросини тўхтатиб қўймайди.

Сувдан фойдаланиш низо юзасидан чиқарилган қарорнинг ижроси қарор чиқарган орган, юқори турувчи орган томонидан тўхтатилиши ёки ижро муддати узайтирилиши мумкин (91—95-моддалар).

121. Сувни муҳофаза қилиш масаласи «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунда кўрсатилганми?

Ҳа, қонуннинг XXIV-боби, мазкур масалага бағишланган. Масалан, 97, 98-моддаларда шундай дейилади. «Ҳамма сувлар (сув объектлари) аҳоли соғлигига зарар етказиш, шунингдек, балиқ захираларининг камайиши, сув таъминоти шароитининг ёмонлашиши ҳамда сувнинг физикавий, кимёвий ва биологик хоссалари пасайиши, сувнинг

табий тозаланиши хусусияти камайиши, сувнинг гидрологик ва гидрогеологик режимининг бузилиши натижасида келиб чиқадиган бошқа кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келиш ҳолларидан муҳофаза қилиниши керак.

Фаолияти сувларнинг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар маҳаллий ҳокимият органлари, табиатни муҳофаза қилиш, сув хўжалиги, санитария назорати органлари ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан келишилган ҳолда, технология, ўрмон-мелиорация ва агротехника, гидротехника, санитария-техника тадбирларини ўтказишлари шарт».

122. Сувни чиқит ва чиқиндилар билан ифлослантиришдан муҳофаза қилиш ҳолатлари қандай?

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларга кўйидагилар таъқиқланади:

— ишлаб чиқариш чиқитлари, майший ва бошқа хил чиқитлар ҳамда чиқиндиларни сув объектларига ташлаш;

— мойларнинг, ёғочларнинг, кимёвий ва нефть маҳсулотларининг ҳамда бошқа маҳсулотларнинг тўкилиб-сочилиши натижасида сувни булғатиш ва ифлослантириш;

— сув ҳавзаларининг юзи, сув ҳавзаларини қоплаб турган яхлар ва музликларнинг юзаси, саноат чиқитлари, майший чиқинди ва бошқа ташландиқ чиқитлар, шунингдек, ер усти ва ер ости сувларининг сифатини ёмонлаштириб юборадиган нефть ва кимёвий маҳсулотлар билан булғатиш ва ифлослантириш;

— сувларни ўғитлар ва заҳарли химикатлар билан булғатиш.

Оқинди сувларни сув объектларига оқизишга ушбу Қонуннинг 73, 74 ва 75-моддаларида кўрсатиб ўтилган талабларга риоя қилинган тақдирдагина йўл кўйилади (99-модда).

123. Қонунчиликда ер ости сувларини муҳофаза қилиш қандай тартибда белгиланади?

Ер ости сувлари чиқариш ва ундан фойдаланиш билан шуғулланувчи идоралар сув чиқараётган участка ва унга туташ ҳудудларда ер ости сувларига доир режимларга риоя этилишини кузатиб боришлари, шунингдек, фойдаланилаётган сувнинг миқдори ва сифатининг ҳисобини юритишлари шарт.

Башарти, фойдали қазилмалар конларини қидириш, уларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бурғулаш ҳамда бошқа кон-қидирув ишларини бажариш чоғида ер ости сувлари бор қатламлари аниқлангани тақдирда, бу ҳақда табиатни муҳофаза қилиш, сув хўжалиги органларига маълум қилиниши ҳамда белгиланган тартибда ер ости сувларини муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлар кўрилиши лозим.

Башарти, саноат оқинди сувларини оқизиш учун қазиладиган қудуқлар сувли қатламларни ифлослантириш манбаига айланиши мумкин бўлса, бундай қудуқлар қозиш барча ҳолларда ман этилади.

Ўз-ўзидан сув чиқариб, суви фойдаланиш учун яроқсиз бўлган қудуқларга сувни бошқариш у-жуналари ўрнатилиши, улар қонунларда белгиланган тартибда тўхтатиб кўйилиши лозим.

Сифатли ер ости сувлари тўпланадиган манбалар теграсида қаттиқ ва суюқ чиқиндилар тўплаш, ахлатхоналар барпо этиш, ер ости сувларининг ифлосланиш манбаига айланиш эҳтимоли бўлган саноат, қишлоқ хўжалик объектлари ва бошқа объектлар қурилишига йўл кўйилмайди.

Ер ости сувларини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини кўриш, шу жумладан қудуқларни кузатиш тармоғини яратиш фаолияти ер ости сувларининг ҳолатига таъсир кўрсатувчи корхоналар томонидан амалга оширилади (101-модда).

124. Кичик дарёлар ҳам муҳофаза қилинадими? Агар муҳофаза қилинса, қандай чора-тадбирлар кўрилиши керак?

Хўжалик фаолияти кичик дарёларнинг ҳолати ва режимида салбий таъсир кўрсатувчи корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, деҳқон хўжаликлари сув хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда сувни, унинг мусаффолиги ва сифатини сақлаш чора-тадбирларини кўришлари лозим.

Кичик дарёнинг сувни муҳофаза қилиш минтақалари, бу минтақалардаги корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг хўжалик фаолияти режими қонунлар билан белгиланади (102-модда).

125. Сув етказадиган зарарли таъсирнинг олдини олиш ва уни бартараф қилиш чора-тадбирлари нималардан иборат?

«Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг XXV-бобида ушбу ҳолат кенгроқ берилган. Унинг 105—104-моддаларида, жумладан, шундай дейилади:

Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар:

- сув етказадиган зарарли таъсирнинг;
- сув тошқинларининг, сув босиб кетиши ва зах бо-шишининг;
- соҳиллар, ҳимоя тўғонлари ва бошқа иншоотлар бузилиб кетишининг;
- ерларнинг ботқоқланиши ва шўрланишининг;
- тупроқ эрозиясининг, жарлар, ўпирилишлар пайдо бўлишининг;
- сел оқимларининг ва бошқа зарарли ҳодисалар-нинг олдини олиш ва бартараф қилиш учун табиатни муҳофаза қилиш, сув хўжалиги, геология ва минерал ре-сурслар органлари, маҳаллий ҳокимият органлари ва бошқа манфаатдор органлар билан келишиб олинган ҳолда ёки тегишли ваколатли бўлган давлат органларининг кўрсатмасига мувофиқ зарур тадбирларни амалга оши-ришлари шарт.

Сувнинг зарарли таъсири натижасида юз берадиган табиий офатларнинг олдини олиш ва уларни тугатишга доир энг зарур чораларни амалга ошириш йўллари қонун-ларда белгилаб берилади.

Маъмурий туман ҳудудида тошқин ва сел бўлганда авария ҳолатларининг олдини олиш ҳамда тугатиш иш-ларини бажаришни туман ҳокимияти органлари ташкил этадилар.

Сувнинг зарарли таъсири натижасида юз берадиган табиий офатларнинг олдини олиш ва уларни тугатиш иш-ларига оператив раҳбарлик қилиш учун Ўзбекистон Рес-публикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят, туманлар ва шаҳарлар ҳокимият органлари зарур ҳолларда тошқинга қарши кураш комиссиялари ва бошқа комиссиялар туза-дилар, бу комиссиялар таркибига тегишли корхона, таш-килот ва муассасаларнинг вакиллари, шунингдек, сув хўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш органларининг вакиллари киради.

126. Сувдан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг иқтисодий чора-тадбирларини қандай топиш мумкин?

Сувдан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш-ни таъминлашнинг иқтисодий чоралари:

— сувдан махсус фойдаланганлик, сув объектларини ифлослантирганлик ва уларга зарарли таъсир кўрсатиш-нинг бошқа турлари учун ҳақ ундиришни;

— сувни тежовчи технологияларни жорий этишда, сув-ни муҳофаза қилиш ва тежашда самарали бўлган фаоли-ятни амалга оширишда корхоналар, муассасалар ва таш-килотларга, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларга ҳамда фуқароларга бериладиган солиққа, кредитга оид ва бошқа имтиёзларни;

— сувдан комплекс ва оқилона фойдаланишда ҳамда уни муҳофаза қилишда ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий, ижтимоий, экологик ва ўзга рағбатлантириш омиллари-нинг самарали чоралари тизимини қўллашни назарда ту-тади.

Республика, халқаро ва ўзга даражадаги жамоат бир-лашмалари, фондлар, жамиятлар, уюшмалар ўз низомла-рига мувофиқ қонунларда белгиланган тартибда сувдан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишга қаратил-ган самарали тадбирларнинг татбиқ этилишини рағбат-лантиришлари ва тақдирлашлари мумкин (106-модда).

127. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида сувдан фойдаланишни давлат йўли билан ҳисобга олиш ва ривожлантириш катта аҳамиятга эга. Шундай экан, сув тўғрисидаги қонунчиликда ушбу масалага эътибор берилганми?

Албатта, бу ниҳоятда долзарб масала. Шунинг учун ҳам қонуннинг XXVI-боби айнан мазкур масалага бағишланган. Унинг 107—111-моддаларида шундай де-йилади.

Сувни ва ундан фойдаланишни давлат йўли билан ҳисобга олишнинг вазифаси ягона сув фондини ташкил этувчи сувларнинг миқдорини ва сифатини, аҳоли ва халқ хўжалигининг эҳтиёжлари учун сувдан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларни белгилашдан иборатдир.

Сувдан фойдаланишни режалаштириш биринчи нав-батда аҳолининг ичимлик сувга бўлган ва маиший эҳ-

тиёжларни қондиришни, сувнинг сувдан фойдаланувчилар ўртасида илмий асосда тақсимланишини, сувни муҳофаза қилишни ва сув етказадиган зарарли таъсирнинг олдини олишни таъминлаши лозим.

Сувдан фойдаланишни режалаштириш чоғида давлат сув кадастридаги маълумотлар, сув хўжалиги баланслари, сувдан комплекс фойдаланиш ва сувни муҳофаза қилиш жадваллари ҳисобга олинади.

Давлат сув кадастри сувнинг миқдори ва сифат кўрсаткичини ҳисобга олиш, сувдан фойдаланишни қайд қилиш ва ҳисобга олиш маълумотларини ўз ичига олади.

Сувнинг мавжуд миқдорини ва ундан фойдаланиш даражасини баҳолаш учун дарёлар ҳавзалари ва иқтисодий туманлар бўйича сув хўжалиги баланслари тузилади.

Сувдан комплекс фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг бош ва ҳавза (ҳудудий) жадваллари аҳолининг ва халқ хўжалигининг сувга бўлган истиқболдаги эҳтиёжларини қондириш учун, шунингдек, сувни муҳофаза қилиш ва сув етказадиган зарарли таъсирларнинг олдини олиш учун амалга оширилиши лозим бўлган асосий сув хўжалиги тадбирларини ва бошқа тадбирларни белгилаб беради.

128. Сув мониторинги нима?

Сув мониторинги, шу жумладан ер ости сувлари мониторингининг ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, уларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш учун сувларнинг ҳолати устидан олиб бориладиган кузатув тизимидан иборатдир.

Сув мониторингининг тузилиши, мазмуни ва уни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади (113-модда).

129. Сув тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик масаласи қандай ҳал этилади?

Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни маъмурий, меҳнат, жиноят ва фуқаролик кодексларида мазкур муаммо билан боглиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликлар белгиланган. Масалан, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 114-115-моддаларида шундай дейилади:

— сувдан фойдаланиш ҳуқуқини бошқага бериш ҳамда давлатнинг сувга эгалик ҳуқуқини ошкора ёки яширин

шаклда бузадиган бошқа хил битимлар ҳақиқий ҳисобланмайди;

— юқорида кўрсатилган битимларни тузишда айбдор бўлган шахслар, шунингдек, сув объектларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган ёки сувдан ўзбошимчалик билан фойдаланган;

— сувдан фойдаланиш лимитларини бузган ҳолда сув олган;

— дарёларни буллаган ва ифлослаган;

— сувни булгаш ва ифлослашнинг ёки сув етказадиган зарарли таъсирнинг олдини оладиган иншоотлари ва қурилмалари бўлмаган корхоналарни, коммунал объектларни ва бошқа объектларни ишга туширган;

— сувдан (сув объектларидан чиқариб ёки ажратиб олинган сувдан) хўжасизлик билан фойдаланган;

— сув ҳавзаларида сувни муҳофаза қилиш режимини бузиб, унинг булганишига, тупроқни сув ювиб кетишига ва бошқа зарарли ҳодисалар рўй беришига сабаб бўлган;

— сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларига шикаст етказган ва уларни вайрон қилган;

— сув хўжалиги иншоотларини ва қурилмаларини ишлатиш қоидаларини бузган;

— сувнинг ҳолатига таъсир қилувчи тўсиқлар, насос станциялари ва бошқа иншоотларни ўзбошимчалик билан қурган;

— сув ҳақи ва сувдан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун солинадиган жарималарни ўз вақтида тўламаган;

— режаларда кўзда тутилиб, сувни булганиш, ифлосланиш ва камайиб кетишидан сақлашни, шунингдек, сув ҳолати ва режимини яхшилашни таъминловчи гидротехника, технология, ўрмон-мелиорация, санитария-техника тадбирлари ва бошқа тадбирларни амалга оширмаган;

— водопровод ва канализация тармоқларига ўзбошимчалик билан уланган;

— фойдаланиш ва кузатиш қудуқларини йўқ қилиб ташлаган ёки уларга зарар етказган;

— сув қудуқларини бурғулашнинг белгиланган қоидалари ва технологиясини бузган;

— сувни муҳофаза қилиш иншоотлари ва қурилмаларини қуришнинг меъёрий муддатларини барбод қилган;

— қурилиши тугатилмаган сувни муҳофаза қилиш иншоотларини уларнинг самарали ишлашига салбий таъсир

этувчи кам-қўстини битирмай ва лойиҳадан четга чиқишлар билан фойдаланишга топширилган;

— сувни муҳофаза қилиш теграларига риоя этмаган;

— сувдан фойдаланганлик ҳақидаги давлат ҳисоботларини тақдим этмаган ёки ушбу маълумотларни бузиб кўрсатган;

— табиатни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширувчи органларнинг кўрсатмаларини бажармаган;

— алоҳида қўриқланадиган сув объектлари режимини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонунларга мувофиқ жиноий, маъмурий ва ўзга тарздаги жавобгарликка тортиладилар.

Қонунларда сув тўғрисидаги қонунларнинг бошқа турдаги бузилишлари учун ҳам жавобгарлик белгилаб қўйилиши мумкин.

130. Сув тўғрисидаги қонунларни бузиш натижасида етказилган зарарни ундириш тартиби қандай?

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, деҳқон хўжаликлари ва фуқаролар сув тўғрисидаги қонунларни бузиш натижасида етказилган зарарларни қонунларда белгиланадиган миқдорда ва тартибда қоплашлари шарт.

Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар зарар харажатларни тўлашида айбдор бўлган мансабдор шахслар ва бошқа ходимлар белгиланган тартибда моддий жавобгар бўладилар (117, 118-моддалар).

131. Сув захираларини муҳофаза қилиш қондаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик мавжудми?

Содир этилган ушбу ҳолат учун Ўзбекистон Республикаси «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексининг 72-моддасида аниқ кўрсатилган. Унга кўра сувларни ифлослантириш ёки булғатиш, сув тўплагич иншоотларида сувни муҳофаза қилиш режимини бузиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Корхоналар, коммунал ва бошқа объектларни сувларнинг ифлосланиши ва булғаниши ёки уларнинг зарарли оқибатлари олдини олувчи иншоотлар ва қурилмаларсиз фойдаланишга топшириш, шунингдек, сув объектларининг табиий ҳолатини бузувчи бошқа ҳаракатлар қилиш

— мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Сув қудуқларини қазिशнинг белгиланган қоидаларини ва технологиясини бузиш, ишлатилаётган ва кузатув қудуқларини йўқ қилиб юбориш ёки шикастлантириш, сув ўзи чиқадиган қудуқларни уларни тартибга соладиган қурилмалар билан жиҳозлаш, шунингдек, ишлатишга яроқсиз қудуқларни консервациялаш ёки йўқ қилиш чораларини кўрмаслик, сифатли ер ости сувлари ҳосил бўладиган теграда ер ости сувларининг ифлосланиши ёки уларнинг сифати ёмонлашиши манбаи бўлиб қолиши мумкин бўлган саноат, қишлоқ хўжалик иншоотлари ва бошқа объектларни жойлаштириш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи, иккинчи ёки учинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

132. Амалиётда, сувдан фойдаланувчилар томонидан сувдан фойдаланиш қоидалари кўпол равишда бузилади.

Ана шу хатти-ҳаракат учун жавобгарлик қандай белгиланган?

«Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 74-моддасига кўра сувдан хўжасизларча фойдаланиш, гидро-техника ишларини ўзбошимчалик билан бажариш, сувдан фойдаланиш лимитлари ва режаларини бузган ҳолда сув олиш, шунингдек, лойиҳада назарда тутилган балиқларни муҳофаза қилиш иншоотлари ва қурилмалари бўлмаган устки сув манбаларидан сув олишни амалга ошириш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг

бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

133. Сувларнинг давлат ҳисобини юритиш қоидаларини бузганлик учун қандай маъмурий жавобгарлик мавжуд?

Сув объектларидан олинадиган ва уларга қуйиладиган сув миқдорининг дастлабки ҳисобини юритиш ва оқиб келиб қўшилаётган сувлар сифатини аниқлаш қоидаларини бузиш, шунингдек, давлат сув кадастри юритишнинг белгиланган тартибини бузиш — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (Қонуннинг 75-моддаси).

134. Сув ҳўжалиги иншоотлари ва қурилишларини шикастлантириш, улардан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун ҳам маъмурий жавобгарлик белгиланганми?

Ҳа, «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 76-моддасига мувофиқ сув ҳўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантириш, — энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Сув ҳўжалиги иншоотлари ва қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

135. Сув ва сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузганлик учун қандай жавобгарлик белгиланади?

Сув ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш оғир оқибатларга сабаб бўлса жиноят ҳисобланади. Шунинг учун «Жиноят кодекси»нинг 203-моддасига кўра — энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

136. Мамлакатимизда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш кўп ҳолларда назорат қилиш тартиби билан боғлиқ. Шу маънода катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш масаласи юзасидан давлат миқёсида қандай тадбирлар амалга оширилган?

Мазкур масала юзасидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 24 майдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш Давлат инспекцияси («Давлат сув хўжалик назорат»)ини ташкил қилиш тўғрисидаги фармони катта аҳамиятга эга.

Халқ хўжалигининг фаолият кўрсатиши, қишлоқ хўжалиги экинларидан барқарор ҳосил олиниши катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг ишончли ҳамда бехатар ишлашига боғлиқдир.

Мана шундай шарт-шароитларни таъминлаш бундай объектларнинг техник ҳолати устидан назорат кучайтирилишини, турли вазирликлар ва идоралар фаолияти мувофиқлаштирилишини, Марказий Осиё давлатларидаги сув хўжалиги ташкилотларининг баҳамжиҳат ҳаракат қилишларини тақозо этади.

Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг ишончли техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси (бундан бу ёғига «Давсувхўжаликназорат») ташкил қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, «Давсувхўжаликназорат» давлат назорат органи ҳисобланиб, қуйидаги асосий вазифаларнинг ҳал этилишини таъминлайди:

катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларидан фойдаланишда уларнинг ишончли техник ҳолатини таъминлаш устидан назоратни амалга ошириш ҳамда бехатар ишлашини таъминлаш;

катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг бехатарлиги мезонлари ҳамда қоидаларини ишлаб чиқишни ташкил қилиш ва тасдиқлаш;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектлари

техник ҳолатининг ишончлилиги ҳамда бехатар ишлаши-
ни экспертизадан ўтказиш;

тегишли вазирликлар ва идоралар билан бирга катта
ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник
ҳолати ҳамда бехатар ишлаши билан боғлиқ ҳодисалар-
нинг олдини олишга доир таклифларни ишлаб чиқиш;

катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларини
қуриш ҳамда қайта қуриш лойиҳаларини экспертизадан
ўтказишни ташкил этиш, уларни барпо этиш сифати ва
фойдаланишга қабул қилиниши устидан назоратни амал-
га ошириш;

катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг
ишончли муҳофазаси ташкил этилишини назорат қилиш;

тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда
катта ва алоҳида муҳим давлатлараро ҳамда чегара бўйи
сув хўжалиги объектларидан пухта ва бехатар фойдала-
ниш масалаларининг Марказий Осиё давлатлари билан
бартараф этилишини таъминлаш;

катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларидан
фойдаланишда уларнинг ишончли техник ҳолатини оши-
риш масалаларини кўриб чиқиш ҳамда уларни Ўзбекист-
он Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш.

3. Белгилаб қўйилсинки, «Давсувхўжаликназорат»нинг
ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари ва-
зирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюш-
малар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва маҳаллий
давлат ҳокимияти органлари томонидан ижро этиш учун
мажбурий ҳисобланади.

4. Вазирлар Маҳкамаси 10 кун муддатда ушбу Фар-
монни бажариш юзасидан қарор қабул қилсин.

137. Ҳозирги пайтда аҳоли яшаш жойларини ичимлик суви билан таъминлаш масаласига ҳукуратимиз томонидан қандай эътибор берилмоқда?

Мазкур муаммонинг ечими Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 июнда қабул қилин-
ган «Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик сув ва
табiiй газ билан таъминлашни янада яхшилаш чора-
тадбирлари тўғрисида»ги қарорида алоҳида эътибор бе-
рилган.

1. Қуйидагилар:

қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик сув ва та-
бiiй газ билан таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республи-

каси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан ишлаб чиқилган топшириқлар; қишлоқ аҳоли яшаш жойлар рўйхати ва уларни ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашнинг белгиланган муддатлари тасдиқлансин.

2. Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, лойиҳалаштириш ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2005 йилда республика қишлоқ аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш даражасини 85 фоизгача ва табиий газ билан қамраб олиш даражасини 82 фоизгача етказишни ҳисобга олган ҳолда жорий йилнинг 1 октябргача — 2010 йилгача бўлган даврда сув билан таъминлаш ва шу йил 1 декабргача — газлаштириш, шунингдек, мазкур қарорга иловаларда назарда тутилган кўрсаткичларни бажариш минтақавий ва республика схемаларини ишлаб чиқсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари республика ва минтақавий схемалари асосида:

1999 йил 1 декабргача бўлган муддатда — қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик сув ва 2000 йил 1 мартгача бўлган муддатда — табиий газ билан таъминлаш минтақавий дастурларини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар:

қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш минтақавий дастурларини ҳар йили аниқлаштирсинлар ва республика инвестиция дастурига киритиш учун таклифлар тақдим этсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги:

ҳар йилги инвестиция дастурларини шакллантиришда маҳаллий бюджетлар, ташкилотлар ва корхоналар, аҳоли маблағларини, хорижий инвестицияларни ва бошқа манбаларни жалб қилишни ҳисобга олиб, маблағ билан таъминлаш манбаларини белгиланган ҳолда, мазкур қарор ва минтақавий дастурлар кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлайдиган миқдорлар капитал қўйилмаларнинг тегишли лимитларини белгиланган тартибда назарда тутсинлар;

инвестициялар ва грантларни, шунингдек, қишлоқда сув ва газ таъминотини ривожлантириш учун имтиёзли

шартларда кредитларни жалб қилиш бўйича халқаро молия ташкилотлари ва бошқа хорижий инвесторлар билан доимий асосда иш олиб борсинлар.

5. Қишлоқ аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш самарадорлигини ошириш ва сифатини яхшилаш мақсадида қишлоқ сув таъминоти идоравий тизимларини коммунал хизмат кўрсатиш ҳудудий органлари балансига бериш йўли билан ичимлик сув таъминоти соҳасида таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш ва минтақавий ва минтақалараро магистрал сув қувурларидан фойдаланишнинг ягона тизимини яратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

6. Қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш Дастурини амалга ошириш бўйича республика комиссиясининг янгиланган таркиби тасдиқлансин.

Қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш Дастурини амалга ошириш бўйича республика комиссияси;

бир ҳафта муддатда Комиссия таркибига қишлоқ аҳоли яшаш жойларини газлаштириш ва ичимлик сув билан таъминлаш бўйича иккита ихтисослаштирилган ишчи гуруҳ тузсин;

қишлоқ сув таъминоти идоравий тизимларини коммунал хизмат кўрсатиш ҳудудий органлари балансига бериш ва магистрал сув қувурларини бошқаришни такомиллаштириш бўйича ишларни ташкил этсин, ушбу ишларнинг 1999 йил 1 октябргача тугалланиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсин;

қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш минтақавий дастурлари бажарилиши устидан мониторингни амалга оширсин ва уларнинг натижаларини ҳар чоракда ўз йиғилишларида кўриб чиқсин.

7. Аҳолини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш дастурларини амалга оширишда фаол қатнашаётган қишлоқ туманларини рағбатлантириш мақсадида ҳисобот йилида аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш ва уй-жой фондини табиий газ билан қамраб олиш даражаси ўсишининг энг юқори фоизи учун учтадан ҳар йили бериладиган Республика мукофотлари белгилансин.

Белгилансинки:

мансабдор шахслар — туман ҳокими, туман ҳокимининг коммунал хизмат кўрсатиш масалаларига мутасад-

дилик қилувчи ўринбосари, туман коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари, газ таъминоти туман корхоналари, «Сувоқова» туман бўлинмалари, газ қувурлари ва сув қувурлари тармоқлари қурилишини амалга ошираётган пудрат ташкилотларнинг биринчи раҳбарлари;

ташкилотлар — газ таъминоти туман корхонаси, «Сувоқова» туман бўлинмаси (участкаси), пудрат қурилиш ташкилоти мукофотланади, маблағлар алоҳида ўрناк кўрсатган ходимларни рағбатлантиришга йўналтирилади.

Ҳар йили тўланадиган Республика мукофотлари миқдори белгилансин. Республика бюджети маблағлари Республика мукофотларини тўлаш манбаи этиб белгилансин.

Қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш Дастурини амалга ошириш бўйича республика комиссияси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда аҳоли яшаш жойларини газ ва сув билан таъминлаш дастурлари муваффақиятли амалга оширилганлиги учун қишлоқ туманларини мукофотлаш шартлари ва тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳамда Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси ва Фанлар академияси билан биргаликда олис, бориш қийин бўлган ва аҳолиси сийрак жойлашган қишлоқ аҳоли яшаш жойлари сув ва энергия таъминоти муаммоларининг тежамли техник ечимлари бўйича 3 ой муддатда тавсияномалар тайёрласинлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари кўрсатиб ўтилган тавсияномаларга мувофиқ бориш қийин бўлган, олис ва аҳолиси сийрак жойлашган қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик сув ва энергия таъминотининг муқобил манбалари билан таъминлаш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўрсинлар:

9. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 мартдаги 117-сон қарорига 7-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов зиммасига юклансин.

АЛОҲИДА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУДЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБИ

Китобда ёритилаётган мазкур муаммо Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонуни асосида изоҳлаб берилган.

Мазкур бобга алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар таърифи ва уларнинг ҳуқуқий мақоми, қонуннинг мақсади, вазифалари, ушбу соҳадаги давлат бошқаруви ва бошқа масалалар киритилган.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг объекти сифатида қўриқхона ва заказникларнинг ҳозирги аҳволи, давлат қўриқхоналарининг таърифи ҳамда вазифалари, давлат миллий табиат боғларининг таърифи ва вазифалари, уларни ташкил этиш ва бошқариш, давлат табиат ёдгорликлари ва унинг ҳуқуқий тартиби масалалари кенг кўламда ёритилган.

Шунингдек, мазкур қонунга асосан рекреация тегралари, ботаника боғларининг ҳуқуқий ҳолати, дендрология боғлари ва уларнинг ҳуқуқий асослари ҳақида ҳам фикр юритилган.

Ушбу қонун асосида ҳайвонот боғларининг ҳуқуқий тартиби, балиқ хўжалиги тегралари, алоҳида муҳофаза этиладиган табиат ҳудудларига доир муносабатлар билан боғлиқ низолар ва уларни ҳал этиш тартиби ҳамда мазкур қонун талабларини бузганлик учун юридик жавобгарлик масалалари ҳам баён этилган.

138. Мамлакатимизда биринчи марта «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида» қонун қабул қилинган. Унинг асосий мақсади, моҳияти ва вазифалари нималардан иборат?

Бу қонун республикаимизда 1993 йил 7 майда қабул қилинди. IX бўлим, 39 моддадан иборат бўлиб ҳозирги ва келажак авлод манфаатларини кўзлаб ноёб ҳамда экологик, иқтисодий, илмий, маданий, санитария-соғломлаштириш, эстетик нуқтаи назардан миллий бойлик ва умумхалқ мулки бўлмиш қимматли табиий мажмуиларни муҳофаза этишнинг умумий, ҳуқуқий, экологик, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасида алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабат-

лар ушбу Қонунда, шунингдек, ер, сув, ўрмон тўғрисидаги қонунлар, ер ости бойликларидан фойдаланиш тўғрисидаги, атмосфера ҳавосини муҳофаза этиш тўғрисидаги ҳамда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлардан иборат алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Қорақалпоғистон Республикасида алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари билан ҳам тартибга солиб турилади.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг вазифалари ноёб табиий мажмуиларни, табиат ёдгорликларини, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ирсий фондини сақлаб қолишдан, табиий жараёнларни ўрганишдан ҳамда табиий муҳитни кузатиш ва тадқиқ этиш мажмуидан, аҳолини экология бобида тарбиялашдан, табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятига молик ҳудудлардан хўжалик мақсадида фойдаланишни чеклашдан иборатдир.

139. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар таърифи ва уларнинг ҳуқуқий мақоми қандай?

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар — бу ерлар ва сув кенгликлари (экваториялар)нинг устувор экологик, илмий, маданий, эстетик, санитария соғломлаштириш аҳамиятига молик қисмларидир.

Табиат ранг-баранглигини сақлаб қолиш, экологик мувозанатни ва биосфера мониторингини сақлаб туришга, шунингдек, шикаст етган табиий мажмуиларни тиклашга мўлжалланган ягона тизимни ташкил этувчи Ўзбекистон Республикасининг алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари хўжалик мақсадида фойдаланишдан тўлиқ ёки қисман, бир умрга ёки вақтинча тортиб олиши мумкин.

Табиий захиралардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир режалар ва дастурлар, ер тузилиши ва жойларни текислаш кесмалари ҳамда бошқа режаларни ишлаб чиқариш алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳисобга олинади.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга қонунда белгилаб қўйилган тартибда давлат қўриқхоналари (шу жумладан биосфера қўриқхоналари), давлат миллий боғлари, давлат табиат ёдгорликлари, давлат буюртма қўриқхоналари мақоми берилади.

Сувни муҳофаза қилиш минтақалари (тегралари), курорт ва рекреация тегралари, ер усти ва ер ости сувлари ҳосил бўладиган тегралари (дарё увалари, оқизиқли адирлар, тоғ ёнбағирларининг этаклари), нодир ва қимматбаҳо минерал конлари, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг қўриқланма (оралиқ) тегралари, балиқ хўжалиги тегралари, ўрмонларнинг тақиқланган минтақалари, тарихий-табиий ва ёдгорий боғлар, ботаника ва ҳайвонот боғлари, дендрарийлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва халқаро шартномалар билан белгилаб қўйиладиган тартиб асосидаги бошқа ҳудудлар ҳам алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга киради. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларнинг қарорлари билан алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг бошқа тоифалари ҳам назарда тутилиши мумкин. (3-модда).

140. «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар туғрисида»ги қонунга асосан алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқаруви қандай бўлади?

Ушбу масала қонуннинг 6-моддасида ўз ифодасини топган. Унга кўра алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идоралари амалга оширадilar.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси амалга оширади.

141. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга қандай ерлар кирди?

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ерлари табиатни муҳофаза этиш, соғломлаштириш, рекреация ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар жумласига кирди.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ерларида уларнинг мақсад-муддосига зид фаолият тақиқланади.

Юқорида айтиб ўтилган ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг тартиби ва шартлари ушбу Қонун ва ер тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгилаб қўйилади.

Давлат қўриқоналари, давлат миллий боғлари ер учун ҳақ тўлашдан озод этилади. Алоҳида муҳофаза этиладиган бошқа табиий ҳудудлар ҳам Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйилган тартибда ер учун ҳақ тўлашдан озод этилишлари мумкин.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда хўжалик фаолияти билан шуғулланган ҳолларда ижара ҳақи ва ер солиғи ундириб олинади.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ерлари тартиб олинишига фавқулодда ҳолларда Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда йўл қўйилади (5-модда).

142. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш тартиби қандай?

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ривожлантириш ва жойлаштиришнинг бош кесмаси ёки табиатни муҳофаза қилишнинг ҳудудий мажмуи кесмасига мувофиқ барпо этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ривожлантириш ва жойлаштиришнинг бош кесмасини ёки давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари табиатни муҳофаза қилишнинг идоралари табиатни муҳофаза қилишнинг ҳудудий мажмуи кесмасини тасдиқлаши билан айна бир вақтда муҳофаза этишга тавсия этилаётган ер майдонини захираш тўғрисида қарор қабул қилинади. Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудуд ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинганга қадар мазкур ҳудудда ер эгалари ва ердан

фойдаланувчиларнинг хўжалик фаолияти чекланади ёки тўхтатилади. Бундай ҳолларда ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар хўжалик фаолиятининг чекланиши ёки тўхтатилиши туфайли қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришида кўрилган йўқотиш ва талофатлар учун товон олиш ҳуқуқига эгадирлар ҳамда ер солиги бўйича имтиёзлардан фойдаланадилар. (8-модда)

143. Республикамиздаги «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар»нинг объекти сифатида кўриқхона ва заказникларнинг ҳозирги аҳволи ҳақида нима дейиш мумкин?

Ўсимлик ва ҳайвонат дунёсини муҳофаза қилиш, уларнинг нодир ва тугаб бораётган турларини сақлаб қолиш, сонини кўпайтиришда кўриқхона, заказник ва халқ хиёбонларининг аҳамияти каттадир. «Жайрон» экологик маркази фаолият кўрсатмоқда. Кўриқланадиган ерларнинг умумий майдони 2 миллион гектардан ортиқ. Республикада алоҳида кўриқланадиган 11 табиий-ҳудудий объект, шу жумладан 9 кўриқхона бўлиб, 3 таси — тоғда, 3 таси — дарё қайридаги тўқайда ва 3 таси чўл ландшафтларида жойлашган. Булар Чотқол тоғ-ўрмон, Пайғамбаророл, Қизилқум, Бодайтўқай, Нурута, Зарафшон, Ҳисор, Барданзи, Кўхитангтоғ, Китоб кўриқхоналаридир. Бу кўриқхоналарда биоэкологик тадқиқотлар олиб борилади.

Кўриқхоналардан ташқари камайиб кетаётган ўсимлик ва ҳайвон турларини сақлаб қолиш ва тиклаш мақсадида 10 га яқин заказниклар барпо этилган. Масалан:

Тошкент вилоятидаги Оқбулоқ заказниги Чотқол тизмаси тармоқларида Оқбулоқ сойи ҳавзасида жойлашган бўлиб, майдони 12,5 минг гектардан ортиқ, унинг ҳудудида оқ тирноқ айиқ, тўнғиз, Марказий Ўрта Осиё эчкиси, бўрсиқ ва тош сувсари муҳофаза қилинади. Бухоро вилоятидаги ташлама сувлардан ҳосил бўлган қўл асосида ташкил этилган Тўдақўл заказнигида (майдони 30 минг гектар) қишлоғга учиб келувчи йирик қушлардан — ўрдак, гоз, бир қозон, оқ қуш кўриқланади. Денгизқўл заказнигида ҳам (8620 гектар) сув қушлардан ўрдак, гоз, қоравой, фламинго (қизил гоз) кабилар ҳимоя остига олинган.

Хоразм заказнигида (майдони 11 минг гектар) қўл ва сув қушлари ҳамда сутэмизувчи ҳайвонлардан тўнғиз, шоқол, тулки, бўрсиқ кўриқланади. Энг жанубий — Кўхитанг заказнигида эса (майдони 43 минг гектар)

морхўр, Бухоро тоғ қўйи, бургут каби ҳайвонлар билан бирга дунё аҳамиятига молик ажойиб археологик ёдгорлик — Зарауткамар қоя ёзувлари ҳимоя қилинади.

1977 йил республикада биринчи халқ хиёбони — Ўзбекистон халқ хиёбони ташкил этилди. У Жиззах вилоятининг Зомин тумани ҳудудида, Туркистон тизмасининг шимолий ён бағрида, денгиз сатҳидан 1000—4030 метр баландда жойлашган. Майдони 47,47 гектар. Хиёбоннинг ажойиб иқлимли серманзара ландшафтлари аҳолининг дам олиш, ҳордиқ чиқариш спорт туризми машғулотлари билан шуғулланиши учун жуда қулай. Унда баргли сийрак тоғ ўрмонлари, бутазорлар, субальп ўтлоқлари табиий мажмуалари муҳофаза қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Энциклопедияси Т—1997, (42—43-бетлар).

144. Давлат қўриқхоналарининг таърифи ва вазифалари тўғрисида нима дейиш мумкин?

Давлат қўриқхоналари ўз олдига оддий, одатий ва ноёб табиий мажмуалар, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ирсий фондларини сақлаб қолиш ва ўрганиш, табиий жараёнлар ва ҳодисалар ўзгариши устидан мониторинг ўтказиш мақсадини қўйган табиатни муҳофаза этувчи илмий-тадқиқот муассасалари ҳисобланади.

Давлат қўриқхоналар ҳудудидаги ер, сув, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси хўжалик фойдаланишидан тўлиқ ва бир умрга тортиб олинади ҳамда доимий фойдаланиш учун қўриқхоналарга бепул берилади. Давлат қўриқхоналари ерларини ижарага бериш тақиқланади.

Ҳудуди табиий ландшафтларнинг хос бўлакларидан иборат бўлган ва белгиланган тартибда биосфера қўриқхоналарининг халқаро шохобчасига киритилган давлат қўриқхоналари мақомига эгадир.

Давлат қўриқхоналари зиммасига:

— муҳофаза остига олинган бутун табиий мажмуини табиий ҳолатда асраш;

— илмий тадқиқотлар ўтказиш;

— рўёбга чиқарилганда қўриқхоналар ва муҳофаза этилаётган теграларнинг табиий мажмуига салбий таъсир этиши мумкин бўлган хўжалик объектлари ва бошқа объектларнинг лойиҳалари ҳамда уларни жойлаштириш кесмаларининг давлат экологик экспертизасида қатнашиш;

— табиатни муҳофаза қилиш соҳасида илмий ходимлар ва мутахассислар тайёрлашга ҳамкорлик қилиш;
— экологик билимларни тарғиб этиш вазифалари юкланади.

(«Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддаси).

145. Давлат қўриқхоналарининг мақоми ва маблағи «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонунда қандай кўрсатилган?

Ушбу масала қонуннинг 12-моддасида ўз ифодасини топган.

Давлат қўриқхоналари юридик шахс бўлиб, республика бюджетидан таъминланади, мустақил балансда туради, уларнинг банк муассасаларида ўз ҳисоб рақамлари, номи ва Ўзбекистон Республикаси давлат герби туширилган муҳри бўлади.

Давлат қўриқхоналарининг маблағлари, шу жумладан чет эл валютасидан иборат маблағлари:

— Ўзбекистон Республикаси бюджети ажратмаларидан;

— илмий, табиатни муҳофаза қилиш, реклама-ноширлик ва маърифий фаолиятидан келадиган даромадлардан;

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим шахслар фаолияти натижасида давлат қўриқхонасига етказилган зарарнинг ўрнини ундириб қоплаш тушумларидан;

маъмурий ва суд йўли билан ундириб олинadиган жарима пулларидан;

овчилик ва балиқчиликнинг мусодара этилган асбобларини, ноқонуний ўлжа қилинган маҳсулотларни сотишдан олинган пуллардан;

корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, шунингдек, фуқаролардан бегараз ёрдам тарзида келадиган тушумлардан ҳосил этилади.

Давлат қўриқхоналари ўз маблағларини аниқ мақсадга қаратган ҳолда мустақил тарзда, ушбу Қонуннинг 11-моддасида белгиланган тартибга мувофиқ тасарруф этадилар.

146. Давлат қўриқхоналарининг иш тартиби ва унинг фаолияти ҳақида нима дейиш мумкин?

Давлат қўриқхоналарининг ҳудудида қўриқхоналар мақсадларига зид бўлган табиий жараёнларнинг ўзича ривожланишига путур етказадиган ёки табиий мажмуи ва

объектлар ҳолатига таҳдид соладиган ҳар қанақа хўжалик, рекреация ва бошқа йўсиндаги фаолият тақиқланади.

Қўриқхоналарнинг ҳудудларида ва уларнинг қўриқланма теграларида иқлимлаштириш мақсадида ўсимликлар ва жониворлар турларини ва хилларини жойлаштириш тақиқланади.

Давлат қўриқхоналарида улар тўғрисидаги тасдиқланган низога мувофиқ ёнгинга қарши тадбирлар ўтказишга йўл қўйилади.

Қўриқхоналарнинг ёки уларда мутасаддилик қилувчи идораларнинг ходими бўлмаган фуқароларнинг қўриқхоналар ҳудудида бўлишига уларда ана шу идоралар ёки қўриқхона маъмурияти берган рухсатнома бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.

Илмий тадқиқотларни йўлга қўйиш ва ўтказиш учун давлат қўриқхоналари ўз илмий ходимлар штати билан таъминланади.

Илмий тадқиқотлар, шунингдек, чет илмий ташкилотларни ва айрим мутахассисларни жалб этиш йўли билан ҳам ўтказилиши мумкин. Давлат қўриқхоналарида олимлар кенгаши (илмий кенгаш) тузилади.

«Табиат солномаси»ни юритиш барча давлат қўриқхоналари учун мажбурийдир. Давлат қўриқхоналарининг илмий жамғармаларини сақлаш муддати чегараланмайди. Давлат қўриқхоналарига илмий асарларни нашр этиш ҳуқуқи берилади.

Давлат қўриқхоналарининг илмий тадқиқотларини Ўзбекистон Республикасининг Фанлар академияси мувофиқлаштириб боради (13—14-моддалар).

147. Давлат миллий табиат боғларининг таърифи ва вазифалари нималардан иборат?

Ушбу масала «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонуннинг 15-моддасида ўз ифодасини топган.

Унга кўра давлат миллий табиат боғлари табиатни муҳофаза қилиш муассасаси бўлиб, уларнинг ҳудудлари (акваторийлари) алоҳида экологик, тарихий ва эстетик қимматга эга бўлган ҳамда табиатни муҳофаза қилиш, рекреация, маърифий, илмий ва маданий мақсадларда фойдаланишга мўлжалланган табиий мажмуиларни қамраб олади.

Давлат миллий табиат боғлари ҳудуди давлат миллий боғларига эгалик қилиш ёки улардан фойдаланиш учун

бериладиган ерларда, шунингдек, бошқа ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг ерларида жойлашади.

Давлат миллий табиат боғларига:

— рекреация, маърифий ва илмий мақсадларда фойдаланиш учун табиий мужмуилар ва тарихий-маданий меросларни асраб қолишни таъминлайдиган иш тартибига риоя этиш;

— шикаст етган табиий мажмуиларни тиклаш;

— тарих, маданият, меъморчилик обидаларини сақлаб қолиш;

— туризм, экскурсия ва дам олиш учун шароит яратиш;

— экология билимларини тарғиб қилиш;

— захираларни тежайдиган, экологик жиҳатдан соф технологияларни қишлоқ хўжалиғи, саноат ишлаб чиқариши ва бошқа фаолиятда ишлатишга жорий этишга қўмаклашиш;

— табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланиш соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказиш, илмий кадрлар ва мутахассислар тайёрлашга ҳамкорлик қилиш вазифалари юклатилади.

148. Давлат миллий табиат боғларини ташкил этиш тартиби ва уларни бошқариш ҳолати қандай?

Давлат миллий табиат боғларини ташкил этиш тўғрисидаги қарорни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси манфаатдор идораларнинг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишиб туриб киритган тақдимига кўра қабул қилади.

Давлат миллий табиат боғларини бошқариш улар фаолияти табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ қайси вазирлик, давлат қўмитаси ёки идора тасарруфида бўлса, шу вазирлик, давлат қўмитаси ёки идора томонидан амалга оширилади.

Ҳар бир миллий боғ қайси идора тасарруфида бўлса, шу идора тасдиқлаб берадиган Низом асосида фаолият кўрсатади (16-модда).

149. Қонунда, давлат миллий табиат боғларининг мақоми ва маблағлари қандай ҳал этилган?

Ушбу масалага «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасида аниқ жавоб берилган. Унда шундай дейилади:

Давлат миллий табиат боғлари юридик шахс бўлиб, давлат бюджетидан таъминланади, мустақил балансда туради, уларнинг банк муассасаларида ўз ҳисоб рақамлари, ўз номида ва Ўзбекистон Республикаси герби туширилган муҳри бўлади.

Давлат миллий табиат боғларининг маблағлари, шу жумладан чет эл валютасидаги маблағлари:

— Ўзбекистон Республикаси бюджети ажратмаларидан:

— рекреация, туризм-экскурсия, реклама ноширлик ва ушбу Қонун ҳамда Миллий боғлар тўғрисидаги низомда рухсат этилган бошқа фаолиятдан келадиган даромадлардан;

— давлат, кооператив ва бошқа жамоат корхоналари, муассасалари, ташкилотларидан, қўшма корхоналар, ажнабий ва халқаро ташкилотлар ҳамда хусусий шахслардан келадиган пул маблағлари ва моддий бойликлардан;

— давлат миллий табиат боғини муҳофаза этиш қоидасини бузувчилардан белгиланган тартибда ундириб олинган жарима пуллардан иборат тушумлардан;

— корхона, муассаса, ташкилот ва фуқароларнинг фаолияти натижасида давлат миллий табиат боғига етказилган зарар ўрнини қоплаш ҳисобидан келадиган тушумлардан ҳосил этилади.

Давлат миллий табиат боғлари ўз маблағларини аниқ мақсадга қаратган ҳолда мустақил тарзда, ушбу Қонуннинг 16-моддасида белгиланган тартибга мувофиқ тасаруф этадилар.

150. Амалдаги қонунларимизда «Давлат буюртма кўриқхоналари ва давлат табиат ёдгорликлари» масаласига қандай эътибор берилган?

«Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонуннинг IV-бўлими бевосита ана шу масалага қаратилган жумладан қонуннинг 19-моддасида шундай дейлади:

Давлат буюртма кўриқхоналари табиий мажмуиларни ёки уларнинг айрим бўлақларини асраш, кўпайтириш ва тиклаш мақсадида буюртма кўриқхона олдида қўйилган вазифаларни бажариш учун зарур муддатга ажратиб бериладиган ҳудудлар (акваторийлар)дир.

Давлат буюртма кўриқхоналари республика ва маҳаллий аҳамиятга молик бўлиши мумкин. Буюртма кўриқхоналар вазифасига кўра:

— алоҳида қимматга эга бўлган табиий ландшафтлар ва мажмуиларни асраш ва тиклаш учун мўлжалланган ландшафт (яхлит) буюртма қўриқхоналарга;

— қимматли, нодир ва йўқолиб бораётган ўсимликлар ва жониворлар турларини асраб қолиш ва тиклаш учун мўлжалланган биологик (ботаник, зоологик) буюртма қўриқхоналарга;

— жонсиз табиатнинг қимматли объектлари ва мажмуиларини асраб қолиш учун мўлжалланган гидрологик (ботқоқ, кўл, дарё) буюртма қўриқхоналарга;

— табиат яратган нодир ва ноёб рельеф шаклларини асраб қолиш учун мўлжалланган геоморфологик буюртма қўриқхоналарига;

— нодир геологик ва минералогик ҳосилалар ва тузилмаларни асраб қолиш учун мўлжалланган геологик ва минералогик буюртма қўриқхоналарга бўлинади.

Ноёб минерал ва ўзга хил геологик тузилмаларга эга бўлган ҳамда фундаментал илмий аҳамиятга молик геологик буюртма қўриқхоналарга давлат қўриқхонаси мақоми берилиши мумкин.

Буюртма қўриқхоналар фаолият муддатлари кўрсатилмай (муддатсиз), 5 йилдан ортиқ муддатга (узоқ муддатли) ёки 5 йилдан кам муддатга (қисқа муддатли) қилиб ташкил этилади.

Республика аҳамиятига молик давлат буюртма қўриқхоналарини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ташкил этади.

Маҳаллий аҳамиятга молик давлат буюртма қўриқхоналари табиатни муҳофаза этиш идораларининг тақдимига кўра вилоят ҳокимларининг қарори билан ташкил этилади.

151. Давлат табиат ёдгорликлари ва унинг ҳуқуқий тартиби ҳақида қандай маълумотларга эга бўлиш мумкин?

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси республика ҳудудида 400 дан ортиқ табиат ёдгорлигини ҳисобга олган. Булардан атиги 80 га яқини жонсиз табиат ёдгорликларидир. Жонсиз табиат ёдгорликлари орасида хилма-хил карст рельефи шакллари, шу жумладан, археологик аҳамиятга эга бўлган горлар ва унгулар, шунингдек, нодир булоқлар, шаршаралар, илмий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган қоялар ва геологик очилмаларни муҳофаза қилиш муҳим вазифа-

лардан ҳисобланади. Айниқса, ер ости ландшафтлари, уларнинг бетакрор, сеҳрли ва мафтункор манзаралари жиддий муҳофазага муҳтождир.

Экологик, илмий, эстетик, маданий жиҳатдан ноёб, ўрнини тўлдириб бўлмас, қимматли, келиб чиқиши табиий бўлган объектлар давлат табиат ёдгорликлари деб эълон қилинади.

Табиат объектларини давлат ҳокимиятининг маҳаллий идоралари табиатни муҳофаза этиш бўйича давлат табиат ёдгорликлари деб эълон қиладилар.

Ер эгалари ва ердан фойдаланувчилардан улар эгаллаб турган ер участкаларини тортиб олмай туриб ҳам объект давлат табиат ёдгорлиги деб эълон қилинишига йўл қўйилади. Давлат табиат ёдгорликлари жойлашган ҳудудда уларни асраб қолишга таҳдид этувчи ҳар қандай фаолият тақиқланади.

Табиат ёдгорликларини муҳофаза этиш тартибини таъминлашга оид мажбуриятлар бу ёдгорликлар қайси корхона, муассаса ва ташкилот ҳудудида бўлса, шу корхона, муассаса ва ташкилот зиммасига юкланади.

Табиий объектни давлат табиат ёдгорлиги деб эълон қилиш тўғрисида қарор чиқарган идора объектни муҳофаза остига ўтказиш ва муҳофаза этиш мажбуриятини расмийлаштириш ишларини амалга оширади.

Аҳоли диний мақсадларда фойдаланиб турган давлат табиат ёдгорликлари уларни муҳофаза этиш ва ободонлаштириш ишлари ўтказиш мақсадида давлат табиат ёдгорлигини асраб қолиш шарти билан диний ташкилотларга ёки алоҳида шахсларга фойдаланиш учун ёхуд ижарага берилиши мумкин.

152. Алоҳида муҳофаза этиладиган ўзга табиий ҳудудларга нималар киради ва бу ўз ифодасини қонунда қандай топади?

Ушбу масала юқорида тилга олинган қонуннинг 5-бўлимида ёритилган. Масалан, 22-моддада сувни муҳофаза қилиш минтақалари (тегралари) ва уларни ташкил этиш кўрсатилган.

Унга кўра дарёларнинг, кўлларнинг, сув омборларининг, каналларнинг, коллекторларнинг ҳамда бошқа сув объектларининг ўзанларига туташ ҳудуд сувни муҳофаза қилиш теграси деб эътироф этилади ва бу ҳудуд учун ифлосланиш, булғаниш, саёзланишнинг ҳамда тўлиб қоли-

шининг олдини олиш мақсадида, шунингдек, энг мақбул сув маромини сақлаб туриш учун махсус тартиб-қоида белгилаб қўйилади.

Сувни муҳофаза қилиш минтақалари (тегралари)нинг иш тартиби ер усти ва ер ости сувлари ҳосил бўладиган тегралар (дарё увалари, оқизикли адирлар, тоғ ёнбағирларининг этаклари)га ҳам тааллуқлидир.

Сувни муҳофаза қилиш минтақалари (тегралари) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган тартибга мувофиқ табиатни муҳофаза қилиш ва сув ҳўжалиги идораларининг тақдимига биноан белгиланади.

Давлатлараро дарёлардаги сувни муҳофаза қилиш тегралари манфаатдор давлатлар ўртасида тузилган шартномаларга биноан белгиланади. Аҳоли пунктлари ҳудудида ҳўжаликлараро ер тузиш ва ер текислаш чоғида сувни муҳофаза қилиш минтақалари (тегралари) барпо этишга доир масалалар табиатни муҳофаза қилиш ва сув ҳўжалиги идоралари билан келишиб олиниши лозим.

153. Қонунда курорт табиий ҳудудлар уларни ташкил этиш масаласи қандай кўрсатилган?

Даволаш ва саломатликни тиклаш хусусиятларига, минерал манбаларга, даволов балчиқ қатламларига, қулай иқлим шароитлари ва бошқа шарт-шароитларга эга бўлган табиий ҳудудлар курорт табиий ҳудудлар деб, эътироф этилади.

Курортлар маҳаллий ва республика аҳамиятига молик бўлиши мумкин. Республика аҳамиятига молик курортларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қўшма тақдимномасига биноан ташкил этади.

Маҳаллий аҳамиятга молик курортлар давлат ҳокимияти маҳаллий идораларнинг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қўшма тақдимномасига биноан қабул қилган қарорлари билан ташкил этилади.

154. Манба сифатида фойдаланаётган қонунимизнинг қайси моддасида рекреация тегралари ҳақида маълумот берилган?

Рекреация тегралари ҳақидаги масала Ўзбекистон Республикасининг «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий

ҳудудлар тўғрисида»ги қонунининг 26-моддасида ўз аксини топган, дейиш мумкин.

Унга кўра туризм ва аҳолининг оммавий дам олишини ташкил этиш учун қулай жўғрофий ва иқлим шароитларига эга ҳудудлар рекреация тегралари деб эътироф этилади.

Рекреация тегралари давлат ҳокимияти маҳаллий идораларининг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва касаба уюшмалари федерацияси Кенгашининг тақдимномасига биноан қабул қилган қарори билан ташкил этилади.

Рекреация теграларида оммавий дам олиш ва туризм манфаатларига зид келмайдиган чекланган хўжалик фаолияти юритишга рухсат берилади.

Рекреация теграларида кимё, металлургия, микробиология корхоналари ва ташкилотларининг фаолият кўрсатиши, пестицидларни қўлланиш, ҳаром ўлган чорва моллар қўмиладиган, кимёвий ва радиоактив моддалар, рўзгор ва ишлаб чиқариш чиқиндилари ташланадиган ва қўмиладиган жойларни жойлаштириш, дарахт кесиш (санитария мақсадидаги ва парваришlash йўсинидаги кесиш бундан мустасно), жойнинг гидрологик маромини бузадиган ишлар бажариш ман этилади.

155. Ботаника боғларининг ҳуқуқий ҳолати қандай тартибда кўрсатилган?

«Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонунининг 27-моддасига биноан ботаника боғлари ботаника термалари тузиш, тўлдириш ва асраш, илмий, ўқув ва таълим ишлари олиб бориш йўли билан маҳаллий миқёсдаги ва жаҳон миқёсидаги ўсимликлар мажмуиларининг нодир ва муайян туркумга хос турларини махсус яратилган шароитда асраш, ўрганиш, иқлимлаштириш, кўпайтириш ҳамда улардан самарали, оқилона фойдаланиш мақсадида ташкил этилади.

Умумдавлат аҳамиятига молик ботаника боғлари табиатни муҳофаза қилиш борасида илмий-тадқиқот муассасалари ҳисобланади.

Маҳаллий аҳамиятга молик ботаника боғларига белгиланган тартибда илмий-тадқиқот муассасаси мақоми берилиши мумкин.

Ерлар ва сув кенгликларининг участкалари барча табиий захиралари билан биргаликда Ўзбекистон Респуб-

ликаси қонунларида белгилаб қўйиладиган тартибда хўжалик мақсадларида фойдаланишдан тортиб олиниб, ботаника боғларига берилади.

Ботаника боғларининг ҳудудида уларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга алоқаси бўлмаган ҳамда ўсимликлар мажмуи термаларини асрашга таҳдид қилувчи фаолият билан шуғулланиш ман этилади.

156. Дендрология боғлари ва уларнинг ҳуқуқий асоси нималардан иборат?

Дендрология боғлари илмий, маданий, рекреация ва бошқа йўсинда гоят самарали фойдаланиш учун дарахтлар ва буталарнинг ҳар хил турларини ҳамда улардан таркиб топган дарахтзорлар-бутазорларни махсус яратилган шароитда асраш ва ўрганиш мақсадида ташкил этилади.

Умумдават аҳамиятига молик дендрология боғлари табиатни муҳофаза этиш борасида илмий-тадқиқот муассасалари ҳисобланади.

Маҳаллий аҳамиятга молик дендрология боғларига белгиланган тартибда илмий-тадқиқот муассасаси мақоми берилиши мумкин.

Ер майлонлари барча табиий захиралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйиладиган тартибда хўжалик мақсадларида фойдаланишдан тортиб олиниб, дендрология боғларига берилади.

Дендрология боғларининг ҳудудида уларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга алоқаси бўлмаган ҳамда дендрология термаларини асрашга таҳдид қилувчи фаолият билан шуғулланиш ман этилади.

Дендрология боғларининг ҳудудида ботаника боғлари учун белгиланган талабларга мувофиқ тегралаш ишлари ўтказилиши мумкин (28-модда).

157. Қўриқланма (оралиқ) тегралар фаолияти нимадан иборат?

Қўриқланма (оралиқ) тегралар давлат қўриқхоналарига, давлат миллий табиат боғларига, давлат буюртма қўриқхоналарига, давлат табиат ёдгорликларига ва алоҳида муҳофаза этиладиган ўзга табиий ҳудудларга бўладиган салбий таъсирнинг олдини олиш мақсадида чекланган хўжалик фаолияти юритилувчи ҳудудни қамраб олади.

Қўриқланма (оралиқ) теграда хўжалик фаолияти ва табиатдан фойдаланишнинг алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга салбий таъсир келтириб чиқарувчи турлари билан шуғулланиш ман этилади.

Қўриқланма (оралиқ) теграларнинг катта-кичиклиги ва уларнинг иш тартиби алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш билан бир вақтда белгилаб қўйилади. (29-модда).

158. Алоҳида муҳофаза этиладиган ўзга табиий ҳудудларга, ўрмонларнинг тақиқланган минтақалари киради. Шу масала ўз аксини қандай топган?

Юқорида тилга олинган қонуннинг 30-моддасига кўра бағоят қимматли ва нодир ўсимликлар турларининг ирсий фондини муҳофаза этиш ва сақлаб қолиш, шунингдек, ўрмон фонди майдонларида давлат қўриқхоналари, давлат миллий табиат боғлари ва алоҳида муҳофаза этиладиган ўзга табиий ҳудудларнинг иш тартибини таъминлаш мақсадида ўрмонларнинг тақиқланган минтақалари белгилаб қўйилади.

Ўрмонларнинг тақиқланган минтақаларини давлат ҳокимияти ва бошқарувининг маҳаллий идоралари табиатни муҳофаза қилиш ва ўрмон хўжалиги идоралари тақдимига биноан белгилайдилар.

159. Ҳайвонот боғларининг ҳуқуқий тартиби қандай?

Ҳайвонот боғлари экология таълим-тарбия ишларини йўлга қўйиш, ҳайвонларнинг нодир экзотик ва маҳаллий турлари экспозицияларини яратиш, уларнинг ирсий фондини сақлаб қолиш, ёввойи ҳайвонларни ўргатиш ҳамда уларни тутқунликда кўпайтиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш мақсадида барпо этилади.

Умумдавлат аҳамиятига молик ҳайвонот боғлари маданий-маърифий йўналишдаги табиатни муҳофаза қилиш муассасалари ҳисобланади.

Ер майдонлари барча табиий захирлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйиладиган тартибда хўжалик мақсадларида фойдаланишда тортиб олиниб ҳайвонот боғларига берилади.

Ҳайвонот боғларининг ҳудудида уларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга алоқаси бўлмаган

ҳамда бу боғлардаги ҳайвонларнинг ҳаёти учун қулай шароитни сақлаб қолишга таҳдид қилувчи фаолият билан шуғулланиш ман этилади.

Ҳайвонот боғларининг ҳудудида улар олдига қўйилган вазибаларни бажаришни таъминлаш мақсадида:

— ҳайвонларни бир жойда асраш ва улардан маданий ҳамда билимни ошириш мақсадларида фойдаланиш учун экспозиция теграси;

— сарҳадида илмий-тадқиқот ишлари олиб бориладиган илмий тегралар (бундай тегралар киришга рухсат ҳайвонот боғининг маъмурияти белгилаб қўядиган тартибда берилади);

— ҳайвонот боғи томошабинларининг дам олиши ва уларга хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш учун рекреация теграси;

— ёрдамчи хўжалик объектларини жойлаштириш учун хўжалик теграси ажратиб берилади.

Ҳайвонот боғлари жониворларнинг кўчма экспозицияларини ташкил этишлари, жониворларни озуқа билан таъмин этиш мақсадида барпо этиладиган ёрдамчи хўжаликларга эга бўлишлари мумкин. (31-модда).

160. Балиқ хўжалиги тегралари катта аҳамиятга эга бўлиб, «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонунда қандай тартибда ўз ифодасини топган?

Қонуннинг 32-моддасида ушбу масаланинг ҳуқуқий томони ечиб берилган.

Унга кўра, нодир, йўқолиб бораётган балиқ турлари ва бошқа сув жонзотларини муҳофаза этиш ва кўпайтириш мақсадида, шунингдек, балиқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган сув объектлари ёки уларнинг бир қисми балиқ хўжалиги тегралари, деб эълон қилиниши мумкин.

Сув объектларининг балиқ хўжалиги теграларидаги иш тартиби табиатни муҳофаза қилиш ва сув хўжалиги идоралари тақдимида кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан белгиланади.

Балиқ хўжалиги теграларида балиқлар ва бошқа сув жонзотларини муҳофаза қилиш ҳамда уларни кўпайтириш билан боғлиқ шароитларга зарар етказувчи ҳар қандай хўжалик фаолияти билан шуғулланиш ман этилади.

161. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар муҳофазасини йўлга қўйиш муаммоси қандай ҳал этилади?

Ушбу масала «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонуннинг VI-бўлимида ўз ифодасини топган.

Унга кўра давлат кўриқхоналари ва давлат миллий табиат боғлари, давлат бурютма кўриқхоналари ва давлат табиат ёдгорликлари алоҳида муҳофаза этиладиган ўзга табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш таъминланиши зарур.

162. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга доир муносабатлар билан боғлиқ низоларни ҳал этиш қандай тартибга асосан амалга оширилади?

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг иш тартибини таъмин этиш масалаларига доир корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фуқаролар, давлат идоралари ўртасидаги низолар суд ёки хўжалик суди томонидан қараб чиқилади.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардаги табиий захиралардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш масалаларига доир низолар ер, сув, ўрмон тўғрисидаги қонунларда, ер ости бойликлари тўғрисидаги, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларда белгиланган тартибда ҳал этилади.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга доир муносабатлар билан боғлиқ мулкӣй низолар қонунларда белгиланган тартибда суд ёки хўжалик суди томонидан ҳал этилади. (36-модда).

163. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда иш тартибини бузганлик учун жавобгарлик масаласи қандай?

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг иш тартибини бузганлик учун юқорида тилга олинган қонуннинг 37-моддасига биноан қуйидаги ҳолларда:

— табиат кўриқхона фонди ҳудудлари ва объектларидан ўз ўрнида фойдаланмасликда, алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларни барпо этиш ва улар ишини йўлга қўйиш лойиҳаларининг талабларини бузганликда;

— алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, уларнинг муҳофаза этиладиган тегралари доирасида ман этилган хўжалик фаолияти билан шугулланганликда;

— алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг объектлари ва муҳофаза этиладиган теграларида олдиндан экологик экспертиза ўтказмай туриб ёки бундай экспертиза хулосаларини бузган ҳолда хўжалик фаолиятини йўлга қўйганликда;

— алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда фалокатларнинг экология оқибатлари ва бошқа зарarli таъсирларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш чораларини кўрмаганликда;

— алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар барпо этиш тўғрисидаги илтимосномаларни қараб чиқиш муддатлари ва тартибини бузганликда;

— алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлардан фойдаланиш талабларини бузганликда;

— алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан фойдаланишда кимёвий, физик, биологик ва ўзга хил таъсирлар йўл қўйиладиган меъёрдан ошиб кетганликда, бундай ҳудудларни истифода этиш учун берилган рухсатномаларнинг талабларини бузганликда;

— алоҳида муҳофаза этиладиган табиий объектларнинг табиий мажмуилари ҳамда уларнинг таркибига киритишни мўлжаллаб асраб қўйилган жойларни бузганликда, уларга шикаст етказганликда ёки уларни йўқ қилганликда;

— алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг чегарасини ўзбошимчалик билан ўзгартирганликда, бундай ҳудудларни ўз билгича бошқа эҳтиёжлар учун ажратиб берганликда айбдор бўлган шахслар маъмурий, жиний ва ўзга хил жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикаси қонунларида алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонунларни ўзгача тарзда бузганлик учун жавобгарлик белгиланиши мумкин.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ўзга юридик ва жисмоний шахслар алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг иш тартибини бузиш орқали етказган зарарларнинг ўрнини қонунларда белгиланган ҳажмда ва тартибда қоплашга мажбурдирлар.

164. Ўзбекистон Республикасининг қонунларида «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тартибини бузганлик учун қандай жавобгарликлар мавжуд?»

Ўзбекистон Республикаси «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодекснинг 82-моддасига кўра алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тартибини бузганлик учун жавобгарлик кўрсатилган бўлиб, унга кўра давлат кўриқхонаси тартибини бузиш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Давлат миллий табиат боғлари, буюртма кўриқхоналари, табиат ёдгорликлари, сувни муҳофаза қилиш тегралари, курорт табиий ҳудудлари, ботаника боғлари, дендрология ва ҳайвонот боғлари, кўриқланма (оралиқ) тегралар, ўрмонларнинг тақиқланган минтақалари, балиқ хўжалиги тегралари ва алоҳида муҳофаза этиладиган ўзга ҳудудлар тартибини бузиш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

165. Амалдаги жиноят қонунчилигида ушбу масала юзасидан жиноий жавобгарлик белгиланганми?

Ўзбекистон Республикаси «Жиноят Кодекси»нинг 204-моддасига биноан, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг тартибини бузиш, кўп миқдорда зарар етказилиши ёки бошқача огир оқибатларга сабаб бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд ёки объ-

ектларни қасддан нобуд қилиш ёки уларга шикаст етказиш кўп миқдорда зарар етказилиши ёхуд бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, — энг кам ойлик иш ҳақининг элик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қamoқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

V

ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ

Мазкур бобда Ўзбекистон Республикасида ер ости бойликлари ва унинг ҳозирги кундаги аҳволига алоҳида эътибор берилган. 1994 йил 23 сентябрда қабул қилинган «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонун асосида ер ости бойликларига эгаллик қилиш, мамлакатимизда кончилик муносабатлари, ушбу соҳадаги давлат бошқаруви, Вазирлар Маҳкамасининг кончилик муносабатлари соҳасидаги ваколатлари масаласи ёритилган.

Айниқса, ер ости бойликларидан фойдаланувчиларнинг асосий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқининг бекор қилиниш ҳолатлари ҳамда ҳимоя қилиниши каби муаммолар қонун асосида изоҳлаб берилган.

Шунингдек, ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишга доир асосий талаблар, ер қаърини геологик ўрганиш тартиби, уни муҳофаза этиш, давлат текшируви ва назоратини олиб бориш тартиби, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш масаласи, ундириладиган тўлов ва солиқ ставкалари ҳамда имтиёзларига алоҳида эътибор берилган.

Ушбу бобда «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонунларни ва талабларни бузганлик учун юридик жавобгарлик турларининг қўрсатилиши ҳам китобхонга ушбу муаммони кенгроқ тушунишга ёрдам беради.

166. Ўзбекистон Республикасида ер ости бойликлари ва унинг аҳволи қандай ҳолатда?

Ўзбекистон ерлари турли фойдали қазилма бойликларига эга. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2500 дан зиёд ер ости бойликлари нуқтаси мавжуд.

Республикамиз МДХ давлатлари ичида олтин қазиб олиш бўйича 2-ўринда, кумуш, газ бўйича 3-ўринда туриши ҳаммамизни қувонтиради.

Шуниси эътиборлики, ҳозирги пайтда қазиб олинаётган 900 дан зиёд нуқталарда, 100 турдаги минерал хом ашё борлиги аниқланган ва 60 хили саноат ишлаб чиқаришида фойдаланилмоқда.

Мустақил Республикамизда 142 нефт, газ, 6 та қўмир, 34 та асл металл, 7 та қора металл, 54 та рангли металл, 49 та тоғ-кон, 19 цемент ишлаб чиқариш, 37 тоғ-кимёвий, 372 қурилиш материал корхоналари ва 172 та ер ости сув бойликлари мавжуд.

167. Ўзбекистоннинг ер ости бойликлари қандай қонун билан тартибга солинади ва унинг вазифалари нималардан иборат?

Ўзбекистон Республикаси бойликлари 1994 йил 23 сентябрда қабул қилинган, Ўзбекистон Республикасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуни, «Жинойят ва маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекслари билан тартибга солинади ва муҳофаза этилади.

Жумладан, «Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонуннинг вазифалари минерал хом ашёга, ер ости сувларига бўлган ҳамда бошқа эҳтиёжларни қондириш учун ер ости бойликларидан фойдаланиш чоғида ер ости бойликларини, атроф табиий муҳитни муҳофаза этиш ва ишларни бехатар олиб боришни, давлат ва фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ер ости бойликларига эгалик қилишда, улардан фойдаланишда ва уларни тасарруф этишда юзага келадиган муносабатларни (кончилик муносабатларини) тартибга солишдан, шунингдек, ер ости бойликларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат.

168. Ер ости бойликларига эгалик қилиш масаласи қандай?

Ер ости бойликлари умуммиллий бойлик ва Ўзбекистон Республикасининг мутлақ мулкидир (3-модда).

169. Мамлакатимизда давлат томонидан кончилик муносабатлари қандай тартибга солинади ва унинг вазифалари нималардан иборат?

Кончилик муносабатларини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий вазифалари:

— минерал хом ашё базасини ривожлантиришни таъминлашдан;

— фойдали қазилмаларнинг асосий турларини қазиб олишнинг ҳозирги пайтдаги ва истиқболга мўлжалланган ҳажмларини белгилашдан;

— ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ ва минерал хом ашёнинг айрим турларига нарх белгилашдан;

— ер ости бойликларини геологик жиҳатдан ўрганиш ва муҳофаза қилиш, минерал ресурслардан оқилона, комплекс фойдаланиш, ер ости бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ ишларни беҳатар юритишга доир нормалар ва қоидаларни белгилашдан;

— ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан, ер ости бойликларини геологик ўрганиш ҳамда минерал ресурслардан оқилона фойдаланиш устидан текширув ва назорат тизимини ташкил этишдан иборат (6-модда).

170. Мамлакатимизда кончилик муносабатлари соҳасида давлат бошқаруви қандай?

Кончилик муносабатлари соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, ҳокимият маҳаллий органлари, шунингдек, бунга махсус ваколат берилган давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Саноатда ва кончиликда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат қўмитаси, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси кончилик муносабатлари соҳасида махсус ваколат берилган давлат бошқарув органлари ҳисобланиб, улар ўз фаолиятини ўзлари тўғрисидаги низомларга мувофиқ амалга оширадilar. (7-модда)

171. Амалдаги қонунда Вазирлар Маҳкамасининг кончилик муносабатлари соҳасидаги ваколатлари нималардан иборат?

Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари жумласига:

— ер ости бойликлари давлат фондини тасарруф этиш;

— минерал хом ашё базасини ривожлантириш, ер ости бойликларини муҳофаза қилиш, минерал ресурслардан оқилона ва комплекс фойдаланиш давлат дастурларини ишлаб чиқиш, уларнинг рўёбга чиқарилишини назорат қилиб бориш;

— ер ости бойликларидан фойдаланиш учун лицензия (рухсатнома) бериш тизимини ташкил қилиш;

— ер ости бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ ишларнинг давлат ҳисоб-китобини олиб боришни ва уларни давлат рўйхатидан ўтказишни ташкил қилиш;

— давлат геологик ахборот фондини яратиш ва юритиш, давлат маблағи эвазига олинган ахборотни тасарруф этиш, ер ости бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ ишларни бажаришни молиявий таъминлаган юридик ва жисмоний шахслар томонидан олинган ахборотдан фойдаланиш тартибини белгилаш;

— фойдали қазилмаларнинг қидириб топилган захираларини тасдиқлаш ҳамда фойдали қазилмалар захираларининг давлат балансини, конлар, фойдали қазилмалар нишоналари ва техноген ҳосилаларнинг давлат кадастрини юритиш ҳамда ер қаъри мониторингини амалга ошириш тартибини белгилаш;

— кенг тарқалган фойдали қазилмалар рўйхатини белгилаш;

— ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш ҳамда минерал ресурслардан оқилона фойдаланиш устидан давлат текшируви ва назоратини ташкил қилиш ҳамда мувофиқлаштириб бориш;

— ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқини олиш учун тўловлар ундириш тартиби ва шартларини белгилаш;

— геология-қидирув ишларини олиб бориш, минерал хом ашё қазиб олиш ва уни қайта ишлаш учун, шунингдек, фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини қуриш ҳамда улардан фойдаланиш учун чет эл юридик ва жисмоний шахсларига, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга ер ости бойликлари участкалари ажратиб бериш тартиби ҳамда шартларини белгилаш;

— кончилик муносабатларини тартибга солиш соҳасида қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўзга масалаларни ҳал қилиш киради. (8-модда)

172. Ҳокимият маҳаллий органларининг ваколатлари ҳам қонунларда кўрсатилганми?

Албатта, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддасида ушбу масалага эътибор берилган.

Унга кўра, кончилик муносабатлари соҳасида ҳокимият маҳаллий органларининг ваколатлари жумласига:

— ўз ҳудудида хом ашё базасини ривожлантириш, ер ости бойликларини муҳофаза қилиш, минерал ресурслардан оқилона ва комплекс фойдаланиш давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва бажаришда қатнашиш, уларнинг рўёбга чиқарилиши устидан назоратни амалга ошириш;

— ер майдонлари ажратиб бериш;

— ер ости бойликларидан фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни текшириш ҳамда назорат қилиш;

ушбу Қонун талаблари бузилган тақдирда ер ости бойликларидан фойдаланиш ишларини тўхтатиб қўйиш киради.

173. Қонунчиликда Ер ости бойликларидан фойдаланиш масаласига қандай эътибор берилган?

Ушбу масала юқорида тилга олинган қонуннинг III бўлимида ўз аксини топган. Жумладан, унинг 10-моддасига кўра ер ости бойликлари:

— геологик жиҳатдан ўрганиш;

— фойдали қазилмаларни қазиб олиш;

— фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини қуриш ҳамда улардан фойдаланиш, шу жумладан нефть, газ, бошқа моддалар ва материалларни ер остида сақлаш, зарарли моддаларни, радиоактив чиқиндиларни ва ишлаб чиқариш чиқитларини кўмиш учун иншоотлар қуриш ҳамда улардан фойдаланиш;

— нодир тош хом ашёси намуналарини, палеонтологик қолдиқларни ва бошқа геологик коллекциябоп материалларни тўплаш;

— давлатнинг ўзга эҳтиёжлари ва жамоат эҳтиёжларини таъминлаш учун фойдаланишга бериб қўйилади.

174. Ер ости бойликларидан фойдаланувчиларнинг асосий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари нималардан иборат?

Ер ости бойликларидан фойдаланувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

— ер қаърини геологик ўрганиш ишларини бажариш учун ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда ер участкаларидан фойдаланиш;

— ўз фаолияти натижаларидан, шу жумладан ер ости бойликлари тўғрисида олинган ахборотлардан, шунингдек, қазиб олинган минерал хом ашёсидан фойдаланиш. Айрим ҳолларда Вазирлар Маҳкамаси қазиб олинган минерал хом ашёсини тасарруф этишнинг алоҳида шартларини вақтинча белгилаб қўйиши мумкин;

— башарти лицензияда ўзга қоида белгиланмаган бўлса, фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва минерал хом ашёсини қайта ишлаш жараёнида олинган техноген ҳосилалардан фойдаланиш.

Ер ости бойликларидан фойдаланувчилар:

— ер қаъридан белгиланган мақсадда фойдаланилиши;

— ишларнинг ер қаъридан фойдаланиш лойиҳасига мувофиқ олиб борилиши;

— ер қаърининг геологик тўла-тўқис ўрганилиши, ер ости бойликларидан оқилона, комплекс фойдаланилиши ва муҳофаза этилишини;

— конларнинг фойдали қазилмалар мўл участкаларини танлаб ишлатишга, минерал хом ашё қазиб олиш ва уни қайта ишлашда фойдали қазилмаларнинг нормативдагидан ортиқ нобудгарчилигига йўл қўйилмаслигини;

— захиралар ҳолати ва улардаги ўзгаришлар, фойдали қазилмаларнинг нобудгарчилиги ва камайиши ҳисобга олиб борилишини, шунингдек, захираларнинг ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқилиши, қайта тасдиқланиши ва чегириб ташланиши;

— қазиб олинаётганда қўшилиб чиқадиган, лекин вақтинча фойдаланилмаётган фойдали қазилмаларнинг сақланиши ва ҳисобга олиб борилишини;

— сув чиқариб олиш иншоотлари ва уларнинг атрофидаги ҳудудда ер ости сувлари ҳолати кузатиб борилишини;

— ер ости сувлари ҳолатидаги ўзгаришлар тўғрисида ер ости сувлари муҳофаза қилиниши устидан назоратни амалга оширувчи органлар зудлик билан хабардор қилинишини;

— ер ости бойликларидан фойдаланиш билан боглиқ ишлар хавфсиз олиб борилишини, фалокатларни тугатиш режалари ишлаб чиқилишини;

— ер ости бойликларидан фойдаланиш билан боглиқ ишларнинг зарарли таъсирдан атроф табиий муҳит, биолар ва иншоотларнинг муҳофаза қилинишини;

— ер ости бойликларидан фойдаланиш жараёнида геологик, маркшейдерлик ҳужжатлари ва ўзга ҳужжатларнинг юритилишини ҳамда уларнинг асралишини;

— геология ва Минерал ресурслар Давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат геология фондига (матнда бундан буён Давлат геология фонди деб юритилади) ер қаърига оид ахборотлар, шунингдек, фойдали қазилма захираларнинг ҳолати ва ўзгариши ҳамда уларнинг таркибидаги компонентлар тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини;

— ер ости бойликларидан фойдаланиш чоғида бузилган ер участкалари улардан кейинчалик фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтирилишини;

— ер ости бойликларидан фойдаланиш учун тўловлар ўз вақтида тўлаб борилишини таъминлашлари шарт. (18-модда)

175. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқи қандай ҳолларда бекор қилиниши мумкин?

Ушбу масала «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддасида ўз аксини топган.

Унга кўра ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқи:

— белгиланган муддат тугаган;

— фойдаланувчи ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқидан воз кечганда;

— фойдаланиш учун ер қаъри бериб қўйилган корхона ва ёхуд ўзга хўжалик фаолияти субъекти тугатилган ҳолларда тўхтатилади.

Ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқи:

— ишловчилар ва аҳоли ҳаётига ёки сиҳат-саломатлигига, шунингдек, атроф табиий муҳит ҳолатига яққол хавф пайдо бўлган;

— ер ости бойликларидан фойдаланувчи бир йил мобайнида ундан фойдаланишга киришмаган;

— ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун тўлов мунтазам олиб борилмаган;

— ер ости бойликларидан фойдаланувчи лицензиянинг асосий шартларини бузган;

— давлатнинг ўзга эҳтиёжлари учун ер қаъри участкаларини олиб қўйиш зарур бўлган;

— ушбу Қонуннинг 24, 30 ва 33-моддаларида назарда тутилган қоидалар бажарилмаган тақдирда муддатидан илгари тўхтатиб қўйилиши мумкин.

Ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар қонун ҳужжатлари талабларини бузганлари тақдирда ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқидан махрум қилинишлари мумкин.

176. Ер ости бойликларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари қандай ҳимоя қилинади?

Юқорида тилга олинган қонуннинг 21-моддасига биноан давлат бошқарув органларининг, ҳокимият маҳаллий органларининг ер ости бойликларидан фойдаланувчилар фаолиятига аралаштишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқининг тўхта-тиб турилиши, чеклаб қўйилиши ёки тўхтатилиши тўғрисидаги қарорларнинг қай даражада асослилиги, шунингдек, зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар суд томонидан кўриб чиқилади.

Бузилган ҳуқуқлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тикланиши лозим. Ер ости бойликларидан фойдаланувчига ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқи асоссиз равишда тўхта-тиб турилиши, чеклаб қўйилиши ёки тўхтатилиши туфайли етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

177. Қонунчиликда фойдали қазилма конларини ишлатиш ва минерал хом ашёси қайта ишлашга қўйиладиган асосий талаблар нималардан иборат?

«Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуннинг 30-моддасига биноан фойдали қазилма конларини ишлатиш фойдали қазилма қазиб олувчи корхоналарнинг тасдиқланган лойиҳаларига, кончилик ишларини ривожлантириш режаларига, нефть, газ конлари ва ер ости сувларини ишлатиш лойиҳа ва схемаларига ҳамда техникавий фойдаланишнинг кончилик муносабатлари соҳасидаги махсус ваколат берилган давлат бошқарув органлари билан келишилган қондаларга мувофиқ амалга оширилади.

Фойдали қазилма конларини ишлатишда ва минерал хом ашёни қайта ишлашда:

— ишга солинаётган фойдали қазилма конлари ва уларнинг ёнидаги фойдали қазилма конлари ҳамда ер қаъри бошқа участкаларининг кончилик ишлари олиб бориш

натижасида бузилишига йўл қўйилмаслиги, шунингдек, ер қаърида консервация қилиб қўйиладиган фойдали қазилма захиралари сақланиши;

— тоғ жинсларининг силжиш жараёнлари, ер юзаси, бинолар, иншоотларнинг майишишлари, конларнинг погоналари ва чекка томонлари мустаҳкамлиги махсус асбоблар билан кузатиб турилиши;

— минерал хом ашёни қайта ишлашнинг турли босқичларида фойдали компонентлар тақсимооти ва уларни ажратиш олиш даражасининг ҳисобга олиб ҳамда назорат қилиб борилиши;

— шунингдек, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддаси иккинчи қисмида, 28 ва 29-моддаларида баён этилган қоидаларга риоя этилиши таъминланиши лозим.

178. Ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ ишларнинг хавф-хатарсиз олиб борилишини таъминлашга доир асосий талаблар нималардан иборат?

Юқорида зикр этилган қонуннинг 33-моддасига кўра ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ ишларнинг хавф-хатарсиз олиб борилишини таъминлашга доир асосий талаблар:

— ишларни хавф-хатарсиз олиб бориш нормалари ва қоидаларини ўрганиш ва уларга амал қилиш, шунингдек, аварияларнинг олдини олиш ва тугатиш тадбирларини режалаштириш ҳамда ўтказишдан;

— махсус тайёргарлиги ва малакаси бўлган шахсларгагина ишлаш учун ижозат беришдан;

— кон ишларида, бурғулаш ишларида ва бошқа ишларда банд бўлган шахсларни махсус кийим-бош, якка ва умумий ҳимоя воситалари билан таъминлашдан;

— хавфсизлик нормалари ва қоидалари талабларига ҳамда санитария нормаларига мос келадиган машиналар, асбоб-ускуна ва материалларни қўлланишдан;

— портловчи моддалар ва портлатиш воситаларини ҳисобга олиб бориш, тегишли равишда сақлаш ва сарфлаш, шунингдек, улардан тўғри ва хавфсиз фойдаланишдан;

— ишларнинг технологик тизимини таъминлашга ва хавфли вазиятларни башорат қилишга зарур ва етарлича бўлган геологик, маркшейдерлик ҳамда ўзга кузатишлар мажмуини ўтказишдан;

— кон ҳавосининг ҳолати, унинг таркибидаги кислород, зарарли ва портлаш хавфи бўлган газлар ҳамда чанглар миқдорини мунтазам назорат қилиб боришдан;

— техникавий ҳужжатларни ва аварияларни тугатиш режаларини хавфсиз равишда иш олиб борилувчи минтақалар чегараларини аниқлаштирувчи маълумотлар билан ўз вақтида тўлдириб боришдан;

— қаттиқ фойдали қазилма конларини ишга солиш лойиҳа тизимларига, нефть, газ конлари ва ер ости сувларини ишга солиш ва йўлга қўйиш лойиҳалари ва технологик схемаларига риоя қилишдан иборат.

Башарти, ер ости бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ ишларнинг ҳолати одамларнинг ҳаёти ва сиҳат-саломатлигига хавф туғдирса, бундай ишларни олиб бориш ман этилади.

179. Ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишга доир асосий талаблар нималардан иборат?

Ер қаъридан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир асосий талаблар:

— ер қаърини фойдаланишга бериб қўйишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибига риоя қилишлик ва ер ости бойликларидан ўзбошимчалик билан фойдаланишга йўл қўймасликдан;

— ер қаърини геологик жиҳатдан тўла-тўқис ўрганиш, ундан оқилона, комплекс фойдаланишни ва унинг муҳофаза қилинишини таъминлашдан;

— кон ажратмаларидан ташқарида фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдали қазилма конларини ишга солишни ва ер ости бойликларидан фойдаланишни тақиқлаб қўйишдан;

— ер қаъридан асосий қазилма ва у билан бирга жойлашган фойдали бирикмалар ҳамда уларнинг таркибидаги компонентларнинг мумкин қадар тўлиқ чиқариб олинишини таъминлашдан;

— фойдали қазилма конларини ишга солишда ер қаъридан қазиб олинган ва унда қолдириладиган асосий қазилма ҳамда у билан бирга жойлашган фойдали қазилмалар ва улар таркибидаги компонентларнинг захираларини, шунингдек, минерал хом ашёни қайта ишлаш чоғида фойдали компонентларни аниқ ҳисобга олиб боришдан;

— қазиб олинган минерал хом ашёдан унинг таркибидаги саноат аҳамиятига молик компонентларни оқи-

лона ва комплекс равишда ажратиб олишни таъминлашдан;

— фойдали қазилма конларини тугаб қолишдан, ифлосланишдан, сув босишдан, сув чиқиб кетишидан, ёнгиндан ҳамда фойдали қазилмалар сифатини ва конларнинг саноат қўламидаги аҳамиятини пасайтирувчи ёки уларни ишга солишни мураккаблаштирувчи бошқа омиллардан муҳофаза қилишдан;

— ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ ишларни олиб боришда, айниқса, нефть, газ ёки бошқа моддалар ва материалларни ер остида сақлашда, зарарли моддаларни, радиоактив чиқиндилар ва ишлаб чиқариш чиқитларини кўмишда ер қаъри ифлосланишининг олдини олишдан;

— фойдали қазилма қазиб олувчи корхоналарни ва фойдали қазилма қазиб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини тугатиш ва консервация қилиб қўйишнинг белгиланган тартибига риоя қилишдан;

— фойдали қазилмалар жойлашган майдонларда асоссиз равишда ва ўзбошимчалик билан иморат қуришнинг олдини олишдан;

— ичимлик суви сифатида ва саноат сув таъминоти учун фойдаланиладиган сув тўплаш майдонларида ва ер ости сувлари жойлашган майдонларда саноат ва маиший чиқиндилар йиғилиб қолишининг олдини олишдан;

— ер ости бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ ишларнинг фойдали қазилма захираларининг, ишлатилмаган, консервация қилиб қўйилаётган конлар, бурғуланган қудуқлар ва ер ости иншоотларининг сақланишига зарарли таъсир кўрсатишига йўл қўймасликдан;

— ходимлар ва аҳолининг хавфсизлигини, атроф табиий муҳит ер ости бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ ишларнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилинишини таъминлашдан иборат. (36-модда)

180. Фойдали қазилмалар жойлашган майдонларга иморат қуриш шартлари нималардан иборат?

Мазкур юқорида тилга олинган қонуннинг 37-моддасида кўрсатилишича аҳоли пунктлари, саноат мажмулари ва бошқа хўжалик объектларини лойиҳалаштириш ва қуришга иморат қуриладиган участканинг ер қаърида фойдали қазилмалар йўқлиги тўғрисида маълумотлар олинганидан кейингина рухсат берилади.

Фойдали қазилмалар жойлашган (кенг тарқалганларидан ташқари) майдонларга иморат қуришга ва бундай жойларда қазилма қазиб олиш билан боглиқ бўлмаган ер ости иншоотларини жойлаштиришга, алоҳида ҳолларда, кончилик муносабатлари соҳасида махсус ваколат берилган давлат бошқарув органлари билан келишилган ҳолда ва ер қаъридан фойдали қазилмаларни қазиб олиш имкониятлари таъминланган тақдирда йўл қўйилади.

Кенг тарқалган фойдали қазилмалар жойлашган майдонларда иморат қуришга, шунингдек, бундай жойларда фойдали қазилма қазиб олиш билан боглиқ бўлмаган ер ости иншоотларини жойлаштиришга кончилик муносабатлари соҳасида махсус ваколат берилган давлат бошқарув органларининг хулосаси бўлган тақдирда ҳокимият маҳаллий органларининг рухсати билангина йўл қўйилади.

Қурилиш объектлари иморат қуриш ва режалаштиришнинг тасдиқланган лойиҳаларида назарда тутилган чегаралардаги майдонларда жойлаштириладиган ҳолларда бундай хулоса талаб қилинмайди.

Кенг тарқалган фойдали қазилмалар жойлашган катта майдонларга иморат қуриш, шунингдек, бундай жойларда фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боглиқ бўлмаган йирик ер ости иншоотларини жойлаштириш алоҳида ҳоллардагина, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан амалга оширилиши мумкин.

181. Ер қаърини геологик ўрганиш ишларининг давлат томонидан ҳисобга олиниши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши қандай тартибда амалга оширилади?

Бу «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуннинг 40—41 моддаларида қайд этилган бўлиб, уларга асосан ер қаърини геологик ўрганишга доир ишлар давлат томонидан ҳисобга олиниши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Ишларни давлат томонидан ҳисобга олиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш Давлат геология фонди томонидан амалга оширилади.

Ер қаърини геологик ўрганиш ишларини давлат рўйхатидан ўтказмасдан туриб амалга ошириш тақиқланади.

Фойдали қазилма қазиб олиш, ер ости иншоотлари қуриш ва ишлатиш ҳамда фойдали қазилма қазиб олиш билан боглиқ бўлмаган ўзга мақсадлар учун фойдала-

нишга бериб қўйилган ер қаъри участкалари Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда ягона тизим бўйича давлат томонидан ҳисобга олиниши ва давлат рўyxатидан ўтказилиши лозим.

182. Фойдали қазилма захираларини ҳисобдан чиқариш тартибда қандай?

Саноат учун аҳамиятини йўқотган, қазиб олиш жараёнида йўқотилган, кейинчалик ўтказилган геология-қидирув ишларида ёки конни ишга солишда тасдиқланмаган қазиб олинган фойдали қазилмалар, шунингдек, фойдали қазилма захиралари давлат балансига тегишли ўзгартишлар киритган ҳолда ер ости бойликларидан фойдаланувчининг балансидан чиқарилиши керак.

Саноат учун аҳамиятини йўқотган ёки кейинчалик ўтказилган геология-қидирув ишларида ёхуд конни ишга солишда тасдиқланмаган фойдали қазилма захираларини ер ости бойликларидан фойдаланувчининг ҳисобидан чиқариш фойдали. Қазилма захираларини тасдиқлаган органлар томонидан Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ҳамда Саноатда ва кончиликда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат қўмитасининг хулосалари асосида амалга оширилади.

Қазиб олинган ва қазиб олиш жараёнида йўқотилган фойдали қазилмаларни ер ости бойликларидан фойдаланувчи ҳисобидан чиқариш Саноатда ва кончиликда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади (45-модда).

183. Ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, геологик ўрганиш ҳамда минерал ресурслардан оқилона фойдаланиш устидан давлат текшируви ва назоратининг вазифалари нималардан иборат?

«Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуннинг 47-моддасига мавжуд ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, геологик ўрганиш ҳамда минерал ресурслардан оқилона фойдаланиш устидан давлат текшируви ва назорати вазифалари барча ер ости бойликларидан фойдаланувчилар ер ости бойликларидан фойдаланишнинг белгиланган тартибига, ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳамда ер ости бойликларини муҳофаза қилиш, ер қаърини геологик ўрганиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари қоида-

лар ва нормаларга, ишларни хавф-хатарсиз олиб бориш, ишларнинг аҳолига, атроф табиий муҳитга, бинолар ва иншоотларга зарарли таъсир этишининг олдини олиш ҳамда бундай таъсирни бартараф қилишга доир талабларга шунингдек, давлат ҳисобини юритиш ва ҳисобдорлик қоидаларига риоя этишларини таъминлашдан иборат.

184. Амалдаги қонунга асосан ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш масаласи қандай?

Ер ости бойликларидан фойдаланиш пулликдир, қонун ҳужжатларида ер ости бойликларидан фойдаланиш учун ундириладиган тўловлар юзасидан қўшимча имтиёзлар белгиланиши мумкин.

Тўлов пули солиқ ёки ўзга тўлов тарзида ундириб олинади. Уларнинг миқдори, уларни ҳисоблаб чиқиш ва ундириб олиш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

185. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун ундириладиган тўлов ва солиқлар ставкаси, имтиёзлар тартиби «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуннинг 23-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 107-моддасида акс эттирилган. Масалан, Солиқ кодексининг кўрсатилган моддаларига асосан кимлар ер остидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар ҳисобланади?

Ер остидан фойдаланганлик учун солиқни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдали қазилмалар қазиб олишни шунингдек, фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланишни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар тўлайдилар (Кодекснинг 105-моддаси).

186. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ солиш объектлари нимадан иборат?

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ солиш объектлари қуйидагилардан иборатдир:

— фойдали қазилмалар (шу жумладан қўшилиб чиқадиган фойдали қазилмалар ва қимматли компонентлар) қазиб олиш ҳажми;

— техноген ҳосилаларнинг (минерал хом ашё қазиб олиш ва уларни қайта ишлаш чиқиндиларининг) ҳажми;

— фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари ҳажми;

— рангли тошлар хом ашёси, палеонтология қолдиқлари ва бошқа геологик коллекция материаллари намуналарини тўплаш учун бериб қўйилган ер қаъри участкаси майдони (Кодекснинг 106-моддаси).

187. «Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун ундириладиган тўловлардан кимлар озод этилади?»

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун ундириладиган тўлов ва солиқлар ставкаси ва имтиёзлар тартиби «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуннинг 23-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексининг 107-моддасида акс эттирилган. Масалан, солиқ кодексининг кўрсатилган моддаларига асосан:

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқдан куйидагилар озод қилинади:

— ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганувчи шахслар;

— геология, минералогия ва бошқа алоҳида кўриқланадиган табиий ҳудудларда илмий ишлар олиб борувчи шахслар;

— бюджетдаги муассасалар ва ташкилотлар — ер ости иншоотлари қурганлик ва улардан фойдаланганлик учун;

— ўзларига берилган ер участкалари доирасида ўзларининг хўжалик ва маиший эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда кенг тарқалган фойдали қазилмалар қазиб олишни ҳамда ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар;

— метрополитен — ер ости иншоотларидан фойдаланганлик учун.

188. Солиқ кодексига «Ер остидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби қандай кўрсатилган?»

Солиқ кодексининг 109-моддасига кўра, солиқ тўловчилар ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ҳисоб-китобларни солиқ органларига куйидаги тартибда тақдим этадилар:

— фойдали қазилмалар қазиб олганлик ва техноген ҳосилалардан фойдаланганлик учун — йилнинг ҳар чора-

гида, йил чораги бўйича молиявий ҳисоботларни тақдим этиш учун белгиланган муддатдан кечиктирмай;

— минерал хом ашё қазиб олиш ва уни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ер қаъридан фойдаланганлик учун — бир йилда бир марта, йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш учун белгиланган муддатдан кечиктирмай.

Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ;

— фойдали қазилмалар қазиб олганлик ва техноген ҳосилалардан фойдаланганлик учун — ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг йигирманчи кунигача;

— минерал хом ашё қазиб олиш ва уни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ер қаъридан фойдаланганлик учун — бир йилда бир марта, йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш учун белгиланган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида;

— қолган ҳолларда — йилнинг ҳар чорагида, йил чораклари бўйича ва йиллик ҳисоботларда.

189. «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонунларни бузганлик ва ўзаро низоларни ҳал қилиш масаласига ҳам эътибор қаратилганми?

Албатта «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуннинг Х-бўлими ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш масалаларига доир низоларни кўриб чиқиш ҳамда ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик масаласига бағишланган.

Унга кўра, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш масалаларига доир низолар қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда суд томонидан кўриб чиқилади.

Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунга мувофиқ жавобгар бўладилар.

190. Ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тартибларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик мавжудми?

Ўзбекистон Республикаси «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 70-моддасига кўра, фойдали қазилмалар жойлашган майдонларга ўзбошимчалик билан имо-

ратлар қуриш, фойдали қазилма конларини табиатни муҳофаза қилиш ва кон назорати органлари билан келишмай туриб ишга солиш, ер ости бойликларидан фойдаланиш талаблари ва тартибини бузиш, ер ости бойликларини муҳофаза қилиш қоидаларини ва табиий муҳитни, бинолар ва иншоотларни ер ости бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишларнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш талабларини бажармаслик, ер ости сувлари режимини кузатиш учун қазилган қудуқларни, маркшейдерлик ва геологик белгиларни йўқ қилиш ёки шикастлантириш, худди шунингдек, ерга эгалик қилувчилар ва ердан фойдаланувчилар томонидан умум тарқалган фойдали қазилмалардан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Конларнинг бой участкаларини танлаб ишлатиш, минерал хом ашёни қазиб олаётганда ва қайта ишлашда фойдали қазилмаларни нормативдан ортиқ нобуд қилиш, фойдали қазилма конларини яроқсиз ҳолга келтириш ва фойдали қазилма захираларидан оқилона фойдаланиш талабларини бошқача тарзда бузиш —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Маркшейдерлик ҳужжатларини йўқотиш, тугатилаётган ёки консервация қилинаётган конларни ва бурғуланган қудуқларни аҳолининг хавфсизлигини таъминловчи ҳолатга келтириб қўйиш талабларини, шунингдек, консервация вақтида конларни, қазилаётган жойларни ва бурғуланган қудуқларни муҳофаза этиш талабларини бажармаслик —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи, иккинчи ёки учинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

191. Ер ости бойликларини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини олиб бориш қоидалари ва талабларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик қандай белгиланган?

«Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 71-моддасига мувофиқ ер ости бойликларини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини олиб бориш қоидалари ва талабларини топилган фойдали қазилмалар захираларига ёки фойдали қазилмалар қазиб олиш корхоналари, шунингдек, фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланиш шароитларига нотўғри баҳо берилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган тарзда бузиш, ер ости бойликларини кейинги геологик жиҳатдан ўрганишда ва конларни ишга солишда зарур бўлган геологик ҳужжатларни, фойдали қазилма намуналари дубликатларини ва кернларини йўқотиб қўйиш —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

енг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

192. Табиий муҳитни тиклаш, табиий захираларни қайта ҳосил қилиш ва табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатиш оқибатларини бартараф этиш чораларини кўрмаганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланганми?

«Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 95-моддасига биноан табиий муҳитни тиклаш, табиий захираларни қайта ҳосил қилиш ва табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатиш оқибатларини бартараф этиш чораларини кўрмаганлик —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

193. Саноатда ҳамда «Давтехконназорат» органлари назорати остидаги бошқа объектларда ишларни бехатар олиб боришга оид қоидалар, нормалар ва йўриқномаларни бузганлик учун қандай маъмурий жавобгарлик белгиланган?

Саноатда ҳамда «Давтехконназорат» органлари назорати остидаги бошқа объектларда ишларни бехатар олиб боришга оид қоидалар, нормалар ва йўриқномаларни бузиш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 97-моддаси).

194. Портловчи ҳамда радиоактив материалларни (манбаларни) ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун қандай жавобгарлик белгиланади?

«Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 98-моддасига кўра, саноатда ҳамда «Давтехконназорат» органлари назорати остидаги бошқа объектларда портловчи ҳамда радиоактив материалларни (манбаларни) ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларини, нормалари ҳамда йўриқномаларини бузиш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

195. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик мавжудми?

Барча табиий бойликлардан нотўғри фойдаланганлик, уларни муҳофаза қилиш қоидаларини (шу жумладан ер ости бойликларини) бузганлик учун жиноий жавобгарлик мавжуд. Масалан, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш огир оқибатларга сабаб бўлса, Жиноят кодексининг 197-моддасига биноан энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Бундан ташқари содир этилган ҳуқуқбузарликнинг характериға асосан интизомий ва фуқаролик (мулкий) жавобгарликлар ҳам қўлланилиши мумкин.

VI

АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Мамлакатимизда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг долзарблиги, уни муҳофаза қилиш, ифлосланишининг олдини олиш, Ўзбекистон Республикасининг халқаро тadbирларда иштирок этиши масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ҳамда, 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунлари мазкур масалага ҳуқуқий асос қилиб олинган, ёритилган.

Шунингдек, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун, унинг мақсади, вазифалари, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви, стандартлар ҳақидаги маълумотлар, атмосфера ҳавосидан фойдаланишни чеклаш, тўхтатиб қўйиш ва тугатиш тартиби, корхона, муассаса, ташкилотлар олдиға қўйиладиган вазифалар ҳақида ҳам фикр юритилган.

Зеро, Ўзбекистон Республикасида кимёвий моддалар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш тартиби ҳамда талаблари, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги мажбуриятлар масалаларининг ёритилиши китобхон учун фойдадан холи эмас.

Атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатганлик учун солинадиган жарима, атмосфера ҳавосининг муҳофазаси устидан назорат қилиш

тартиби, мазкур соҳадаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун юридик жавобгарлик масалалари ҳам батафсил баён этилган.

196. Мамлакатимизда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш қандай ҳолатда?

Атроф муҳитнинг экологик ҳолати ва ҳудудлар экологик мувозанатининг бузилиши кўп жиҳатдан атмосфера ҳавосининг таркибига ҳамда унинг турли ишлаб чиқаришлар таъсиридаги салбий ўзгаришларга боғлиқдир. Бу ўзгаришлар сайёравий, регионал ва топологик (маҳаллий) масштабда рўй беради. Ўзбекистон ҳудудининг ўзига хос табиий хусусиятлари уни экологик хўжалик районларига ажратишга ва ҳар бир район ер усти атмосфера ҳавосининг ифлосланиш потенциалини аниқлашга имкон берди. Атмосфера ҳавосининг ифлосланишини бундай илмий башорат қилишда асосий шамолларнинг такрорланиши, қанча вақт сурункали эсиши, турбулентлик коэффициентлари ва бошқа хил кўрсаткичлардан фойдаланилди. Шунда ер юзасида атмосфера ҳавосининг ифлосланиш потенциаллари (АҲИП) республика ҳудудида 2,4 дан 3,3 гектаргача ўзгариши қайд қилинди. Чунончи, бу кўрсаткич Устюртда 2,4—2,7 гектар, Қуйи Амударёда 2,6—3,0 гектар, Қизилқумда 2,7 гектар, Қуйи Зарафшонда 2,7—3,0 гектар, Чирчиқ — Оҳангарон районида 3,0—3,3 гектар, Мирзачўлда 2,7—3,3 гектар, Фарғона водийсида 3,0—3,3 гектар, Самарқанд районида 2,7—3,3 гектар, Қашқадарё ҳавзасида 2,7—3,3 гектарга тенг. Чирчиқ — Оҳангарон ва Фарғона районларида атмосфера ҳавоси ифлосланиш даражасининг катталигига сабаб бу ердаги ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуилари нисбатан ривожланганлигида, автотранспорт ҳаракатининг кўплиги, тоғкон саноатининг салбий таъсири ва қишлоқ хўжалигида зарарли химикатлардан ортиқча фойдаланишдадир. Айни вақтда бу жойларда ишлаб чиқариш чиқиндиларини камайтириш ёки зарарсизлантириш тadbирлари суст олиб борилган.

90-йиллар маълумотларига кўра, республикада ҳавони булғатаётган 35000 доимий манба бўлиб, уларнинг ярмига яқини чанг ва турли хил зарарли газларни тутиб қолувчи ва тозаловчи мосламага эга, бу мосламаларнинг 4,1 қисми эса бузуқ ёки самарадорлиги жуда паст.

Атроф муҳитнинг меъеридан ортиқча ифлосланиши айниқса, йирик шаҳарларга хос. Ўзбекистон Республика-

сида Олмалик, Фаргона, Бекобод, Андижон, Оҳангарон, Ангрен, Тошкент, Самарқанд, Навоий шаҳарлари атмосфера ҳавоси энг кўп ифлосланган шаҳарлар жумласига киради. Ўзбекистонда ер усти ҳавосининг ифлосланиши 1983 йил энг юқори даражага етиб, сўнгги йилларда аҳволнинг бирмунча яхшиланиши қайд қилинган. Саноат шаҳарларида ҳавони ифлослантирувчи асосий моддалар олтингутурт II-оксидидир. Атмосфера ҳавосини бузувчи бошқа омиллардан бири — тобора ривожланаётган автомобиль транспортидир. Автотранспортни янги, экологик безарар ёқилғи турларига ўтказиш, тежамли двигателларга ўтиш, кўчалар чеккасига кўплаб дарахтлар экиш ҳамон атроф муҳит ҳолатини яхшилашнинг муҳим муаммолари бўлиб қолмоқда. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, қишлоқ жойларда атмосфера ҳавосини ифлословчи асосий омил қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган турли хил учувчан кимёвий моддалар бўлса, йирик шаҳарларда шаҳар транспортидир. Чунончи, пойтахтимиз Тошкент атмосфера ҳавосининг ифлосланишида шаҳар транспортининг ҳиссаси 80 фоиздан ортади.

Умуман республика бўйича атмосферага ҳануз йилига 2,41 миллион тоннага яқин зарарли моддалар чиқариб юборилмоқдаки, улар атмосфера ҳавосинигина эмас, балки сувлар, тупроқлар, инсон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига ҳам маълум даражада зарар етказмоқда. Кейинги йилларда атмосфера ҳавосининг тозалиги устидан назоратнинг кучайтирилиши, ҳаво тозалагич мосламалардан кўплаб фойдаланилиши, мутахассислар экологик онги ва масъулиятининг ошиши, «Экосан» халқаро экологик ва саломатлик жамғармасининг фаол саъй-ҳаракати натижасида Ўзбекистон Республикасида бир қанча ижобий силжишлар рўй бермоқда. (Ўзбекистон Республикаси Энциклопедияси., Т., 1997, 38—39-бет.).

197. Ўзбекистон Республикасида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, унинг ифлосланиши ва олдини олиш масаласига қандай эътибор берилмоқда ва Ўзбекистон қандай халқаро тадбирларда иштирок этмоқда?

Ушбу масалага Президент И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёти кафолатлари» (Т. «Ўзбекистон». 1997.) номли китобида катта эътибор берилган. Унда уқтирилишича, ҳаво бўшлигининг ифлосланиши ҳам

республикада экологик хавфсизликка солинаётган таъдидир.

✓ Мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, ҳар йили республиканинг атмосфера ҳавосига 4 миллион тоннага яқин зарарли моддалар қўшилмоқда. Шуларнинг ярми углерод оксидига тўғри келади, 15 фоизини углеводород чиқиндилари, 14 фоизини олтингургурт қўш оксиди, 9 фоизини азот оксиди, 8 фоизини қаттиқ моддалар ташкил этади ва 4 фоизга яқини ўзига хос ўткир заҳарли моддаларга тўғри келади.

Атмосферада углерод йигиндисининг кўпайиб бориши натижасида ўзига хос кенг кўламдаги иссиқхона эффекти вужудга келади. Оқибатда Ер ҳавосининг ўртача ҳарорати ортиб кетади.~

Арид минтақасида жойлашган Ўзбекистон Республикасида тез-тез чанг бўронларини қўзғатиб турувчи, атмосферани чанг-тўзонга чулғагувчи Қорақум ва Қизилқум саҳроларидек йирик табиий манбалар мавжуд.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича Вена Конвенцияси ва Монреал протоколи мавжуд. Вена Конвенциясига жаҳондаги 147 мамлакат имзо чеккан. 1995 йилдан бошлаб 16 сентябрни атмосферанинг озон қатламини муҳофаза қилиш халқаро кuni сифатила жаҳон халқлари кенг нишонлаб келмоқда.

Бизнинг мамлакатимиз ҳам Вена Конвенцияси ва Монреал протоколига қўшилиб, тегишли мажбуриятларни зиммасига олди. Озон қатлами ҳолатини мунтазам кузатиб бориш, емирувчи моддалардан фойдаланишни босқичма-босқич камайтириш шулар жумласидандир.

1996 йил 26—29 августда Швейцариянинг Женева шаҳрида Монреал протоколига қўшилган давлатлар ишчи гуруҳининг кенгаши бўлиб ўтди. Ўн учинчи марта ўтказилаётган бу кенгашга 147 мамлакатдан 400 делегат иштирок этди. Мустақил давлатлар ҳамдўстлигидан Ўзбекистон, Россия, Белоруссия, Украина ва Грузия ҳам қатнашган.

Ҳозирги пайтда олимларимиз томонидан, Ўзбекистонда озон қатламини муҳофаза қилиш бўйича миллий дастур ишлаб чиқишга катта эътибор берилмоқда.

198. Ўзбекистон Республикасида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг қандай ҳуқуқий манбаи мавжуд?

Ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва у асосда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш» ҳамда, 1996 йил 27 декабрдаги «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги» қонунлар билан тартибга солинади.

Унга асосан атмосфера ҳавоси табиий ресурсларнинг таркибий қисми бўлиб, у умуммиллий бойлик ҳисобланади ва давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади (1—2-модда).

199. Қабул қилинган «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси қонунининг асосий вазифалари нималардан иборат?

Мазкур қонуннинг 3-моддасига мувофиқ атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Атмосфера ҳавосининг табиий таркибини сақлаш;

Атмосфера ҳавосига зарарли кимёвий, физикавий, биологик ва бошқа хил таъсир кўрсатилишининг олдини олиш ҳамда камайтириш;

Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш.

200. Фуқароларнинг ҳаёти учун қулай атмосфера ҳавосига эга бўлиш ҳуқуқи ва уни сақлаш соҳасидаги мажбуриятлар нималардан иборат?

Юқорида тилга олинган қонунларнинг 4-моддасига кўра, фуқаролар ҳаёт ва соғлиқ учун қулай атмосфера ҳавосига эга бўлиш, атмосфера ҳавосининг ҳолати ҳамда уни муҳофаза қилиш юзасидан кўрсатилган чора-тадбирлар тўғрисида ўз вақтида ва ишончли ахборот олиш, атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмлар чиқарилиши ҳамда физикавий омиллар-

нинг атмосферага зарарли таъсир кўрсатиши орқали ўзларининг саломатлиги ҳамда мулкига зиён етказилган ҳолларда зарарни ундириб олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Фуқаролар атмосфера ҳавосини авайлашлари, унинг ифлосланишига, камайишига ва унга физикавий омиллар зарарли таъсир этишига олиб келувчи ҳаракатларни қилмасликлари шарт.

201. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви қандай амалга оширилади?

Давлат бошқаруви масаласи қонуннинг 5-моддасида ўз аксини топган. Унда кўрсатилишича, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари амалга оширадилар.

202. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги стандартлар ҳақида маълумот олиш мумкинми?

Ушбу муаммо, юқоридаги қонуннинг 6-моддасида ўз ифодасини топган. Унга биноан, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги стандартлар атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тартибини, унинг ҳолати устидан назорат усулларини аниқлаб беради, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича ўзга талабларни белгилайди.

Инсон учун атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги стандартлар (санитария нормалари) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Атроф табиий муҳит объектлари учун атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, иқлимни ва озон қатламини сақлаш соҳасидаги стандартлар Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланади.

203. Атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатиш нормативлари ҳақида қонунда нима дейилган?

Қонуннинг 8-моддасига асосан атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар, биологик организмлар чиқаришнинг ҳамда унга физикавий омиллар зарарли таъсир кўрсатишнинг йўл қўйиладиган доирадаги нормативлари

атмосфера ҳавосига чиқиндилар чиқарувчи ёки зарарли физикавий таъсир кўрсатишининг йўл қўйиладиган доирадаги нормативлари атмосфера ҳавосига чиқиндилар чиқарувчи ёки зарарли физикавий таъсир кўрсатувчи ҳар бир доимий манба учун ифлослантирувчи моддалар, биологик организмлар ва физикавий таъсир кўрсатиш омилларининг ҳар бири бўйича белгиланади.

Ҳавони ифлослантирувчи доимий манбалардан атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар, биологик организмлар чиқаришнинг йўл қўйиладиган доирадаги нормативлари ҳамда унга физикавий омиллар зарарли таъсир кўрсатишининг йўл қўйиладиган доирадаги нормативлари корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилади ва тегишинча Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмлар чиқаришнинг йўл қўйиладиган доирадаги нормативларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан, атмосфера ҳавосига физикавий омиллар зарарли таъсир кўрсатишининг йўл қўйиладиган доирадаги нормативларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби эса — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан белгилаб қўйилади.

204. Атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатишни ҳамда ундан фойдаланишни чеклаш, тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш тартиби қандай?

Атмосфера ифлослантирувчи моддалар, биологик организмлар чиқариш, унга физикавий омилларнинг зарарли таъсир кўрсатиши ҳамда атмосфера ҳавосидан фойдаланишга доир рухсатномаларда назарда тутилган шартлар ва талабларни бузиш билан боғлиқ фаолият маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан уларнинг ваколат доираси қабул қилган қарорига кўра чекланиши, тўхтатиб қўйилиши, зарарли таъсир кўрсатиш сабабларини бартараф этиш мумкин бўлмаган тақдирда эса тугатилиши мумкин (13-модда).

205. Қонунда транспорт воситалари ва бошқа қатнов воситалари ҳамда қурилмаларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш масаласи қандай кўрсатилган?

Қонуннинг 16-моддасига биноан ишлатилган газлар чиқариб юборилганида улардаги ифлослантирувчи моддаларнинг миқдори ёки улар физикавий омилларнинг зарарли таъсир кўрсатиши нормативлардан юқори бўлган транспорт воситалари ва бошқа қатнов воситалари ҳамда қурилмаларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш тақиқланади.

Транспорт воситалари ва бошқа қатнов воситалари ҳамда қурилмаларининг эгалари ишлатилган газлардаги ифлослантирувчи моддаларнинг миқдори ва улар физикавий омилларининг зарарли таъсир кўрсатиши нормативларига риоя қилинишини таъминлашлари шарт.

206. Транспорт воситалари ва бошқа қатнов воситалар ҳамда қурилмаларини таъмирлайдиган ва уларга техник хизмат кўрсатадиган корхоналар ва ташкилотлар олдига қўйиладиган талаблар нималардан иборат?

Атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатувчи транспорт воситалари ва бошқа қатнов воситалари ҳамда қурилмаларини таъмирлайдиган ва уларга техник хизмат кўрсатадиган корхоналар ва ташкилотлар ишлатилган газлардаги ифлослантирувчи моддалар миқдорининг ҳамда улар физикавий омиллари зарарли таъсир кўрсатишининг нормативларига мувофиқлигини текшириш ва тартибга солиб туришни таъминлайдилар (17-модда).

207. Ўзбекистон Республикасида кимёвий моддаларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш тартиби қандай амалга оширилади?

Юқоридаги қонуннинг 18-моддасига кўра, кимёвий моддаларни ишлаб чиқарувчи ёки улардан фойдаланувчи корхона ва ташкилотлар бундай моддаларнинг атмосфера ҳавосида йўл қўйиладиган даражада тўпланиш нормативларини, уларни назорат қилиш усуллари ва экологик-токсикологик паспортларини Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилаган тартибда ишлаб чиқадилар.

Ишлатиш тақиқланган ва ишлатишга яроқсиз бўлиб қолган кимёвий моддаларни зарарсизлантириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги рухсатномаси асосида амалга оширилади.

Кимёвий моддаларни ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаси, уларнинг ўсишини тезлаштирувчи омил, минерал ўғит ва бошқа препаратлар сифатида фақат ердан туриб ишлатишга йўл қўйилади. Қишлоқ хўжалиги экинларига кимёвий моддалар билан ишлов бериш қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда амалга оширилади.

208. Минерал хом ашёсини қазиб олиш, ташиш, қайта ишлаш, ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини жойлаштириш ёки кўмиб ташлашга доир талаблар қандай амалга оширилади?

Қонуннинг 20, 21-моддасига кўра минерал хом ашёсини қазиб олиш, ташиш ва қайта ишлаш атмосфера ҳавосини ифлослантиришнинг олдини олиш ёки ифлослантириш даражасини камайтириш қоидаларига риоя қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишилган усулларда амалга оширилиши шарт.

Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манба бўлиши ёки ҳавога бошқа тарзда зарарли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган техноген ҳосилаларини аҳоли пунктлари ҳудудида ёки уларга яқин ерларда жойлаштириш тақиқланади.

Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манба ҳисобланадиган ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари қайта ишланиши, тозаланиши, дезодорация қилиниши ёки махсус полигонларда сақланиши зарур, бундай полигонларнинг жойи маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг рухсати билан белгиланади.

209. Атмосфера ҳавосининг ҳолатига таъсир кўрсатувчи корхоналар, иншоотлар, транспорт магистраллари ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш, қайта қуриш ва фойдаланишга топшириш масаласи қандай?

Корхоналар, иншоотлар, транспорт магистраллари ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, қайта қуриш ва фойдаланишга топшириш, ишлаб турган

технология жараёнлари ва асбоб-ускуналарни такомиллаштириш ҳамда янгиларини жорий этиш атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилган ҳолда амалга оширилиши шарт.

Атмосфера ҳавосининг ҳолатига таъсир кўрсатувчи корхоналар, иншоотлар, транспорт магистраллари ва бошқа объектларни қуриш жойларини белгилаш, уларни қуриш ҳамда қайта қуриш лойиҳалари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишиб олинади (22-модда).

210. «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунда, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги мажбуриятлари кўрсатилганми?

Ушбу қонуннинг 24-моддасида батафсил кўрсатилган. Унга кўра фаолияти атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар, биологик организмлар, иссиқхона газлари ва озонни бузувчи моддалар чиқариш ҳамда атмосфера ҳавосига физикавий омилларнинг зарарли таъсир кўрсатиши билан боғлиқ бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар қуйидагиларни бажаришга мажбурдирлар:

— атмосферага чиқарилган чиқиндиларни тозалаш ва зарарли физикавий таъсирни камайтириш учун иншоотлар, асбоб-ускуналар ва аппаратуралардан, шунингдек, улар устидан назорат қилиш воситаларидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш;

— ҳўжалик объектлари теварагида санитария-муҳофаза зоналари барпо этиш;

— чиқиндилар чиқаришни ҳамда зарарли физикавий таъсирни камайтириш чора-тадбирларини кўриш;

— чиқариладиган чиқиндилар ҳамда физикавий омиллар зарарли таъсирининг йўл қўйиладиган доирадаги нормативларига риоя қилиш устидан назорат ўрнатиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва белгиланган тартибда статистика ҳисоботини тақдим этиш;

— энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш, ёқилғи-энергетика ресурсини тежаш, экологик жиҳатдан тоза энергия манбаларидан фойдаланиш чора-тадбирларини кўриш;

— метеорология шароитлари ноқулай келиши кутилаёт-

ганлиги муносабати билан атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмлар чиқаришни камайтириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда чора-тадбирлар кўриш;

— корхоналар ва транспорт коммуникацияларининг таъсир доирасида атроф муҳитга ҳамда аҳоли саломатлигига зарарли таъсир кўрсатилишини баҳолаш;

— кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар ҳамда буғланувчи бирикмаларни сақлаш, улардан фойдаланиш ва улардан бўшаган идишларни зарарсизлантириш шартларига риоя қилиш;

— атмосферага бирварақайига ва авария туфайли чиқиндилар чиқиши, яширин хавфли вазиятлар юзага келишининг олдини олиш, шунингдек, атмосфера ҳавосининг чегаралараро ифлосланишини камайтириш чора-тадбирларини кўриш;

— чиқиндиларни йўқ қилишни таъминлаш ҳамда улар тўпланиб қолганида ва қайта ишланаётганида атмосфера ҳавосини ифлослантиришнинг олдини олиш чора-тадбирларини кўриш;

— атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини бажариш тупроқ, сув ва атроф табиий муҳитнинг бошқа объектлари ифлосланишига олиб келмаслиги лозим.

211. Атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатганлик учун тўловлар тартиби қандай?

Атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатганлик учун тўловлар корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган тартибда ва миқдорларда ундириб олинади.

Атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларни ва биологик организмларни чиқарганлик, унга физикавий омилларнинг зарарли таъсир кўрсатганлиги ҳамда атмосфера ҳавосидан фойдаланганлик учун тўловлар тўлаш корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни ҳавони муҳофаза қилиш чора-тадбирларини бажаришдан ва етказилган зарарни қоплаш мажбуриятидан озод этмайди (25-модда).

212. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат ҳисобини юритиш тартиби қандай олиб борилади?

Бу масала «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунда белгилаб берилган. Унинг 26-мод-

дасига биноан қуйидагилар давлат томонидан ҳисобга олиниши зарур:

— атмосфера ҳавосининг ҳолатига зарарли таъсир кўрсатилаётган ёки зарарли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган объектлар;

— фойдаланилаётган атмосфера ҳавосининг ҳажмлари;

— атмосфера ҳавосига чиқарилаётган ифлослантирувчи моддалар, биологик организмлар, иссиқхона газлари ва озонни бузувчи моддаларнинг турлари ва миқдори;

— атмосфера ҳавосига физикавий омиллар кўрсатадиган зарарли таъсирнинг турлари ва ҳажмлар.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда ягона тизим бўйича амалга оширилади.

213. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш устидан назорат қилиш тартиби қандай амалга оширилади?

Қонуннинг 28-моддасига асосан атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш устидан давлат назорати маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан, шунингдек, махсус ваколат берилган давлат органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш устидан назорат қилиш бўйича махсус ваколат берилган давлат органларидир.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш устидан идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоат назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Атмосфера ҳавосининг ҳолатини кузатиш, у ҳақидаги ахборотни тўплаш, умумлаштириш, таҳлил этиш ва истиқболни белгилаш атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги ягона тизими бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

214. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик ҳоллари мавжудми?

«Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 29-моддасида мазкур масала қуйидагича белгиланган.

Ана шу модда талабларидан келиб чиқиб, содир этилган ҳуқуқбузарлик (жиноят)нинг характери, ҳолати ва оқибатига қараб интизомий, маъмурий, фуқаролик ва жиний жавобгарликлар қўлланилади.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш оқибатида етказилган зарар ўрнини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қоплашлари шарт. Зарар ўрнини қоплаш айбдорларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишдан озод этмайди.

215. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш қондалари ва бошқа талабларни бузганлик учун қандай маъмурий жавобгарлик мавжуд?

Бу масала Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексига белгилаб қўйилган. Унинг 85-моддасига биноан ифлослантирувчи моддаларни атмосферага йўл қўйиладиган нормативдан ортиқ даражада чиқариб ташлаш; атмосфера ҳавосига йўл қўйиладиган энг юқори нормативдан ортиқ даражада зарарли физик таъсир ўтказиш; махсус ваколат берилган давлат органларининг рухсатсиз атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқариб ташлаш; қонун ҳужжатларига мувофиқ зарур бўлган тақдирда махсус ваколат берилган давлат органларининг рухсатини олиш лозим бўлган ҳолларда бундай рухсатни олмай туриб атмосферанинг ноқулай метеорологик шароит даврида атмосферанинг ифлосланганлик даражаси ортиб кетишига сабаб бўлувчи ифлослантирувчи моддаларни чиқаришни қисқартириш чора-тадбирларини тўлиқ ҳажмда бажармаганлик; бундай моддаларни бир йўла чиқариб ташлашларнинг олдини олиш чора-тадбирларини амалга оширмаслик.

Мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

216. Атмосферага чиқариладиган зарарли моддаларни тозалаш иншоотидан фойдаланиш қоидаларини бузиш, шунингдек, ундан фойдаланмаслик учун қандай маъмурий жазо белгиланади?

«Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 86-моддасига кўра атмосферага чиқариладиган зарарли моддаларни тозалаш учун ўрнатилган иншоотлар, ускуналар, аппаратуралардан, шунингдек, чиқариб ташланадиган зарарли моддалар миқдори ва таркибини назорат қилувчи воситалардан фойдаланиш қоидаларини бузиш ёки улардан фойдаланмаслик —

Мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

Мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

217. Чиқиндиларида ифлослантирувчи моддалар нормативдан ортиқ бўлган транспорт ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар ва қурилмаларни тайёрлаш ҳамда фойдаланишга чиқариш тартиби бузилганда қандай маъмурий жазо чораси қўлланилади?

Чиқиндиларида ифлослантирувчи моддалар, шунингдек, ишлаб турган вақтида шовқин ва бошқа физик таъсир даражаси белгиланган нормативдан ортиқ бўлган автомобиллар, самолётлар, кемалар ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар ва қурилмаларни тайёрлаш ҳамда фойдаланишга чиқариш —

Мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Чиқиндиларида ифлослантирувчи моддалар, шунингдек, ишлаб турган вақтида шовқин даражаси белгиланган нормадан ортиқ бўлган ҳаракатланувчи қурилмалардан фойдаланиш —

энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида на-

зарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (МЖТКнинг 87-моддаси).

218. «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик учун ҳам жавобгарлик белгиланганми?

Ҳа, мазкур Кодекснинг 88-моддасида ана шу талабларни бузганлик учун жавобгарлик белгиланган. Унга кўра қурилиш ва бошқа ишларни бажариш чоғида ёнилги моддалар ва бинокорлик материалларини тўплаш, махсус техник қурилмасиз очиқ аланга олдириб уларни ёқиш, битум эритишда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик —

Фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

Фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

219. Атроф табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасддан яшириш ёки бузиб кўрсатиш учун қандай жиноий жавобгарлик мавжуд?

Махсус ваколатга эга мансабдор шахслар томонидан зарарли экологик оқибатларни келтириб чиқарган ҳалокатлар ёки атроф табиий муҳитнинг радиациявий, кимёвий, бактериявий ифлосланганлиги ёхуд одам ҳаёти ёки соғлиғи, тирик табиат учун хавfli бўлган бошқа тарзда ифлосланганлиги ҳақидаги ёхуд аҳоли саломатлигининг ҳолатига доир маълумотларнинг қасддан яширилиши ёки бузиб тақдим этилиши аҳолининг оммавий касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб

кетиши ёки бошқача оқибатларга сабаб бўлса (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 194-моддасига биноан), —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

220. Ўзбекистон Республикасида, атроф табиий муҳитни жумладан, атмосфера ҳавосини ифлослантирганлик учун «Жиноят кодекси»да қандай жазо чораси кўрсатилган?

Кодекснинг 196-моддаси талабига кўра, ерларни ифлослантириш ёки бузиш, сув ёки атмосфера ҳавосини ифлослантириш одамларнинг оммавий равишда касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмишлар одам ўлишига сабаб бўлса, —

уч ойдан олти ойгача қамоқ ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

VII

ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗАСИ

Мазкур бобда Ўзбекистон Республикасидаги ҳайвонот дунёсининг аҳволи, Ўзбекистон Республикасида 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун, унинг аҳамияти ҳамда вазифалари, ҳайвонот дунёси объекти, ундан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви, фуқаролар ва жамоат бирлашмаларининг ҳайвонот дунёсини ҳамда унинг яшаш муҳитини муҳофаза қилиш борасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари масалалари ёритилган.

Шунингдек, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойда-

ланиш устидан назорат олиб бориш тартиби, ҳайвонот дунёси давлат кадастри, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланганлик учун рағбатлантириш тартиби, ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг турлари ва усуллари, фойдаланиш ҳуқуқи ва уни бекор қилиш ҳоллари ҳамда бошқа бир қатор масалаларга эътибор қаратилган.

Зеро, хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятни амалга ошириш жараёнида ёввойи ҳайвонларнинг касалликка чалиниши ва нобуд бўлишининг олдини олиш ва унга қарши кураш чоралари, қонунга хилоф равишда тутилган ҳайвонлар ҳамда қонунга хилоф равишда ишлатилган қуроллар, турлар, қопқонлар ва бошқа воситаларни олиб қўйиш масалаларининг ҳуқуқий томонлари ҳам ёритилган.

Айниқса, «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун ва унинг талабларини бузганлик учун юридик жавобгарлик масалаларининг ёритилиши ушбу соҳани кенгроқ билиб олишда китобхонга катта ёрдам беради, деган умиддамиз.

221. Ўзбекистон Республикаси ҳайвонот дунёсининг мавжудлиги ва аҳволи қандай?

Ўзбекистон ҳайвонот дунёси турларга ниҳоятда бой. У қўшни республикалар ҳайвонот дунёсига жуда ўхшаш бўлиб, субтропик кўринишдадир. Республикадаги сут эмизувчи ҳайвонлар 6 туркум: ҳашоратхўрлар (6), қўлқанотлилар (20), қуёнсимонлар (2), кемирувчилар (37), йиртқичлар (24), туёқлилар (8) га мансуб. Энг нодир ва кам учрайдигани ҳайвонлардан бурама шохли эчки, айиқ, қоплон, қорақулоқ, силовсин, илвирс, сиртлон, қундуз, манул, жайрон, архар, қушоёқ, ҳинд асалхўри, ола кўзан бухоро буғуси, устюрт қўйи, қизилқум қўйи, бухоро қўйи, йирик шомшапалак, кўршапалак республика «Қизил китоби»га киритилган.

Ўзбекистонда қушларнинг 410 тури бор, шулардан 184 тури чумчуқлар туркумига киради. Улардан — бирқозон, жингалақдор бирқозон, оқ лайлак, қора лайлак, қизил ғоз, оққуш, кичик оққуш, мармар ўрдак, оқбош ўрдак, сув қийғиз, узун думли сув бургут, оқ думли сув бургут, қирғий, бургут, чўл бургути, қирон қора бургут, болтаютар, қумой, илон бургут, маллабош лочин, итолги, лочин, оқ турна, тувалоқ, бизгалдоқ, йўрға тувалоқ, қулган — баур, торғоқ, осие лойхўраги, қум чумчуқ ва бошқалар «Қизил китоб»га киритилган.

Судралиб юрувчиларнинг 57 тури мавжуд, жумладан тошбақалар 1, калтакесаклар 29, илонлар 18 (заҳарлилар 5 та — кўзойнакли илон, кўлвор илон, чархилон, қора илон, чўл қора илони, қалқонтумшуқ илон) турни ташкил этади. Шулардан хенток қурбақабоши, штраух қурбақабоши, экемар, чипор калтакесак, кўзойнакли илон «Қизил китоб»га киритилган.

Сувда ва қуруқликда яшовчи ҳайвонларнинг атиги 3 тури: яшил қурбақа (Турон қурбақаси билан Осиё тоғлари қурбақаси турчалари), кўл бақалари ва данатин қурбақалари учрайди.

Республика сув ҳавзаларида 60 га яқин турдаги балиқлар бор. Улар 2 та гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳдагилар қадимдан дунё ва сойлардаги маҳаллий балиқлар (Амударё гулбалиғи, ширмохи, туркистон мўйловдори, лойхўрак, зогора балиқ, лаққа балиқ ва бошқалар), иккинчи гуруҳдагиси эса асосан сув омборларида иқлимлаштирилган (иссиқкўл гулбалиғи, пеляд, оқ амур орол мойбалиғи, шарқ оқчаси, кумуш товон балиқ, оддий дўнгпешона, оқ сла, илонбош ва бошқалар) балиқлардир. Орол денгизи ҳудудида 15 минг турдан ортиқ ҳашоратлар мавжуд. Булардан чигирткалар (100 турдан кўп), тенг хартумлилар (ўсимлик битлари — 330 — 350, саратонлар — 600—700 тур), кўнғизлар (2000 га яқин), тўрқанотлилар (30 га яқин тур), капалаклар (1500 га яқин тур) кенг тарқалган. Республика жанубида искаптопарлар жуда кўп. Ўргимчаксимонлардан чаёнлар (10 га яқин тур), фаланглар (20 га яқин тур) ва ўргимчаклар (100дан кўпроқ тур) яшайди. Сув ҳавзаларида каналарнинг 20 турдан кўпроғи ва тахминан яна шунчаси ерда ҳаёт кечирса, 100 турдан кўпроғи эса ҳайвонларда учрайди.

Энг содда ҳайвонлар тури ҳам кўп. Чучук сув ҳавзаларида чиганоқли амёбалар ва хивчинлилар бор. 80 турдан зиёдроқ чиганоқсимонлар, 120 тур юмалоқ чувалчанглар, 40 турдан кўпроқ кунликлар, сув кўнғизлари, 60 турдан ортиқроқ қоратанли кўнғизлар, 30 тур қориноёқли ва икки паллали моллюскалар мавжуд.

Ўзбекистоннинг «Қизил китоби»га умуртқали ҳайвонларнинг нодир ва йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган жами 63 тури киритилган бўлиб, улар орасида 22 тур сутэмизувчи ҳайвон, 31 тур қуш, 5 тур судралиб юрувчи ҳайвон ва 5 тур балиқ бор.

(Ўзбекистон Энциклопедияси, Т-1997 й., 28—29—42 бетлар).

222. Ўзбекистон Республикасида «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун ҳужжатлари ҳамда унинг вазифалари нималардан иборат?

Ўзбекистон Республикасида 1997 йил 26 декабрда «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» махсус қонун қабул қилинган. Тўрт бўлим, 41 моддадан иборат ушбу Қонун қуруқликда, сувда, атмосфера ва тупроқда табиий эркинлик ҳолатида яшайдиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий ёки вақтинча турадиган ёввойи ҳайвонларни, илмий ёки табиати муҳофаза қилиш мақсадларида ярим эркин шароитда ёки сунъий яратилган яшаш муҳитида боқилаётган ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади. «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун ҳужжатларининг вазифаси ҳайвонот дунёсининг яшаш шароитини таъминлаш, уларнинг хилма-хил турларини ҳамда табиий ҳайвон галалари бутлигини ва яшаш муҳитини сақлаш мақсадида фойдаланиш ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш, уни тиклаш ва такрор етиштириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

223. Ҳайвонот дунёси объектлари нималардан иборат?

Юқорида тилга олинган қонуннинг 4-моддасига мувофиқ ҳайвонот дунёси объектлари қуйидагилардан иборат:

келиб чиқиши ҳайвонларга мансуб бўлган организмлар — сут эмизувчилар, паррандалар, судралиб юрувчи ҳайвонлар, ҳам қуруқликда ҳам сувда яшовчи ҳайвонлар, балиқлар, умуртқасизлар ва уларнинг популяциялари;

ёввойи ҳайвонлардан ташкил топадиган табиий ҳайвон галалари ёки уларнинг камёб, йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган турлари.

224. «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунга асосан ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви қандай амалга оширилади?

Қонуннинг 6-моддасига кўра, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

225. Фуқаролар ва жамоат бирлашмаларининг ҳайвонот дунёсини ҳамда унинг яшаш муҳитини муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат?

Бу масала юқоридаги қонуннинг 5-моддасида белгилаб берилган фуқаролар ва жамоат бирлашмалари:

- ҳайвонот дунёсини ва унинг яшаш муҳитини муҳофаза қилиш тadbирлари амалга оширилади;
- ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурлари рўёбга чиқарилишида кўмаклашадилар;
- экология соҳасида жамоатчилик экспертизаси ўтказадилар;
- жамоатчилик назоратини амалга оширадилар;
- ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш соҳасидаги ахборотни қонун ҳужжатлари билан тартибга солидилар;
- ҳайвонот дунёсига ва унинг яшаш муҳитига етказилган зарарни қоплаш масаласини кўядилар;
- қонун ҳужжатига мувофиқ бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга оширадилар.

226. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш устидан давлат назоратининг олиб борилиш тартиби қандай?

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш устидан давлат назорати маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш устидан идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик

назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Юқоридаги қонуннинг 8-моддасига биноан ҳайвонот дунёсининг муҳофаза қилинишини ва ундан оқилона фойдаланишни таъминлаш учун ҳайвонларнинг давлат томонидан ҳисобга олиниши ва улардан фойдаланиш тартиби амалга оширилади, ҳайвон турларининг жўғрофий тарқалиши, уларнинг миқдори тўғрисидаги маълумотлар мажмуини, улар яшайдиган муҳитнинг ҳамда ҳайвонлардан фойдаланиш тавсифини ва бошқа зарур маълумотларини ўз ичига олган давлат кадастри юритилади.

Ҳайвонларни давлат томонидан ҳисобга олиш ва ҳайвонот дунёси кадастри давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчилар ҳар йили ўзлари фойдаланаётган ҳайвонот дунёси объектларини ҳамда уларни муомаладан чиқариш ҳажмларини ҳисобга олиб боришлари ва олинган маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига ва Давлат Статистика органларига тақдим этишлари шарт.

Ҳайвонларни давлат томонидан ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш ҳажмларини ҳисобга олиш, ҳайвонот дунёси давлат кадастрини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланди.

227. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишни рағбатлантириш тартиби қандай?

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш, шу жумладан уни такрор етиштиришни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш ҳайвонот дунёсининг муҳофаза қилинишини ва ундан оқилона фойдаланишни, шунингдек, унинг яшаш муҳити муҳофаза қилинишини ва унинг ҳолати яхшиланишини таъминлаётган юридик ва жисмоний шахсларга солиқ соҳасида ва бошқа имтиёзлар бериш йўли билан амалга оширилади (13-модда).

228. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат?

Юридик ва жисмоний шахслар ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчилар бўлиши мумкин.

Фойдаланувчилар ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш борасида ўзларига тегишли ҳуқуқни қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар ва тартибда амалга оширадилар.

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчилар: ҳайвонот дунёси объектларидан уларни бериб қўйиш шартларига мувофиқ фойдаланиш;

тутиб олинган ҳайвонот дунёси объектларига ва улардан олинган маҳсулотга нисбатан мулкдорлик ҳуқуқига эгадирлар.

Ов қилиш ёки балиқ овлаш хўжалигини юритувчи юридик шахслар;

юридик шахсларга ҳайвонот дунёси объектларидан белгиланган нормалар доирасида фойдаланиш учун рухсатномалар беришга;

юридик ва жисмоний шахслар ҳайвонот дунёси объектларидан ов қилиш мақсадида белгиланган нормалар доирасида фойдаланиши учун улар билан шартномалар тузишга;

ов ва балиқ маҳсулотини қайта ишлаш ҳамда ҳайвонот дунёси объектларидан буюмлар ишлаб чиқаришга;

ҳайвонот дунёси объектларидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ва буюмлардан фойдаланиш ҳамда уларни сотишга;

сунъий равишда етиштирилиб, табиий яшаш муҳитига чиқариб юборилган ҳайвон турларидан фойдаланишга ҳақлидирлар.

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчилар:

ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг белгиланган нормалари ва муддатларига риоя этишлари;

ҳайвонот дунёсининг муҳофаза қилинишини таъминлашлари;

ҳайвонот дунёсидан табиий галаларининг бутлиги бузилишига йўл қўймайдиган ва фойдаланишга бериб қўйилмаган ҳайвонларнинг сақлаб қолинишини таъминлайдиган усуллар билан фойдаланишлари;

ҳайвонларнинг яшаш муҳити бузилишига йўл қўймасликлари;

ҳайвонлар миқдорини ҳамда улардан фойдаланиш ҳажмларини ҳисобга олишлари;

ҳайвонот дунёсини тиклаш ва такрор етиштиришга қаратилган тадбирларини амалга оширишлари шарт;

ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчилар қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишлари мумкин (16-модда).

229. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг қандай турлари ва усуллари мавжуд?

Ушбу масала «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғриси»даги қонуннинг 17-моддасида кўрсатилган, унга кўра:

ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш турлари қуйидагилардан иборат;

ов қилиш;

балиқ овлаш;

ҳайвонот дунёсидан илмий, маданий-маърифий, тарбиявий ва эстетик мақсадларда фойдаланиш;

ҳайвонлар фаолиятининг фойдали хусусиятларидан фойдаланиш;

ҳайвонлардан уларнинг фаолияти маҳсулотларини олиш мақсадида фойдаланиш;

Қонун ҳужжатларида ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳайвонот дунёси объектларини уларнинг яшаш муҳитидан ажратиб олиб ёки олмасдан амалга оширилиши мумкин.

230. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчиларга нисбатан ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқи қандай ҳолларда бекор қилинади?

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

фойдаланиш зарурати қолмаганда ёки ундан воз кечилганда;

фойдаланишнинг белгиланган муддати ўтганда;

ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш мақсадида уларни фойдаланишдан ажратиб олиш зарурати туғилганда;

фойдаланиш ҳуқуқи берилган юридик шахс тугатилганда;

Қонун ҳужжатларида ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш учун бошқа асослар ҳам назарда тутилиши мумкин.

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳуқуқи рухсатномалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилиш йўли билан тугатилади.

231. «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунда ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш тадбирлари қандай ифодаланган?

Мазкур масала қонуннинг 30-моддасида мустаҳкамланган. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, ҳайвонот дунёси объектларини муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш ва уларни такрор етиштириш қоидалари ва нормаларини белгилаш; ҳайвонот дунёсидан фойдаланишда чеклашлар ва тақиқлар тартибини белгилаш;

ҳайвонот дунёсидан ўзбошимчалик билан фойдаланишнинг ва ундан фойдаланиш борасида белгиланган тартибнинг ҳамда бошқача бузишларнинг олдини олиш;

ҳайвонларнинг яшаш муҳити, уларнинг урчиши шарт-шароитлари ва кўчиб юриш йўллари муҳофаза қилинишини ташкил этиш;

ҳўжалик ва бошқа фаолиятни амалга ошириш, транспорт воситаларидан фойдаланиш пайтида ҳайвонлар нобуд бўлишининг олдини олиш;

алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар барпо этиш;

камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ҳайвон турларини тутқунликда урчитиш;

ҳайвонлар касалликка чалинганда, уларнинг табиий офатлар ва бошқа сабаблар оқибатида нобуд бўлиши хавфи туғилганда уларга ёрдам бериш;

ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш тадбирларини асослашга қаратилган илмий тадқиқотларни ташкил этиш;

ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш бўйича бошқа тадбирларни ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

232. Ҳўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятни амалга ошириш пайтида ёввойи ҳайвонлар касалликка чалинишининг ва нобуд бўлишининг олдини олиш чоралари қандай?

Юридик ва жисмоний шахслар ҳар қандай турдаги ҳўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятни амалга ошириш пайтида ёввойи ҳайвонлар касалликка чалиниши ва нобуд бўлишининг олдини олиш чораларини кўришлари шарт.

Давлат ветеринария хизмати органи ва давлат санитария-эпидемиология хизмати органи ҳайвонот дунёси объектларида касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалиши ус-тидан текширув ва назоратни амалга оширадилар, ҳайво-

нот дунёси объектлари касалликка чалинишининг барча аниқланган ҳолларини рўйхатга оладилар ва касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалишининг олдини олиш ҳамда уларни тугатиш юзасидан зарур чоралар кўрадилар.

Ўсимликларни ёқиш, ҳайвонот дунёси объектлари ва улар яшайдиган муҳит учун хавfli бўлган материаллар, ишлаб чиқариш чиқиндиларини ёввойи ҳайвонлар касалликларга чалиниши ва нобуд бўлишининг олдини олишни кафолатлайдиган чора-тадбирларни амалга оширмасдан сақлаш ва қўллаш ман этилади.

233. Ўтироф этилаётган қонунда камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ҳайвон турларини муҳофаза қилиш ҳамда сақлаб қолиш чора-тадбирлари ҳақида нима дейилган?

Унинг 37-моддасига биноан камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ҳайвонот дунёси турлари «Қизил китоб»га киритилади.

Камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ҳайвон турларининг нобуд бўлиши, миқдори камайиб кетиши ёки уларнинг яшаш муҳити бузилишига олиб келиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларга йўл қўйилмайди.

Табиий шароитларда такрор етиштириш имконияти бўлмаган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ҳайвон турларини сақлаб қолиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси ана шу турдаги ҳайвонларни урчитиш учун зарур шарт-шароит яратиш чора-тадбирларини кўришлари шарт.

234. Қонунга хилоф равишда тutilган ҳайвонот дунёси объектларини, улардан олинган маҳсулотни, ҳайвонларни қонунга хилоф равишда тутиш қуроли воситаларини олиб қўйиш мумкинми?

Юқорида тилга олинган қонуннинг 40-моддасига кўра қонунга хилоф равишда тutilган ҳайвонот дунёси объектлари, улардан олинган маҳсулот, қонунга хилоф равишда тутиш қуроли ва воситалари, шу жумладан транспорт воситалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб қўйилиши ёки мусодара қилиниши лозим.

Қонунга хилоф равишда тutilган ҳайвонларни ва улардан олинган маҳсулотни айбдор шахслардан олиб қўйиш

имкони бўлмаган тақдирда, уларнинг қиймати қонун ҳужжатларида назарда тутилган миқдорлар ва тартибда ундирилади.

235. Амалдаги қонунларда «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик мавжудми?

Ҳа, бу «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 39, 41-моддаларида мустақкамланган. Уларга кўра ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Юридик ва жисмоний шахслар ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш туфайли етказилган зарарни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қоплашлари шарт. Зарарни қоплаш айбдорларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликдан озод қилмайди.

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш масалаларига доир юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

236. Ов қилиш ёки балиқ тутиш қондаларини, шунингдек, ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қондаларини бузганлик учун қандай жавобгарлик мавжуд?

Бундай қоидабузарлик Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексда қайд этилган. Ушбу Кодекснинг 90-моддасига мувофиқ ов қилиш, балиқ тутиш ёки балиқ захираларини, шунингдек, ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қондаларини бузиш;

шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли ва ашёларни мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваргача, мансабдор шахсларга эса — иккидан бир қисмидан икки бараваргача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Тегишли рухсат бўлмай туриб ёки тақиқланган жойларда ёхуд тақиқланган муддатларда, тақиқланган қуроллар ёки усуллар билан ов қилиш ва балиқ тутиш, шунингдек, ов қилишга ёки балиқ тутишга оид бошқа қондаларни мунтазам равишда бузиш;

шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга, ёхуд шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, уч йилгача муддатга овоз қилиш ҳуқуқидан маҳрум этишга сабаб бўлади.

237. Ҳайвонлар яшайдиган муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларини, зоологик ва ботаник коллекцияларни вужудга келтириш ва улар билан савдо қилиш қоидаларини бузиш, шунингдек, ҳайвонларни ўзбошимчалик билан бошқа жойга кўчириш, иқлимлаштириш ёки чатиштириш учун ҳам маъмурий жавобгарлик мавжудми?

Албатта, бу масала «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 92-моддасида белгиланган. Унга кўра ҳайвонлар яшайдиган муҳитни ва уларнинг кўчиш йўллари муҳофаза қилиш қоидаларини, зоологик ва ботаник коллекциялар билан савдо қилиш қоидаларини, шунингдек, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларини, зоологик ва ботаник коллекцияларни бошқа жойга жўнатиш ва чет элга олиб кетиш қоидаларини бузиш, худди шунингдек, ҳайвонларни ўзбошимчалик билан бошқа ерга кўчириш, иқлимлаштириш ёки чатиштириш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

238. «Қизил китоб»га киритилган ҳайвонлар ва ўсимликлар турларини сақлашга зарар келтиради деб топилган ҳайвонлар ёки ўсимликларни қонунга хилоф равишда олиб келиш учун ҳам жавобгарлик борми?

Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган ҳайвонлар ва ўсимликлар турларини сақлашга зарар келтиради, деб топилган ҳайвонлар ёки ўсимликларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб келиш «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 93-моддасига мувофиқ —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

239. Ноёб ёки йўқ бўлиб кетиш хавфида турган ҳайвонларнинг қирилиб кетиши ёки сони камайиб кетишига, яшаш муҳити бузилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ҳаракатлар учун қандай маъмурий жазо чораси қўлланилади?

Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган ҳайвон турларига мансуб ноёб ёки йўқ бўлиб кетиш хавфида турган ҳайвонларни йўқ қилиб юбориш, ўлжа қилиш ёхуд уларнинг тухум, увилдириқ қўядиган инларини, бошпаналарини йўқ қилиш, инлари, уялари ва бошқа яширин жойларини бузиш ёхуд шундай ҳайвонларнинг қирилиб кетишига, сони камайиб кетишига ёки яшаш муҳити бузилишига сабаб бўладиган бошқа ҳаракатлар содир этиш ёхуд шундай ҳайвонларни овлаш рухсатномасида кўрсатилган шартларни бузган ҳолда ўлжа қилиш —

шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли бўлган ашёларни мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса — икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин ҳаракат бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли бўлган ашёларни мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (МЖТКнинг 94-моддаси).

240. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини бузганлик учун жиноий жавобгарлик ҳам белгиланганми?

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 202-моддасида ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Унга кўра овчилик, балиқчилик ёки ҳайвонот дунёсининг бошқа турларини ушлаш қоидаларини бузиш ноёб ҳайвонларни тутишнинг белгиланган тартиби ёки шартларини ёхуд ўсимликларнинг дори-дармон, озиқ-

овқат ва манзарали (декоратив) турларини йиғиш ёки тайёрлаш, шунингдек, махсус табиий ҳудудлардаги ҳайвонот ва ўсимлик олампидан фойдаланиш тартибини бузиш анча миқдорда зарар етказишига сабаб бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қamoқ билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

а) ҳайвонлар, паррандалар, балиқ, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг «Қизил китоб»га киритилган бошқа турларини нобуд қилиш билан;

б) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки қилинмай уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмишлар:

а) хавфли рецидивист томонидан;

б) шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб;

в) ер, сув ёки ҳавода ишлатиладиган механизациялаштирилган воситалардан фойдаланиб;

г) портлаш қурилмалари, заҳарли кимёвий моддалар ёки бошқа ялпи қириб юборадиган ёки нобуд қиладиган усулларни қўллаган ҳолда;

д) уюшган гуруҳ томонидан;

е) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

VIII

ЎСИМЛИК ДУНЁСИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Ушбу бобда Ўзбекистон Республикасидаги ўсимликлар дунёси ҳақида фикр юритилиб, Олий Мажлис томонидан 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни, унинг вазифалари ва аҳамияти, ўсимлик

дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви ҳамда мулкчилик масалалари, ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ва уларнинг турлари масаласига эътибор берилган.

Шунингдек, ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланишни чеклаш, тўхтатиб туриш ва ман этиш ҳоллари, ўсимликлар дунёсидан қандай мақсадларда фойдаланиш, фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш ҳолатлари батафсил ёритилган. Бундан ташқари бу бобда ботаника коллекцияларини тўплаш тартиби, ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва такрор етиштириш йўллари, ўсимлик дунёси объектлари ўсадиган муҳитни муҳофаза қилиш тартиби, ушбу объектларни давлат томонидан ҳисобга олиш ва давлат кадастрининг қандай амалга оширилиши, ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш устидан давлат назорати қай тартибда олиб борилиши ҳамда қонун ҳужжатларини ва талабларини бузганлик учун юридик жавобгарлик масалаларига ҳам кенг ўрин берилган.

241. Ўзбекистон Республикасида ўсимликлар дунёси ҳақида қандай маълумотлар берилган?

Ўзбекистон ўсимликлар дунёсининг хилма хиллиги, турларига ғоят бойлиги ва уларнинг халқ ҳўжалигидаги муҳим салмоғи билан Марказий Осиёда ўзига хос ўринга эга. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Ботаника институтида олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, ўлкада 146 оилга мансуб ўсимлик турлари борлиги маълум бўлди. Буларнинг аксарият қисмини қоқидошлар (600 га яқин тур), бурчоқдошлар (450 га яқин тур), бугдойдошлар (260 га яқин тур), карамдошлар, ялпиздошлар, швиддошлар, шўрадошлар, лолодошлар, чиннигулдошлар, ёронгулдошлар, говзобондошлар, раънодошлар каби йирик оилаларнинг вакиллари ташкил этади. Ўзбекистон флораси пайдо бўлиши, тарқалиши, тур, туркум ва оилаларнинг умумий ўхшашлиги жиҳатидан Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар, Эрон, Афғонистон ўсимлик қопламига жуда яқин туради.

Ўзбекистон флораси узоқ тарихга эга. Палеоботаник тадқиқотлар республика ҳудудида қуруқликдаги юксак ўсимликларнинг (псилофитлардан тортиб) барча эволюцион даврларига оид ўсимлик қолдиқлари борлигини кўрсатди. Ҳатто ҳозирги Қизилқум чўлларида бир вақтлар

бу ерларда ўсган хурмо, чинор, терак каби дарахт ва буталарнинг қолдиқлари топилган.

Ўзбекистонда ўсимликлар ўсмайдиган жой йўқ. Уларни текисликдаги қумли чўллардан тортиб, қорли баланд тоғларгача бўлган турли рельеф ва тупроқ шароитида учратиш мумкин. Ўзбекистон ўсимликларининг тарқалишини ёритиш учун тавсия этилган тўрт тик минтақа (чўл, адир, тоғ, яйлов) асос қилиб олинди. Ҳар бир минтақа ўзига хос рельеф, иқлим, тупроқ ва ўсимлик дунёсига эга.

242. Ўсимликлар дунёси бирор қонун билан тартибга солинганми?

Ҳа, Ўзбекистон Республикасида ўсимликлар дунёсини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишнинг ҳуқуқий тартиби 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган. Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни билан тартибга солинган. Жумладан «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун табиий шароитда ўсадиган ўсимлик дунёсини, шунингдек, такрор етиштириш ва генетик фондини сақлаш учун экиб ўстириладиган ёввойи ўсимликларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиди.

Ўрмонларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар ўрмонлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Қорақалпоғистон Республикасида ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун ҳужжатларидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

243. «Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари нималардан иборат?

Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

— флоранинг тур бўйича таркибини ва генетик фондини табиий шароитларда сақлаб қолиш;

— табиий ўсимлик жамоаларининг ва ёввойи ўсимликлар ўсадиган муҳитнинг бир бутунлигини сақлаб қолиш;

— ўсимлик дунёсидан оқилона фойдаланишни ва уни такрор етиштиришни таъминлаш;

— юридик ва жисмоний шахсларнинг ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш (Қонуннинг 2-моддаси).

244. Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви ҳамда мулкдорлик қандай тартибга солинади?

Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, махсус ваколат берилган давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги махсус ваколат берилган давлат бошқарув органларидир.

Ўсимлик дунёси давлат мулки — умуммиллий бойлик бўлиб, ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат муҳофазасидадир (3, 4-моддалар).

245. Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ва уларнинг турлари қандай?

«Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 6—7-моддаларига кўра ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш умумий ва махсус бўлиши мумкин.

Ўсимлик дунёси объектларидан умумий фойдаланиш жисмоний шахслар томонидан ҳаётий зарур эҳтиёжларни қондириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда ва тартибда бепул амалга оширилади.

Ўсимлик дунёси объектлари махсус фойдаланишга, ишлаб чиқариш фаолиятини ва бошқа фаолиятни амалга ошириш учун ҳақ эвазига юридик ва жисмоний шахслар-

га рухсатномалар асосида бериб қўйилади. Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш учун объектларнинг, турини, ҳажмини ва муайян ҳудуд доирасида фойдаланиш муддатини белгилайдиган рухсатнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, ваколатли давлат органлари томонидан берилди. Ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш турлари қуйидагилардан иборат:

- чорвачилик эҳтиёжлари учун ёввойи озуқа маҳсулотини тайёрлаш;
- чорва молларини ўтлатиш;
- ўсимлик дунёси объектларидан овчилик хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш;
- ёввойи ўсимликлар техник хом-ашёсини тайёрлаш;
- ёввойи ўсимликлар доривор хом-ашёсини тайёрлаш (йиғиш);
- ёввойи ўсимликларни озиқ-овқат мақсадлари учун тайёрлаш (йиғиш); дарахт ва буталарни кесиш;
- ўсимлик дунёси объектларидан илмий-тадқиқот мақсадларида фойдаланиш;
- ўсимлик дунёси объектларидан маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреацион ва эстетик мақсадларда фойдаланиш;
- ўсимлик дунёси объектларидан табиатни муҳофаза қилиш мақсадида фойдаланиш;
- қонун ҳужжатларида ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланишнинг бошқа турлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

246. Ўсимликлар дунёси объектларидан фойдаланиш нормативи қандай?

Ушбу масала қонуннинг 9-моддасида ўз аксини топган. Унга қўра ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш нормативлари қуйидагилардан иборат:

доривор ва озуқабоп ўсимликларнинг ёввойи турларини ҳамда ўсимликлар техник хом-ашёсини тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан келишиб тасдиқланган квотлар:

Табиий пичанзорлар ва яйловларда пичан ўриш ҳамда чорва молларини ўтлатишнинг маҳаллий давлат ҳокимия-

ти органлари тегишли қишлоқ ва сув хўжалиги, шунингдек, ўрмон хўжалиги давлат органлари тақдимномаси бўйича тасдиқланган нормалари ва муддатлари: қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа нормативлар

247. Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланувчиларнинг қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлари мавжуд?

Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларига риоя этишлари;

— фойдаланишга бериб қўйилган ўсимлик дунёси объектларидан оқилона фойдаланишлари;

— ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва уларни такрор етиштириш чора-тадбирларини амалга оширишлари;

— ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш жойларида ёнғин хавфсизлигига риоя этишлари ва ёнғинга қарши тадбирларни амалга оширишлари, ёнғин чиққан ҳолларда эса уни ўчириш чораларини кўришлари;

— ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланганлик учун ҳақни ўз вақтида тўлашлари шарт;

Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланувчилар қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишлари мумкин (10-модда).

248. Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланишни чеклаш, тўхтатиб туриш ва ман этиш ҳоллари қандай?

Ўсимлик дунёси объектларини сақлаб қолиш ва уларни такрор етиштириш ҳамда ўсадиган муҳитни сақлаш ва қайта тиклаш мақсадида ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чеклаб қўйилиши, тўхтатиб турилиши ёки ман этилиши мумкин.

Қўриқхоналар, қўриқланадиган тегралар ва табиат ёдгорликларида ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимлик турларини тайёрлаш (йиғиш) ман этилади.

Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган ўсимлик турларидан фойдаланиш, улар билан (улар-

нинг қисмлари ёки фаолият маҳсуллари билан) савдо қилиш, уларни чет элга олиб чиқиш алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг тақдимномаси ҳулосаси бўйича берадиган рухсатномалар асосида йўл қўйилади (11-модда).

249. Қонунда чорвачилик эҳтиёжлари учун ёввойи озуқа маҳсулотини тайёрлаш ва чорва молларини ўтлатиш масаласи ҳам кўрсатилганми?

Ҳа, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддасига мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар томонидан чорвачилик эҳтиёжлари учун ёввойи озуқа маҳсулотини тайёрлаш ва чорва молларини ўтлатиш ана шу мақсадлар учун уларга махсус бериб қўйилган табиий ем-хашак етиштириладиган майдонларда қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- ўрмон фонди ҳудудида — ўрмон билетлари бўйича;
- қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари эгаллигидаги ерлар ҳудудида — уларнинг рухсатномалари бўйича;
- захирадаги ерларда — маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари асосида.

250. Ўсимликлар дунёсидан қандай мақсадларда фойдаланиш мумкин?

Юқорида тилга олинган қонуннинг 13, 14, 16, 17, 18-моддаларига биноан юридик ва жисмоний шахсларнинг ўсимлик дунёси объектларидан овчилик хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиши, уларга ўсимлик дунёси объектларини олиб қўймаган ҳолда берилган овчилик ерларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Табиий ўсимликлар жамоаларида ёввойи ўсимликлар доривор ва техник хом-ашёсини, озиқ-овқат мақсадлари учун ёввойи ўсимликларни юридик ва жисмоний шахслар томонидан тайёрлашга (йиғишга) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўл қўйилади.

Ёввойи ўсимликларни, уларнинг қисмларини ва маҳсулларини ўсиш муҳитидан ажратиб олмасдан ва ажратиб олган ҳолда ўсимлик дунёси объектларидан илмий-тадқиқот мақсадларида фойдаланишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўл қўйилади.

Табиий ўсимликлар жамоаларида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун тегишли юридик шахсларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда махсус участкалар ажратилиши мумкин бўлиб, бу участкаларда ўсимлик дунёси объектларидан бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг фойдаланиши илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш мақсадларига номувофиқ бўлса, бундай фойдаланиш чекланади ёки ман этилади.

Ўсимлик дунёси объектларидан маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреацион ва эстетик мақсадларда фойдаланиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Шифобахш хусусиятларга эга бўлган ва аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароит яратадиган ўсимлик дунёси объектларидан соғломлаштириш ва рекреацион мақсадларда фойдаланилади.

Ўсимлик дунёси объектларидан табиатни муҳофаза қилиш мақсадларида фойдаланиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

251. Дарахт ва буталарни кесиш қай ҳолатларда амалга оширилади?

Қонуннинг 15-моддасига асосан ўрмон фонди ерларида дарахт ва буталарни кесиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган рухсатномалар бўйича амалга оширилади.

Ўрмон фондига санитария мақсадларида ҳамда бинолар, иншоотлар ва коммуникациялар қурилиши билан боғлиқ, ҳолдагина маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси билан келишилган қарорига биноан йўл қўйилади.

252. Қандай ҳолларда ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш мумкин?

«Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддасига мувофиқ ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

— ўсимлик дунёси объектидан фойдаланиш ҳуқуқидан воз кечилганда;

- белгиланган фойдаланиш муддати тугаганда;
 - ўсимлик дунёси объектдан фойдаланиш ҳуқуқи берилган юридик шахс тугатилганда;
 - ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни такрор етиштириш қоидалари, нормативлари ва бошқа талаблари бузилганда;
 - ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланганлик учун ҳақ белгиланган муддатда тўланмаганда;
 - фойдаланиш таъсирида табиий ўсимликлар жамоаларида аслига қайтариб бўлмайдиган ўзгаришлар хавфи туғилганда;
 - ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда.
- Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

253. Ботаника коллекциялари тўплаш тартиби қандай?

Юқорида тилга олинган қонуннинг 22-моддасига асосан илмий, маданий-маърифий, ўқув-тарбиявий ёки эстетик қимматга эга бўлган ботаника коллекциялари давлат ҳисобидан ўтказилиши лозим.

Ботаника коллекцияларини тўплаш ва уларни тўлдириб бориш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг ёввойи ўсимликларни олишига қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилган тақдирда йўл қўйилади.

Ботаника коллекцияларининг эгалари бўлмиш юридик ва жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган ҳисобга олиш, тўлдириб бориш, асраш, сотиб олиш ва сотиш, жўнатиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва ундан олиб чиқиш қоидаларига риоя этишлари шарт.

254. Ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва такрор етиштириш йўллари нималардан иборат?

Қонуннинг 23-моддаси талабига кўра ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва такрор етиштириш қўидаги йўллар билан таъминланади:

- ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни такрор етиштириш қоидалари ва нормативларини белгилаш;

— Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га кири-
тилган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсим-
ликлар турларини муҳофаза қилишнинг алоҳида режими-
ни белгилаш;

— ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланишда чек-
лашлар ва тақиқлар белгилаш;

— ўсимлик дунёси объектлари ўсадиган муҳитни му-
ҳофаза қилиш талабларига риоя қилиш;

— алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бар-
по қилиш;

— ўсимлик дунёси объектлари ва улар ўсадиган му-
ҳитни муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни
такрор етиштириш соҳасидаги илмий тадқиқотларни таш-
кил этиш;

— давлат экологик экспертизаси ўтказиш;

— ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва
улардан фойдаланиш устидан давлат назоратини амалга
ошириш;

қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа тадбирларни
амалга ошириш.

2.55. Ўсимлик дунёси объектлари ўсадиган муҳитни муҳофаза қилиш тартиби қандай?

Ўсимлик дунёси объектлари ўсадиган муҳитга таъсир
кўрсатадиган фаолият ўсимлик дунёси объектларининг
сақланишини таъминлайдиган талабларга риоя этилган
ҳолда амалга оширилиши лозим.

Ўсимлик дунёси ўсадиган муҳитга салбий таъсир кўр-
сатиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш объектларини
жойлаштириш ва улардан фойдаланиш, янги технология-
ларни жорий этиш, геология-қидирув ишларини ўткази-
ш, фойдали қазилмаларни қазиб олиш, чорва моллар
ўтлатиладиган ҳамда қишлоқ хўжалиқ ҳайвонларини ҳай-
даб ўтиладиган жойларни аниқлаш Ўзбекистон Респуб-
ликаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва
Ўзбекистон Республикаси Давлат Ўрмон қўмитаси билан
келишиб олиниши шарт.

Ўсимлик дунёси объектлари ўсадиган муҳитни ҳимоя
қилиш чора-тадбирлари билан таъминланмаган ишлаб
чиқариш объектларини ишга тушириш ҳамда технология-
ларни қўлланиш ман этилади.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, уларнинг ўси-
шини тезлаштирувчилар, минерал ўғитлар ва бошқа до-
риларнинг қўлланиш пайтида ўсимлик дунёси объектла-
ри ва улар ўсадиган муҳитни муҳофаза қилиш талаблари
ҳисобга олинган зарур. Юридик ва жисмоний шахслар
ёввойи ўсимликлар нобуд бўлишининг ва улар ўсадиган
муҳит ёмонлашишининг олдини олиш мақсадида мазкур
дориларни ташиш, сақлаш ва қўлланиш қоидаларига риоя
этишлари шарт.

Табиий ўсимликлар жамоаларида ўсимликларни ўзбо-
шимчалик билан ёқиб юбориш ман этилади (24-модда).

256. Ўсимлик дунёси объектларини давлат томонидан ҳисобга олиш ва давлат кадастри қандай амалга оширилади?

Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилишни таъминлаш ва
ундан оқилона фойдаланишни ташкил этиш учун ўсим-
лик дунёси объектлари ва улардан фойдаланишнинг дав-
лат ҳисоби, ўсимлик дунёси объектларининг давлат ка-
дастри юритилади.

Ўсимлик дунёси объектларининг давлат кадастри ўсим-
лик дунёси объектларининг жўгрофий тарқалиши, улар-
нинг миқдори, ҳўжаликда фойдаланилиши тўғрисидаги
маълумотлар мажмуини, улар ўсадиган муҳитнинг тавси-
фини ўз ичига олади.

Ўсимлик дунёси объектларининг давлат ҳисоби ва дав-
лат кадастри Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳқа-
маси белгилаган тартибда ягона тизим бўйича юритилади
(26-модда).

257. Ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш устидан давлат назорати қай тартибда олиб борилади?

Мазкур қонуннинг 27-моддасига асосан:

ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва улар-
дан фойдаланиш устидан давлат назорати маҳаллий дав-
лат ҳокимияти органлари, шунингдек, Ўзбекистон Рес-
публикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси
томонидан қонун ҳўжатларида белгиланган тартибда
амалга оширилади.

Ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш устидан идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

258. Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун қандай жавобгарлик белгиланган?

«Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунда қатъий белгилаб берилган. Унинг 28-моддасига кўра ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Юридик ва жисмоний шахслар «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун ҳужжатларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда қоплашлари шарт. Зарарни қоплаш айбдорларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликдан озод қилмайди.

259. Амалдаги қонунчиликда «Қизил китоб»га киритилган ўсимликларни йиққанлик учун қандай жавобгарлик мавжуд?

Бундай жавобгарлик «Ўзбекистон Республикасининг амалдаги «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги қоллексида аниқ кўрсатилган. Унинг 81-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасининг «Қизил китоби»га киритилган ўсимликларни ёхуд шундай ўсимликларнинг илдизлари, поялари, шохлари, барглари, гуллари, мевалари ва уруғларини ўзбошимчалик билан йиғиш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса — икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

260. Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ва бошқа дориларни ташиш, сақлаш ва қўлланиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик қандай миқдорда белгиланган?

Бундай жавобгарлик юқорида тилга олинган кодекснинг 89-моддасида белгилаб қўйилган. Унга кўра — ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини, уларнинг ўсишини тезлаштирувчи воситаларни, минерал ўғитлар ва бошқа дориларни ташиш, сақлаш ва қўлланиш қоидаларини тупроқ, сув, атмосфера ҳавосининг ифлосланишига ёки ўсимликлар, ҳайвонот дунёсининг йўқ қилиб юборилишига олиб келиши мумкин бўлган тарзда бузиш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса ёхуд тупроқ, сув, атмосфера ҳавосининг ифлосланишига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига зарар етишига олиб келса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

261. Ўсимлик дунёси билан боғлиқ қандай ҳолат учун Ўзбекистон Республикаси амалдаги «Жиноят кодекси»да жавобгарлик белгиланган?

«Жиноят кодекси»нинг 199-моддасида ўсимликлар касалликлари ёки зараркунандалари билан кураш талабларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган. Унга кўра — ўсимликлар касалликлари ёки зараркунандалари билан кураш талабларини бузиш оғир оқибатларга сабаб бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ДАВЛАТ ЕР КАДАСТРИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Сиз ўқиётган ушбу бобда, Олий Мажлис сессиясида биринчи марта 1998 йил 28 августда қабул қилинган «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги қонун, унинг мақсади ҳамда вазифалари ҳақида фикр юритилган.

Давлат ер кадастри тушунчаси Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастри юриштининг асосий принциплари, давлат бошқаруви, Вазирлар Маҳкамасининг давлат ер кадастрини юритиш соҳасидаги ваколатлари, давлат ҳокимияти, маҳаллий органлар, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат кўмитасининг давлат ер кадастрини юритиш соҳасидаги ваколатлари масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри Бош бошқармасининг давлат ер кадастрини юритиш соҳасидаги ваколатлари, мамлакатимизда давлат ер кадастрини юритиш, ер кадастри ҳужжатлари, ер кадастри дафтарига киритиладиган маълумотлар, ерларнинг миқдори ва сифатини ҳисобга олишнинг аҳамияти, тупроқ банитировкаси, ернинг қиймат баҳоси, ер кадастри дафтари ва кадастр улуғ суратга олишнинг аҳамияти ва бошқа муаммолар ёритилган.

Айниқса, ер кадастри хариталари ва режаларининг ҳаётий аҳамияти, ер кадастрига доир ахборот масаласи ва унинг тизими тушунчаси, давлат ер кадастри юритишни молиялаш ҳамда ушбу Қонун ҳужжатларини бузганлик учун юридик жавобгарликнинг ёритилиши китобхонларимизга мазкур муаммони кенгроқ тушунишга ёрдам беради.

262. 1998 йил 28 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясида «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Унинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

Мазкур қонуннинг мақсади давлат ер кадастри юриштининг, иқтисодиётни ривожлантириш, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг кафолатларини таъминлаш, ерлардан оқилона фойдаланиш, уларни қайта тиклаш ва муҳофаза қилиш учун кадастр маълумотларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини белгилашдан иборат. Ушбу Қонун 26 та моддадан иборат бўлиб, биринчи марта қабул қилинди.

263. Давлат ер кадастри нима?

Давлат ер кадастри Давлат кадастрлари ягона тизимнинг асосий таркибий қисми ҳисобланиб, у ерларнинг табиий, ҳўжалик, ҳуқуқий режими, тоифалари, сифат хусусиятлари ва қиммати, ер участкаларининг ўрни ва ўлчамлари, уларнинг ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар ўртасидаги тақсимоти тўғрисидаги маълумотлар ҳамда ҳужжатлар тизимидан иборатдир.

Давлат ер кадастри ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини, ерларнинг миқдори ва сифатининг ҳисобга олинишини, тупроқ бонитировкасини, ерларнинг қиймат баҳосини, шунингдек, ер кадастрига доир ахборотлар бир тизимга солиниши, сақланиши ва янгилаб турилишини ўз ичига олади.

264. Ўзбекистон Республикасида Давлат ер кадастри юритиш қандай асосий принципларга таянади?

Ушбу масала мазкур қонуннинг 4-моддасида ўз ифодасини топган. Унга кўра давлат ер кадастрини юритишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

мамлакатнинг бутун ҳудудини тўла қамраб олиш;
фазовий координаталарнинг ягона тизимини қўллаш;
ер кадастрига доир ахборотлар ишлаб чиқиш услубиётининг бирлиги;

ер кадастрига доир ахборотларнинг тўғри бўлиши.

265. Давлат ер кадастрини юритиш соҳасидаги давлат бошқаруви қандай?

Давлат ер кадастрини юритиш соҳасидаги давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ва махсус ваколат берилган давлат бошқаруви органлари амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси давлат ер кадастрини юритиш соҳасидаги махсус ваколат берилган давлат бошқаруви органлари ҳисобланади (5-модда).

266. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат ер кадастрини юритиш соҳасидаги ваколатлари нималардан иборат?

Бу қонуннинг 6-моддасида ўз ифодасини топган. Унга асосан давлат ер кадастрини юритиш соҳасида қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларига киради:

ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилган ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш;

молиялаш ва инвестициялаш соҳасидаги устувор йўналишларни белгилаш ва масалаларни ҳал этиш;

ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги ҳар йилги миллий ҳисоботни тасдиқлаш;

ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни ва ер участкаларига оид битимларни давлат рўйхатига олиш тартибини белгилаш;

топография-геодезия, картография ишларига ҳамда давлат ер кадастрини юритиш билан боғлиқ бошқа ишларга лицензия бериш тартибини белгилаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

267. Давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг давлат ер кадастрини юритиш соҳасидаги ваколатларичи?

Давлат ер кадастрини юритиш соҳасида қуйидагилар давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг ваколатларига киради:

ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни ва ер участкаларига оид битимларни давлат рўйхатига олиш;

давлат ер кадастрини юритиш ишларини маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаш;

давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш ва назорат қилиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш (7-модда).

268. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитасининг давлат ер кадастрини юритиш соҳасидаги ваколатларига нималар киради?

Давлат ер кадастрини юритиш соҳасида қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитасининг ваколатларига киради:

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида давлат ер кадастри юритилишига доир ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ва бу ишларни мувофиқлаштириш;
давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;

Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги ҳар йилги миллий ҳисоботни тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармасини Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш учун зарур бўладиган давлат ер кадастри материаллари ва маълумотлари билан белгиланган тартибда таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси билан ҳамкорликда вилоятлар, туманлар ва аҳоли пунктларининг маъмурий чегараларини белгилаш (аниқлаш)га доир ишларни ташкил этиш ва юритиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси билан ҳамкорликда белгиланган тартибда норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш (8-модда).

269. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармасининг давлат ер кадастрини юритиш соҳасидаги ваколатларига нималар қиради?

Давлат ер кадастрини юритиш соҳасида қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармасининг ваколатларига қиради:

Давлат кадастрлари ягона тизимига тақдим этиладиган ер кадастрига доир ахборотларнинг таркиби, ҳажмлари ва уларга қўйиладиган техник талабларни белгилаш; шаҳар ва посёлкаларда давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитасини давлат ер кадастрини юритиш учун зарур бўлган аэрокосмик суратлар, турли масштабдаги план-картогра-

фик асослар, топографик ишлар ва маълумотлар билан белгиланган тартибда таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси билан ҳамкорликда вилоятлар, туманлар ва аҳоли пунктларининг маъмурий чегараларини белгилаш (аниқлаш)га доир ишларни ташкил этиш ва юритиш;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси билан ҳамкорликда норматив ҳужжатларни белгиланган тартибда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш (9-модда).

270. Ўзбекистон Республикасида Давлат ер кадастрини юритиш қандай олиб борилади?

Давлат ер кадастрини юритиш қуйидагилар билан таъминланади:

аэрокосмик суратга олишларни, топография-геодезия, картография, тупроқшунослик, агрохимия, геоботаникага оид ва бошқа изланишлар ва талқиқотларни ўтказиш. ерларни миқдор ва сифат жиҳатдан ҳисобга олиш ва баҳолаш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатига олиш;

ер ресурслари бўйича туман хизматларининг фаолиятини, кўчмас мулк давлат кадастри туман ва шаҳар хизматларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

ерлар мавжудлиги ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш;

жорий тадқиқотлар, суратга олишлар ҳамда ер мониторинги материалларидан фойдаланган ҳолда ер-кадастр ахборотларига оид маълумотлар мажмуини яратиш ва тартибга солиб туриш.

Давлат ер кадастрини юритиш Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитасининг ер ресурслари бўйича туман хизматлари томонидан шаҳар ва посёлкаларда эса — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармасининг кўчмас мулк давлат кадастри туман ва шаҳар хизматлари томонидан амалга оширилади.

Ер кадастрини юритиш туманда (шаҳарда) қуйидаги йўл билан амалга оширилади:

ер участкаларига бўлган ҳуқуқни ва ер участкаларига доир битимларни давлат рўйхатига олиш;

кадастр суратга олишларини ўтказиш;

ер участкалари эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва ер участкалари мулкдорларидан маълумотлар олиш, уларнинг тўғрилигини текшириш, ер кадастрига доир ҳужжатларга жорий ўзгартишлар киритиш.

271. Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги миллий ҳисоботни тайёрлашнинг моҳияти нималардан иборат?

Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги миллий ҳисобот ҳар йили тайёрланади ҳамда бутун мамлакат ва маъмурий-ҳудудий бирликлар бўйича ерларнинг миқдор ва сифат ҳолати ҳамда уларнинг баҳоси ерларнинг тоифаларга бўлиниши, тармоқлар, ер участкаларининг эгалари, ер участкасидан фойдаланувчилар, ер участкаси ижарачилари, мулкдорлари бўйича тақсимланиши тўғрисидаги маълумотларни ва ер кадастрига оид бошқа ахборотни ўз ичига олади.

Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги миллий ҳисоботга киритиладиган маълумотларни тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади (11-модда).

272. Ер кадастри ҳужжатлари деганда қандай ҳужжатлар тушунилади?

Ер кадастри ҳужжатлари ер участкаларига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар, туман (шаҳар) ер кадастри дафтари, ерларнинг миқдор, сифат ҳолати ва уларнинг баҳоси тўғрисидаги ҳисоботлар кадастр хариталари, планлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлардан иборатдир (12-модда).

273. «Давлат кадастри тўғрисида»ги қонунга асосан ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш тартиби қандай?

Қонуннинг 13-моддасига асосан ер участкаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ҳуқуқини, ер участкаларини ижарга олиш ҳуқуқини, шунингдек, ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини, шу жумладан сервитутлар тўғрисидаги битимлар ва бу ҳуқуқларга доир бошқа чек-

лашларни давлат рўйхатига олиш туман (шаҳар) ер кадастри дафтарига тегишли маълумотларни киритиш орқали ер участкаси жойлашган ерда амалга оширилади.

Ер участкаларини эгаллик қилиш, фойдаланиш ва ижара ҳуқуқида шунингдек, мулк қилиб олган юридик ва жисмоний шахслар ер участкаларига бўлган ўз ҳуқуқларини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказишлари шарт.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг юзага келиши, ўзгага ўтиши, чекланиши ва бекор қилиниши давлат рўйхатига олиниши лозим. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда рўйхатга олиш йиғими ундирилади.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш белгиланган тартибда, юридик ёки жисмоний шахснинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатига олиш ишларини амалга оширувчи органга берган аризасига асосан амалга оширилади.

Давлат рўйхатига олиш ариза берилган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда амалга оширилади.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисида рўйхатга олинган сана ва рўйхатга олинганликнинг рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берилади.

274. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш вақтида туман (шаҳар) ер кадастри дафтарига қандай маълумотлар киритилади?

Юқорида келтирилган қонуннинг 14-моддасига биноан ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш вақтида туман (шаҳар) ер кадастри дафтарига қуйидаги маълумотлар киритилади:

ер участкасига бўлган ҳуқуқни олган шахс тўғрисидаги; ер участкаси тўғрисидаги (ернинг тоифаси, фойдаланиш мақсади, ернинг тури, унинг сифати, чегаралари, майдони, кадастр рақами ва бошқа тавсифлари);

ер участкасининг берилиш шартлари, уни сақлаш вазифалари ва сервитутлар тўғрисидаги;

туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ер участкасини давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ажратиладиган зонага киритиш хусусидаги қарорлари тўғрисидаги;

давлат рўйхатига олинганлик ҳақидаги гувоҳноманинг тартиб рақами ва у берилган сана тўғрисидаги.

Ер кадастри дафтарига қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа маълумотлар ҳам киритилиши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида санаб ўтилган маълумотлар ер рўйхатига доир ахборотни ташкил этади.

275. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш асослари нималардан иборат?

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни белгиловчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи ҳужжатлар ана шу ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ер участкаларига эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқлари туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ер бериш тўғрисидаги қарорлари асосида рўйхатга олинади.

Ерларни ижарага олиш ҳуқуқи ер участкасини ижарага олиш шартномаси асосида рўйхатга олинади.

Ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи бундай ҳуқуққа оид давлат ордери, олди-сотди шартномалари ва ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи юзага келишига асос бўладиган, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатларга асосан рўйхатга олинади.

Бинога, иморатга ва иншоотга бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтиши натижасида юзага келган ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи ана шу мулкларнинг олди-сотдиси, алмаштирилганлиги, ҳадя этилганлиги, васият қилинганлиги тўғрисидаги тегишли шартномалар ва ер участкасига оид тегишли ҳужжатлар асосида рўйхатга олинади.

Сервитутлар тўғрисидаги битимлар ҳамда ер участкаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, уларни ижарага олиш, мулк ҳуқуқларига доир бошқа чеклашлар тегишли шартномалар, суднинг қарорлари асосида рўйхатга олинади (15-модда).

276. Ерларнинг миқдори ва сифатини ҳисобга олишнинг аҳамияти нимада?

Юқорида тилга олинган қонуннинг 17-моддасида кўрсатилишича ерларнинг миқдори ва сифатини ҳисобга олиш уларнинг ҳақиқий ҳолати ва улардан фойдаланилишига қараб, ер участкалари ва майдонлари, аҳоли пунктлари, туманлар, вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва умуман Ўзбекистон Республикаси бўйича амалга оширилади.

Ер участкалари бўйича ер миқдорини ҳисобга олиш ер участкаларининг ўлчами, уларнинг қиммати ва талаб қилинадиган ўлчаш аниқлигига қараб, геодезик ва (ёки) картометрик усулларда амалга оширилади.

Ер майдонлари бўйича ер миқдорини ҳисобга олиш ер участкалари доирасида асосан картометрик усулда амалга оширилади.

Ер сифатини ҳисобга олиш табиий-қишлоқ хўжалиги бўйича районлаштиришни, тупроқ ва ерларни таснифлашни, уларни агрономик, экологик, технологик ва шаҳарсозлик белгилари бўйича тавсифлашни, тупроқни гуруҳларга ажратишни ўз ичига олади.

Ерларнинг миқдорини ва сифатини ҳисобга олиш асосий ва жорий турларга бўлинади.

Ерларни ҳисобга олишнинг асосий тури (инвентаризация) жойнинг ўзида ер участкаларининг ва майдонларининг чегаралари, жойлашган ўрни, ҳолати ва улардан фойдаланиш хусусиятига доир ўзгаришлар талайгина тўпланганлигига қараб, даврий равишда ўтказилади, бунда ерларнинг план-картографик асоси тегишли масштабларда янгиланиши, тупроқ, геоботаник ва бошқа хил текширувлар ўтказилиши шарт.

Ерларнинг жорий ҳисоби кадастр ҳужжатлари ва маълумотларининг тўғри бўлишини таъминлаш мақсадида юритилади, бунда ерларнинг ҳуқуқий ҳолати, миқдори ва сифат ҳолатида ва улардан фойдаланиш борасида юз берган ўзгаришлар аниқланади ҳамда рўйхатга олинади. Зиммасига давлат ер кадастри юритиш вазифаси юклатилган тегишли органларга ер участкаларининг эгалари, улардан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарачилари ва мулкдорлари содир бўлган ўзгаришлар тўғрисида бир ой муддатда ахборот беришлари шарт.

Ерларнинг ўлчами, жойлашган ўрни, майдон турлари ва сифат ҳолатига оид қайд этиладиган маълумотлар ерни ҳисобга олиш ахборотини ташкил этади.

277. Тупроқ бонитировкаси нима?

Тупроқ бонитировкаси — қишлоқ хўжалиги экинлари агротехникаси ўртача даражада бўлганидаги тупроқ сифати ҳамда табиий унумдорлик қувватига бериладиган қиёсий баҳо.

Тупроқ бонитировкаси қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг кейинги қиймат баҳосини чиқариш, мулкый пайларнинг миқдорини аниқлаш, ер тузишни амалга ошириш ва ерлардан оқилона, самарали фойдаланишни рағбатлантириш учун асосдир.

Тупроқ бонитировкаси тегишли қишлоқ хўжалиги майдонлари учун юз балли шкала бўйича ўтказилади. Яхши хоссаларга эга бўлган, ғоят унумдор тупроқ юқори балл билан баҳоланади.

Тупроқ бонитировкаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилади.

Тупроқ бонитировкасига доир маълумотлар ер баҳосига оид ахборотни ташкил этади (18-модда).

278. Амалдаги қонунга асосан ерларнинг қиймат баҳоси қандай?

Барча тоифадаги ерларнинг қиймат баҳосини чиқариш натура ва қиймат кўрсаткичлари тизими ёрдамида амалга оширилади. Ерларнинг қиймат баҳоси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чиқарилади.

Турли мақсадларга мўлжалланган ерлардан фойдаланиш самарадорлиги даражасини аниқлаш, ер учун тўланадиган ҳақ ва унинг норматив баҳосини ҳисоблаб чиқариш, ерларни кимошди савдоси асосида реализация қилиш пайтида бошланғич баҳосини аниқлаш, ерларни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишда йўл қўйилган нобудгарчилик ва кўрилган зарарларни қоплаш учун ерларнинг қиймат баҳоси чиқарилади.

Ерларнинг қиймат баҳосига доир маълумотлар ер баҳосига оид ахборотни ташкил этади.

279. Туман (шаҳар) ер кадастри дафтари ҳақида нималар дейиш мумкин?

Юқорида кўрсатилган қонуннинг 20-моддасида кўрсатилганидек, туман (шаҳар) ер кадастри дафтари ерларни давлат рўйхатига олиш, ҳисобга олиш ва уларни

баҳолаш бўйича асосий ҳужжат бўлиб, ер участкасининг жойлашган ўрни, қайси мақсадда фойдаланиш мўлжалланганлигини, унга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, уни ижарага олиш ҳуқуқларини ва унга бўлган мулк ҳуқуқини аниқлаш учун зарур маълумотларни ўз ичига олади, ер участкасининг миқдор ва сифат ҳолати ҳамда баҳоси тўғрисидаги ахборот манбаи ҳисобланади.

Ер кадастри дафтарининг тузилиши, мазмуни ва уни юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

280. Кадастр учун суратга олишнинг аҳамияти нимада?

Кадастр учун суратга олиш ер участкалари ва майдонлари чегараларини белгилаш ҳамда картография қилиш, уларни кадастр хариталари ва планларида акс эттириш мақсадида амалга оширилади.

Кадастр учун суратга олиш аэрофото-геодезик ва ер устида бажариладиган услубларда, топографик-геодезик ишларни бажариш, тупроқ, геоботаник ва бошқа хил махсус текширувлар учун белгиланган техникавий талабларга мувофиқ ер участкасининг ўлчамидан келиб чиқадиган масштабларда амалга оширилади (21-модда).

281. Ер кадастри хариталари ва планларининг ҳаётий аҳамияти нимада?

Ер кадастри хариталари ва планлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мавзуси, ҳудудларни (республика, вилоят, туман, аҳоли пунктлари, ер участкалари) қамраб олиши, масштаблари ва бошқа белгилари бўйича таснифланади.

Туман ер кадастри харитаси, аҳоли пункти ва ер участкасининг планлари график ҳужжатлар бўлиб, улар ер участкасининг жойлашган ўрнини, майдонлари, чегараларини, ерларни баҳолаш зоналарини, сув манбаларини, ер участкасида жойлашган бинолар ва иншоотларни акс эттириш, шунингдек, кадастрга доир тегишли тавсифлар олиш мақсадида тузилади ҳамда уларга тузатишлар киритилади.

Ер кадастри хариталари ва планлари ахборотларни ифода қилишнинг анъанавий воситалари (қоғоз, пластик) ёрдамида ҳам, электрон воситалар (рақамли хариталар) ёрдамида ҳам тузилади (22-модда).

282. «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги қонуннинг 23-моддасида Ер кадастрига доир ахборот масаласи кўрсатилган. Ушбу муаммонинг ҳуқуқий асоси ва аҳамияти нимада?

Ер кадастрига доир ахборотлар ерни рўйхатга олиш, ерни ҳисобга олиш ва ер баҳосига оид ахборотлар мажмуини ташкил этади ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, шунингдек, манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар фойдаланиши учун мўлжалланган бўлади.

Ер кадастрига доир ахборотни бериш тартиби, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ерлардан фойдаланиш, уларни тиклаш ва муҳофаза қилиш, ер участкалари бериш (реализация қилиш) ва уларни олиш қўйиш, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш, ер тузиш ишларини бажариш, хўжалик фаолиятига баҳо бериш ҳамда ердан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бошқа тадбирларни амалга ошириш чоғида давлат ер кадастри маълумотларидан фойдаланилиши шарт.

Ер кадастрига доир ахборот давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига текинга тақдим этилади, юридик ва жисмоний шахсларга эса ҳақ эвазига берилади.

Ер кадастрига доир ахборотдан фойдаланувчилар бундай ахборотни қонун ҳужжатларида назарда тутилган муддатлар ва ҳажмларда ёки шартнома асосида олишга ҳақлидирлар.

Юридик ва жисмоний шахслар ер кадастрига доир ахборот маълумотлари қайта кўриб чиқилишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

Давлат сирини сақлаш мақсадида қонун ҳужжатларида ер кадастрига доир ахборотлар олишни чеклайдиган ёки тақиқлайдиган ҳоллар назарда тутилиши мумкин.

283. Ер кадастрига доир ахборот тизими тушунчаси қонунда қандай кўрсатилган?

Қонуннинг 24-моддасида кўрсатилишича, ер кадастрига доир ахборот тизими — ер ресурслари тўғрисидаги фазовий мувофиқлаштирилган маълумотларни тўплаш, улар устида ишлаш, уларни акс эттириш ва тарқатишни амалга оширувчи автоматлаштирилган жуғрофий ахборот тизимидир.

Ер кадастрига доир ахборот тизими ер ресурсларини рўйхатга олиш, баҳолаш, уларнинг истиқболини белгилаш ва улардан фойдаланишни бошқаришнинг илмий ҳамда амалий вазифаларини ҳал этиш учун мўлжалланган.

Ер кадастрига доир ахборот тизими: мўлжалланиши бўйича — кўп мақсадли ва махсус; худудни қамраб олиши бўйича — локал, минтақа ва республика тизимига бўлинади.

284. Давлат ер кадастри юритишни молиялаш масаласи қандай олиб борилади?

Қонуннинг 25-моддасига асосан, давлат ер кадастрини юритиш борасидаги ишлар давлат бюджетидан, шунингдек, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олганлик учун ундириладиган маблағлар ва қонун ҳужжатлари билан ман этилмаган бошқа манбалар ҳисобидан молияланади.

285. «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик масаласи ҳам кўрсатилганми?

Албатта, мазкур қонуннинг 26-моддаси айнан шу масалага бағишланган.

Унга кўра давлат ер кадастри тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Х

ЕРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ВА УНИ ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Мазкур боб ер бойликлари, уларнинг ҳаётий, экологик ва иқтисодий аҳамиятини баён этишга бағишланган. Зеро, мустақил давлатимизда ер ресурсларидан қандай фойдаланиш ва нималар қилиш кераклиги масаласига алоҳида эътибор берилмоқда.

Ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, ер билан боғлиқ барча муаммолар 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси» асосида ёритиб берилган.

Китобхон «Ер кодекси», унинг мақсади ҳамда вазифалари, асосий принциплар, ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги Вазирлар

Маҳкамасининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари, ер захиралари тоифалари, ер участкалари, ер тузишнинг вазифалари ва мазмуни, ер мониторинги давлат ер кадастри тушунчалари билан ҳам танишиши мумкин.

Шунингдек, Республикамизда ерга бўлган мулкчилик, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари, ер участкаси ижараси, ер участкаларидан иморат қуриш учун фойдаланиш тартиби, ер учун ҳақ тўлаш, ер участкаларини бериш ва давлат рўйхатиغا олиш тартиби, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни бекор қилиш ҳоллари ва унга бўлган ҳуқуқларнинг кафолатларига ҳам эътибор берилган.

Зеро, китобхонлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар, суғориладиган ерларни пай жамғармасига бериш, ширкат хўжалигида ердан фойдаланиш, оила (жамоа) пудрати, фермер хўжалигида ердан фойдаланиш, деҳқон хўжалигида ер участкалари бериш, жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун, ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун ер бериш тартибининг ҳуқуқий томонларини билиб олишлари мумкин.

Ушбу бобда шаҳар ва посёлка ерлари, аҳоли пунктлари, қишлоқ аҳоли пунктлари ерлари, саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ерлари, табиатни муҳофаза қилиш мақсадига мўлжалланган ерлар, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларидаги ерлар, тарихий-маданий аҳамиятга эга ерлар, ўрмон захираси, сув захираси ва бошқа ерларнинг ҳуқуқий тартиби ҳақида ҳам фикр юритилган.

Шунингдек, ерларни муҳофаза қилиш, экологик талаблар, улардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни иқтисодий рағбатлантириш, муҳофаза устидан давлат назоратини олиб бориш тартиби, ердан фойдаланувчи ва ер эгаларига етказилган зарар ўрнини қоплаш ҳамда ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун юридик жавобгарлик масалалари ҳам ёритилган.

286. Ўзбекистон Республикасининг ер майдони ва унинг иқтисодий аҳамияти ҳақида нима биласиз?

Табиат бойликлари орасида ер, ер ресурслари алоҳида хусусиятга эга бўлиб, қандай давлат бўлмасин, унинг иқтисодий қудрати у билан боглиқдир. Жумладан, мустақил Ўзбекистонимиз халқининг ҳаёти, турмуш тарзи, фаолияти ва фаровонлигининг туб асоси ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга суянади. Шу сабабли уни муҳофаза этиш ўта муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг умумий ер майдони 44,9 миллион

гектар, жумладан қишлоқ хўжалик тармоғига ажратилган ерлар 28 миллион гектар, (яъни бутун ҳудуднинг 62 фоизини ташкил этади) шундан, 23 миллион гектар саҳро ерларда жойлашган яйловлар, 0,7 миллион гектар лалми ҳайдаладиган, 4,3 миллион гектар ер эса суғориладиган ерларни ташкил этиб, бу 15 фоиз ҳудудни ўз ичига олади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 95 фоизи ана шу тоифага кирадиган ерлардан олинади.

287. Ўзбекистон Республикасида ер билан боғлиқ муносабатлар қандай қонунлар билан тартибга солинади?

Ўзбекистон Республикасида ер билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Ер кодекси» ва ана шу қонунларга асосланиб чиқарилган бошқа қонун ва қонун кучидаги ҳужжатлар билан тартибга солинади. Бундай ҳужжатлар жумласига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари Ўзбекистон Республикаси Ер, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмиталари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг тегишли қарор ҳамда айрим буйруқлари киради.

Шунингдек, ер билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)»; «Деҳқон хўжалиги», «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунлар ҳам Ўзбекистон Республикасининг «Жинойят, Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида»ги, «Солиқ кодекси»лари ва бошқа қонунлар муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ сув, ўрмон, тоғ-конга тааллуқли муносабатлар, шунингдек, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бошқа махсус қонунлари билан ҳам тартибга солинади.

288. Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»ни қабул қилиш сабаблари ва унинг мазмуни нималардан иборат?

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессияси 1998 йил 30 апрель куни Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси»ни қабул қилди. У

амалиётга йўналтирилди ва ишлай бошлади. Мазкур кодекс қабул қилинишида энг аввало, республикамиз иқтисодиёти ўрин ола бошлади. Бозор муносабатларининг талаби, мустақиллик шароитида давлатнинг ер бойликларига нисбатан бўлган муносабати, ерга нисбатан мулкчилик, унга эгалик ва ер билан боғлиқ бўлган бошқа хусусиятлар тўла инobatга олинди. Мазкур «Ер кодекси» 14 боб, 91 моддадан иборат бўлиб, илгари амалда бўлган 1990 йил 20 июндаги «Ер тўғрисида»ги қонундан ҳар томонлама ва тубдан фарқ қилади.

«Ер кодекси»нинг 1-боби «Умумий қоидалар» деб номланиб, 7 та моддани ўз ичига олади. Унда ушбу Кодекснинг асосий вазифалари, принциплари, Вазирлар Маҳкамаси ва юқори ҳамда маҳаллий ҳокимият органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари очиқ-ойдин акс эттирилган.

Унинг 2-боби эса Ер фонди масаласига бағишланган бўлиб, бу ердаги 8, 9, 10-моддаларида ер фонди тоифалари, уларни бўлиш ва бошқа тоифага ўтказиш ҳамда ер участкалари ҳақида тушунча ва талаблар кўрсатилгандир.

Кодекснинг 3-бобида ер тузиш муаммоси ёритилиб, бунда қишлоқ хўжалигининг табиий мослашуви жиҳатидан ерларни районлаштириш (11-моддада), ер тузишнинг асосий вазифалари ва мазмуни (12-модда), ер тузиш лойиҳасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш (13-модда), ер мониторинги (14-моддада), давлат ер кадастри (15-моддада) ҳақидаги талаблар кенг ёритилган.

4-бобда эса ерга бўлган мулкчилик. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари масаласи ҳозирги бозор иқтисодиёти шароити ва талабидан келиб чиқиб батафсил акс эттирилган. Мазкур бобда Ўзбекистон Республикасида ерга бўлган мулкчилик, ер участкаларига эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш, ер участкаси ижараси, ер учун ҳақ тўлаш, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бекор қилиниши тартибида ҳамда ер участкаларининг олиб қўйилиши ва бошқа масалалар батафсил баён этилган. Булар кодекснинг 16—38-моддаларида тўла акс этган.

Кодекснинг 5-бобидаги 39 дан 42-моддагача ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари масаласига бағишланиб, ер эгаси, ердан фойдаланувчи ва ижарачиларнинг ҳуқуқлари, уларни кафолатлаш ҳамда чеклаш масалалари батафсил ёритилган.

Шунингдек, «Ер кодекси»нинг 6-боби 43, 58-моддаларида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тушунчаси ва талаблар муфассал акс эттирилиб, ер таркиби, суғориладиган ерлар, уларни фойдаланишга бериш тартиби, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг қишлоқ хўжалик ерларига нисбатан аниқ мажбуриятлари ва бошқа масалалар ёритилгандир.

Мазкур қонуннинг 7-боби аҳоли пунктларининг (шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг) ерлари уларнинг таркиби ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерларнинг асосий хусусиятлари кўрсатилган (59, 68-моддалар).

8-боб эса «Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар» таркиби, уларга ер бериш ҳолатлари баён этилган (69, 70-моддалар).

Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг ерлари масаласи «Ер» кодексининг 9-боби, 71, 75-моддаларини ўз ичига олиб, ушбу ерларнинг таркиби, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар ва тарихий маданий аҳамиятга молик ерлар аниқ ифодаланган.

Ушбу Қонуннинг 10-боби ўрмон фонди, сув фонди ерлари ва захира ерлар муаммосига бағишланган (76, 76-моддалар).

11-боб «Ерларни муҳофаза қилиш» деб номланиб, унинг мазмуни ва тартиби, ерлардан фойдаланишдаги экологик талаблар, муҳофаза қилишни иқтисодий рағбатлантириш ва бошқа масалалар батафсил ифодаланган (79, 82-моддалар).

Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назорат масаласи 12-бобда ифодаланган бўлиб, унинг асосий вазифалари, амалга оширувчи органлар, назоратни амалга ошириш тартиби каби масалалар кенг ёритилган (83, 85-моддалар).

13-боб ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачиларига ва мулкдорларига етказилган зарар ҳамда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқарилиши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш масаласига бағишланган бўлиб, бу борада қўйиладиган талабларга тўла ўрин берилган (86, 88-моддалар).

Ниҳоят, мазкур қонуннинг 14-боби «Ер хусусидаги низоларни ҳал этиш ҳамда ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик» деб номланиб,

жавобгарликнинг аниқ тартиблари тўла акс эттирилган (89, 90-моддалар).

289. Қабул қилинган «Ер кодекси»нинг қандай хусусиятларини кўрсатиш мумкин?

Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг қуйидаги алоҳида хусусиятларини таъкидлаш жоиздир:

Биринчидан, «Ер кодекси» Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ердан оқилона фойдаланиш ва уни ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг асосини ташкил этади.

Иккинчидан, у янги ижтимоий тузум бозор муносабатларини мустақамлаш учун янги ҳуқуқий замин тайёрлаб, қишлоқ хўжалигида аграр ислоҳотларни амалга оширишда алоҳида аҳамият касб этади.

Учинчидан, «Ер кодекси» иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётда содир бўлган ўзгаришларни ҳамда қишлоқ хўжалик соҳасидаги ислоҳотларнинг янада чуқурлашишига асосий ҳуқуқий манба бўлади.

Тўртинчидан, 1990 йил 20 июндаги Ўзбекистон Республикасининг «Ер тўғрисида»ги қонунидан батамом фарқ қилиб, ҳозирги шароитдаги ердан фойдаланиш ва уни ҳуқуқий муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган барча муаммоларни тўлароқ акс эттиради.

Бешинчидан, «Ер кодекси» янги талаб ва бозор иқтисодиёти шароитидаги қабул қилинган «Фермер хўжалиги», «Деҳқон хўжалиги» ва «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонун талабларини ҳамда «Ер кадастри тўғрисида»ги янги қонунни қўллаш, амалга оширишда алоҳида аҳамият касб этади. Муҳим манба бўлади.

Олтинчидан, «Ер кодекси»нинг энг муҳим жиҳати унинг барқарорлигидадир. Мазкур қонуннинг барқарорлиги унинг нормалари, принциплари ва аҳамияти узоқ муддатли даврни ҳисобга олиб қабул қилинганлигидадир.

290. «Ер кодекси»нинг асосий вазифалари нималардан иборат?

Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 1-боби «Умумий қоидалар» деб номланиб, 1-моддасида унинг асосий вазифалари кўрсатилган.

Унга кўра ер умуммиллий бойликдир. Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади.

«Ер тўғрисида»ги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб ердан илмий асосланган тарзда, оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва оширишни, табиий муҳитни асраш ва яхшилашни, хўжалик юритишнинг барча шакллари тенг ҳуқуқийлилик асосида ривожлантириш учун шароит яратишни, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ер муносабатларини тартибга солишдан, шунингдек, бу соҳада қонунийликни мустаҳкамлашдан иборат.

291. «Ер тўғрисида»ги қонун ҳужжатлари қандай асосий принципларга асосланган?

«Ер кодекси»нинг 2-моддасига биноан «Ер тўғрисида»ги қонун ҳужжатлари қуйидаги асосий принципларга асосланади:

— энг муҳим табиий ресурс, фуқаролар ҳаётий фаолиятининг асоси тариқасида ер фондини асраш, тупроқ сифатини яхшилаш ҳамда унинг унумдорлигини ошириш;

— ерлардан оқилона, самарали ва белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш;

— қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларнинг, энг аввало суғориладиган ерларнинг алоҳида муҳофаза этилишини, кенгайтириб борилишини ҳамда улардан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш;

— қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда ерларни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишни давлат йўли билан ва бошқа тарзда қўллаб-қувватлаш;

— ерга ва бутун атроф табиий муҳитга зарар етказилишининг олдини олиш, экологик хавфсизликни таъминлаш;

— ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш шакллари-нинг хилма-хиллиги, ер муносабатлари иштирокчилари-нинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш ҳамда уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш;

— ердан фойдаланганлиги учун ҳақ тўлаш;

— ерларнинг ҳолати ҳақидаги ахборотнинг тўлиқ бўлишини ҳамда ундан эркин фойдаланишга йўл қўйилишини таъминлаш.

292. Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари нималардан иборат?

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларига киради:

— ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

— ушбу Кодексга, бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ер муносабатларини тартибга солиш тўғрисида норматив ҳужжатлар қабул қилиш;

— тупроқ унумдорлигини ошириш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқа тадбирлар билан яхлит тарзда ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимият органлари билан биргаликда давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;

— қишлоқ хўжалигининг табиий мослашуви жиҳатидан ерларни районлаштириш, ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;

— давлат мулкидаги ерларни тасарруф этиш;

— ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда вазирликлар ҳамда идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

— ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда ушбу Кодекснинг 36-моддасига мувофиқ бекор қилиш;

— ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини ташкил этиш;

— ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш. (4-модда).

293. Вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари нимадан иборат?

Кодекснинг 5-моддасига кўра ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар: вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимияти органларининг ваколатларига киради:

— тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— ер ресурсларидан белгиланган мақсадда, оқилона ва самарали фойдаланиш, ерларни муҳофаза қилиш ус-тидан давлат назоратини амалга ошириш;

— ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва дав-лат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;

— юридик шахсларга қишлоқ хўжалик эҳтиёжлар ҳамда бошқа давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун эгалик қилиш-га, фойдаланишга ва ижарага ер бериш;

— ўлчамидан қатъий назар барча ерларни олиб қўйиш, алоҳида қийматга эга бўлган унумдор суғориладиган ер-лар, алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар эгаллаган ер-лар, шаҳар атрофи ерлари ва шаҳарларнинг яшил зона-лари ерлари, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва ўқув юрт-ларининг тажриба майдонлари, ўрмон ўсимликлари би-лан қопланган ерлар бундан мустасно;

— дипломатия ваколатхоналари ҳамда уларга тенглаш-тирилган, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотларга мазкур ваколатхоналар-нинг биноларини, шу жумладан, ваколатхона бошлиғи қароргоҳини қуриш учун ер участкаларини мулк этиб реализация қилиш;

— ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунинг-дек, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини белгиланган тар-тибда ушбу Кодекснинг 36-моддасига мувофиқ бекор қилиш;

— ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида ви-лоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органлари-нинг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларини ҳал қилиш.

294. Туманлар давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари нималардан иборат?

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида туманлар давлат ҳокимияти органларнинг ваколатларига киради:

тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тadbирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

фуқароларга, юридик шахсларга эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш, шунингдек, тубдан яхшилаш ишлари амалга оширилган сугориладиган ерлар, пичанзорлар ва яйловлардан ташқари ерларни, ўрмон ўсимликлари билан қопланган ерлардан ташқари ўрмон фонди ерларини, саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган ерларни, сув фонди ерларини олиб қўйиш — ҳар бир ер эгасига ва ердан фойдаланувчига 10 гектаргача ўлчамда:

фуқароларга фермер хўжалиги юритиш учун ерларни ижарага бериш;

фуқароларга, юридик шахсларга захира ерлардан ер участкасининг ўлчамидан қатъий назар, эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш;

ер участкаларини савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари билан биргаликда юридик ва жисмоний шахсларга мулк этиб реализация қилиш;

ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини ким ошди савдоси асосида фуқароларга реализация қилиш;

ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;

ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини, ерни ижарага бериш шартномаларини, шунингдек, сервитутлар тўғрисидаги келишувларни давлат рўйхатига олиш;

ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда ушбу Кодекснинг 36-моддасига мувофиқ бекор қилиш;

қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари, ташкил этилган ҳамда қайта

ташқил этилган, тугатилган ҳолларда, уларни ерга эгалик қилиш ёхуд ердан фойдаланиш масалаларини ҳал этиш;

— ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида туманлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларини ҳал қилиш. (6-модда).

295. «Ер кодекси»да шаҳарлар давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари қандай кўрсатилган?

Унинг 7-моддасига кўра ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар шаҳарлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига киради:

ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

ер участкасининг ўлчамидан қатъий назар, шаҳар чегараси доирасида эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш, шунингдек, ерни олиб қўйиш, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларнинг ерлари бундан мустасно;

ер участкаларини савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари билан биргаликда юридик ва жисмоний шахсларга мулк этиб реализация қилиш;

ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини ким ошди савдоси асосида фуқароларга реализация қилиш;

ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташқил этиш;

ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни, ерни ижарага бериш шартномаларини, шунингдек, сервитутлар тўғрисидаги келишувларни давлат рўйхатига олиш;

ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда ушбу Кодекснинг 36-моддасига мувофиқ бекор қилиш;

ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида шаҳарлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларини ҳал қилиш.

296. Ўзбекистон Республикасида ер фондлари қандай тоифаларга бўлинган?

Ўзбекистон Республикасида ер фонди ерлардан фойдаланишнинг белгиланган асосий мақсадига кўра қуйидаги тоифаларга бўлинади:

1. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар — қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун белгиланган ёки ана шу мақсадга мўлжалланган ерлар. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар суғориладиган ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерлар, ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар кўп йиллик мевали дов-дарахтлар ва токзорлар эгаллаган ерларга бўлинади;

2. Аҳоли пунктларининг (шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг) ерлари — шаҳарлар ва посёлкалар, шунингдек, қишлоқ аҳоли пунктлари чегараси доирасидаги ерлар;

3. Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар — кўрсатилган мақсадларда фойдаланиш учун юридик шахсларга берилган ерлар;

4. Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар — алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эгаллаган, табиий даволаш омилларига эга бўлган ерлар, шунингдек, оммавий дам олиш ва туризм учун фойдаланиладиган ерлар;

5. Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар — тарихий маданий ёдгорликлар жойлашган ерлар;

6. Ўрмон фонди ерлари — ўрмон билан қопланган, шунингдек, ўрмон билан қопланмаган бўлса ҳам, ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлар;

7. Сув фонди ерлари — сув объектлари, сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар ва сув объектларининг қирқоқлари бўйлаб ажратилган минтақадаги ерлар;

8. Захира ерлар. (8-модда).

297. Ерларни тоифаларга бўлиш ва бир тоифадан бошқасига ўтказиш тартиби қандай?

Ерлар асосий фойдаланиш мақсадига қараб ер фонди тоифаларига бўлинади:

Ерлардан асосий фойдаланиш мақсади — ерлардан ер кадастр ҳужжатларида акс эттириладиган аниқ мақсадларни кўзлаб қонун ҳужжатларида белгиланган тартиби ва шартлардир.

Ерларни ер фондининг бир тоифасидан бошқасига ўтказиш ерлардан асосий фойдаланиш мақсади ўзгарган тақдирда амалга оширилади.

Ерларни ер фонди тоифаларига бўлиш ва бир тоифадан бошқасига ўтказиш ерни эгалик қилишга ва фойдаланишга бериш ҳуқуқига эга бўлган органлар томонидан амалга оширилади.

Ер фондининг тоифаси ерни эгалик қилишга ва фойдаланишга бериш ҳуқуқига эга бўлган органлар томонидан қабул қилинадиган ер участкаларини бериш тўғрисидаги қарорларда, ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳномаларда, шартномаларда, бошқа ҳужжатларда, давлат ер кадастри ҳужжатларида, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш ҳужжатларида кўрсатилган.

Ерларни бир тоифадан бошқасига ўтказишнинг белгиланган тартибини бузиш бундай ўтказиш фактларини ғайриқонуний деб ва улар асосида тузилган ер участкаларига доир битимларни ҳақиқий эмас деб топишга, шунингдек, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олишни рад этишга асос бўлади. (9-модда).

298. Ер участкаси нима?

«Ер кодекси»нинг 10-моддасида кўрсатилишича ер участкаси — ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режимга ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг давлат ер кадастрида ва давлат рўйхатига олиш ҳужжатларида акс эттирилладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисмидир.

Ер участкасининг чегараси планларда (чизмаларда) қайд этилади ва натурада (жойнинг ўзида) белгиланади.

Ер участкасининг майдони натурада (жойнинг ўзида) чегара белгиланганидан кейин аниқланади.

Ер участкаси бўлинадиган ва бўлинмайдиган бўлиши мумкин.

Ўзининг асосий фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаган ва ёнғинга қарши, санитария, экологияга оид, шаҳарсозлик ҳамда бошқа мажбурий нормалар ва қоидаларни бузмаган ҳолда қисмларга бўлиш мумкин бўлган ва бу иш амалга оширилганидан кейин ҳосил бўлган қисмларнинг ҳар бири мустақил ер участкасини ташкил этиши мумкин бўлган ер участкаси бўлинадиган ер участкаси ҳисобланади.

Фойдаланиш мақсадига кўра мустақил ер участкаларига бўлиниши мумкин бўлмаган ер участкаси бўлинмайдиган ер участкаси ҳисобланади.

299. Ер тузишнинг вазифалари ва мазмуни нималардан иборат?

Ер тузиш ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ташкил этишга, ер ресурсларини ҳисобга олиш ва баҳолашга, қулай экологик муҳитни вужудга келтиришга ва табиий ландшафтларни яхшилашга, ер тузишнинг ҳудудий ва ички хўжалик режаларини тузишга қаратилган тадбирлар тизимини ўз ичига олади.

Ер тузиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органи қарорига ёки юридик ва жисмоний шахсларнинг талабномаларига мувофиқ ер тузиш хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Ер тузиш истиқболга мўлжалланган, лойиҳалаш олдидан, хўжаликлараро ҳамда ички хўжалик ер тузиш турларига бўлинади.

Истиқболга мўлжалланган ва лойиҳалаш олдидан амалга ошириладиган ер тузишга қуйидагилар киради:

1. республика ва унинг минтақаларининг ер-сув ресурсларидан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш чизмаларини ишлаб чиқиш;

2. туманлар ва вилоятларнинг ер тузилиши чизмаларини ишлаб чиқиш;

3. тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ истиқбол режаларини, республика миқёсидаги ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш;

4. алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг жойлашиши ва чегаралари белгиланишини асослаш.

Хўжаликлараро ер тузишга қуйидагилар киради:

1. жойнинг ўзида овуллар, қишлоқлар, пасёлкалар, туманлар, шаҳарлар, вилоятларнинг чегараларини белгилаш;

2. ерларнинг жойлашишидаги ноқулайликларни бартараф этган ҳолда ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачиларнинг ва мулкдорларнинг янги ер участкаларини ташкил этиш ҳамда мавжуд ер участкаларини тартибга солиш лойиҳаларини тузиш;

3. янги ташкил этилаётган, қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларига ер ажратиб бериш лойиҳаларини тузиш;

4. корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиладиган ерларни ажратиб бериш лойиҳаларини тузиш;

5. ер участкаларини натурада (жойнинг ўзида) ажратиб бериш, ерга эгалик қилиш ҳуқуқини ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни тайёрлаш;

6. янги ерларни ўзлаштириш, қишлоқ хўжалиги ерларини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, бузилган ерларни рекультивация қилиш, тупроқни сув ва шамол эрозиясидан, селлардан, кўчкилардан, сув босишдан, захлашдан, қақраб қолишдан, заранглашишдан, ишлаб чиқариш чиқиндилари, радиоактив ва кимёвий моддалар билан ифлосланишдан ҳимоя қилиш бўйича ишчи лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

7. барча ерларни рўйхатга олиш ҳамда фойдаланилмаётган, самарасиз, фойдаланилаётган ёки белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган ерларни доимий аниқлаб бориш;

8. ерларни ресурс жиҳатидан баҳолаш, ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан ер тузиш ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

9. ерларни баҳолаш тадбирларини ўтказиш.

Хўжаликлараро ер тузиш туманлар ёки бир-бирлари билан ўзаро боғлиқ қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари гуруҳларининг маъмурий чегаралари доирасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳалари бошқа туманлар ёки шаҳар ва посёлкалар ҳудудига тегишли бўлган ҳолларда, уларнинг чегараларини ўзгартириш масалаларини маъмурий-ҳудудий бирликларнинг чегараларини жойнинг ўзида белгилаш тартибда ҳал қилинади.

Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳалари тасдиқлангандан кейин натурага (жойнинг ўзига) кўчирилиб, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар ер участкаларининг чегаралари белгиланган намунадаги марза белгилари билан ажратилади.

Ички хўжалик тузиш турли қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ҳудудини ички

хўжалик негизида белгилаб олиб, илмий асосланган ал-машлаб экишни жорий қилишни, барча қишлоқ хўжалик ерларини (пичанзорлар, яйловлар, тоқзорлар, боғлар ва бошқаларни) жойлаштиришни, тупроқ эрозиясига қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқишни, шунингдек, суғориладиган ерларни тўла реконструкциялашни ўз ичига олади.

Ички хўжалик ер тузиш тури лойиҳаларининг амалга оширилиши устидан ер тузишнинг таркибий қисми бўлган муаллифлик назорати олиб борилади.

Ер тузиш тартибда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бошқа лойиҳалар ҳам ишлаб чиқилиши мумкин. Ер тузиш таркибига топография-геодезия, картография, тупроқ, агрокимё, геоботаника жиҳатидан, тарихий-маданий ва бошқа йўналишда текширишлар ҳамда изланишлар олиб бориш назарда тутилади. (12-модда).

300. Амалдаги «Ер кодекси»га асосан ер тузиш лойиҳасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби қандай амалга оширилади?

Кодекснинг 13-моддасига биноан маъмурий-ҳудудий бирликларнинг чегаралар жойининг ўзида белгилашга доир материаллар, шунингдек, истиқболга мўлжалланган ҳамда лойиҳалаш олдидан ер тузиш ишларига доир бошқа материаллар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Хўжаликлараро ва хўжалик ичидаги ер тузиш лойиҳалари қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари мол-мулкининг мулкдорлари ёки улар ваколат берган органлар томонидан кўриб чиқилади ва қабул қилинади, шунингдек, манфаатдор ташкилотлар билан келишилади.

Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳалари вилоят ҳокими томонидан тасдиқланади. Юридик ва жисмоний шахсларга ер ажратиб бериш лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланади.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ички хўжалик ер тузиш лойиҳалари туман ҳокими томонидан тасдиқланади. Ер тузиш лойиҳаларига ўзгартиришлар ушбу лойиҳаларни тасдиқлаган органларнинг рухсати билан киритилади.

Ер тузишни ер тузиш хизмати органлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Қишлоқ хўжалик экинзорларини жойлаштириш, ерларни яхшилаш ва муҳофаза қилиш, эрозияга қарши ва мелиорация тадбирларини амалга ошириш борасидаги ер тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш юридик ва жисмоний шахсларнинг талабномаларига мувофиқ улар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

301. Ер мониторинги нима?

Ер мониторинги ер таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш учун ер фондининг ҳолатини кузатиб туриш тизимидан иборат.

Давлат ер кадастрини юритишни, ердан фойдаланишни, ер тузишни, ер фондидан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланиш устидан давлат назоратини амалга оширишни, ерларни муҳофаза қилишни ахборот билан таъминлаш ер мониторинги асосида амалга оширилади.

Ер мониторингини ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади (14-модда).

302. Давлат ер кадастри тушунчаси нимадан иборат?

Давлат ер кадастри ерларнинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий режими, уларнинг тоифалари, сифат кўрсаткичлари ва баҳоси, ер участкаларининг жойлашган манзили ва ўлчамлари, уларни ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга, ижарачиларга ҳамда мулкдорларга тақсимлаш тўғрисидаги зарур, ишончли маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборат.

Давлат ер кадастри Ўзбекистон Республикаси давлат кадастрларининг ягона тизимига кирувчи давлат ва тармоқ табиат ресурслари кадастрларининг асосидир.

Давлат ер кадастри ер муносабатларини тартибга солиш, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, ер тузишни ташкил этиш, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорини асослаш, хўжалик фаолиятига баҳо бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни ер тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлашга мўлжаллангандир.

Давлат ер кадастри ернинг қиймат баҳосини аниқлаш учун асос бўлади.

Давлат ер кадастрининг маълумотлари ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда, ер участкалари бериш (реализация қилиш) ва уларни олиб қўйишда, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорларини белгилашда, ер тузиш ишларини ўтказишда, хўжалик фаолиятига баҳо беришда ҳамда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан бошқа тадбирларни амалга оширишда мажбурий тартибда татбиқ этилади.

Давлат ер кадастри бутун республика учун ягона тизим асосида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан давлат кадастри ва ер тузиш хизмати органлари томонидан юритилади.

Давлат ер кадастри юритиш топография-геодезия, картография, тупроқ, агрокимё, геоботаника жиҳатидан ва бошқа йўналишда текшириш ва изланишлар олиб бориш, ерларни ҳисобга олиш ва уларга баҳо бериш, ер эгаларини, ердан фойдаланувчиларни, ижарачиларнинг ҳамда мулкдорларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини олиш билан таъминланади.

Давлат ер кадастрини юритиш тартиби қонун ҳужжатлари билан таъминланади (15-модда).

303. Ўзбекистон Республикасида ерга бўлган мулкчилик қандай ҳал этилади?

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир», деб кўрсатилган.

«Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги қонунда ҳам мазкур масала ҳал этилган. Унинг 19-моддасида жумладан шундай дейилади:

Ўзбекистон Республикасининг мулкига;

ер (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, тартибда ва шартларда мулк қилиб берилган ерлардан ташқари), ер ости бойликлари, ички сувлар, жамҳурият ҳудуди доирасидаги ҳаво ҳавзаси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси киради.

Ушбу муаммо «Ер кодекси»нинг 16-моддасида эса қуйидагича ўз ифодасини топган:

Ер давлат мулки — умуммиллий бойликдир, ундан оқилона фойдаланиш зарур, у давлат томонидан муҳофаза этилади ҳамда олди-сотди қилинмайди, айирбошланмайди, ҳада этилмайди, гаровга қўйилмайди, Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

304. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари қандай?

Юридик шахслар ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин.

Жисмоний шахслар ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин (17-модда).

305. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқлари қандай тартибда вужудга келади?

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари улар жойлашган ер участкалари билан бирга хусусийлаштирилганда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вужудга келади.

Дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотларнинг ер участкаларига мулк ҳуқуқи уларга ўзлари ваколатхона биноси сифатида фойдаланаётган иморат ёки иморатнинг қисмлари, шу жумладан ваколатхона бошлигининг қароргоҳи улар жойлашган ер участкалари билан бирга, шунингдек, мазкур ваколатхоналарнинг иморатларини кўриш учун ер участкалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда реализация қилинганда вужудга келади.

Чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг — дипломатия корпуси ходимларининг, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган матбуот вакилларининг, фирмалар, компаниялар ва халқаро ташкилотлар доимий ваколатхоналари ходимларининг, чет эл инвестицияси

иштирокидаги корхоналардан доимий асосда ишловчи шахсларнинг, шунингдек, республикада доимий истиқомат қилувчи ва яшаш учун гувоҳномаси бўлган шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи уларга уй-жой бинолари шу бинолар жойлашган ер участкалари билан бирга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда реализация қилинганда вужудга келади (18-модда).

306. Қандай пайтларда ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи пайдо бўлади?

«Ер кодекси»нинг 19-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари:

- деҳқон хўжалиги юритиш учун;
- якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун;
- жамоа боғдорчилиги ва узумчилиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга ер участкаси олиш ҳуқуқига эгадирлар;
- ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам берилиши мумкин.

Фуқароларнинг ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи Ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати билан тасдиқланади.

Ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжатининг шакли, уни рўйхатга олиш ва бундай ҳужжатни бериш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

307. Ер участкаларига доимий ва муддатли (вақтинча) эгалик қилиш ҳамда улардан доимий ва муддатли (вақтинча) фойдаланиш ҳуқуқининг мазмуни нималардан иборат?

Ер участкалари юридик ва жисмоний шахсларга доимий ва муддатли (вақтинча) эгалик қилишга ҳамда улардан доимий ва муддатли (вақтинча) фойдаланишга берилиши мумкин.

Ер участкалари корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга қишлоқ ва ўрмон хўжалигини юритиш учун, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса бошқа мақсадлар учун ҳам доимий эгалик қилишга берилади.

Доимий ёки муддатли (вақтинча) фойдаланиш учун ер участкалари:

Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига;
саноат, транспорт ҳамда ноқишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалар ва ташкилотларига;

чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга;

чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга берилади.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ер участкалари фойдаланиш учун бошқа ташкилотлар ва шахсларга ҳам берилади.

Ер участкасига доимий эгалик қилиш ҳуқуқини ер участкасига доимий эгалик қилиш ҳуқуқи берувчи давлат ҳужжати билан тасдиқланади.

Ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати билан тасдиқланади.

Давлат ҳужжатларининг шакллари, уларни рўйхатга олиш ва бундай ҳужжатларни бериш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ер участкаларидан муддатли фойдаланиш қисқа муддатли — уч йилгача ва узоқ муддатли ўн йилгача бўлиши мумкин. Ишлаб чиқариш зарурияти тақозо этганда бу муддатлар тегишлича қисқа муддатли еки узоқ муддатли вақтинча фойдаланиш муддатларидан ортиқ бўлмаган даврга узайтирилиши мумкин. Ер участкаларидан вақтинча фойдаланиш муддатларини узайтириш шу участкаларни берган органлар томонидан амалга оширилади.

Яйлов чорвачилиги учун ер участкалари қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига йигирма беш йилгача муддатга берилиши мумкин (20-модда).

308. Қонунга асосан қандай ҳолларда ер участкасига эгалик қилиш ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқи бошқа шахсга ўтади?

«Ер кодекси»нинг 22-моддасига асосан:

Корхона, бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи, хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки уларни оператив бошқариш ҳуқуқи бошқа шахсга ўтган тақдирда, ана шу объектлар билан биргаликда мазкур объектлар жойлашган ҳамда улардан фойдаланиш учун зарур бўлган ер участкасига эгалик қилиш ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтади.

Уй-жойга, чорбогга бўлган мулк ҳуқуқи (сотиб олиш, ҳада ёки мерос бўйича олиш ва бошқа ҳолларда) жисмоний шахсга ўтган тақдирда, ана шу иморатларга мулк ҳуқуқи билан биргаликда мазкур иморатлар жойлашган барча ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқлари ҳам ўтади.

Корхона, бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мол-мулк жойлашган ер участкасига эгалик қилиш ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши мулкдорларнинг ёки улар ваколат берган органлар ҳамда шахсларнинг тегишли шартномалари, қарорлари асосида туман, шаҳар ер-кадастр дафтариغا ернинг янги эгаси ёки ердан янги фойдаланувчи тўғрисидаги маълумотларни ундан доимий фойдаланиш ёки ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжатларини топшириш йўли билан расмийлаштирилади.

Корхонанинг, бинонинг, иншоотнинг ёки бошқа кўчмас мол-мулкнинг бир қисмига нисбатан мулк ҳуқуқи, хўжалик юритиш ҳуқуқи, уларни оператив бошқариш ҳуқуқи янги мулкдорга ёки бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг эгасига ўтган тақдирда, унга ер участкасининг корхонанинг, бинонинг, иншоотнинг ёки бошқа кўчмас мол-мулкнинг улушига мутаносиб бўлган қисмига эгалик қилиш ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтади, ер участкасини бундай ажратиш мумкин бўлмаган ҳолларда, шунингдек, ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган масалалар юзасидан низолашилган ҳолларда ер участкасининг бўлиниши давлат кадастри ва ер тузиш хизмати органлари томонидан амалга оширилиб, туман, шаҳар ҳокимининг қарори билан тасдиқланади ва шундан кейин ер участкасига эгалик қилиш ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқи давлат рўйхатига олиниб, тегишли давлат ҳужжатлари берилади.

309. Ер участкаларини эгалик қилиш ва фойдаланиш учун бериш (реализация қилиш) қандай тартибда амалга оширилади?

Ер участкаларини эгалик қилиш ва фойдаланиш учун бериш (реализация қилиш) ер ажратиш тариқасида амалга оширилади.

Ер участкаларини ажратиб бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри,

туманлар, шаҳарлар ҳоқимлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Эгаликдаги ёки фойдаланишдаги ер участкасини бошқа шахсларга бериш (реализация қилиш) фақат шу участка белгиланган тартибда олиб қўйилганидан кейин амалга оширилади.

Саноат корхоналари, темир йўллар ва автомобиль йўллари, алоқа ва электр узатиш линиялари, магистрал трубопроводлар қуриш учун, шунингдек, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар ёки қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз бўлган ерлар ёхуд қишлоқ хўжалигининг сифати ёмон ерлари берилди (реализация қилинади). Ўрмон фондига қарашли ерлардан мазкур мақсадлар учун ер участкалари бериш (реализация қилиш) асосан ўрмон билан қопланмаган майдонлар ёки бута ва арзон баҳо дов-дарахтлар билан қопланган майдонлар ҳисобидан амалга оширилади.

Ер тузиш хизмати органлари берилган (реализация қилинган) ер участкасининг чегараларини натурада (жойнинг ўзида) белгилагунарига ва ерга эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатлар берилгунига қадар ана шу участкага эгалик қилиш ва ундан фойдаланишга киришиш тақиқланади.

Ер участкаларини эгалик қилиш ва фойдаланиш учун бериш (реализация қилиш) тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади (23-модда).

310. Ер участкаси ижараси нима?

Ер ижараси Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади. «Ижара тўғриси»даги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 27-моддасида жумладан, шундай дейилади:

— Ер ва бошқа табиий ресурсларни хўжалик ичида ижарага олиш Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва шартномалари билан тартибга солиб турилади.

«Ер кодекси»нинг 24-моддаси талабига кўра эса, ер участкасининг ижараси ер участкасига ижара шартномаси шартларида муддатли, ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланишдан иборатдир.

Ер участкасини шартнома асосида қуйидагилар ижарага берадилар:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ва юридик шахсларига — туман ва шаҳар ҳокимлари;

чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга, чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ер участкаларини ички хўжалик ижараси тартибида фақат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш учун ижарачиларга бириктириб қўйиши мумкин.

Ижарага берилган ер участкаси ёки унинг бир қисмини иккиламчи ижарага бериш тақиқланади.

Ижарага берилган ер участкалари олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши мумкин эмас. Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи кредитлар олиш учун гаровга қўйилиши мумкин. Ижарачи фақат қонунда ёки ижара шартномасида назарда тутилган ҳоллардагина ер участкасига бўлган ўзининг ижара ҳуқуқларини ижарага берувчининг розилигисиз гаровга қўйишга ҳақлидир.

Ер участкалари ижарасининг шартлари ва муддатлари тарафларнинг келишувига биноан белгиланади ва шартномада мустаҳкамлаб қўйилади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ижарага эллик йилгача бўлган, бироқ ўн йилдан кам бўлмаган муддатга берилиши мумкин.

Ижарачи ер участкалари ижара шартномасининг амал қилиш муддати тугагандан кейин шартномани янгилашда бошқа тенг шароитларда устун ҳуқуққа эга.

Ер участкаларини ижарага олганлик учун ҳақ тўлаш тартиби ва унинг миқдори ижара шартномасида қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Ер участкаларини ижарага олиш шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви билан, бундай келишувга эришилмаган тақдирда эса суднинг ҳал қилув қарори билан амалга оширилади.

Ер участкаларини ижарага бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

311. Қандай ҳолларда ва тартибда ер участкаларидан қидирув ишлари учун фойдаланиш мумкин?

Амалдаги «Ер кодекси»нинг 25-моддасига биноан:

Геология-суратга олиш, қидириш, геодезия ва бошқа қидирув ишларини амалга оширувчи корхоналар, муасса-

салар ва ташкилотлар бу ишларни белгиланган тартибда қабул қилинган қарорлар ва тузилган шартномалар асосида барча тоифадаги ерларда ер эгаларидан, ердан фойдаланувчилардан, ижарачилардан ҳамда мулкдорлардан ер участкаларини олиб қўймаган ҳолда амалга оширишлари мумкин.

Суғориладиган ҳайдов ерларида, боғларда, токзорлар, тутзорлар, мевазорлар, тубдан яхшилаш ишлари амалга оширилган пичанзорлар ва яйловларда, ўрмон ўсимликлари билан қопланган ерларда, шунингдек, алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг ерларида қидирув ишларини амалга ошириш учун рухсатномани вилоят ҳокими, бошқа ерларда эса туман ва шаҳар ҳокимлари бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берадилар, зарур ҳолларда бу муддатни узоғи билан яна бир йилга узайтиришга йўл қўйилади.

Қидирув ишларини олиб борувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар иш давомида бузилган ер участкаларини белгиланган мақсадларда фойдаланиш учун ўз ҳисобларидан яроқли ҳолга келтиришлари ва ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга, ер участкаларининг ижарачиларига ҳамда мулкдорларига топширишлари, ерлар, экинзорлар, дов-дарахтлар, ўрмонлар, сувлар ва бошқа табиат объектларининг, трубопроводлар, канализация, мелиорация тармоқлари ва бошқа иншоотларининг яроқли ҳолда сақланишини таъминлаш чораларини кўришлари, шунингдек, ер участкаларини вақтинча эгаллаб туриш муносабати билан ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга, ер участкаларининг ижарачиларига ҳамда мулкдорларига етказилган зарарни (шу жумладан бой берилган фойдани) қоплашлари шарт.

312. Ер участкаларидан иморат қуриш учун фойдаланиш тартиби қандай?

Ер участкаларини (ҳайдаладиган ерлар бундан мустасно) доимий эгалик қилишга ва фойдаланишга, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга, узоқ муддатли вақтинча фойдаланишга, ижарага ва мулк қилиб олган юридик ва jisмоний шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ ер участкасини сақлаш вазифасига оид мажбуриятлар бажарилган тақдирда ўзлари олган корхоналар, бинолар, иморатлар, иншоотларни белгиланган тартибда қуриш, бузиш ёки реконструкция қилишга ҳақлидир (26-модда).

313. Фуқароларга якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун ер участкалари бериш ёки реализация қилиш тартиби қандай?

Шаҳарлар ва посёлкаларда, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг эгалигидаги ерлар таркибига кирмаган қишлоқ аҳоли пунктларида доимий яшаб турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар бир оилга 0,06 гектаргача ер участкалари берилади.

Якка тартибда уй-жой қуриш учун 0,04 гектаргача доирада ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи белгиланган тартибда ким ошди савдоси асосида реализация қилинади (27-модда).

314. Ер учун ҳақ тўлаш тартиби қонунда қандай кўрсатилган?

«Ер кодекси»нинг 28-моддасига кўра Ўзбекистон Республикасида ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўланади.

Ўз эгалигида ва фойдаланишида ҳамда мулкида ер участкалари бўлган юридик ва жисмоний шахслар ер учун ҳақ тўлайдилар. Ер учун ҳақ ҳар йили тўланадиган ер солиги шаклида олинади, унинг миқдори ер участкасининг сифатига, жойлашишига ва сув билан таъминланиш даражасига қараб белгиланади.

Ер солигининг ставкалари, уни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ер участкалари ижарага берилганда ер учун ҳақ ижара ҳақи шаклида олинади, унинг миқдори тарафларнинг келишувига мувофиқ белгиланади, лекин у ер солиги ставкасининг бир бараваридан кам ва уч бараваридан кўп бўлмаслиги керак, ердан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланилган тақдирда ер солиғи ставкасининг бир баравари миқдорида бўлади.

315. Амалдаги қонунчиликда ер участкасини сақлаш вазифалари тартиби кўрсатилганми?

«Ер кодекси»нинг 29-моддасига асосан эгалик қилишга, фойдаланишга, ижара берилган ёки бошқа асосларга би-

ноан олинган ер участкасини сақлаш вазифаси қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидаги мажбуриятлар билан таъминланиши мумкин:

ер участкасини сотиш ёки ўзгача тарзда бошқаларга ўтказишни тақиқлаш;

ер участкасини иккиламчи ижарага ва ёрдамчи пудратга, ушбу Кодекс 51-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолда эса ижарага беришни тақиқлаш;

ер участкасидан асосий фойдаланиш мақсадини ўзгартиришни тақиқлаш;

фаолиятнинг айрим турларини тақиқлаш;

белгиланган тартибда келишувсиз кўчмас мол-мулкнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни, иморат, бино, иншоотни реконструкция қилиш ёки бузишни тақиқлаш;

ер унумдорлигини сақлаш ва ошириш, ирригация ва мелиорация тизимларини соф ҳолатда сақлаш чора-тадбирларини амалга ошириш.

ер участкасида қурилиш қилишни ёки уни ўзлаштиришни белгиланган муддатлар мобайнида бошлаш ва тугаллаш;

табиатни муҳофаза қилиш талабларига риоя қилиш ёки муайян ишларни бажариш, шу жумладан, ер участкасидаги тупроқ қатламлари, ноёб ўсимликларни, табиат, тарих ва маданиятга тааллуқли давлат ёдгорликларини асраш.

Ер участкасини сақлаш вазифаси қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятлар, чеклашлар ёки шартлар билан ҳам таъминланиши мумкин.

Ер участкасини сақлаш вазифаси шартлари унинг ҳуқуқий мақомига киритилиб, давлат рўйхатига олинishi лозим ва у ер участкаси бошқа шахсга ўтганида сақлаб қолинади.

Ер участкасини сақлаш вазифасининг тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

316. Ер қонунчилигига асосан сервитут, яъни ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи нима?

Бу саволга «Ер кодекси»нинг 30-моддасидан жавоб топиш мумкин. Унда таъриф берилишича ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи (сервитут) — қўшни бўлган бир ёки бир неча ер участкаларидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқидир.

Сервитут қуйидаги мақсадларда берилиши мумкин:

— ўзганинг ер участкаси орқали пиёда ёки транспорт-
да ўтиш;

— ўзганинг ер участкасидан электр узатиш, алоқа ли-
ниялари ва трубопроводлар, ирригация, муҳандислик ва
бошқа линиялар ҳамда тармоқлар ўтказиш ва улардан
фойдаланиш;

— ўзганинг ер участкасидан экинзор ва молларни
суғориш учун сув олиш;

— молларни ўзганинг ер участкаси орқали ҳайдаб ўтиш;

— ўзганинг ер участкасидан қидирув, тадқиқот ва бош-
қа ишларни бажариш учун вақтинча фойдаланиш;

— ўзганинг ер участкасида ихота дарахтлари экиш ва
табиатни муҳофаза қилишга тааллуқли бошқа объектлар
барпо этиш.

Сервитут бошқа мақсадларда ҳам белгиланиши мум-
кин.

Сервитут, уни белгилашни талаб қилган шахслар би-
лан ўзга ер участкасининг эгалик қилувчиси, фойдала-
нувчиси, ижарачиси ва мулкдори ўртасидаги келишувга
мувофиқ, келишувга эришилмаган тақдирда эса суднинг
ҳал қилув қарорига биноан белгиланади.

Сервитут тўғрисидаги келишув давлат рўйхатига оли-
ниши лозим ва у ер участкаси бошқа шахсга ўтган вақтда
сақланиб қолади. Сервитут тўғрисидаги келишув уни бел-
гилашга сабаб бўлган асослар барҳам топса, бекор қили-
ниши мумкин.

317. Қандай ҳолларда ер участкасига бўлган ҳуқуқ вужудга келади ва улар қандай тасдиқловчи ҳужжатлар билан асослантирилади?

«Ер кодекси»нинг 31 ва 33-моддаларига биноан юри-
дик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи
жойнинг ўзида чегаралар белгиланганидан, ер участкала-
рининг планлари (чизмалари) ва тавсифлари тузилиб, ер
участкаларига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар дав-
лат рўйхатига олинганидан кейин вужудга келади.

Ер участкасига доимий эгалик қилиш ҳуқуқини бе-
рувчи давлат ҳужжати, Ер участкасидан доимий фойдала-
ниш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати, Ер участкасига
мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш
ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати, Ер участкасига бўлган
мулк ҳуқуқини берувчи давлат ордери, ер участкаси ижа-
раси шартномаси ёки ер участкасидан муддатли фойда-

ланиш шартномаси ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлардир. Бу ҳужжатларда ер участкаси қайси ҳуқуққа асосан берилаётганлиги, ер участкасидан фойдаланишнинг белгиланган мақсади, уни ўзлаштириш муддатлари, ер участкасини сақлаш вазифалари ва сервитутлар кўрсатилади.

318. Ер участкасининг плани ва унинг чегара жойини белгилаш тартиби қандай?

Ер участкасининг плани — ер участкасининг топографик плани бўлиб, қабул қилинган белгиларга мувофиқ унга муайян ер участкасининг чегараларидан вақт жиҳатидан энг сўнгги ер тузилиши лойиҳасига мувофиқ сўнгги бор суратга олинган пайтдаги бутун вазият ва рельеф кўрсатилади.

Ер участкасининг чегараларини жойнинг ўзида ва хариталарида дастлабки тарзда белгилаш ажратиб бериш учун ер участкаси танланган вақтда уни бериш тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар амалга оширилади.

Ер участкасининг планини ва тавсифини тузиш, жойнинг ўзида унинг чегараларини белгилаш ишлари ер тузиш хизмати органлари томонидан бажарилади ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади.

Ер участкасининг тасдиқланган плани ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларнинг ажралмас қисми бўлиб қолади.

Ер участкалари планларининг асли кадастр ишига доир ҳужжатлар орасида сақланади, нусхалари эса ер участкасини олувчига берилади.

Ер участкасининг плани ва тавсифини тайёрлаш, марза белгиларини ўрнатиш, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, ер участкасини олувчининг маблаглари ҳисобидан амалга оширилади (32-модда).

319. Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиялари таркиби қандай?

«Ер кодекси»нинг 34-моддасида рўйроқ кўрсатилган. Унга кўра ер участкаларини эгалик қилишга, фойдаланиш ва ижарага бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳузурида ҳокимлар бошчилигидаги доимий ишлай-

диган комиссиялар тузилиб, улар таркибига давлат кадастри ва ер тузиш хизмати, табиатни муҳофаза қилиш, архитектура, санитария-эпидемиология хизмати органлари, фуқаролар йигинларининг вакиллари ва бошқа шахслар киритилади.

320. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш тартиби қандай?

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари давлат рўйхатига олиниши керак.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш ер участкалари жойлашган ерда амалга оширилади.

Давлат реестрига қуйидагилар киритилади:

1. ер участкасига бўлган ҳуқуқни олган шахс тўғрисидаги маълумотлар; — — —

2. ер участкасининг тавсифи (ерларнинг тоифаси, фойдаланиш мақсади, майдонининг тури, сатҳи, биргаликда эгалик қилиш ёки фойдаланиш улуши, чегаралари, кадастр тартиб рақами ва бошқа тавсифномалар);

3. ер участкаси бериш тўғрисидаги шартнома талабларига, ер участкасини сақлаш вазифалари ва сервитутларга оид маълумотлар;

4. ваколатли органларнинг ер участкасини давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ажратиб олиш зонасига кириши тўғрисидаги қарорлари;

5. қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа маълумотлар.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар тўғрисидаги зарур ҳужжатлар келиб тушган пайтдан эътиборан ўн кунлик муддат ичида маҳаллий давлат ҳокимияти органи томонидан амалга оширилади.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатига олингани тўғрисида рўйхатга олинган сана ва тартиб рақами кўрсатилган ҳолда гувоҳнома берилади.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

1. ер участкасига бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги зарур ҳужжатларнинг йўқлиги;

2. тақдим этилган ҳужжатларда ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган маълумотларнинг йўқлиги;

3. ер участкасининг асосий фойдаланиш мақсади белгиланган қоидаларини бузган ҳолда ўзгартирилганлиги;

4. ер участкаси умумий майдонининг белгиланган нормалари келишув натижасида бузилганлиги;

5. давлат рўйхатига олиш органида мазкур ер участкаси кимга тегишли эканлиги тўғрисида низо борлигидан далолат берувчи ҳужжатлар мавжудлиги;

6. давлат рўйхатига олиш органида, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини, уй-жой биноларини, бошқа бинолар ва иншоотларни мусодара қилиш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори мавжудлиги;

7. рўйхатга олиш йигими тўланганлиги тўғрисида ҳужжат йўқлиги, агар қонун ҳужжатларида бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса;

8. ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тўғрисидаги белгиланган тартибда қабул қилинган қарор.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади. (35-модда)

321. Амалдаги қонунчиликка асосан ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни бекор қилиш ҳоллари қай асосда амалга оширилади?

«Ер кодекси»нинг 36-моддасига биноан бутун ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқи ёхуд ундан доимий ёки муддатли фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи қўйидаги ҳолларда бекор қилинади:

1. ер участкасидан ихтиёрий воз кечилганда;

2. ер участкаси берилган муддат тугаганда;

3. юридик шахс тугатилганда;

4. ерларни ижарага олиш шартномаси бекор қилинганда ёки бекор бўлганда;

5. хизматдан фойдаланиш учун чек ер бериб қўйишга асос бўлган меҳнатга оид муносабатлар бекор бўлганда, агар қонун ҳужжатларида бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса;

6. ер участкасидан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланилганида;

7. ер участкасидан оқилона фойдаланилмаганда, бу қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ҳосилдорлик даражаси уч йил мобайнида нормативда (кадастр баҳосига кўра) паст бўлишида ифодаланганда;

8. ер участкасидан тупроқ унумдорлиги пасайишига, унинг кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишига, экологик вазиятнинг ёмонлашувиға олиб келадиган усуллар билан фойдаланилган тақдирда;

9. қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ер солиғи шунингдек, ижараға олиш шартномасида белгиланган муддатларда ижара ҳақи мунтазам тўланмай келинганда;

10. қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ер участкасидан бир йил мобайнида ва қишлоқ хўжалиги соҳасиға тааллуқли бўлмаган эҳтиёжлар учун бериб қўйилган ер участкасидан икки йил мобайнида фойдаланилмаганида;

11. мерос қилиб қолдирилган умрбод эғалик қилиш ҳуқуқини берувчи ордер ким ошди савдоси асосида сотиб олинганидан кейин ер участкасидан икки йил мобайнида фойдаланилмаганида, ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эғалик қилиш ҳуқуқи гаровда бўлган тақдирда эса, гаров шартномаси муддати мобайнида фойдаланилмаганида фойдаланилмаётган ер участкалари аввалги эгаларидан улар тўлаган қиймати қопланган ҳолда олиб қўйилади;

12. ер участкаси ушбу Кодекс назарда тутилган тартибда олиб қўйилганида.

Қонун ҳужжатларида ер участкаларига эғалик қилиш ҳуқуқи, ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи ва ер участкаларини ижараға олиш ҳуқуқини бекор қилишнинг бошқа ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин.

322. Ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи қандай ҳолларда бекор қилинади?

Қонунға кўра ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи куйидаги ҳолларда бекор қилинади:

1. савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек, уй-жой бинолари ва бошқа бинолар ёки биноларнинг бир қисми шу бинолар жойлашган ер участкалари билан бирға сотилганда;

2. давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек, уй-жой бинолари ва бошқа бинолар ёки биноларнинг бир қисми улар жойлашган ер участкалари билан бирғаликда қайта сотиб олинганда;

3. қонунда белгиланган ҳолларда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек, уй-жой бинолари ва бошқа иморатлар ёки иморатларнинг бир қисми улар жойлашган ер участкалари билан бирга мусодара этилганда.

Ушбу модданинг биринчи қисми 1—11-бандларида ва учинчи қисми 2-бандида кўрсатилган ҳолларда ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд муддатли фойдаланиш ҳуқуқини, шунингдек, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини ва ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини бекор қилиш ер тузиш хизмати органларининг ёки ердан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларнинг тақдимномасига мувофиқ ҳуқуқлар бекор қилинишининг асослари тўғрисидаги тасдиқловчи ҳужжатлар бўйича тегишлича туманлар, шаҳарлар, вилоятлар, ҳокимларнинг қарорлари ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилади.

Ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқини, ер участкаларидан доимий ёки муддатли фойдаланиш ҳуқуқини, шунингдек, ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини бекор қилиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва мазкур мансабдор шахсларнинг қарорларига рози бўлмаган юридик ва жисмоний шахслар бу қарорлар устидан суд тартибида шикоят қилишлари мумкин.

Ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқи ва ер участкаларидан доимий ёки муддатли фойдаланиш ҳуқуқини, шунингдек, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини бекор қилиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ер участкасининг эгалик қилувчиси, фойдаланувчиси, ижарачиси ҳамда мулкдори ер участкасига бўлган ҳуқуқлардан воз кечишдан яққол далолат берувчи хатти-ҳаракатлар (чет элга жўнаб кетганлик, ер участкасидан белгиланганидан кўпроқ муддат давомида фойдаланмаслик) содир этган тақдирда, бу ер участкаси қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда эгасиз мол-мулк тариқасида ҳисобга олинади.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқлардан воз кечиш мазкур ер участкасининг эгалик қилувчиси, фойдаланувчиси, ижарачиси ҳамда мулкдори мажбуриятларининг, ер участкаси бошқа шахсга берилгунга қадар, бироқ воз кечилган

пайтдан ёки эгасиз мол-мулк тариқасида давлат рўйхатига олинган кундан эътиборан узоғи билан бир йил мобайнида, бекор қилинишига сабаб бўлмайди. (36-модда).

323. Ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш, қайта сотиб олиш тартиби қандай?

Ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер эгасининг розилиги билан ёки ердан фойдаланувчи ва ижарачи келишилган ҳолда тегишинча туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан олиб қўйилади.

Ер эгаси, ердан фойдаланувчи ва ижарачи ер участкасини олиб қўйиш ҳақидаги тегишинча туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига рози бўлмаган тақдирда, бу қарорлар устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Корхоналар, бинолар ва иморатлар қуриш учун ер участкаларини олиб қўйишдан манфаатдор бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар лойиҳалаш бошлангунга қадар ҳудудни комплекс ривожлантиришни таъминлашни инobatга олган ҳолда объект қуриладиган жойни, участканинг тахминий ўлчами ва уни ажратиш шартларини ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар, тегишинча туман, шаҳар, вилоят ҳокими ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан олдиндан келишиб олишлари шарт. Бундай тарзда олдиндан келишиб олинмагунга қадар лойиҳа ишларини молиялашга йўл қўйилмайди.

Ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ҳамда объект қуриладиган жойни олдиндан келишиб олиш, шунингдек, ер ажратиб беришни расмийлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки бўлган ер участкасини савдо ва хизмат кўрсатиш объекти ёки уй-жой биноси ва бошқа бино ёки бинонинг бир қисми билан бирга давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун қайта сотиб олиш ушбу Кодекснинг 41-моддасида назарда тутилган кафолатлар таъминланган ҳолда тегишинча туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан амалга оширилади. (37-модда).

324. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ҳам ер участкаси олиб қўйилиши мумкинми?

«Ер кодекси» 36-моддаси биринчи қисмининг 6, 11-бандларида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек, ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган бошқа ҳолларда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи орган ер эгасини ёки ердан фойдаланувчини олдиндан огоҳлантирганидан кейин ер участкасини берган органга ер участкасини олиб қўйиш ҳақида тақдимнома киритади. Ер участкасини берган орган тақдимнома асосида бир ойлик муддатда ер участкасини олиб қўйиш ҳақида қарор чиқаради. Ер участкасини олиб қўйиш масаласини ҳал қилиш ваколат доирасига кирувчи орган, зарур ҳолларда, ер участкасининг ҳолатини ҳамда ер эгаси ёки ердан фойдаланувчи томонидан ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг сифатини қўшимча равишда текширишни тайинлашга ҳақли.

325. Қонунчиликда ер эгаси, ердан фойдаланувчилар, ижарачи ва ер участкаси мулкдорининг ҳуқуқи қай тарзда белгиланган?

«Ер кодекси»нинг 39-моддасига кўра ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдори қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1. ер участкасида ундан фойдаланиш мақсадига мувофиқ мустақил хўжалик юритиш;

2. қишлоқ хўжалик экинзорлари ва қўчатзорлари ҳамда дов-дарахтларга, етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулоти ва уни реализация қилишдан олинган даромадга бўлган мулк ҳуқуқи?

3. ер участкасидаги мавжуд кенг тарқалган фойдали қазилмалар, ўрмонзорлар, сув объектларидан хўжалик эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда фойдаланиш, шунингдек, ернинг бошқа фойдали хоссаларини ишга солиш;

4. ерларни сугориш ва уларнинг захини қочириш, агротехника ва бошқа мелиорация ишлари ўтказиш;

5. қишлоқ хўжалик экинларини, дов-дарахтларни сугориш ҳамда бошқа мақсадлар учун сугориш манбаларидан лимитларга мувофиқ сув олиш;

6. белгиланган тартибда уй-жой бинолари, ишлаб чиқариш, маданий-маиший ҳамда бошқа иморатлар ва

иншоотларни барпо этиш, ер участкаларидан фойдаланиш мақсади ва лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ уларни қайта қуриш ва бузиб ташлаш. Ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар бу ишларни ер эгалари билан келишиб амалга оширишга ҳақли;

7. ер участкаси олиб қўйилган тақдирда унга етказилган зарарнинг (шу жумладан бой берилган фойданинг) қопланишини ёки ер участкасидан ихтиёрий равишда воз кечилганида сарфланган харажатларнинг тўланишини талаб қилиш;

8. ер участкасини ёки унинг бир қисмини қонун ҳужжатларига белгиланган тартибда вақтинча фойдаланишга ва ички хўжалик ижарасига бериш.

Ер эгаси бўлган фуқаро ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини, шу жумладан ким ошди савдоси асосида олинган шундай ҳуқуқни деҳқон хўжалиги юритиш, якка тартибда уй-жой қуриш мақсадида кредитлар олиш учун гаровга қўйиши мумкин.

Ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдори қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

326. Ер эгаси, ердан фойдаланувчилар, ижарачи ва ер участкаси мулкдорининг мажбуриятлари нималардан иборат?

Ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдори қуйидагиларни бажариши шарт:

1. ердан белгиланган мақсадга мувофиқ оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг табиатни муҳофаза қилувчи технологияларини қўллаш, ўз хўжалик фаолияти натижасида ҳудудда экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик;

2. ишлаб турган ирригация ва мелиорация тармоқлари, муҳандислик коммуникацияларини соз ҳолатда сақлаб туриш;

3. ерларни муҳофаза қилишга оид, ушбу Кодекснинг 79-моддасида назарда тутилган туркум тадбирларни амалга ошириш;

4. ер солигини ёки ер учун ижара ҳақини ўз вақтида тўлаш;

5. бошқа ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорларининг ҳуқуқларини бузмаслик;

б. фойдали қазилма конларини ишлатиш, қурилиш ва бошқа ишларни амалга ошириш учун берилган қишлоқ хўжалик ерлари ва ўрмонзорларни уларга эҳтиёж қолмаганидан кейин ўз ҳисобидан қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ёки балиқ хўжалигида фойдаланиш учун яроқли ҳолатга, мазкур ишлар бошқа ерларда амалга оширилган ҳолларда эса, белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш;

1. фойдали қазилма конларини ишлатиш чоғида, шунингдек, бошқа ишларни амалга ошириш пайтида ўзларига эгаллик қилишга ва фойдаланишга ҳамда мулк этиб берилган (реализация қилинган) ер участкалари ҳудудидан ташқаридаги қишлоқ хўжалик экинзорлари, ўрмонзорлар ва бошқа ерларга салбий таъсир кўрсатишнинг олдини олиш ёки уни мумкин қадар чеклаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

2. маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ердан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш;

3. бошқа ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга, ер участкаларининг ижарачиларига ва мулкдорларига етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплаш қонун ҳужжатларига мувофиқ ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарачилари ва мулкдорлари бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлишлари мумкин. (40-модда).

327. Қонунчиликда ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг кафолатлари қандай?

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарачилари ва мулкдорлари фаолиятига давлат, хўжалик органлари ва бошқа органлар ҳамда ташкилотларнинг, шунингдек, мансабдор шахсларнинг аралашуви тақиқланади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорларининг бузилган ҳуқуқлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тикланиши керак.

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорлари ҳуқуқларининг бузилиши натижасида етказилган (шу жумладан бой берилган фойда) тўла ҳажмда қопланиши керак.

Жисмоний шахсларга берилган ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун мазкур шахсларнинг хоҳишига кўра туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарори билан аввалги ер участкаси билан айнан бир хил ер участкаси ажратилгач, шу ер участкаси олиб борилаётган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар олиб қўйилаётган ер участкасининг ўрнига янги жойда уй-жой, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа иморатларни қуриб берганидан кейин ҳамда ушбу Кодекснинг 86-моддасига мувофиқ бошқа барча зарарлар (шу жумладан бой берилган фойда) тўла ҳажмда қопланганидан кейин олиб қўйилиши мумкин.

Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналарининг, қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот муассасаларининг, тажриба ва ўқув хўжалиklarининг ерлари уларнинг хоҳишига кўра олиб қўйилаётган иморатлар ўрнига уй-жойлар, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа иморатлар қуриб берилганидан кейин ҳамда ушбу Кодекснинг 86-моддасига мувофиқ бошқа барча зарар (шу жумладан бой берилган фойда) тўла ҳажмда қопланганидан кейин олиб қўйилиши мумкин.

Юридик ва жисмоний шахслар мулкида бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектини, шунингдек, уй-жой бинолари ҳамда бошқа биноларни ёки биноларнинг бир қисмини улар жойлашган ер участкаси билан бирга давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун қайта сотиб олиш, шунингдек, уларни мусодара қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. (41-модда)

328. Қандай ерлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар таркибига киради?

Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ерлар ёки ана шу мақсадлар учун белгиланган ерлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалигини юритиш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги ерлари ва дарахтзорлар, ички хўжалик йўллари, коммуникациялар, ўрмонлар, ёпиқ сув ҳавзалари, бинолар, иморатлар ва иншоотлар эгаллаган ерларга ажралади.

Ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, ташландиқ ерлар, кўп йиллик дов-дарахтлар (боғлар, токзорлар, тутзорлар, мевали дарахт кўчатзорлари, мевазорлар ва бошқалар) эгаллаган ерлар қишлоқ хўжалиги ерлари жум-

ласига киради. Қишлоқ хўжалиги ерлари махсус муҳофаза қилиниши лозим.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни қишлоқ хўжалигидан ўзга эҳтиёжлар учун бошқа тоифадаги ерларга ўтказишга алоҳида ҳолларда ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ йўл қўйилади.

Қишлоқ хўжалиги ерларини ирригация ва сувдан фойдаланиш тизимига асосланган сунъий суғориш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асоси ва ерлардан самарали фойдаланиш ҳамда уларнинг унумдорлигини ошириш шартидир. (43-модда).

329. Суғориладиган ерлар алоҳида аҳамиятга эга. Шу боисдан қонунчиликда у билан боғлиқ масалалар борми?

Ҳа, бу соҳага «Ер кодекси»да алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, унинг 44-моддасида шундай дейилган:

«Қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни суғоришни таъминлай оладиган суғориш манбаи билан боғланган доимий ва муваққат суғориш тармоғига эга бўлган ерлар суғориладиган ерлар жумласига киради.

Қишлоқ ва сув хўжалиги органлари суғориладиган ери бўлган ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларни суғориш ишлари учун манбаларнинг серсувлигини ҳисобга олган ҳолда жорий этилган лимитлар бўйича сув тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда сув билан таъминлашлари шарт.

Суғориладиган ерлар махсус муҳофаза қилиниши лозим. Бундай ерларни суғорилмайдиган ерлар сирасига ўтказиш алоҳида ҳолларда, тупроқ-мелиоратив ва иқтисодий шароитларни ҳамда ерларнинг сув билан таъминланганлигини, улардаги мавжуд сув ресурсларини ва бу сувларга белгиланган лимитларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда вилоят ҳокими қарорига биноан амалга оширилади.»

330. Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар жумласига қандай ерлар киради?

Юқоридаги кодекснинг 45-моддасида баён этилишича кадастр баҳоланишига кўра ўртача туман бонитет балидан 20 фоиздан кўп бўлган суғориладиган қишлоқ

хўжалиги ерлари алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар жумласига киради.

Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар махсус муҳофаза қилиниши лозим ва уларнинг суғорилмайдиган ерлар жумласига ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларини корхоналар, бинолар ва иншоотлар қурилиши учун беришга алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан йўл қўйилади.

331. Қонунчиликда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни бериш тартиби қандай?

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қуйидагиларга берилади:

1. қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликларига), бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига — товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритиш учун;

2. тажриба-ишлаб чиқариш, ўқув, ўқув-тажриба ва ўқув-ишлаб чиқариш хўжаликлари, илмий-тадқиқот ва бошқа қишлоқ хўжалик муассасалари ва ташкилотларига — илмий-тадқиқот ва таълим мақсадлари, товар қишлоқ хўжалигини юритиш ва илғор тажрибани тарғиб қилиш учун;

3. Ўзбекистон Республикаси фуқароларига — фермер хўжаликларини юритиш учун;

4. Ўзбекистон Республикаси фуқароларига — деҳқон хўжаликларини, якка тартибда боғдорчилик, полизчилик ва чорвачиликни юритиш учун;

5. Ўзбекистон Республикаси фуқароларига — жамоа боғдорчилиги, полизчилиги ва узумчилиги учун;

6. қишлоқ хўжалиги билан шуғулланмайдиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга — ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда юридик ва жисмоний шахсларга қишлоқ хўжалигини юритиш, шунингдек, ўзга мақсадлар учун берилиши мумкин.

Қишлоқ, хўжалиги ерлари ўзга мақсадларда, қоида тариқасида, кейинчалик қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш шарти билан вақтинча фойдаланишга берилади. (46-модда).

332. Қишлоқ хўжалиги товар маҳсулоти етиштирувчилар ва уларга ер участкаларини бериш тартиби қандай?

«Ер кодекси»нинг 47-моддасида таъкидланишича, қуйидагилар товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчилар жумласига киради:

қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари), бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари, шу жумладан қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш ва уни реализация қилишни амалга оширувчи қишлоқ хўжалигига ихтисослашган хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотлар;

ўзларига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, юридик шахс ҳуқуқига эга мустақил хўжалик юритувчи субъект бўлган фермер хўжаликлари;

ўзига берилган ер участкасида оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида майда товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришни ва уни реализация қилишни амалга оширувчи деҳқон хўжаликлари;

жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилиги маҳсулотини етиштириш ҳамда реализация қилишни амалга оширувчи боғдорчилик-узумчилик ва полизчилик ширкатлари;

ўзлари етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг бир қисмини реализация қилган тақдирда ноқишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ёрдамчи хўжаликлари.

Фойдаланилиши йирик товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини (пахта ва бошоқли дон экинлари етиштиришни) ташкил этиш билан боғлиқ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар устувор равишда пай усулига асосланган қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликларига) доимий эгалик қилишга берилади.

Сабзавот-полиз экинлари, картошка етиштириш, боғдорчилик ва узумчилик учун, шунингдек, чорвачилик эҳтиёжлари учун белгиланган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар юридик ва жисмоний шахсларга (шу жумладан фуқароларнинг мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишига), фойдаланишга ёки ижарага берилиши мумкин.

333. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш соҳасида ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг мажбуриятлари нималардан иборат?

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланувчи ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар:

1. бизнес-режаларда тупроқ унумдорлигини ошириш ва ерлардан оқилона фойдаланиш юзасидан аниқ тадбирларни назарда тутишлари;

2. зона шароити ва хўжаликнинг ихтисослашувига мувофиқ илмий асосланган алмашлаб экишни, деҳқончиликнинг энг самарали ва иқтисодий жиҳатдан оқилона тизимларини жорий этишлари;

3. ҳайдаладиган ерлар асралиши ва кенгайтирилишини таъминлашлари;

4. мелиоратив жиҳатдан нобоп суғориладиган ерларни комплекс реконструкция қилишлари, пичанзор ва яйловларга сув чиқаришлари ҳамда уларнинг ҳолатини яхшилашлари;

5. хўжаликнинг бутун ички суғориш ва коллектордренаж тармоғини ҳамда ундаги иншоотларни техникавий жиҳатдан соф ҳолатда сақлашлари;

6. қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини суғориладиган ерларни сув босиши ва заҳарланишига, ерларнинг сув манбаларининг ифлосланиши ва зарарланишига йўл қўймайдиган усуллар билан амалга оширишлари;

7. қишлоқ хўжалиги экинлари ва дов-дарактларни парвариш қилишнинг сув тежаладиган технологияларини, суғоришнинг илғор усулларини жорий этишлари;

8. ушбу Кодекс ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига биноан ерларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини кўришлари шарт. (48-модда).

334. Амалдаги қонунчиликда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари), бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ерга эгалик қилиш масаласи қандай ифодаланган?

Бу масала Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси» ва 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Қишлоқ хўжалиги кооператив (ширкат хўжалиги) тўғрисидаги қонуни (14-моддаси)да рўй-

рост баён этиб берилган. Жумладан, «Ер кодекси»нинг 49-моддасида шундай дейилади:

«Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) — товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш мақсадида пай усулига асосланган қишлоқ хўжалиги корхонасининг асосий ташкилий-ҳуқуқий шакли.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) кооперативнинг (ширкатнинг) ишлаб чиқариш фаолиятида, асосан оила (жамоа) пудрати асосида шахсан иштирок этувчи мулкӣ пай эгалари бўлган аъзоларини бирлаштиради.

Қишлоқ хўжалиги кооперативида (ширкат хўжалигида) унинг юқори бошқарув органи қарори билан қуйидагилардан таркиб топадиган устав жамғармаси (капитали) шакллантирилади:

пай жамғармаси;

тупроқ унумдорлигини ошириш тадбирларини ўтказиш ирригация иншоотларини сақлаш, янги ирригация-мелиорация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш, техника олиш, ижтимоӣ ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, бошқа умумӣ ижтимоӣ ва хўжалик вазибаларини ҳал этиш бўлинмаси жамғармаси.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар, ширкатлар ва бошқа ташкилий ҳуқуқий шаклларда ҳам тузилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотлари ерни корхоналар, муассасалар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритиш учун белгиланган мақсадда доимӣ эгалик қилишга олади. Мазкур корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ер участкаларидан оқилона ва самарали фойдаланган тақдирда, ер участкаларини қўшимча равишда ижарага ёки вақтинча фойдаланишга олишлари мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликларига) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларига берилган ерлар жамоат эгалигидаги ерлардан ва фуқароларга деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ерлардан иборат бўлади ҳамда улардан фақат белгиланган мақсадда фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликларига) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига доимий эгалик қилишга туман ёки вилоят ҳокимининг қарорига биноан ер участкасига доимий эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати топширган ҳолда берилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ерга эгалик қилиш ҳуқуқи улар уюшмалар, агросаноат бирлашмалари, комбинатлари, агрофирмалар ва бошқа тузилмалар таркибига кирганида сақлаб қолинади».

335. Ерларни пай жамғармасига бериш. Қишлоқ хўжалиги кооперативида (ширкат хўжалигида) мулкый пай қонунчиликда қандай мустаҳкамланган?

Қишлоқ хўжалиги кооперативида (ширкат хўжалигида) пай жамғармаси, мулкый пай ва улар билан боғлиқ муаммолар Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси», «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисидаги» қонун (18, 19-моддалар)да мустаҳкамланган. «Ер кодекси»нинг 50-моддасида жумладан шундай қайд этилади:

«Қишлоқ хўжалиги кооперативига (ширкат хўжалигига) доимий эгалик қилиш учун берилган ер участкалари қиймати унинг пай жамғармасининг таркибий қисми ҳисобланади.

Пай жамғармасига қўшиладиган ер участкаларининг қиймат баҳоси давлат ер кадастри асосида ва қонун ҳужжатлари билан белгиладиган табақалаштирилган қийматни баҳолаш коэффициентлари асосида чиқарилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) пай жамғармаси ер участкаларининг қиймат баҳосини ва асосий жамғармаларининг қийматини ҳамда кооперативнинг (ширкатнинг) мажбуриятлардан холи бошқа активлари қийматини ўз ичига олади, бўлинмас жамғармани шаклантиришга йўналтириладиган мўблағлар бундан мустасно. Пай ва бўлинмас жамғармаларнинг миқдори қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) уставида белгилаб қўйилади.

Пай жамғармаси қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзолари ўртасида мулкый пайларга тақсимланиши лозим.

Мулкий пай қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ҳар бир аъзосининг кооператив (ширкат) пай жамгармаси қийматидаги улушини белгилайди ва кооператив (ширкат) аъзосига қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) якуний даромадидан (фойдасидан) дивидендлар тариқасида тегишли улуш олиш ҳуқуқини беради.

Мулкий пай миқдорини аниқлаш, пайлар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ҳар бир аъзоси мулкий пайининг аниқ миқдори қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) аъзосига унинг мол-мулкининг муайян улушига ҳамда хўжалик оладиган умумий даромаднинг (фойданинг) тегишли қисмига бўлган ҳуқуқини белгилаб қўювчи, номи ёзилган гувоҳнома берган ҳолда қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) юқори бошқарув органи қарори билан белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) даромаднинг (фойдаси)нинг пайлар бўйича дивидендлар тўлаш учун мўлжалланган қисми йил якунларига кўра тақсимланали ва мулкий пайнинг миқдорига мутаносиб равишда тўланади.

336. Ер участкаларини хўжалик ичида тақсимлаш. Оила (жамоа) пудрати, тартиби қандай?

Пудрат бир тараф (пудратчи) иккинчи тараф (буюртмачи) ўртасидаги алоқадир. Мана шу асосда шартнома тузилади. Бу пудрат шартномаси дейилади. Пудрат шартномаси ашёни тайёрлаш ёки уни қайта ишлаш (ишлов бериш) ёхуд бошқа ишни бажариб, натижасини буюртмачига бериш ёки бошқача тарзда топшириш ҳақида тузилади. Пудрат ва пудрат шартномаси ҳақида Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролик кодекси»да бир боб (37 модда) ажратилган.

Оила (жамоа) пудрати эса ана шу пудрат шартномасининг бир бўлагидир. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси», «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонун (21-модда)да кўрсатиб ўтилган. Жумладан, «Ер кодекси»нинг 51-моддасида бу ҳақда шундай дейилган:

«Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжалик-

лари) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида ер участкалари, қоида тариқасида, оилаларга қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш учун вақтинча фойдаланишга оила пудрати шартномаси шартлари асосида берилади.

Ер участкалари муайян турдаги қишлоқ хўжалиги ишларини бажариш учун қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) аъзоларининг ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотлари ходимларининг гуруҳларига ҳам вақтинча фойдаланишга жамоа пудрати шартномаси шартлари асосида берилиши мумкин.

Оила пудрати — қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси, муассасаси ҳамда ташкилоти томонидан оилага вақтинча фойдаланишга оила пудрати шартномаси шартлари асосида берилган ер участкаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришда оила аъзоларининг бевосита иштирок этишига асосланган ишлаб чиқариш ва меҳнатни хўжалик ичида ташкил этиш шаклидир.

Оила (жамоа) пудрати шартномаси ҳар йили қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), бошқа жамоа қишлоқ хўжалиги корхонаси бошқарув органлари орқали шу кооператив (ширкат), жамоа корхонаси билан ёки бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларининг иш берувчиси (маъмурияти) билан оила бошлиғи (жамоанинг ваколат берилган вакили) ўртасида тузилади.

Оила (жамоа) пудрати шартномасида қуйидагилар назарда тутилади:

ер участкасининг ўлчами, жойлашган ери ва ҳолати;

ер участкасидан фойдаланиш шартлари, тарафларнинг алмашлаб экиш схемасига мувофиқ ернинг ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш борасидаги, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш борасидаги мажбуриятлари;

етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг миқдори ва турлари, унинг сифати;

етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотининг баҳоси, унга тўлаш ва уни реализация қилиш шартлари;

суғориш учун сув ва моддий-техника ресурслари билан пудратчини таъминлаш;

тарафларнинг шартнома мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарлиги ва уларнинг хоҳишига кўра бошқа шартлар.

Оила (жамоа) пудрати шартлари асосида бериладиган ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланилади, бунда ҳайдаладиган ерлар майдони ўлчамларининг камайтирилишига йўл қўйилмайди.

Ер участкаларининг ўлчамлари ва унинг чегаралари тарафларнинг келишувига кўра ўзгартирилиши мумкин.

Оила (жамоа) пудратида меҳнатга ҳақ тўлаш якуний натижаларга кўра етиштирилган маҳсулотнинг шартномада назарда тутилган миқдори, сифати ва баҳосига кўра амалга оширилади. Шу билан бирга оила аъзолари (пудратчилар) пай эгалари хўжаликнинг йил давомидаги фаолияти якуний натижаларига кўра аниқланадиган дивидендлар оладилар.

Оила (жамоа) пудрати шартлари асосида берилган ер участкаси учун пудратчидан ер ҳақи ундирилмайди. Бу участкалардан олинадиган ер солигини қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотлари белгиланган тартибда тўлайди.

Пудрат шартномаси шартлари асосида олинган ер участкасини ижарага ёки ёрдамчи пудратга бериш тақиқланади.

Ер участкаси давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қурилган тақдирда пудратчи зарар ва бошқа харажатлар ушбу Кодекс 86-моддасига мувофиқ қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

337. Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкалари бериш тартиби қонунчиликда қандай мустақамланган?

Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкалари бериш масаласи «Ер кодекси» билан бирга Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунда ҳам мустақамланган. Қонуннинг бир боби (2-боб) айнан мана шунга бағишланган.

«Ер кодекси»нинг 53-моддасида эса бу масала қисқа тарзда баён этилган. Яъни:

«Фермер хўжалиги ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шугулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Фермер хўжаликларига захирадаги ерлар, махсус республика фонди ерлари, меҳнат ресурслари етарли бўлмаган хўжаликлардаги ва суғориладиган янги мавзелардаги ерлар берилади. Уларга зарар кўриб ишлаётган ёки кам рентабелли қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ерлари ҳам берилиши мумкин. Қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ерлари фермер хўжаликларига кооперативлар (ширкатлар) аъзолари умумий мажлисининг қарорига биноан берилиши мумкин, мазкур қарор асосида туман ҳокими тегишли қарор қабул қилади.

Илмий-тадқиқот муассасаларига, олий ўқув юртларига, академик лицейлар, касб ҳунар коллежларига ва умумтаълим мактабларига ўқув, тажриба, нав синаш мақсадлари учун берилладиган ерлар ҳамда сув фонди ерлари фермер хўжаликларига берилмайди.

Фуқароларга фермер хўжалиги юритиш учун ер участкалари ижарага эллик йилгача бўлган, лекин ўн йилдан кам бўлмаган муддатга берилади.

Фермер хўжалиги юритиш учун ер участкасининг ўлчами ер участкасини берадиган орган томонидан ҳар бир муайян ҳолатда маҳаллий шароитларни, шунингдек, фермер хўжалигида ишловчилар сонини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Фермер хўжалиги ишлаб чиқариш мақсадлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда ер участкаларини қўшимча ижарага олиши мумкин.

Фермер хўжалиги ихтиёрий равишда, фермер хўжалиги бошлигининг қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқарувига, туман ҳокимига ёзма мурожаати асосида ташкил этилади ва фермер хўжалиги ҳамда ер участкасини ижарага олиш шартномаси давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб ташкил этилган деб ҳисобланади. Фермер хўжалиги туман ҳокимлигида рўйхатга олинганидан кейин юридик шахс мақомига эга бўлади.

Фермер хўжалиги юритиш учун фуқароларга ер участкалари бериш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Фермер хўжалигига берилган ер участкалари хусусийлаштирилиши ва олди-сотди, гаров, ҳаля, айрибошлаш объекти бўлиши мумкин эмас.

Кредитлар олиш учун фермер хўжалиги ўз мол-мулкани, шунингдек, ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини гаровга қўйишга ҳақли. Фермер хўжалиги ер участкасига

бўлган ижара ҳуқуқларини ижарага берувчининг розилигисиз фақат қонунда ёки ижара шартномасида назарда тутилган ҳолларда гаровга қўйишга ҳақли.

338. Қонунчиликда деҳқон хўжалиги юритиш учун фуқароларга ер участкалари бериш (реализация қилиш) тартиби қандай?

Бу масала чиндан ҳам ниҳоятда долзарб. Мамлакатимизда фуқаролар фаровонлигини оширишда бу жуда муҳим омил ҳисобланади. Шунинг учун унга алоҳида эътибор билан қаралади. Бу «Ер кодекси»да ҳам, 1998 йил 30 апрелда махсус қабул қилинган «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунда ҳам мустаҳкамланган. Қонуннинг бир боби (2-боби) айнан шу масалага бағишланган. «Ер кодекси»нинг 55-моддасида эса шундай дейилади:

«Деҳқон хўжалиги оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлигига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ҳар бир аъзосининг, бошқа қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ҳар бир ходимининг оиласига, шунингдек, қишлоқ жойларида яшовчи ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқа мутахассисларнинг оилаларига деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишига томорқа ер участкаси иморат ва ҳовли эгаллаган майдонни ҳам қўшганда суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 0,5 гектаргача ўлчамда, чўл ва саҳро минтақасида эса, суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 1 гектаргача ўлчамда берилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) аъзоларининг, бошқа қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотлари ходимларининг, шунингдек, узлуксиз беш йилдан ортиқ қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларида ишлаган ва ҳамон ишлаб келаётган ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқа мутахассисларнинг оилаларига, улар яшаётган аҳоли пунктлари шаҳар таркибига ўтказилган тақдирда, уларнинг иш жойларидан, деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга, иморат ва ҳовли

эгаллаган майдонни ҳам қўшганда ана шу кооперативлар (ширкатлар), корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда белгиланган ўлчамда ер участкаси берилиш мумкин.

Деҳқон хўжалиги юритиш учун бериладиган ер участкаларининг ўлчамлари ер ресурсларининг мавжудлигига қараб ҳамда оиланинг жамоат ишлаб чиқаришидаги иштирокини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги кооперативларида (ширкат хўжаликларида), бошқа жамоа қишлоқ хўжалиги корхоналарида — уларнинг юқори бошқарув органи томонидан бошқа қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида — уларнинг иш берувчиси (маъмурияти) қарори билан белгиланади, мазкур қарор асосида туман ҳокими тегишли қарор қабул қилади.

Фуқароларга деҳқон хўжалиги юритиш учун 0.06 гектар доирасида томорқа ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи ким ошди савдоси асосида реализация қилиниши мумкин.

Деҳқон хўжалиги юритиш учун томорқа ер участкаларига эга бўлмаган ёки ушбу қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхонаси, муассасаси ҳамда ташкилотида белгиланганидан кам ўлчамдаги томорқа ер участкасига эга бўлган фуқароларга ана шу корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг эгалигидаги ёки фойдаланишидаги ерлардан белгиланган доирасида яқка тартибдаги полизчилик учун фойдаланишга қўшимча ер участкалари берилди.

Қишлоқ жойларида яшовчи ва ўз мулкида чорва моллари бўлган фуқароларга пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш учун вақтинча фойдаланишга ер участкалари берилиши мумкин.

Деҳқон хўжалиги юритувчи оилалар ўзлари етиштирган маҳсулотни тасарруф этишда мутлақ ҳуқуққа, шу жумладан уни истеъмолчиларга ўз хоҳишига кўра реализация қилиш ҳуқуқига эга.

Транспорт, алоқа, сув хўжалиги, балиқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, шунингдек, халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ўз эгалигидан ёки фойдаланишидаги ерлардан айрим тоифадаги ўз ходимларига хизмат чек ерлари беради.

Деҳқон хўжалиги юритиш учун фуқароларга ер бериш (реализация қилиш) тартиби, шунингдек, хизмат чек ерларини бериш тартиби ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

339. Қонунчиликда жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилиги юритиш учун фуқароларга ер участкалари бериш тартиби қандай кўрсатилган?

Бу Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси»нинг 56-моддасида ўз ифодасини топган. Унга кўра шаҳарлар ва посёлкаларда, шунингдек, қишлоқ аҳоли пунктларида яшовчи, деҳқон хўжалиги юритиш учун томорқа ер участкаларига эга бўлмаган фуқароларга корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг илтимосномасига биноан жамоа боғдорчилиги ва узумчилигини юритиш мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга ёки жамоа полизчилиги учун вақтинча фойдаланишга ер участкаси туман ҳокими томонидан берилади.

Жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини ташкил этиш учун фуқаролар боғдорчилик-узумчилик ёки полизчилик ширкатларига бирлашадилар.

Боғдорчилик ва узумчилик учун ер участкалари шаҳарларнинг кўкаламзор зонасидан ёки бошқа аҳоли пунктлари чегарасидан ташқарида аҳоли пунктлари ҳудудининг кенгайиш истиқболларини эътиборга олиб, сув ресурслари ҳамда уларга лимитлар ажратиш имконияти мавжуд бўлган тақдирда заҳира ерлардан ва ўрмон фондининг дарахтзорга айлантириш мўлжалланмаган ерларидан ажратиб берилади. Жамоа боғдорчилиги ва узумчилиги учун яроқли заҳира ерлар ҳамда ўрмон фонди ерлари бўлмаган тақдирда, қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлари корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ёрдамчи қишлоқ хўжалиги ерлари истисно тариқасида берилиши мумкин.

Жамоа полизчилиги учун вақтинча фойдаланишга ер участкалари сув ресурслари ҳамда уларга лимит ажратиш имконияти мавжуд бўлган тақдирда аҳоли пунктларининг ерларидан, яқин йиллар ичида бошқа мақсадларда фойдаланишга мўлжалланмаган заҳира ерлардан ва ўрмон фонд ерларидан берилади.

Жамоа полизчилиги учун ноқишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг вақтинча фойдаланилмаётган ерлари, бундай ерлар бўлмаган тақдирда эса, қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг унумдорлиги паст ерлари берилиши мумкин.

Жамоа полизчилиги учун берилган ер участкаларидан сабзаёт, картошка ва полиз экинлари етиштиришда фойдаланилади.

Улардан уй-жой бинолари ва бошқа капитал иншоотлар қуриш учун фойдаланиш тақиқланади. Бундай участкаларда умумий фойдаланишдаги муваққат иморатлар ва иншоотларни қуришга ер участкаларини туман ҳокими бериши мумкин.

Жамоа богдорчилиги, узумчилиги ва полизчилиги учун бериладиган ер участкалари кўчалар очиш, жамоат иморатлари ва иншоотлари қуриш зарурлиги ҳисобга олинган ҳолда богдорчилик-узумчилик ширкатининг ҳар бир аъзосига 0.06 гектаргача ва полизчилик ширкатининг ҳар бир аъзосига 0.08 гектаргача ўлчамда белгиланади.

Жамоа богдорчилиги, узумчилиги ва полизчилиги учун ер бериш ҳамда ундан фойдаланиш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

340. Ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун ер бериш тартиби қонунчиликда қандай ҳал этилган?

Ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун саноат, транспорт ҳамда бошқа ноқишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига ана шу корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ходимларини қишлоқ хўжалиги маҳсулоти билан таъминлашни яхшилаш, шунингдек, ошхоналар, болалар муассасалари, мактаблар, касалхоналар, кексалар ва ногиронлар уйларини, санаторийлар, дам олиш уйлари ва шу кабиларни таъминлаш мақсадида вилоят ҳокими фойдаланилмаётган ёки самарасиз фойдаланилаётган ерларни, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган бошқа ерларни ҳам доимий эгалик қилишга бериши ҳам мумкин. (57-модда).

341. Шаҳарлар ва посёлкалар ерларининг таркибига қандай ерлар киради?

«Ер кодекси»нинг 59-моддасида таъкидланишича шаҳар ва посёлкаларнинг маъмурий чегараларидаги барча ерлар шаҳар ва посёлкаларнинг ерлари жумласига киради. Бу ерлар таркибига қуйидагилар киради:

1. шаҳар ва посёлка қурилиши ерлари;
2. умумий фойдаланишдаги ерлар;

3. қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар ва бошқа ерлар;
4. дарахтзорлар эгаллаган ерлар;
5. саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар;
6. алоқида муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг ерлари;
7. сув фонди ерлари;
8. захира ерлар.

342. Аҳоли пунктларининг чегараси. Шаҳар атрофи зоналарининг ҳуқуқий тушунчаси нима?

«Ер кодекси»нинг 60-моддасида таъкидланишича аҳоли пунктларининг чегараси — шаҳар, посёлка, қишлоқ аҳоли пункти ерларининг ташқи чегаралари бўлиб, улар ана шу ерларни бошқа ерлардан ажратиб туради. Аҳоли пунктларининг чегарасини белгилаш тасдиқланган шаҳарсозлик ва ер тузиш ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Аҳоли пунктларининг чегараси юридик ва жисмоний шахслар ер участкаларининг чегаралари бўйича белгиланиши мумкин.

Шаҳар атрофи зоналари шаҳар билан ягона ижтимоий, табиий ва хўжалик ҳудудини ташкил этувчи хўжалик чегарасидан ташқаридаги ерларни ўз ичига олади. Шаҳар атрофи зоналарида шаҳар атрофидаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳудуди, аҳоли дам олиш зоналари, шаҳарни ривожлантириш учун захира ерлар ажратилади.

Шаҳар атрофи зоналарининг чегаралари ва ҳуқуқий режими қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

343. Шаҳарлар ва посёлкаларда ер участкаларини бериш, олиб қўйиш ва қайта сотиб олиш тартиби қандай?

Шаҳарлар ва посёлкаларда ер участкалари туман ёки шаҳар ҳокимининг қарорига асосан берилади, бу қарорларда режалаштириш ва қурилиш олиб боришнинг тасдиқланган лойиҳаларига мувофиқ ерларни эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага бериш шартлари белгиланади.

Юридик шахслар ўзларига бириктириб қўйилган ерлардан туман ёки шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ бошқа юридик шахсларга, фуқароларга ер участкаларини вақтинча фойдаланишга беришлари мумкин.

Шаҳарларда ва посёлкаларда ер участкаларини олиб қўйиш, қайта сотиб олиш ушбу Кодекснинг 37-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

Шаҳарларда, посёлкаларда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун фойдаланиладиган ерлари ва бошқа ерларини олиб қўйиш ушбу Кодекснинг 37-моддасида белгиланган тартибда туман, шаҳар ва вилоят ҳокимининг қарорлари билан тасдиқланади.

Фуқаролар эгалигидаги, кўп йиллик дов-дарахтлар эгаллаган ер участкаларини олиб қўйиш ёки фуқароларга мулк ҳуқуқи асосида қарашли бўлган уй-жойларни бузиш билан боғлиқ ҳолда ер участкаларини олиб қўйиш ушбу Кодекснинг 86-моддасига мувофиқ амалга оширилади. («Ер кодекси»нинг 61-моддаси).

344. Шаҳар ва посёлка қурилиши ерларига қандай ерлар киради?

Шаҳар ва посёлка қурилиши ерларига уй-жой, коммунал маиший, маданий-маърифий, саноат, савдо, маъмурий ва бошқа бинолар ҳамда иншоотлар қурилган ёки шундай бино ва иншоотлар қуриш учун берилган ҳамма ерлар киради.

Шаҳар ва посёлка қурилиши ерлари корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга уй-жой, маданий-маиший, саноат объектлари қуриш ва капитал қурилишнинг бошқа турлари учун фойдаланишга, фуқароларга эса, яқка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилади.

Шаҳар ва посёлканинг қурилиши учун ажратилган, лекин вақтинча шу мақсадда фойдаланилмаётган ерлари енгил турдаги объектлар (савдо чодирлари, дўкончалар, реклама иншоотлари ва шу кабилар) қуриш ва ўзга эҳтиёжлар учун вақтинча фойдаланишга шаҳар ёки туман ҳокими қарори билан берилиши мумкин.

Ер участкасининг ёхуд ундаги иморатнинг ёки бу қисми коммунал хизматдан (ёритиш, канализация, трубопровод, сугориш қурилмалари ва шу кабилар), ер участкаларининг эгалари ёки ундан фойдаланувчилар эса мустақил равишда ўзича ёки транспортда кириб чиқиш имконидан маҳрум бўлиб қоладиган бўлса, ер участкасининг бўлинишига йўл қўйилмайди.

Агар ер участкасига хўжалик бинолари (гараж, отхона, огилхона, омборхона, ертўла ва шу кабилар) қуриш ушбу участкада жойлашган юридик шахслар ёки уй-жой-

ларда яшовчи жисмоний шахсларнинг манфаатларига зарар келтирса, бундай қурилишни амалга оширишга йўл қўйилмайди.

Табиий офат ёки бошқа сабаблар билан иморат бузилган тақдирда бузилган иморатнинг мулкдори иморат бузилган кундан бошлаб икки йилдан кечиктирмасдан иморатни тиклашга ёки ана шу участкада янги иморат қуришга киришса, бузилган иморат мулкдорнинг ер участкасига эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолади, шаҳарни ёки посёлкани режалаштириш ва уни қуриш лойиҳасида ана шу ер участкасидан бошқача тарзда фойдаланиш назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳолларда бузилган иморатнинг мулкдорига ушбу шаҳар, посёлка чегараси доирасида бошқа ер участкаси ёки бошқа уй-жой берилади. («Ер кодекси»нинг 62-моддаси).

345. Кўп квартирали уйлар атрофидаги ер участкаларини беришдан мақсад нима?

Кўп квартирали уйлар атрофидаги ер участкалари мазкур уйлар бошқарувини амалга оширувчи ташкилотларга доимий фойдаланиш учун берилади.

Кўп квартирали уйлар атрофидаги ер участкаларидан фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади. («Ер кодекси»нинг 63-моддаси).

346. Аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерларига қандай ерлар киради?

Аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерларига қуйидагилар киради:

майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, суғориш тармоғи, соҳил бўйи ерлари ва шу каби ерлар;

аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш ва дам олиши учун фойдаланиладиган ерлар (дарахтзорлар, боғлар, сайилгоҳлар, хиёбонлар шунингдек, ариқ тармоқлари эгаллаган ерлар);

коммунал-маиший аҳамиятга молик ерлар (қабристонлар, чиқиндиларни зарарсизлантириш ва улардан фойдаланиш жойлари ва бошқа шу каби жойлар).

Умумий фойдаланишдаги ерлар муайян юридик ва жисмоний шахсларга бириктириб қўйилмайди ҳамда бевосита шаҳар, туман давлат ҳокимияти органларининг ихтиёрида бўлади.

Аҳоли пунктларидаги сув ҳавзаларининг соҳил бўйи ерлари ва қиргоқ минтақасидан биринчи навбатда дам олиш ва спорт мақсадларида фойдаланилади.

Умумий фойдаланишдаги ерларда бу ер қайси мақсадга хизмат қилса, фақат шунга мос келадиган иморат ва иншоотлар қуришга рухсат берилади.

Йўллар ва ариқ тармоқлари эгаллаган ерлардан ташқари умумий фойдаланишдаги ерлардан туман ёки шаҳар ҳокимининг қарорига биноан юридик шахслар ва фуқароларга енгил иморат ва иншоотлар (савдо чодирлари, дўкончалар, реклама иншоотлари ва шу кабилар) қуришда вақтинча фойдаланишга ижара шартлари асосида ер участкалари берилиши мумкин.

(«Ер кодекси»нинг 64-моддаси).

347. Шаҳарлар ва посёлкалардаги қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ва бошқа ерлар жумласига кирадиган ерлар ҳақида нима биласиз?

«Ер кодекси»нинг 65-моддасида таъкидланишича шаҳарлар ва посёлкалардаги қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ва бошқа ерларга қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларининг эгаллигидаги ҳайдаладиган ерлар, боғлар, узумзорлар, тутзорлар, мевазорлар, полизлар, питомниклар, яйловлар, пичанзорлар, суғориш, зах қочириш ва йўл тармоғи, иморатлар, ҳовлилар, майдонлар эгаллаб турган ва бошқа ерлар кирди.

Шаҳарлар ва посёлкаларнинг чегарасидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ва бошқа ерларга қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари уй-жойлар, маданий-маиший ҳамда ишлаб чиқариш иморатлари қуришни шаҳар ёки туман ҳокими билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

348. Шаҳарлар ва посёлкалардаги саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар таркиби ва ундан фойдаланиш тартиби қандай?

«Ер кодекси»нинг 66, 67-моддаларига биноан шаҳарлар ва посёлкалардаги саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ҳамда бошқа мақсадларга мўлжалланган ерларга тегишли вази-фаларни бажариш учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ҳамда фуқароларга берилган ерлар кирди.

Фойдаланиш учун берилдиган ер участкасида жойлаштирилиши лозим бўлган иморат ва иншоотлар рўйхати ер участкаси ажратиш учун талабнома бериш чоғида бошлангич маълумотларда белгиланади. Фойдаланиш даврида қўшимча иморатлар ва иншоотларни жойлаштириш шаҳар ёки туман ҳокими ана шу ишлар хусусида қўшимча қарор қабул қилганидан кейин амалга оширилади.

Шаҳарлардаги дарахтзорлар эгаллаган ерлар аҳолининг дам олишини ташкил этишга, шаҳардаги макроиклимни, атмосфера ҳавосининг ҳолатини ва санитария гигиена шароитларини яхшилашга, аҳолининг маданий эстетик эҳтиёжларини қондиришга, шаҳар ҳудудини сув ва шамол эрозиясидан муҳофаза қилишга мўлжалланади.

Улар таркибидаги, дарахтзорлар эгалламаган ер участкаларида спорт майдончалари ташкил этиш ва эҳтиёжлар учун фойдаланилади.

349. Қишлоқ аҳоли пунктларининг ерлари жумласига қандай ерлар киради?

Қишлоқ аҳоли пунктларининг ерларига ер тузиш тартибида ана шу пунктлар учун белгилаб қўйилган чегаралар доирасидаги ҳамма ерлар киради.

Қишлоқ аҳоли пунктларининг жумласига қуйидагилар киради:

1. қишлоқ аҳоли пунктларининг қишлоқлар ва овуллар ҳудудидаги ерлари;

2. қишлоқ аҳоли пунктларининг қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ҳудудидаги ерлари.

Қишлоқ аҳоли пунктларининг чегараси туманларнинг давлат ҳокимияти органи томонидан уларни режалаштириш, суриш ҳамда ички хўжалик ер тузиш лойиҳаларига мувофиқ белгиланади ва ўзгартирилади.

Қишлоқ аҳоли пунктларининг ерларидан фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Қишлоқ аҳоли пунктларининг қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ҳудудидаги ерлари шаҳар чегарасига киритилган тақдирда, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар таркибдан чиқарилади ва шаҳарнинг тегишли ерлари таркибига киритилади. Ундан айрим бинолар ва иншоотлар, уларни ободонлаштириш учун зарур бўлган ер участкалари билан бирга, қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги

Фуқаролар ўрмонларда ёнгин хавфсизлигига риоя этишлари, дарахтлар ва буталарни синдиришга, кесишга, ўрмон экинларига шикаст етказилишига, ўрмонларнинг ифлосланишига, чумоли инлари, қуш уяларининг йўқ қилиниши ва бузилишига йўл қўймасликлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа талабларни бажаришлари шарт. (30-модда)

450. Ўрмонларни қўриқлашдан асосий мақсад нима ва у қандай тартибда амалга оширилади?

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, табиатни муҳофаза қилиш ва ўрмон хўжалиги давлат органлари ўрмонлардан фойдаланиш тартиби бузилишидан, шу жумладан, ноқонуний кесиш (яганалаш)дан ҳамда ўрмонларга бошқача тарзда зарарли таъсир кўрсатишдан ўрмонлар қўриқланишини таъминлайдилар.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва давлат ўрмон хўжалиги органлари ўрмонларни ёнгиндан қўриқлаш ва ёнгинга қарши курашишга оид чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлайдилар, зарур ҳолларда ёнгинларни ўчириш учун аҳолини, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ўт ўчириш, ер қазिश техникаси ва транспорт воситаларини жалб этадилар, ёнгин хавфи юқори бўлган даврда аҳолининг ўрмонда бўлишини ва ўрмонларга транспорт воситаларининг киришини чеклайдилар ёки тақиқлайдилар.

Ўрмондан фойдаланувчилар ўрмонларда ёнгин хавфсизлигига риоя этишлари, иш жойларда ёнгинга қарши тадбирлар ўтказишлари, ўрмонда ёнгин чиққан тақдирда уни ўчиришни таъминлашлари шарт. (32-модда)

451. Ўрмонларни зараркунандалар, касалликлар ва бошқа салбий ҳолатлардан муҳофаза қилиш тадбирлари қандай ўтказилади?

«Ўрмон тўғрисида»ги қонуннинг 33-моддасига асосан:

Ўрмонларни зараркунандалар, касалликлар ва бошқа салбий омиллардан муҳофаза қилиш ўрмондан доимий фойдаланувчилар томонидан қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

ўрмон зараркунандалари ва касалликлари ўчоқларини,

саноат ва коммунал-маиший ифлосланишлар ҳамда бошқа омилларнинг салбий таъсир доираларини ҳисобга олиш ва олдиндан айтиб бериш;

Ўрмон зараркунандаларининг оммавий кўпайиш ва ўрмон касалликларининг тарқалиш ўчоқларининг юзага келиши ва кенгайишининг олдини олиш, ўрмонларнинг биологик жиҳатдан чидамлилигини ошириш тадбирларини ўтказиш.

Ўрмонларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси томонидан белгиланади.

452. Ўрмонларни тиклаш қандай талабларга асосан амалга оширилади?

Ўрмонларни тиклаш қуйидаги талабларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади:

дарахт кесилган жойларда ва ўрмон билан қопланмаган бошқа ерларда хўжалик жиҳатидан қимматли навли дарахтларни мажбурий равишда қайта экишни таъминлаш;

ўрмонларнинг нав таркибини яхшилаш, уларнинг маҳсулдорлигини ва муҳофаза хусусиятларини ошириш;

Ўрмонларнинг генетик фонди ва биологик хилма-хиллигини сақлаб қолиш.

Ўрмонларни тиклаш тартиби ва муддатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси томонидан белгиланади. (34-модда)

453. Ўрмонларни кўпайтириш тартиби қандай олиб борилади?

Ўрмонларни кўпайтириш ўрмонлардан доимий фойдаланувчилар томонидан ҳудудларнинг сердарахтлилигини ошириш, ўрмонларнинг нав таркибини яхшилаш, қимматли навли дарахтларни кўпайтириш ва эрозия жараёнларининг олдини олиш мақсадида махсус дастурлар асосида олиб борилади.

Ўрмонларни кўпайтириш учун бериб қўйилган қишлоқ хўжалигига ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар қонун ҳужжатларига мувофиқ ўрмон фонди ерлари тоифасига ўтказилади. (35-модда)

454. Қонунга хилоф равишда қўлга киритилган ўрмон маҳсулоти нима қилинади?

«Ўрмон тўғрисида»ги қонуннинг 37-моддасига асосан:

Қонунга хилоф равишда қўлга киритилган ўрмон маҳсулоти олиб қўйилиши лозим. Қонунга хилоф равишда қўлга киритилган ўрмон маҳсулотини олиб қўйишнинг имкони бўлмаган тақдирда, унинг қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда ундириб олинади.

455. Ўрмонларнинг ҳолати ва уларни такрорий кўпайтиришга таъсир этадиган объектлар қуриш тартиби қандай амалга оширилади?

Ўрмонларнинг ҳолатига ва уларни такрорий кўпайтиришга таъсир этадиган янги ва қайта тикланаётган корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш ва ишга тушириш, шунингдек, янги технологияларни жорий этиш ўрмонларни муҳофаза қилиш ва такрорий кўпайтириш тadbирлари таъминланган ҳолда амалга оширилади.

Ўрмонларнинг ҳолатига ва уларни такрорий кўпайтиришга таъсир этадиган корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, шунингдек, навли дарахтларни кесиш зарурлиги қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда мажбурий давлат экологик экспертизасидан ўтказилиб давлат ўрмон хўжалиги органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишилади. (38-модда)

456. Қандай ҳолларда ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш, тўхтатиб қўйиш ёки тақиқлаш мумкин?

Ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талаблари бузилган тақдирда, шунингдек, ўрмонларни ва бошқа табиий объектларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш ва такрорий кўпайтириш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чекланиши, тўхтатилиши ёки тақиқланиши мумкин.

457. Ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан оқилона фойдаланиш ва уларни такрорий кўпайтиришни молиялаштириш масаласи ҳам қонунчиликда кўрсатилганми?

Бу масала «Ўрмон тўғрисида»ги қонуннинг 41-моддасида рўй-рост айtilган. Унга кўра:

ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан оқилона фойдаланиш ва уларни такрорий кўпайтиришни молиялаштириш давлат бюджети маблағлари ва бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан оқилона фойдаланиш ва уларни такрорий кўпайтиришни иқтисодий рағбатлантириш тадбирларини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. ----

458. Ўрмон қонунчилигидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш ва қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик масаласи қандай ҳал этилган?

Ўрмонларни қўриқлаш ва улардан фойдаланиш масалаларига оид низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

«Ўрмон тўғрисида»ги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. (42, 43-моддалар)

459. «Ўрмон тўғрисида»ги қонун ҳужжатларини бузганлик учун интизомий жазо қандай қўлланилади?

Интизомий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси «Меҳнат кодекси»нинг 181-моддасига асосан:

Ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи қуйидаги интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли:

- 1) ҳайфсан;
- 2) ўртача ойлик иш ҳақининг йигирма фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима.

Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг қирқ фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Ходимнинг иш ҳақидан жарима ушлаб қолиш ушбу Кодекснинг 164-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда иш берувчи томонидан амалга оширилади;

3) меҳнат шартномасини бекор қилиш (100-модда иккинчи қисмининг 3 ва 4-бандлари)

ушбу моддада назарда тутилмаган интизомий жазо чораларини қўлланиш тақиқланади.

460. «Ўрмон тўғрисида»ги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик мавжудми?

Ушбу муаммо Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси»га асосан амалга оширилади.

Мазкур кодексда ўрмон билан боғлиқ 5 та ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик кўрсатилган.

1. Кесиладиган ўрмон фондидан фойдаланиш тартибини бузганлик учун:

Кесиладиган ўрмон фондидан фойдаланиш, ёғоч тайёрлаш ва ташиб олиб кетиш тартибини, шунингдек, ўрмон кесиш чиптаси (ордери)да ёки ўрмон чиптасида белгиланган бошқа талабларни бузиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. (ЎзР. МЖКнинг 78-моддаси)

2. Дарахтлар, буталар, бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳолларни ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилганлик учун:

Дарахтлар, буталарни, бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳолларни ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилиш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч барава-

ридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. (ЎзР МЖКнинг 79-моддаси).

3. Ўрмонларни тиклаш, уларнинг ҳолатини ва тури таркибини яхшилашга, уларнинг маҳсулдорлигини оширишга, шунингдек, етилган ёғоч захираларидан фойдаланишга оид қоидалар ва йўриқномаларни бузиш — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. (ЎзР МЖКнинг 80-моддаси).

4. Ўрмон учун фойдали фаунани йўқ қилиб юборганлик учун:

Ўрмон учун фойдали фаунани йўқ қилиб юбориш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. (ЎзР МЖКнинг 83-моддаси).

5. Ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги талабларини бузганлик учун:

Ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги талабларини бузиш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (ЎзР МЖКнинг 84-моддаси).

461. «Ўрмон тўғрисида»ги қонун ва талабларни бузганлик учун жиноий жавобгарлик ҳам кўрсатилганми?

Ўзбекистон Республикаси «Жиноят кодекси»нинг 198-моддасида, экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикает етказиш ёки уларни нобуд қилганлик учун жиноий жавобгарлик кўрсатилган. Унга кўра:

оловга эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиш натижасида экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга ши-

каст етказиш ёки уларни нобуд қилиш ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишларини ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларни қонунга хилоф равишда кесиш кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч ойдан олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга қасддан шикаст етказиш, уларни пайхон қилиш, нобуд қилиш кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

МУНДАРИЖА

1. Ўзбекистонда экологик аҳвол	5
2. Табиатни муҳофаза қилиш — барчанинг иши	27
3. Сув ва сувдан фойдаланишнинг ҳуқуқий тартиби	63
4. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ҳуқуқий тартиби	112
5. Ер ости бойликларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш	132
6. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг аҳамияти	151
7. Ҳайвонот дунёси ва унинг ҳуқуқий муҳофазаси	166
8. Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш	179
9. Давлат ер кадастри ва унинг ҳуқуқий асослари	192
10. Ердан оқилона фойдаланиш ва уни ҳуқуқий муҳофаза қилиш	204
11. Ер солиғи	281
12. Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш тартиби	303
13. Экология солиғи	313
14. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқлар	318
15. Ўрмон — бу экология	325

Ўзбек тилида

Жума ХОЛМУМИНОВ

ЭКОЛОГИЯ ВА ҚОНУН

Муҳаррир: *Шарофат Искандар қизи*

Мусаввир: *Зиёд Абдурасулов*

Техник муҳаррир: *Азимжон Раҳимов*

Босмахонага 15.10.1999 йилда берилди. Босишга 10.12.1999 йилда рухсат этилди. Қоғоз бичими $84 \times 108^{1/32}$. Босма табағи 11,0. Нашриёт ҳисоб табағи 19,8. Шартли босма табағи 18,48. Буюртма 4639. Адади 5000. Нархи шартнома асосида.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Адолат» нашриёти,
700047, Тошкент, Сайилгоҳ кўчаси 5.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
700083, Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.**

Азиз китобхон, огоҳ бўлинг!

«Адолат» нашриёти қуйидаги китобларни босмадан чиқарди:

Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий.
«Сунани Термизий».

«Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи». Дарслик. 2-қисм.

«Ўзбекистоннинг янги қонунлари»,
21-сон.

«Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси» /қайта тўлдирилган нашри/.